

СҮЗ БОШИ

Қурилиш конструкциялари фани муҳандисни шакллантирадиган фанлардан бири бўлиб, унинг асосларини чукур ўзлаштирмоқ ҳар қандай бинокор учун зарурдир.

Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш назарияси техника фанлари соҳаларидан бири бўлиб, тежамкор ва мустаҳкам элементлар яратиш устида иш олиб боради.

Мустаҳкамлик, бикирлик ҳамда кўпга чидамлилик қурилиш конструкцияларига кўйиладиган асосий талаблардир. Бинокор конструкциянинг шундай ечимини топиши керакки, бунда конструкция ҳам юқоридаги талабларга жавоб берсин, ҳам тежамли бўлсин. Бу эса масалани самарали лойиҳалаш муаммосига олиб келади. Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш назарияси татбиқий фан бўлганлиги сабабли механика, математика, материаллар қаршилиги сингари асосий табиий фанларнинг қонун–қоидаларига асосланади.

Қурилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳозирги замон капитал қурилишининг асосини қурилиш конструкциялари ташкил этади. Демак, бинокорлар олдида қурилиш конструкцияларининг техник–иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш, буюмларнинг таннархини арzonлаштиришдек муҳим вазифа турибди. Бу вазифани ижобий ҳал этиш учун қурилиш конструкцияларига дахлдор бўлган назарий ва амалий билимларни чукур ўрганиш талаб этилади.

Дарслик олти қисмдан иборат бўлиб: Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг конун коидалари; Металл конструкциялар; Ёғоч конструкциялар; Темирбетон конструкциялар; Тош ва армотош конструкциялар; Замин ва пойдеворлар конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашни назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олган бўлиб, унда конструкцияларини лойиҳалаш асослари, юклар ва таъсирлар, конструкцияларини чегаравий холатлар бўйича ҳисоблаш усуллари ёритилган.

Мазкур дарслик, “Қурилиш конструкциялари” фанини ўрганишдан максад-бўлажак мутахассис қурилиш амалиётида металл, темирбетон, тош-фишт, ёғоч конструкцияларининг кулланилишига доир билимларни эгаллаши, уларни ҳисоблаш ва конструкциялашни ўрганиши, турли хилдаги конструкциялар, бино ва иншоотларнинг техник холатини текшириш ва баҳолай олиши, юқ кутарувчи элементларни замонавий ва келажакда учрайдиган конструктив хиллари билан таништиради ва улардаги ҳосил бўладиган кучланганлик ҳолатини аниқлашни ўргатади. Элементларда юклар энг ноқулай биргаликда таъсир этишлигидан ҳосил бўладиган ҳисобий кучни аниқлашни ва шунга мос самарали кесим юзани танлашни ўргатади.

Назарий мавзулар янада тушунарли бўлиши учун дарсликда мисол ва масалалар ечишга кенг ўрин берилган ва шуларга тегишли бўлган расм, жадвал ва схемалар келтирилган.

Мазкур дарсликни 2, 3, 4, 5, 6, 7, – боблари Қ.А.Сайдуллаев, 11, 12, 13, 14,– боблари Ш.Р. Низомов, сўз боши, кириш 1, 8, 9, 10,15,16,17,18,19,20,21-боблар С.А. Йосупходжаев томонидан ёзилди.

Муаллиф китоб сифатини яхшилашга хизмат қилган қимматли фикрлари учун тақризчилар т.ф.н. проф. П.Т.Мирзаев хамда т.ф.н.доц. Ш.Шожалиловга ўзининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этади.

Дарсликнинг нашр сифатини яхшилаш юзасидан билдириладиган барча фикр – мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қиласди.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	
1- қисм 1-боб.	Курилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш тартиби	
1.1.	Курилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг мақсади ва вазифаси	
1.2.	Курилиш конструкциялари қўйилган талаблар	
1.3.	Юклар ва таъсирлар	
1.4.	Курилиш конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш	
2- қисм 2-боб.	Металл конструкциялари Металл конструкцияларининг хоссалари	
2.1.	Металл конструкцияларни қисқача ривожланиш тарихи	
2.2.	Металл конструкциялар ишлатиладиган соҳалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	
2.3.	Лойиҳалаштиришнинг ташқилий шакли	
2.4.	Металларнинг асосий хусусиятлари	
2.5.	Пўлатнинг статик юк остида ишлаши	
2.6.	Пўлат сортаменти	
3-боб.	Металл конструкциялари ҳисоблаш асослари	
3.1.	Чўзилишга ишлайдиган элементларни ҳисоблаш	
3.2.	Марказий сиқилган элементларни ҳисоблаш	
3.3.	Эгилишга ишлайдиган элементларни ҳисоблаш	
4-боб.	Металл конструкцияларнинг бирикмалари	
4.1.	Пайвандлаш усуллари ҳақида қисқача маълумот	
4.2.	Пайванд бирикмаларнинг турлари	
4.3.	Пайванд бирикмаларни ҳисоблаш	

4.4.	Болтли ва парчин михли бирикмалар	
4.5.	Болтли бирикмаларни ҳисоблаш	
5-боб.	Металл тўсинлар	
5.1.	Металл тўсинли конструкциялар	
5.2.	Тўшамани ҳисоби	
5.3.	Прокат тўсинларни ҳисоблаш тартиби	
5.4.	Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинларнинг ҳисоби	
5.5.	Тўсинларнинг умумий турғунлиги	
5.6.	Тўсин элементларининг (токчасини) маҳаллий турғунлиги	
5.7.	Тўсин деворчасининг маҳаллий турғунлиги	
5.8.	Тўсин деворчаси билан токчаларини бирга ишлашини таъминлаш	
5.9.	Тўсин элементларининг маҳаллий устиворлиги	
6-боб.	Металл устунлар	
6.1.	Устунларни асосий ўрта қисми - стержень	
6.2.	Устунларнинг бош қисмлари	
6.3.	Устунларнинг асослари	
7-боб.	Металл фермалар	
7.1.	Фермаларни турлари	
7.2.	Ферма элементларида ҳосил бўладиган ҳисобий кучни аниқлаш	
7.3.	Ферма тугунларини ҳисоблаш	
3 - қисм	Темирбетон конструкциялари	
8-боб.	Бетон ва арматуранинг физик-механиқ хоссалари	
8.1.	Темирбетон конструкциялар хакида умумий маълумотлар	
8.2.	Бетоннинг физик-механиқ хоссалари	
8.3.	Арматуранинг физик-механиқ хоссалари	
9-боб.	Темирбетон конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули	

	бўйича ҳисоблаш	
9.1.	Бетон ва арматуранинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари.	
9.2.	Темирбетон конструкцияларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг уч боскичи	
9.3.	Чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашнинг асосий қоидалари.	
10-боб.	Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкциялари	
10.1.	Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг мохияти ва афзалликлари .	
10.2	Таранглашган усуллари	
10.3	Олдиндан зўриқтирилган темирбетон элементлардаги кучланишларни йўқотилиши	
11-боб.	Эгилувчи темирбетон элементларини ҳисоблаш асослари	
11.1.	Эгилувчи темирбетон элементларини лойиҳалашнинг ўзига хос–хусусиятлари.	
11.2.	Эгилувчи элементлар мустақамлигини нормал кесимлар бўйича ҳисоблаш.	
11.3.	Эгилишга ишловчи темирбетон элементларни оғма кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш	
12-боб.	Сиқилувчи темирбетон элементларини ҳисоблаш асослари	
12.1	Сиқилувчи темирбетон элементларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари	
12.2	Сиқилган темирбетон элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш. (Тасодифий елкали)	
12.3.	Номарказий сиқилган темирбетон элементларни ҳисоблаш	
13-боб.	Чўзилган темирбетон элементларини ҳисоблаш асослари	
13.1.	Чўзилувчи темирбетон элементлар тугрисида умумий маълумотлар	

13.2.	Марказий чўзилувчи темирбетон элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш	
13.3.	Номарказий чўзилувчи темирбетон элементларини ҳисоблаш	
4 - қисм	Тош ва армотош конструкциялар	
14-боб	Тош-фишт конструкциялар	
14.1.	Тош-фишт конструкцияларни қисқача ривожланиш тарихи	
14.2.	Тош-фишт конструкциялар учун ишлатиладиган материаллар	
14.3	Тош-фишт конструкциялар ҳисоблаш	
14.4.	Армотош конструкцияларнинг ўзига хос конструктив хоссалари ва уларнинг ҳисоби	
5 - қисм	Ёғоч конструкциялар	
15-боб	Ёғоч ларнинг физик-механиқ хоссалари	
15.1.	Ёғоч конструкциялар хакида умумий маълумотлар	
15.2.	Ёғоч конструкция материалларининг физик –механик хоссалари	
16-боб.	Ёғоч конструкцияларни ҳисоблаш асослари	
16.1.	Ёғоч элементларнинг марказий чўзилиш ва сиқилишга, номарказий сиқилишга ҳисоби	
16.2.	Эгилувчи элементларини ҳисоби	
17- боб.	Ёғоч конструкцияларнинг бирикмалари	
17.1.	Ёғоч конструкциялар бирикмаларининг турлари.	
17.2.	Бевосита ва уйиб бириктириш	
17.3.	Елимли ва нагелли бирикмалар	
18-боб.	Ёғоч конструкциялар	
18.1.	Ёғоч тўсиқ конструкциялар	
18.2	Ёғоч тўсинлар	
18.3.	Ёғоч рамалар, равоқлар ва фермалар	

6 -қисм	Замин ва пойдеворлар	
19-боб.		
19.	Замин ва пойдеворларни ҳисоблаш асослари	
19.1.	Заминларни юк күтариш қобилияти буйча ҳисоблаш	
19.2.	Пойдеворлар турлари.	
20-боб.	Табий заминда саёз жойлашган пойдеворлар	
20.1.	Саёз жойлашган пойдеворларни лойхалаш қоидалари	
20.2.	Марказий юк тасиридаги бикир пойдеворларни таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш	
20.3	Номарказий юкланган пойдеворларни ҳисоблаш	
20.4	Эгилишга ишлайдиган пойдеворларни ҳисоблаш асослари	
21-боб.	Зилзилабардош заминларни ҳисоблаш ва лойихалаш	
21.1	Зилзилабардош заминларнинг ҳисоблаш ва лойихалаш асослари	
21.2.	Қурилиш майдонининг зилзилабардошлиги	
21.3.	Заминларнинг зилзилабардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар	
	Адабиётлар	

Кириш

Курилиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш ҳозирги кунда таълим мазмунини ташкил қиласди. Чунки, таълим муассасасида олинган илм келажакда мутахассиснинг салоҳиятини ва келажакда жамиятдаги ўринини белгилайди.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг талаблариiga жавоб берадиган бино ва иншоотларни лойихалаш талаб этилади. Бунинг учун бинокор қурувчи кадрлар етарли билим савиясига эга бўлишлари лозим.

Бугунги кунда, бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Шаҳар-у, қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарали бўлиб, кенг ва равон йўллар, замонавий кўприклар, юксак меъморий ечимга эга маҳобатли иншоот ва иморатлар, шинам уй-жойлар, миллий қадриятимизни ўзида мужассам этган кошоналарда ўз ифодасини топаётир. Бу халқимиз турмуш тарзи, хаёти ва яшаш шароити тубдан ўзгараётганидан ҳам далолатдир.

Юқоридаги сўзларнинг исботи сифатида, бугунги кунда олиб борилаётган катта кўламдаги қурилиш ишларини кўрсатиш мумкин. Шундай ишлардан бири, бу Тошкент Метрополитенининг янги линияларининг қурилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги “Тошкент метрополитени Юнусобод линиясининг иккинчи босқичи қурилишини амалга ошириш ҳақида”ги ПП-2663-сонли ва 2016 йил 29 ноябрдаги “Тошкент метрополитени Сергели йўналиши қурилиши лойихасини амалга ошириш тўғрисида”ги ПП-2664-сонли қарорларига асосан Тошкент метрополитени Юнусобод линиясининг иккинчи босқичи ва Сергели линиясининг қуриш ишлари олиб борилмоқда. Юнусобод линиясининг иккинчи босқичи ер остида қуриш режалаштирилган бўлиб, узунлиги 2,93 кмни ташкил этади. Иншоотни асосан йиғма

ва монолит темирбетон конструкциялардан қуриш режалаштирилган. Сергели линияси эса, ер устида бунёд этилиб, узунлиги 7,1 км ва баландлиги 4-6 метр бўлган темирбетон эстекада кўринишида қурилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 28 июлдаги “Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 559-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳрининг марказий қисмида “Тошкент-ситӣ” ҳалқаро бизнес маркази ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур бизнес марказда 12 қаватдан кам бўлмаган турар-жой бинолари ва 40 қаватдан кам бўлмаган маъмурӣ бинолар, бизнес марказлар, меҳмонхона ва конференция заллари қуриш назарда тутилган.



“Тошкент ситӣ” ҳалқаро бизнес марказ концепцияси

Юқоридагиларни инобатга олиб, архитектура ва қурилиш соҳасида етук кадрларни тайёрлаш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири деган

хулосага келиш мумкин. Кадрлар тайёрлашда эса, яратилаётган дарслик ва ўқув кўлланмалари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур дарсликнинг мақсади ўқувчига қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш усуллари ва лойихалаш асосларини ўргатишдан иборатdir.

Дарслик 6 қисмдан иборат: Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойихалаш тартиби; Металл конструкциялари; Ёғоч конструкциялари; Темирбетон конструкциялари; Тош ва арматош конструкциялари; Замин ва пойдеворлар.

Давлат таълим стандартларида ўқувчиларда мустақил ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Шуни эътиборга олиб, дарсликда конструкцияларни ҳисоблашда назарий билимлар талабаларга янада тушунарлироқ бўлиши учун мисоллар ечими билан кўрсатиб берилган. Шу билан бирга дарсликда расм, жадвал, хисобий тарх ва графиклар келтирилган. Бунда конструкциянинг юк кўтариш қобилиятини аниқлаш, янги конструктив ечимларни ишлаб чиқиша, сейсмик худудларда биноларнинг умрбоқийлигини таъминлаш ҳамда конструкцияларнинг ташқи омилларга бўлган таъсири ўрганилади.

Мустаҳкамлик, бикирлик ҳамда қўпга чидамлилик қурилиш конструкцияларига кўйиладиган асосий талаблардир. Бинокор – қурувчи конструкциянинг шундай ечимини топиши керакки, бунда конструкция ҳам юқоридаги талабларга жавоб берсин, ҳам тежамли бўлсин. Бу эса масалани оптималь лойихалаш муаммосига олиб келади.

Китобда бирликларнинг Халқаро тизими (СИ) дан ҳамда СТ СЭВ 1565-79 нинг ва ИСО 3898 рақамли “Белгилар ва асосий рамзлар” Халқаро стандартларнинг янги тизимидан фойдаланилди.

Дарсликнинг сифатини яхшилаш юзасидан билдириладиган барча фикр-мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қиласи.

1-Қисм. 1-боб. Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш тартиби

1.1. Конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг мақсади ва вазифаси

Қурилиш конструкциялари лойиҳалаш деб, уларнинг статик (ёки динамик) кучларга, элементнинг кесим юзасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш тушунилади.

Умуман қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш икки босқичдан иборат:

1. Элементлардаги кучланишни аниқлаш ва бу кучланиш асосида кесим юзасини топиш;
2. Конструкцияни эгилишини меъёридан ошмаслигини текшириш.

Лойиҳаланган конструкцияларнинг самарадорлиги уларнинг техник - иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ишлаш жараёнида мавжуд фойдаланиш талабларига мослиги даражасига қараб баҳоланади.

Бетон қурилиш материаллари ичида энг кўп қўлланилади. Бетон нархи бошқа материалларга нисбатан анча арzon. Зеро унинг механиқ хусусияти пўлатникига қараганда анча фарқ қиласди. Бундай ҳолатда бетонга teng келадиган материал йўқ. Унинг таркибига ҳамма ерда мавжуд бўлган материаллар киради. Яна бир маъкул бўлган томони шундан иборатки, бетон мустаҳкамлиги йилдан йилга ортиб боради. Бу хусусият темирбетон конструкциялари узоқ даврга чидамли эканлигини кўрсатади. Бетоннинг архитектура ва конструктив имкониятлари хақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳисоблашнинг асосий мақсади, темирбетон конструкциялари юк остида ишлаганда уларни энг тежамли ўлчамларини танлаш ва шу билан бирга хавфсизлик, ишончлилик ва узоққачидамлилик талабларига жавоб беришига эришишdir.

Ҳисоблашнинг асосий вазифасига ташқи юк таъсиридан конструкция элементларида ҳосил бўладиган зўриқишлиарни аниқлаш, талаб этилган кесим юзалар, арматуралар миқдорини ҳамда конструкция ишчи чизмаларини тайёрлашдаги зарур маълумотларни аниқлаш киради. Конструкцияни ҳисоблаш қурилиш меъёrlари талаблари асосида амалга оширилади. Қурилиш меъёrlари ва қоидалари - ҚМҚ қурилиш конструкциялари назариясининг амалий натижаси

хисобланиб ва у конструкцияларни лойиҳалашда, қуришда ва фойдаланишда эришилган ютуқларни ўзида акс эттиради. Элементнинг нормал кесим юзасини самарали шакли ва ўлчамларини, бетоннинг оптимал синфини, ишчи арматуранинг синфи, кесим юзасини ва элементни ёрилишга бардошига ва бикирлигини хисобга оладиган кесим юзаси ҳисобий кесим юзаси дейилади. Конструкция деб, элемент қисмларини бирлаштириш тушунилади. Конструкциялаш эса, биноларни конструктив хал этиш, уларнинг элементларидан ишчи, монтаж арматурасини жойлашни самарали схемасини белгилаш, опалобка ва арматура конструкция узеллари ва элементлари чизмаларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Конструкцияларнинг лойиҳалаш, кесим юзаси хақидаги маълумотлар асосида, меъёр талабларни хисобга олган холда бино ва иноотни қуриш ва ишлатиш жараёнида мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикирлигини таъминлайдиган ҳисобий кучни аниқлашдан иборат бўлиш керак.

1.2 Қурилиш конструкцияларига қўйиладиган талаблар

Қурилиш конструкциялари уларга қўйиладиган функционал, техник, иктисодий, эстетик ва бошқа талабларни хисобга олган холда лойиҳаланади.

Функционал талабларга кўра хар бир конструкция қандай мақсадга мўлжалланган бўлса, шунга мос бўлиши ҳамда бино ёки иншоотда бажарилаётган технологик жараёнларнинг қулай ва хавфсиз бўлишини таъминлаши лозим.

Техник талаблар конструкциянинг зарур мустаҳкамлиги, бикирлиги ва узоқка чидашини таъминлашга каратилади.

Қурилиш конструкцияларига қўйиладиган муҳим талабларга тайёрлаш ва ишлатишдаги тежамлилиги, индустрialiлиги ва технологиябоплиги киради.

Заводларда тайёрланган элементлардан иборат йиғма конструкциялар бу талабларни тўлиқ каноатлантиради.

Иқтисодий талаблар конструкция материали, унинг типи (масалан, фермалар ёки тўсинлар) ва асосий ўлчамлари (масалан, тўсин баландлиги) ни танлашга катта таъсир кўрсатади.

Конструктив ечимлар, конструкцияларни муайян шарт-шароитларда ишлатишнинг техник-иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқлигига асосланган холда, материал ва энергия сарфини, шунингдек, сермехнатлигини ҳамда қурилиш объективининг нархини максимал даражада камайтиришни ҳисобга олган холда танланган бўлиши керак. Бунга қуйидагиларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

- самарали қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланиш;
- конструкцияларнинг массасини камайтириш;
- материалларнинг физик-механиқ хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- махаллий қурилиш материалларини ишлатиш;
- асосий қурилиш материалларини тежамкорлик билан сарф қилишга оид тегишли талабларга риоя қилиш.

Лойиҳалашда ечимларнинг бир неча вариантлари тузилиб, уларда конструкцияларни тайёрлаш ва қуришдаги материаллар, энергия, меҳнат сарфи, қурилиш нархи ва муддатларига оид кўрсаткичлар аниқланади; конструкциянинг меъморий куркамлиги ҳам эътиборга олинади. Вариантларни таққослаш орқали энг мақбул ечим танлаб олинади.

Конструкцияларнинг тежамлилиги уларга қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳисобланади. **Тежамлилик** - материаллар сарфи ва таннархи, конструкцияларни тайёрлаш, қурилиш майдонига ташиб келтириш, монтаж қилиш ва улардан фойдаланишдаги харажатларга боғлиқ бўлади.

Материал сарфи жихатидан энг афзал конструкция тенг мустаҳкамликдаги конструкция ҳисобланади. Бундай конструкциядаги барча кесимлар унга ишлатиладиган материалларнинг физик-механиқ хоссаларидан тўлиқ фойдаланиш шарти билан танланган бўлади (тенг мустаҳкамликка эга бўлмаган

конструкцияларда баъзи йирик элементларнинг мустаҳкамлигидан тўлиқ фойдаланилмайди).

Конструкция унга таъсир этадиган кучларга ҳисобланган бўлиши керак. Ташки юклар, таянчларнинг силжиши, хароратнинг ўзгариши, киришишлар ва бошқа шунга ўхшаш ходисалар конструкцияларга таъсир этадиган кучларга киради.

Бино ва иншоотларни лойихалашда конструктив схемалар тузиш керак. Бундай схемалар бино ва иншоотнинг ҳамма қисмларида, уни қуриш ва фойдаланишнинг барча босқичларида конструкцияларнинг зарурий мустаҳкамлиги, устиворлигини таъминлаши лозим. Лойихаларда конструкцияларнинг узоқча чидамлилигини таъминлашга қаратилган тадбирларни кўзда тутиш совуқбардош ва ўтга чидамли, коррозиябардош материалларни танлаш, уларни чиришдан химоя қилишга доир чоралар кўриш керак.

1.3. Юклар ва таъсирлар

Таъсир этиш вақтига қараб юклар доимий ва вақтинча бўлиши мумкин, вақтинча юк узоқ муддатли, қисқа муддатли ва маҳсус бўлиши мумкин.

Доимий таъсир этадиган юкларга қуйидагилар киради:

- а) иншоот қисмларининг вазни, юк кўтарувчи ва тўсувчи қурилиш конструкцияларининг вазнлари ҳам шунга киради;
- б) грунтларнинг оғирлиги ва босими (кўтарма, тўлдирма);
- в) конструкцияда олдиндан уйғотилган кучланишлардан ҳосил бўлган зўриқишлиар ва бошқалар.

Вақтинча узоқ муддат таъсир этадиган юкларга қуйидагилар киради:

- а) вақтинча хоналарни ажратадиган пардевор оғирлиги;
- б) қўзгалмас асбоб-ускуналар дастгоҳлар, аппаратлар, моторлар, идишлар, кувурлар, тасмали транспортёрлар, конвейерлар, қўзгалмас кўтарма машиналар, шунингдек асбоб-ускуналарни тўлдириб турувчи суюқлик ёки қаттиқ жисмларнинг вазни;

в) идишлар ёки қувурлардаги газ, суюқлик ва сочиувчан жисмларнинг босими;

г) омборхона, музхона, дон сақлайдиган, китоб сақлайдиган хоналар, архивлар ва шунга ўхшаш бинолар ёпмасига тахланадиган ёки жовонларга териб кўйиладиган буюмлар вазни;

д) стационар асбоб-ускуналардан тушадиган юклар;

Вақтинча қисқа муддатли юкларга қуидагилар киради:

а) асбоб-ускуналарни ишга тушириш ва тўхтатиш, синаш, кўчириш ёки алмаш-тириш чоғларида вужудга келадиган юклар;

б) одамлар ва ускуналарни таъмирлашда ишлатиладиган материаллар вазни;

в) уй-жой, жамоат, қишлоқ хўжалиги биноларининг ёпмаларига одамлар ва асбоб-ускуналардан тушадиган юклар;

г) қўзғалувчи кўтарма-тельфер воситаларидан тушадиган юклар

д) қор юклари;

е) ҳарорат иқлим таъсири;

ж) шамол юклари;

Махсус юкларга қуидагилар киради:

а) сейсмик таъсирлар;

б) портлаш таъсирлари;

в) технологик жараённинг кескин ўзгариши, ускуналарнинг вақтинча ишдан чиқиши ёки синиши натижасида вужудга келадиган юклар;

г) грунт структурасини кескин ўзгариши (чўкувчан грунтлар намланганда) ёки тоғ конлари худудида чўкиш натижасида заминда пайдо бўлган деформациялардан келиб чиқсан таъсирлар.

Юклар жамламаси

Одатда иншоотга бир неча хил юклар биргаликда таъсир этади, лекин ҳамма мавжуд юкларнинг конструкцияга бир вақтнинг ўзида таъсир этиш эҳтимоли кам.

Шунинг учун конструкция ва заминларни чегаравий ҳолатларнинг биринчи ва иккинчи гурухлари бўйича ҳисоблашда юклар ва тегишли зўриқишиларнинг энг нобоп жамламалари (сочетание) эътиборга олиниши зарур.

Бу жамламалар конструкция ёки заминга бир вақтнинг ўзида вақтинчали юклар кўйилишининг турли схемалари пайдо бўлиши имкониятларини эътиборга олган ҳолда турли юкларни ҳар хил вариантларда таъсир этишини ёки баъзи юкларнинг мавжуд эмасигини кўриб чиқиш йўли билан белгиланади.

Ҳисобга олинадиган юклар таркибиغا қараб жамламалар қуидаги хилларга бўлинади:

- а) доимий, узок муддатли ва қисқа муддатли юклардан ташқил топган асосий жамламалар;
- б) доимий узок муддатли, қисқа муддатли ҳамда маҳсус юкларнинг биридан ташқил топган маҳсус жамламалар.

Икки хил меъёрий қийматга эга бўлган вақтинчали юкларни жамлама таркибиغا киритишида унинг кичик меъёрий қиймати узок муддатли юк, катта меъёрий қиймати эса – қисқа муддатли юк сифатида қаралади тўлиқ меъёрий қийматини ҳисобга олишда. Агар жамламалар таркибига доимий ва камида иккита мувакқат юк кирса, вақтинча юкларнинг ҳисобий қийматлари қуидаги жамлама коэффициентларига кўпайтирилади: асосий жамламаларда узок муддатли юклар учун $\Psi_1=0,95$; қисқа муддатли юклар учун $\Psi_2=0,9$;

Маҳсус жамламаларда узок муддатли юклар учун $\Psi_1=0,95$; қисқа муддатли юклар учун $\Psi_2=0,8$.

Асосий жамлама таркиби доимий юк ва битта мувакқат (узок ёки қисқа муддатли) юқдан ташқил топса, ψ_1 , ψ_2 коэффициентларига кўпайтирилмайди.

Эслатма: Асосий жамламалар таркиби учта ва ундан ортиқ қисқа муддатли юклардан ташқил топган бўлса, уларнинг ҳисобий қийматлари жамлама коэффициенти ψ_2 га кўпайтирилади; бунда коэффициентнинг қиймати (аҳамиятига

кўра) биринчи қисқа муддатли юк учун – 1,0, иккинчиси учун – 0,8, қолганлари учун – 0,6 олинади.

Биргаликда таъсир этиш эҳтимоллиги мавжуд варианларни таҳлил қилиб топилади. Асосан биргаликдаги юклар таъсирига доимий, вақтинча узоқ ва қисқа муддатли юклар киради. Махсус биргаликдаги юклар таъсирига доимий, вақтинча узоқ ва қисқа муддатли ва битта махсус юк киради.

Агар вақтинча таъсир этадиган юклар сони биттадан ортиқ бўлса, унда юклар қиймати $\Psi_1=0,95$ га биринчисини ва 0,9га иккинчисини кўпайтириш лозим, яъни асосан биргалик 0,95га, алоҳида биргалик эса 0,9га кўпайтирилади. Қисқа муддатли юклар мос равишда $\Psi_2=0,9$ га $\Psi_2=0,8$ га ва $\Psi_2=0,6$ га таъсир даражаси бўйича кўпайтирилади.

1.4. Қурилиш конструкцияларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш

Қурилиш конструкцияларни ҳисоблашдан мақсад кам миқдорда материал сарфлаб ташқи таъсир этаётган жами юкларга етарли даражада кўтариш қобилиятига эга бўлган, конструкцияларни яратиш. Қурилиш конструкцияларни 1955 йилдан бери чегаравий ҳолатлар услуби бўйича ҳисобланади.

Чегара ҳолатлари деганда конструкцияларнинг ишлатилиш жараёнида олдиндан белгиланган талабларга жавоб бермай қолиши тушунилади Қурилиш конструкцияларни бу услуг билан ҳисоблаганде икки гурухга бўлиб ҳисобланади. Биринчи гурух чегара ҳолатлар конструкцияни юк кўтариш қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ бўлиб ва уларга : шакл умумий устиворлигининг йўқолиши, вазият устиворлигининг йўқолиши, қурилма металлининг толиқиши ёки бошқа бирор характеристидаги бузилиш, юкларнинг ва ташқи муҳитнинг биргаликдаги ноқулай таъсири натижасида бузилиш, қурилмалардан фойдаланишни тўхтатишга олиб келадиган резонанс тебранишлар, металл материалнинг оқувчанлиги, бирикмалардаги силжишлар, дарзларнинг ҳаддан ташқари очилиши натижасида конструкциялардан фойдаланишнинг имконияти йўқлиги.

Иккинчи гурух чегара ҳолатлар конструкцияни нормал фойдаланиш қийинлашиб қолганлиги билан боғлиқ ва уларга йўл қўйиб бўлмайдиган силжишлар, тебранмалар, дарзлар пайдо бўлиши натижасида ишлаш муддатининг камайишига олиб келадиган ҳолатлар киради. Конструкцияларни чегара ҳолатларга ҳисоблаш, иншоотни қуриш ёки ундан фойдаланиш даврининг барча босқичларида чегара ҳолатлардан бирор-тасининг ҳам вужудга келмаслигини таъминлайди.

Биринчи гурух чегара ҳолатлари учун умумий шарт қуйидагича ёзилиши мумкин: $N \leq S$

N - ҳисобланаётган элементдаги юкларни ноқулай биргаликда таъсир этишидан ҳосил бўладиган куч,

S - ҳисобланаётган элементнинг юк кўтариш қобилияти.

Элементдаги ҳосил бўладиган кучни қуйидаги формула билан аниқлашимиз мумкин:

$$N = \sum F_{ni} \cdot \bar{N}_i \cdot \gamma_{fi} \cdot \gamma_n \cdot \psi \quad (1.1)$$

бу ерда:

\bar{N}_i - куч $F_{ni}=1$ га teng бўлгандаги элементда ҳосил бўладиган куч

γ_{fi} – юк бўйича ишончли коэффициент

γ_n – бино вазифасига кўра ишончлилик коэффициенти

Ψ - юкларнинг биргаликда таъсир этишини эътиборга оладиган коэффициент

Элементнинг юк кўтариш қобилиятини унинг юзасига ва материалнинг қаршилигига қараб аниқлаш мумкин:

$$S = A_n \cdot R_{yn} / \gamma_m \cdot \gamma_c = A_n \cdot R_y \cdot \gamma_c \quad (1.2)$$

Бу ерда: A_n – элемент кўндаланг кесимининг(нетто) юзаси;

R_{yn} – элемент материалининг оқувчанлиги бўйича ҳисобий қаршилиги;

γ_m –

γ_c – ишлаш шароитини эътиборга оловчи коэффициент.

Шундай қилиб биринчи гурух чегаравий ҳолати бўйича хисоблаш тенгламасини ёзамиш:

$$\sum F_{ni} \cdot \overline{N}_{fi} \cdot \gamma_n \cdot \psi \leq A_n \cdot R_y \cdot \gamma_c \quad (1.3)$$

Чегаравий ҳолатни иккинчи гурух бўйича ҳисоб ифодасини қуидагида ёзиш мумкин:

$$\sum F_{ni} \cdot \overline{N}_i \cdot \gamma_{fi} \cdot \gamma_n \cdot \psi \cdot \overline{\varepsilon}_2 \leq \varepsilon_2 \quad (1.4)$$

бу ерда:

$\overline{\varepsilon}_2$ - бирлик юк таъсирида элементдаги ҳосил бўладиган эластик деформация,

ε_2 - норма бўйича ўрнатилган конструкциянинг чегаравий деформацияси.

Конструкцияларни чегара ҳолатларга хисоблаш, биноларни қуриш ва фойдаланиш даврининг барча босқичларида чегара ҳолатларидан биронтасининг ҳам вужудга келмаслигини таъминлайди. Бунда материал хусусиятларининг ноқулай ўзгаришлари, юкларнинг ноқулай бирга таъсир этиш эхтимоли, фойдаланиш шароитлари ва конструкциялар ишлашининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинган бўлади. Бунинг учун хисоблашда қуидаги коэффициентлар киритилади: юк бўйича ишончлилик коэффициенти - γ_{fi} , юкларнинг бирга таъсир этиш эхтимоли коэффициенти - ψ , ишлаш шароити коэффициенти - γ_c , биноларнинг вазифасига кўра ишончлилик коэффициенти - γ_n .

Чегаравий ҳолатлар усулининг моҳияти

Темирбетон конструкцияларини хисоблашнинг бундай усули бузувчи зўриқишилар усулининг такомиллашган варианти хисобланади:

Мазкур усул бўйича хисобланган конструкциялар бир мунча тежамли бўлади.

Унинг асосини қуидагилар ташкил этади:

- конструкциянинг чегаравий ҳолати деган тушунчаси киритилди. Стандарт СЭВ384-74 кўра барча чегаравий ҳолатнинг икки гурухи белгиланди: биринчиси - юк кўтариш қобиляти, иккинчиси - нормал шароитда ишга яроқлилиги;

- кесим юзаларининг мустаҳкамлиги элементнинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг III босқичи бўйича амалга оширилади
- конструкциянинг нормал шароитда фойдаланишга яроқлилиги уни кучланиш - деформацияланиш ҳолатининг I ёки II босқичидан келиб чиқсан ҳолда бажарилади;
- заҳиравий умумий коэффициенти ўрнига юқ, материал ва ишлаш шароити бўйича ҳисобий ишончлилик коэффициентлари киритилди.

Чегаравий ҳолатнинг *биринчи гурухи* бўйича ҳисоб ишлари қўйидагиларни ўз ичига олади: мустаҳкамликка ҳисоблаш, конструкцияни бузилишдан сақлашини таъминловчи турғунликка ҳисоблаш, конструкция шаклини ўзгармаслигини таъминловчи ҳолат устиворликка ҳисоблаш (узунасига эгилиш ҳисоби); чидамлиликка ҳисоблаш ва чарчаш бузулишдан асрашга ҳисоблаш.

Иккинчи гурух бўйича чегаравий ҳолат ҳисоби қўйидагиларни ўз ичига олади: конструкцияда ёриқ ҳосил бўлиши бўйича ёки уларни очилиши бўйича ҳисоблаш; конструкцияни рухсат этилмаган силжишлардан асраш учун деформациялар бўйича ҳисоблаш.

Бунда чегаравий ҳолатларнинг биринчи гурухи бўйича ҳисоблаш муҳимроқ ҳисобланади, чунки у конструкция ҳаётини белгилайди. Шунинг учун чегаравий ҳолат биринчи гурухи бўйича ҳисоблаш барча конструкциялар учун шарт.

Темирбетон конструкциялари ҳисобий тизимида чегаравий ҳолатнинг иккинчи гурухи бўйича ҳисоблаш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу гурух чегаравий ҳолатнинг икки асосий йўналишини ўз ичига олади.

1. Темирбетон конструкциялари ёриқка чидамлилигига (ёриқбардошлилиги) текшириш
2. Деформацияга текшириш.

Ёриқ ҳосил бўлиши ва очилиши конструкцияларни нормал ҳолатда ишлашига хавф туғдиради: Бундай шароитда арматура занглайди, элементнинг ташки

кўриниши ўзгаради, натижада улар суюқлик ёки газни босим остида ўтказиб юборадиган бўлиб қолади.

Конструкциядан фойдаланишнинг мақсади ва шартига қараб, ёриқбардошлиги бўйича турли талаблар қўйилади, шунинг учун уларни ёриклар ҳосил бўлиши, ёпилиши ва очилиши бўйича ҳисоблаш лозим.

Конструкцияларни нормал кесимлар бўйича ёриқбардошлика ҳисоблашда қуидаги шарт бажарилиши керак

$$N_{\max}^n \leq N_{crc} \text{ ёки } M_{\max}^n \leq M_{crc} \quad (1.5)$$

яъни меъёрий куч таъсиридан ҳосил бўладиган энг катта меъёрий зўриқиши N_{\max}^n ёки эгувчи момент M_{\max}^n ёриқ пайдо қилувчи зўриқиши кучи N_{crc} ёки эгувчи момент M_{crc} дан катта бўлмаслиги керак.

Ёриклар очилишига ҳисоблашда, элементларнинг чўзилувчи арматура сатҳида пайдо бўладиган ёриклар кенглиги - a_{crc} ёриқбардошлилик тоифаларига мос ҳолда белгиланган ёриклар кенглигининг чекланган миқдори – $[a_{crc}]$ дан ортиб кетмаслиги керак

$$a_{crc} \leq [a_{crc}] \quad (1.6)$$

бу ерда: $[a_{crc}]$ - ёриклар кенглигининг чекланган миқдори.

Конструкцияларни деформацияга ҳисоблашда уларда ташқи юқдан ҳосил бўладиган солқилик - f , унинг чекланган миқдори f_u дан ортиб кетмаслиги таъминланиши зарур, яъни

$$f \leq [f_u] \quad (1.7)$$

Солқиланишнинг чекланган миқдори f_u [1] 1.2- жадвалда келтирилган.

Деформацияни чеклаш нима учун керак деган савол туриши табиий.

Деформацияни чеклаш зарурати қуидаги сабаблар туфайли вужудга келди:

- кўзга ташланадиган эгилишлар одам психикасига салбий таъсир этадиган ҳолларда;

- конструкциялар тебранганда одамларда ҳосил бўладиган ёмон ҳиссиёт уйғотадиган ҳолатларида;
- технологик ускунани нормал ишлаши учун шароитни бузилиши ва элементнинг деформацияси натижасида мураккаб конструкцияни зарарланиши ҳолатларида ва х. к.

Конструкцияларни ишлаш шароити ва йўналишини ҳисобга олиб, меъёрий хужжатларда деформациянинг чегаравий қиймати белгиланади ва уларни ҳисоблашда эътиборга олиш зарур деб белгилаб қўйилди.

Биринчи ёки иккинчи чегаравий ҳолатни вужудга келиши қўйидаги асосий омилларга боғлиқ:

- ташқи кучлар ва таъсирлар қийматига;
- бетон ва арматуранинг механиқ характеристикасига (вақтинча қаршилиги, оқиш чегараси);
- конструкцияларнинг ишлаш шароитига (тайёрлашдаги шароити, зарарли мухитда ишлаши ва х.к.).

Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олиш учун бир қатор коэффициентлар тизими ишлаб чиқилди.

Юкларнинг меъёрий микдорини ўзгариши ҳисоблашда:

- юк бўйича ишончлилик коэффициентлари - γ_f ;
- бетон ва арматуранинг механиқ тавсифини ўзгарувчанлиги бўйича ишончлилик коэффициентлари - γ_s , γ_s ;
- ишлаш шароити бўйича коэффициентлари - γ_{bi} ; γ_{si} ,
- конструкцияларни қандай мақсадларда (бино ва иншоотларни халқ хўжалигидаги аҳамиятига қараб) фойдаланилишига қараб, ишончлилик коэффициенти - γ_n орқали ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган коэффициентлар тизимини қўлланилишига сабаб, конструкцияларга энг нокулай вазиятларда юклар таъсир этганда ҳам материаллар

мустаҳкамлиги қиймати жуда кичик бўлганда ҳам конструкциялар мураккаб чегаравий ҳоллатга дуч келганда ҳам ишончлилигини таъминлай олади.

Маъruzani мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Курилиш конструкцияларини чегаравий ҳолатлар усулида ҳисоблашдан мақсад.
2. Чегаравий ҳолатлар деганда конструкциянинг қандай ҳолати тушинилади.
3. Курилиш конструкцияларини чегаравий ҳолатлар усулида ҳисоблаш тўғрисида маълумот беринг.
4. Курилиш конструкцияларини чегаравий ҳолатлар усулида ҳисоблашда ишлатиладиган коэффициентлар ва уларнинг вазифалари.

2-қисм. МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

2 – боб. Металл конструкцияларининг хоссалари

2.1. Металл конструкцияларни қисқача ривожланиш тарихи

Металл конструкцияларни ривожланишини тайёрлаш технологиясига ва уни қайси жойда ишлатилишига кўра беш даврга бўлишимиз мумкин.

1-давр 12-17 асрларни ўз ичига олади. Бу вақтларда металл қурилмаларни ноёб иншоотларни қурилишида (сарай, черков), масалан ғишт деворларни мустаҳкамлашда ва том конструкциясини тортиб қўйишида ишлатишган. Тортқичларни темирга ишлов бериб конструкциясини мослаштириб кесим юзасини квадрат шакли қилиб тайёрлашган. 1158 йилда Владимир шаҳрида қурилган Успенский собори, 1560 йили Москвада қурилган Покров собори бунга мисол бўла олади

2-давр 17 аср бошларидан 18 асрни охиригача қамраб олади. Бу давр металл қия тўсинларни ва черковларнинг фазовий бош гумбазлар конструкцияларини яратилиши билан боғланган. Кўтарувчи элементларни маҳсус шаклга келтириб бир-бирига боғланадиган қилиб, асосий қисмини кесим юзасини квадрат ёки тўғри тўтрбурчак шаклли қилиб тайёрлашган.

Мисол сифатида 1640 йилда катта Кремль сарайи томининг ёпилиши, 1603 йил қурилган Улуғ Иван қўнгироқхонаси ва 1805й. Санкт-Петербургдаги оралиғи 15м бўлган Қозон соборини гумбазларини синчларини келтиришимиз мумкин.

3-давр 18 асрдан 19 асрнинг ярмигача давом этиб келган. Бу давр чўян элементларини қўйиш ва улардан қурилмалар яратиш билан танилган.

Чўян элементларининг бир-бирига бириктирилиши, қулф ва болтли бирикма орқали бажарилган.

Бу қурилмалардан фойдаланиб 1725 йилда Уралдаги Невъян минорасининг томини ёпишган. 1784 йил Санкт-Петербургдаги чўян кўприги қурилган, саккиз оралиқли 33-47 м гача, дунёда энг катта чўян кўприкдир. 19 асрнинг 40 йилларида қурилган ноёб бино Исаак собор гумбази яратилишида маҳсус чўян элементларидан

фойдаланишган. 1827-32й. Санкт-Петербургдаги Александр театрининг томини ёпишда таянч оралиғи 30метр бўлган чўян равоқлардан фойдаланишган. Бу даврнинг охирларида фермалардан фойдаланиш бошланган. Фермаларнинг сиқилишга ишлаётган элементларини чўяндан, чўзилишга ишлаётган элементларни темирдан тайёрлашган.

4-давр 19 аср 30 йилларидан 20 асрнинг 20 йилларигача давом этган. Бу йиллар техниканинг ҳамма соҳаларни тез ривожланишини шу жумладан металлшунослик ва металлни қайта ишлаш соҳасида ҳам катта ривожланиши ўз ичига олади.

1856 йили Бессемер, 1864 йили Мартен ва 1878 йилда Томас пўлат қўиши усуллари ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши натижасида чўян конструкциялар ўрнига пўлат конструкцияларини ишлата бошланди, чунки пўлат материали сифатлироқ ва механиқ хусусиятлари яхшироқ бўлганлиги туфайли 40 йилларда пўлатли прокатли сортаменти ва варақсимон прокатнинг технологиялари ўзлаштирилиши натижасида металл конструкциялар ривожланишига ва уларни ноёб биноларда ишлатилишига катта имкониятлар яратди.

19 аср охирига келиб панжарасимон синчлар, ўрнига рама-равоқли синчлар ишлата бошланди. Эни кенгроқ бўлган биноларни қурилди. Буларга мисол қилиб, Петербургда (1884 йилда қурилган Сенний бозорни ва 1890 йили қурилган Гатчино вокзали), Москвада 1913-14 йилларда қурилган биноларни келтириш мумкин.

19 асрнинг иккинчи ярмида темир йўлларнинг қурилиши кенг тарқақий этди. Темир йўл кўприклари қурилиши билан кўприкларнинг қулай конструктив шакллари ҳам ривож топди. Кўприкларнинг жойлаштирилиши ва ҳисоблаш назарияси мукаммаллашди. Металл қурилмаларни лойиҳалашга, ҳисоблашга ва қурилиш услубларини ривожланишига рус олимларидан С.В.Кербедз, Н.А.Белелюбский, Л.Д.Прокуряковлар катта ҳисса қўшишган.

С.В.Кербедз (1810-1899й.й.) Россияда биринчи бўлиб панжарали фермаларни кўллаш билан темир йўл кўприкларини қурдирган, Петербургдаги чўян кўприкни ҳам Кербедз лойиҳалаштирган ва қурилишида иштирок этган.

Н.А.Белелюбский (1848-1922й.й.) кўприк қуриш бўйича мутахассис, биринчи бўлиб тиргакли фермани кўприк қурилишида қўллади. У прокат сортаментини ишлаб чиқди.

Л.Д.Проскуряков (1858-1926й.й.) кўприк фермаларига учбурчак ва ховон панжарасини қўллаш усулини киритди ва фермаларнинг қулай шаклининг назариясини ишлаб чиқди.

19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошларида металдан бўлган қурилишларни ривожланишига олимлардан Ф.С. Ясинский, В.Г.Шухов ва И.П.Прокофьев катта хисса қўшдилар.

Ф.С.Ясинский (1858-1899й.й.) биринчи бўлиб кўп оралиқли саноат биноларининг ички оралиқдаги устунларни металдан қилишни тавсия этди ва таянч оралиғи катта бўлган биноларни бўқланувчан ва равоқли конструкциялар билан ёпишни ишлаб чиқди. Устунларни номарказий таъсири этаётган кучга хисоблаш усулларини ривожлантириди ва хисоблашга аниқликлар киритди.

С.Г.Шухов (1853-1939й.й) биринчи бўлиб дунё миқёсида фазовий панжара конструкциялар орқали томларни ёпиш усулларини ва тарам-тарам юзали конструкциялар орқали турли хил минораларга ўхшаш қурилмаларни ишлаб чиқди ва уларнинг қурилишида иштирок этди. Янги конструктив резервуар шаклларини, уларни хисоблаш ва оқилона ўлчамларини топиш усулларни ишлаб чиқди.

И.П.Прокофьев (1877-1958й.й) олдинги тажрибаларни эътиборга олиб металл кўприкларини конструкциясини тайёрланиши ва йифилиши ҳақида китоб ёзди. Ўша давр бўйича ноёб кўприклар конструкцияларини ишлаб чиқди ва ўзи ҳам қурилишда иштирок этди.

5- давр 20-йиллардан бошлаб давом этиб келмоқда. Металшунослик 30-йилларда ривожланиши сабабли металл конструкцияларида мустаҳкамлироқ пўлатларни ишлатиш бошланди. Ҳар хил мустаҳкамликга эга бўлган пўлатларнинг тури кўпайиб кетди ва металл конструкцияларнинг конструктив шакллари ривож топди. Металл конструкцияларининг кенг ривожланишида лойиҳа, илмий ва ишлаб

чиқариш корхоналарининг хиссаси катта бўлди. Шулардан «Проектстальконструкция», «Промстройпроект» ва «ЦНИИСК»лар янги конструктив шаклларни яратиш ва уларни ҳисоблаш усулларини тавсия этиш билан шуғуланишади. «ВНИПИПромстальконструкция» лойихалаштириш ва йиғиш ишлари билан шуғулланади.

ВНИКТИСК металл конструкцияларини лойихалаш ва ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш бўйича изланишлар олиб борди.

30-йилларда металлшунослик ва машинасозлик ривожланиши билан жуда кўп саноат иншоотлари металл синчли (каркасли) қилиб қурила бошланди. Саноат бинолари қурилишида металл синчи асосий қисм бўлди ва уларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

50-70-йилларда металл конструкцияларнинг ривожланиш асослари ўзгармасдан ва уларнинг асоси – тежамкорлик, конструкцияларни яратиш технологияси оддий, йиғиш ишлар тез бажариладиган бўлиб, шу асосда металл конструкциялар ривож топди.

Шу қунда ноёб бўлган саноат бинолари оралиғи 120м краннинг юк кўтариш қобилияти 30т ва у фермага осилган ҳолатда ишлайдиган ва бинонинг баландлиги 57м хамда икки оралиқли саноат биноси кранларнинг юк кўтариш қобилияти 1200т ва 600т бўлган бинолар қурилмоқда.

Металл конструкцияларнинг янги оригинал шакллари яратилди, айниқса, ҳалқлараро кўргазма биноларни қурилишида 1958 йил Брюсселда 1967 йил Монреалда, ВДНХдаги космос павилиони, Лужникидаги спорт саройи ва 80-йилдаги олимпиядаги учун қурилган спорт иншоотлари қурилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

1980 - йилда ёзги олимпиядага таянч оралиғи катта бўлган ўзининг конструктив шакли билан бир - биридан тубдан фарқ қиласидиган бир неча ўзига хос спорт мажмуалари қурилди.

Конструктив шакли муқаммаланиши билан бирга металл конструкцияларни хисоблаш усули ҳам такомиллашди. 1955 йилгача қурилиш конструкциялари рухсат этилган кучланиш бўйича хисоблашар эди, 1955 йилдан қурилиш конструкцияларни чегаравий холат бўйича хисоблашга ўтишди. Ҳозирги қурилиш меъёр ва қоидаларида шу усул бўйича хисоблаш талаб этилади.

ЭХМ фойдаланилганда лойиҳалаш сифатини тубдан яхшилади ва тезлатади. Машинанинг ўзи автоматик равишда лойиҳани чизиб беради. 1920-2000 йиллар даврида металл конструкцияларнинг ривожланишига илмий тадқиқот лойиҳа институтлари ўзининг ижодий иши (САПР) билан қўп ҳисса қўшди. Металл қурилмалари ривожланишига олимлардан Н.С.Стрелецкий (1885-1967й.) Е.О.Патон (1870-1953й.), Н.П.Мельников ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Н.С.Стрелецкий ўз илмий фаолиятини қўприк қурувчилар давомчиси бўлиб бошлаган, кейинчалик қурилиш фани ва қурувчи муҳандисларни тайёрлашда жуда катта ҳисса қўшган ва биринчи бўлиб конструкцияларни статик ҳисоблаш усулини қўллаган, эластик чегарадан ўтган материалларнинг ишлаши тўғрисида тажриба ишларини олиб борган ва назарий асосида конструктив шаклнинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди. Е.О.Патон металл қўприк қурилиш соҳасига ўз ҳиссасини қўшган. Электрёй билан пайвандлаш усулини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига етказишда катта ҳисса қўшган. «ЦНИИПроектстальконструкция» институтига қўп йиллар мобайнида раҳбарлик қилган Н.П.Мельников металл конструкцияларни ривожлантиришга қўп ҳисса қўшди.

Назорат саволлари.

1. Металл конструкцияларнинг ривожланиши даври?
2. Металл конструкцияларини ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг хизматлари?
3. Илмий текшириш институтларнинг металл конструкцияларни ривожланишига қўшган ҳиссаси?

2.2 Металл конструкциялар ишлатиладиган соҳалар, ва уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари

Ҳозирги вактда металл конструкциялар турли хил бино ва иншоотларни қурилишида ишлатилади. Айниқса, таянч оралиғи катта бўлган биноларнинг том ёпма конструкцияларини барпо этишда, баланд иншоотлар қурилишида ва катта юк таъсир этаётган конструкцияларни бунёд этишда металл конструкцияларнинг аҳамияти каттадир.

2005 йил Ўзбекистон Республикасида 450000т пўлат эритилди, 108000т металл ишлаб чиқарилди. Конструктив шаклига ва ишлатилишига қараб металл конструкциялар 8 хил соҳаларда ишлатилади:

1. Саноат биноларини синчини яратилишида;
2. Таянч оралиғи катта бўлган биноларнинг том конструкцияларини яратишда (ангарлар, концерт ва спорт саройлари, гумбазлар, бозорлар);
3. Кўприк ва эстакадалар қурилишида;
4. Минора ва мачталар қурилишида (теле ва радио миноралар, нефть қазиб чиқариш ва сув хўжалиги бинолари ва иншоотлари);
5. Кўп қаватли биноларнинг синчини яратишда;
6. Варақсимон прокатидан йифилган газ ва суюқликларни сақлаш ҳамда тақсимлаш иншоотларини қуришда;
7. Кранларни ва бошқа турли хил ҳаракатланувчи асбоб ва ускунвларни кўтарувчи конструкцияларни яратилишида;
8. Бошқа мураккаб конструкцияларни қуришда.

Кўриб чиқилган металл конструкциялар ишлатиладиган соҳалари турли конструктив шакл ва тизимлардан иборатdir. Аммо турли хил конструкцияларни яратилиши асосан иккита омил билан боғик.

Биринчидан, турли хил конструкцияларни яратишида стандарт бўйича ишлаб чиқариладиган элементлардан, прокат сортаментидан фойдаланишади (қўштавр, швеллер, бурчаклик, варақсимон прокати).

Иккинчидан, металл конструкцияларнинг йиғиш технологияси бир хиллиги билан боғланган, совуқ ҳолатда болтлар ёки парчин михлар орқали ва қиздириб эритиш орқали электр ёйи билан элементларни бир-бирига пайвандлаш бажарилади.

Металл конструкцияларнинг ўзига хос бўлган афзалликлари.

1. Металл материали юқори мустаҳкамликка эга, сиқилишга ва чўзилишга бир хилда қаршилик кўрсатади. Уни бир жинслилиги қурилмаларда ишончли ишлашини таъминлайди ва ҳисобини онсонлаштирилади.

2. Металл конструкциялардан қурилган иншоотлар енгил бўлади. Ҳар қандай материалнинг қурилмага сарф бўлиш даражаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C = \rho / R_y, \quad \text{бунда} \quad (2.1)$$

ρ - материалнинг ҳажмий оғирлиги (зичлиги),

R_y – материалнинг ҳисобий қаршилиги.

«С» микдор қанча кичик бўлса, шунча конструкция енгил бўлади; пўлатлар учун $C=3,7+1,7 \cdot 10^{-4}$ 1/m; бетон учун $C=18,4 \cdot 10^{-4}$ 1/m; ёғоч учун $C=5,4 \cdot 10^{-4}$ 1/m.

3. Металл қурилмалар ишончли ҳисобланади. Пўлатнинг механиқ хусусиятлари унинг бир жинслилигига боғлиқ бўлиб, ҳисоб орқали ва амалда ишлаётган конструкциянинг кесим юзасида ҳосил бўлаётган кучланишлар бир хил бўлади.

4. Пўлатнинг зичлиги анча катта бўлгани туфайли ундан ясалган қурилмалар газ ва суюқликни ўтказмайди.

5. Металл қурилмалар саноатбоп бўлади, яъни улар асосан корхона шароитида тайёрланиб, қурилиш жойида механизмлар ёрдамида йифилади.

6. Металл конструкциялар экология талаблариги жавоб беради. Чунки металл конструкциялардан тайёрланган биноларни хизмати тугагандан кейин

конструкцияларни қайта элементларга бўлиб яна ишлатиш мумкин ёки металлаломга топшириса бўлади.

Металл конструкцияларнинг баъзи бир камчиликлари ҳам бор, бу уларнинг кенг ишлатилишини чеклайди. Пўлат конструкцияларнинг асосий камчилиги уларнинг турли таъсирларнинг остида емирилишидир. Бу ҳол қурилмаларни коррозиядан муҳофаза қилишнинг турли хил усулларини қўллаш талаб қиласди.

Металлнинг иссиққа бардошлиги катта эмас. Ҳарорат 250°C га яқинлашганда пўлатнинг эластиклик модули камая бошлайди ва 600°C да батамом пластик ҳолатга ўтади. Ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бериш учун металл конструкцияларни оловбардошлигини кўпайтириш зарур. Бунинг учун ҳар хил химоя усуллардан фойдаланиш мумкин.

Металл конструкцияларга қўйилган талаблар: металл қурилмалар юк кўтариш қобилиятига эга бўлиши, яъни мустаҳкамлик, устиворлик ва бикрлик талабларига жавоб бериши керак. Иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлиши керак, йифиши муддатларини камайтириш учун унумли усуллар қўллаш ва стандарт элементлардан кенг миқёсда фойдаланиш зарур.

Металл конструкциялардан фойдаланиб қурилган бино ва иншоотларнинг ташқи кўриниши гўзал бўлиши яъни эстетик талабларга ҳам жавоб бериши керак.

2. 3. Лойиҳалаштиришнинг ташқилий шакли

Лойиҳалаштириш бир ёки икки босқичда бажарилади.

Бир босқичда – ишчи лойиҳа қайта ишлатиладиган лойиҳа асосида қуриладиган ва техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган биноларни қуришда қўлланилади.

Икки босқичда – лойиҳа ва иш ҳужжатлари бажарилади. Лойиҳалаш босқичида бинонинг меъморчилиги (архитектураси) қисқа тасвиirlаб берилади ва қурилиш зарурлиги асосланади. Иншоотларнинг конструктив шакллари аниқланади ва керакли элементлар танлаб олинади. Агарда шу бино қурилишида металл

конструкцияларни ишлатиш мақсадга мувоғиқ бўлса унда тарх ва қирқимларда асосий кўтариб турадиган элементларнинг схемаси келтирилади ва шу конструкцияни ишлаб чиқариш, қурилиш майдонига транспорт орқали олиб бориши имкониятлари кўриб чиқилади. Иш ҳужжатларига металл конструкциялар иш чизмалари (КМ) ва мураккаб тугунларнинг ва деталларнинг чизмалари киради (КМД).

КМнинг ишчи лойиҳасига қўйидаги материаллар кириши керак:

тушунтириш хати, бино синчига таъсир этаётган юклар жами, бино тархи, конструкция жойланиши, элементлар ҳисоби, бириктирилган жойи ва металлнинг кесими бўйича тўлиқ тафсилотли рўйхати.

2.4. Металларнинг асосий хусусиятлари

Пўлат конструктив материал бўлганлиги туфайли унинг механиқ хусусиятларига, пайвандланувчанлигига ва узоқ муддат ишлашига қараб баҳоланади. Пўлатни мустаҳкамлиги, эластиклиги, пластиклиги, мўртлик даражаси, юқори ҳароратда «оқувчанлиги» унинг сифатини белгилайди. Пайвандланувчанлик пўлатнинг кимёвий таркибига ва уни ишлаб чиқариш технологиясига боғлик.

Конструкцияда пўлатнинг узоқ муддат ишлашига ва унинг кучланганлик ҳолатига конструкциянинг шакли, ташқи таъсирларнинг турлари ва миқдори, йўналиши ва таъсир тезлиги, заарли муҳит ва ҳарорат катта таъсир кўрсатади.

Мустаҳкамлиги бўйича пўлатлар уч гурухга бўлинади:

- 1) Мустаҳкамлиги оддий $R_{yn} = -185+285$ МПа, $R_{un} = -365+390$ МПа;
- 2) Мустаҳкамлиги юқори $R_{yn} = -295+390$ МПа, $R_{un} = -430+540$ МПа;
- 3) Мустаҳкамлиги баланд $R_{yn} = -440+\infty$ МПа, $R_{un} = -590+\infty$ МПа.

Пўлатларнинг механиқ хусусиятлари ички атом тузулишига боғлиқ. Унинг асосини феррит заррачалар ташқил қиласди. Ферритнинг ўзи кам мустаҳкамликга эга ва ўта пластик материалдир. Унинг мустаҳкамлигини ошириш учун углерод қўшилади (кам углеродли пўлат) ёки бошқа ишлов берувчи элементлар қўшилади (марганец, кремний, ванадий, хром ва б.). Легирлаш ва товлаш усуллар билан юқори мустаҳкамликга эга пўлат олинади. Кам углеродли пўлатнинг атом структураси куб шаклига ўхшаган. Куб марказида углерод атоми жойлашади, қирраларининг учида темир Fe атоми туради.

Fe₃C-қоришма феррит, карбид-цементит пайдо бўлади.

Кам легирланган пўлатларнинг атом структураси ҳам кам углеродли пўлатнинг атом тузулишига ўхшайди.

Легирлаштиришда қатнашадиган кимёвий элементлар билан танишамиз.

Углерод «У» пўлатнинг мустаҳкамлигини оширади, лекин пластиклик хусусиятини ва пайвандланувчанлигини пасайтиради. Шунинг учун қурилишда ишлатиладиган пўлатларда углерод миқдори 0,22% гача бўлиши мумкин.

Кремний «С» пўлат мустаҳкамлигини оширади, пайвандлаш имконини пасайтиради ва занглашга қаршилигини камайтиради. Шунинг учун унинг миқдори кам углеродли пўлатда 0,3 % ,легирланган пўлатда эса 1%гача бўлади.

Марганец «Г» металлнинг мустаҳкамлигини, қайишқоқлигини оширади ва пўлатга аралашган олтингугурт билан бирикиб, унинг заарли таъсирини камайтиради. Аммо марганец миқдори 1,5% дан ортса, унда пўлат мўрт бўлиб қолиш хавфи бор.

Мис «Д» мустаҳкамликни ва занглашга қаршиликни оширади. Лекин, 0,7% дан кўпайганда пўлат тез эскириб қолишига сабаб бўлади.

Хром «Х», ванадий «Ф», вольфрам «В», молибден «М», титан «Т», никель «Н»-буларнинг ҳаммаси пўлат мустаҳкамлигини оширади ва айримлари пластик хусусиятини ҳам оширади.

Турли тоифали пўлатларни кимёвий таркибини ифодалаш учун ГОСТларда куйидаги белгилаш тартиби қабул қилинган: Дастрлабки иккита рақам фойизнинг юздан бир улушида углероднинг ўртача миқдорини кўрсатади, харфлар билан эса пўлатнинг таркибий қисмини ташқил этувчи кимёвий элементларнинг шартли номлари белгиланади. Харфдан кейинги рақамлар эса шу элементнинг фоиз хисобидаги миқдорини кўрсатади. Агар бу миқдор бир фоиздан кам бўлса у кўрсатилмайди. Пўлатнинг таркибига кирган қўшимча элементлар миқдори 0,3% кам бўлганда улар белгига кўрсатилмайди.

Зарарли аралашмалар

Фосфор ва олтингугурт зарарли аралашмалардир. Аммо уларни пўлат таркибидан бутунлай чиқариб бўлмайди. Пўлат таркибida фосфор миқдори 0,045%дан ошса, паст ҳарорат таъсиридан пўлат мўртлиги қўпаяди.

Олтингугурт миқдори 0,055% дан ортиши, пўлатда, қизиган вақтида, дарзлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Азот <0,008%, кислород <0,007%, водород <0,0007% ички атомлараро боғланишини камайтиради ва мўрт равишда синишига олиб келади. Фойдаланишда қўйилган талабларга қўра пўлат куйидаги уч гуруҳда тайёрланади: А - механиқ хусусиятлар бўйича, Б-кимёвий таркиби бўйича, В-механиқ хусусиятлари ва кимёвий таркиби бўйича.

Курилиш конструкциялари учун ишлатиладиган пўлатлар мустаҳкам ва пайвандланувчан, шунингдек, емирилишга ва динамик таъсиrlарга бардошлиқ бўлиши лозим, яъни бундай қурилмалар қуришда асосан «В» гурухдаги пўлатлар талаб қилинади, ВСт3кп2-қайноқ пўлат (кп-қайноқ, сп-тинч пўлат, пс-яrim тинч пўлат).

Пўлат эритиш икки усулда бўлади. Мартен печларида ва конвектор усулида кислород юбориш билан. Пўлат мустаҳкамлигини оширишнинг асосан икки усули бор: юқори ҳароратда ишлов бериш ва легирлаш.

Юқори ҳароратда ишлов беришдан асосий мақсад пўлатнинг атом тузилишини ўзгартириш ва заррачаларини майдалашдан иборат.

Бу жараён натижасида пўлатнинг эластиклиги бироз камайгани ҳолда мустаҳкамлиги ва оқувчанлик чегараси ортади. Юқори ҳароратда ишлов беришни асосий турлари: тоблаш, нормаллаш ва бўшатиш.

Тоблаш пўлатни 910°C дан юқоригача қиздириб кейин тезлик билан совитишдан иборат. Нормаллашда тобланган ёйма пўлат қайтадан аустенит тузилиши ҳосил бўладиган ҳароратгача қиздирилиб, кейин ҳавода совитилади. Нормаллаш натижасида пўлатнинг тузилиши анча яхшиланиб, ички кучланишлар йўқолади, бу эса ўз навбатида пўлатнинг мустаҳкамлиги ва пластик хусусиятлари, зарбга чидамлилиги ортишига олиб келади. Бўшатиш – бу пўлатни аустенитнинг ўзгаришлари ҳароратидан юқори ҳароратгача (273°C) қиздириб, кейин совитиш (ҳавода ёки сувда) дан иборат. Бунда пўлатнинг мўртлиги камайиб, зарбага чидамлилиги ортади.

2.5. Пўлатнинг статик юқ остида ишлаши

Пўлат асосан феррит ва перлит заррачаларидан иборатдир(перлит заррачалари мустаҳкамроқ). Асосан икки хил заррачалардан иборат бўлган пўлатнинг мустаҳкамлиги, эластиклиги ва ишлаш қобилияти уларнинг нисбатларига боғлик. Назарий ва тажриба изланишлар шуни кўрсатадики, монокристалл темирнинг бир қисмини узишдан кўра силжитиш осонроқ. Шунинг учун эластик деформациялари темирнинг заррачаларида силжиш орқали барпо бўлади. Тажриба текширишлар асосида шундай хulosа чиқадики, силжиш текисликлар узра катта диагонал йўналишда бўлади. Атомлараро боғланиш кучини билиб, тахминан назарий ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бир текисликда ётган атом кристалларининг бошқа текисликларда ётадиган атом кристалларини силжитиш учун кетадиган куч назарий ҳисобга нисбатан тажрибада силжитишга кетадиган куч юз марта камроқдир.

Назария билан амалиётнинг фарқини шундай тушунтириш мумкин: атом структурасидаги боғланишлар мукаммал даражасида бўлмаганлиги ва нуқсонлар борлиги сабабли.

Материаллар мустаҳкамлигини ошириш учун икки хил йўналиш бор:


1. Кристалл структурадаги нуқсонларни камайтириш, уларни мукаммал структурасига яқинлаштириш;
2. Атомлар оро боғланишини яхшилаш унинг кристалл панжарасини ўзгартириш орқали мақсадга эришиш мумкин.

Пўлатларнинг тузилишидаги кучланишлар диаграммаси 2.1-расмда тасвирланган. Масалан, углеродли пўлат Ст3 нинг чўзилиш диаграммасини таҳлил қилиб чиқайлик.

Диаграммадан кўринадики, кучланиш маълум миқдорга етгунча кучланиш « σ » билан нисбий чўзилиш « ϵ » ўртасидаги муносабат тўғри чизиқли бўлади, яъни улар бир-бирига тўғри мутаносиб бўлади: $\sigma = E \cdot \epsilon$. Кучланиш маълум миқдорга « σ_n » етгандан сўнг мутаносиблик бузилади. Биринчи босқичда кучланишга мутаносиб эластик деформациялар содир бўлади, шу сабабли бу босқич пўлатнинг эластик ишлаш босқичи дейилади. « σ_{ok} » - оқувчанлик чегараси дейилади. Бу нуқтага етиш олдида эгри чизиқнинг ҳолати кескин ўзгаради ва кейин абсцисса ўқига деярли параллел бўлади. Бу босқичда юк таъсирида деформациянинг эластик қисми қайтиб, бошқа қисми сақланиб қолади. У қолдиқ деформация дейилади.

Оқиш чегарасидан кейин материалнинг қаршилик кўрсатиш қобилияти кучая бошлайди, яъни материал мустаҳкамланади. Бу мустаҳкамлиги ва бикирлиги юқорироқ бўлган перлит заррачаларининг ишга тушганлигидан далолат беради. Пўлатнинг бу иш босқичи ўз-ўзидан мустаҳкамланиш босқичи дейилади.

Юкнинг миқдори ортиши билан кучланиш муваққат қаршиликка « σ_b » яқинлашган сари материалнинг энг заиф жойида чўзилиш деформациялари қучайиб, «бўйин» хосил қиласди. Кучланиш қиймати муваққат қаршиликка тенглашгандан сўнг (мустаҳкамлик чегараси) «бўйин» ингичкалашиб бораверади ва намуна тезда узилади.



Расм 2.1 Пўлатнинг чўзилишдаги диаграммаси

1.Кам углеродли пўлат. 2.Легирланган пўлат. 3. Мустаҳкамлиги оширилган пўлат.

$E=21000 \text{ kN/cm}^2$ – эластиклик (қайишқоқлиқ) модули,

$R_{up}=\sigma_{ok}$ – пўлатнинг оқувчанлик бўйича меъорий қаршилиги,

$R_{up}=\sigma_b$ – пўлатнинг вақтинчалик қаршилиги

$R_y=R_{up}/\gamma_m$ – пўлатнинг оқувчанлиги бўйича ҳисобий қаршилиги,

γ_m – материалнинг ишончлилиқ коэффициенти(кучланиш таъсирида пўлатнинг механиқ хусусиятлари ўзгарувчанлигини ҳисобга олади):

$$\gamma_m = 1,025 \dots 1,15 \text{ бўлади.}$$

$$R_u = R_{un} / \gamma_m \text{ – пўлатнинг вактинчалик қаршилиги бўйича ҳисобий қаршилиги.}$$

Пўлат прокат ва қувурлар материали бўйича ишончлилиқ коэффициентлари.

2.1-жадвал.

Назорат усулини белгиловчи стандарт (пўлат маркаси, оқувчанлик чегараси қиймати)	γ_m
ГОСТ 27772, ГОСТ 535, ГОСТ 10705, ГОСТ 10706, ГОСТ 19281 [оқувчанлик чегараси 380МПа гача ($39 \text{ кгс}/\text{мм}^2$)], ТУ 14-227-237, ТУ 14-1-4431, ТУ 14-3-1128, ТУ 14-104-133	1,05
ГОСТ 19281[оқувчанлик чегараси 380МПа дан юқори ($39 \text{ кгс}/\text{мм}^2$)], ГОСТ 8731, ТУ 14-3-567	1,10

2.6. Пўлат сортаменти

Металл конструкциялар турли хил шаклли профиллардан ташқил топади. Шакли ва геометрик ўлчамларига кўра фарқланувчи прокат, қувур ва бошқа металл буюмлар ҳақидаги маълумотлар мажмуаси (жадвали) сортамент деб аталади. Сортаментда профилларнинг кўндаланг кесим юзаси, ўлчамлари, геометрик тавсифномалари (A,W,S,I,i) ва бир метрли оғирлиги кўрсатилади.

Металл конструкцияларда қўлланиладиган ёйма пўлат икки гурухга бўлинади: 1. юпқа ёки қалин варақсимон пўлат;

2. профилли пўлат – бурчаклик, швеллер, тавр, қўштавр ва х.к.

Варақсимон пўлат қуйидагича турларда мавжуд бўлади:

1. қалин варақсимон пўлат (ТУ 14-1-4431-88). Бу турдаги пўлат $4\div160$ мм қалинликда ёйилади, кенглиги $600\div3600$ мм, узунлиги 2000мм дан 12000мм гача қилиб ишлаб чиқарилади;
2. кенг тасмасимон универсал пўлат ГОСТ 19903–74. ГОСТ 27772–88. (ТУ 14-1-3023-80). Бундай универсал пўлат варақларининг қалинлиги $6\div60$ мм, эни $200\div1050$ мм, ва узунлиги $5000\div12000$ мм қилиб чиқарилади;
3. юпқа варақли пўлат (ТУ 14-1-4431-88). Бу хилдаги пўлат варақлари $0,2\div3,9$ мм қалинликда, $1200\div5000$ мм узунликда ва $600\div2000$ мм кенглика ишлаб чиқарилади.

Б у р ч а к л и к л а р – тенг ёнли $75x75x6$ –ГОСТ 8509 – 86.

(ГОСТ 535-88, 27772-88) ва ёnlари тенг бўлмаган, ГОСТ 8510 – 86, яъни тенгсиз ёнли турларга бўлинади. Бурчакликлар қуйидагича белгиланади: L50x5 ёки L75x50x5. Биринчи ҳолда ёнларининг эни 50мм, қалинлиги 5мм бўлган тенг ёнли бурчаклик, иккинчи ҳолда эса ёнларининг эни 75 ва 50мм, қалинлиги 5мм бўлган тенгсиз ёнли бурчаклик ифодаланган. Бурчакликлар сортаменти жуда кенг бўлиб, энг кичик профил L20x3 ва энг каттаси эса L250x30 дан иборатdir.

К ў ш т а в р л а р –20 ГОСТ 8239 – 72. (ГОСТ 535 – 88) асосан эгилишга ишловчи тўсинлар сифатида қўлланилади. Сортаментга кўра қўштаврларнинг 10 дан 60 гача номерлари мавжуд. Кўштаврнинг номери унинг сантиметрда ифодаланган баландлигига мос келади. Кўштаврларнинг узунлиги 13м гача бўлиб, асосан 6; 9 ва 12м ли қилиб тайёрланади.

ТУ 14-1-3023-80га мувофиқ, кенг токчали қўштаврлар ҳам ишлаб чиқарилади. Улар уч хил бўлади: тўсинлар учун «Б» маркали, енгил ва оғир устунлар учун «К» маркали ва универсал «Ш» маркали. Кенг токчали тўсинбоп профилларнинг баландлиги 1000мм гача бўлади.

Ш в е л л е р л а р – 18 ГОСТ 8240 – 72. (ГОСТ 535-88). Швеллерларнинг ўлчамлари ҳам уларнинг номерлари орқали ифодаланади. Сортамент 5 дан 40 гача номерлари бўлган швеллерларни ўз ичига олади.

Э г м а профиллар қалинлиги 2÷16 мм гача ишлаб чиқарилади.

Назорат саволлари

- 1) Мустаҳкамлиги бўйича пўлат материали неча гурухга бўлинади?
- 2) Пўлат таркибида углерод миқдори 0,22% ошиб кетса қайси хусусиятларига таъсир кўрсатади?
- 3) Қандай юқори мустаҳкамли пўлат яратилади?
- 4) Нега пўлат таркибида фосфор, олtingугурт, азот, кислород, водород миқдори чегараланган?
- 5) Пўлатнинг оқувчанлиги бўйича нормал қаршилиги қайси ҳарф билан белгиланади?
- 6) Материалнинг ишончлилик коэффициенти нимани кўрсатади?
- 7) Нега мис миқдори 0,7% гача пўлатларда чегараланган?

3 – боб. МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ХИСОБЛАШ АСОСЛАРИ

3.1. Чўзилишга ишлайдиган элементларни хисоблаш

Маълумки, пўлатларнинг пластик ҳолатга ўтиши $\sigma = \varepsilon$ диаграммада оқувчанлик чегарасидан бошланади. Баъзан конструкциянинг факат эластик ҳолатида эмас, балки оқувчанлик ҳолатига ҳам ўтиб ишлашига руҳсат этилади ва хисоблашда бу омил эътиборга олинади.

Пластик деформацияларни чеклаш мақсадида, чўзилишга ишлайдиган элемент материалининг эластик ишлаш чегараси бўйича мустаҳкамлиги қуидагича аниқланади:

$$\sigma = \frac{N}{A_n} \leq R_\gamma \gamma_c \quad (3.1)$$

бу ерда: N - ҳисобий куч;

A_n – элементнинг кўндаланг кесим юзаси;

R_γ – элемент материалининг оқувчанлик бўйича ҳисобий қаршилиги;

γ_c – ишлаш шароитини эътиборга олувчи коэффициент.

Бу формула асосида чўзилишга ишлаётган элементлар ҳисобланганда материал эластик ҳолатда ишлаши таъминланади ва атомлар аро боғланишда ўзгариш бўлмайди.

3.2. Марказий сиқилган элементларни ҳисоблаш

Марказий сиқилган элементлар биринчи гурух чегара вазиятлари бўйича мустаҳкамликка ва устиворликка ҳисобланади.

Марказий сиқилишга ишлаётган калта стерженлар ўзини марказий чўзилишда ишлаётгандек тутади. Шунинг учун калта стерженлар қуидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{N}{A_n} \leq R_\gamma \gamma_c \quad (3.2)$$

Марказий сиқилишга ишлайдиган эгилувчан ва кўндаланг кесим ўлчамларининг узунликка нисбатан $\frac{b}{l} \leq \frac{1}{6}$ бўлган стерженларнинг устиворлиги қуидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A} \leq R_\gamma \cdot \gamma_c \quad (3.3)$$

бу ерда, φ - бўйлама эгилишни эътиборга олувчи коэффициенти, унинг қийматларини:

$$\text{агар шартли эгилувчанлик } \bar{\lambda} = \lambda \sqrt{\frac{R_y}{E}} \quad 0 < \bar{\lambda} \leq 2,5 \text{ бўлган ҳолда}$$

$$\varphi = 1 - \left(0,073 - 5,53 \cdot \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} \cdot \sqrt{\bar{\lambda}} \quad (3.4)$$

$2,5 < \bar{\lambda} \leq 4,5$ бўлган ҳолда

$$\varphi = 1,47 - 13,0 \frac{R_y}{E} - \left(0,371 - 27,3 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda} + \left(0,0275 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \bar{\lambda}^2 \quad (3.5)$$

$\bar{\lambda} > 4,5$ бўлган ҳолда

$$\varphi = \frac{332}{\bar{\lambda}^2 (51 - \bar{\lambda})} \quad (3.6)$$

формулалар бўйича аниқлаш керак.

Марказий сиқилишга ишлаётган эгилувчан элементларда ҳосил бўладиган критик кучланиш

$$\sigma_{kp} = \frac{N_{kp}}{A_{bp}} \leq R_y \gamma_c \quad (3.7)$$

N_{kp} критик куч, агар сиқилишга ишлаётган элемент шарнирлар билан бириктирилган бўлса, унда критик кучни қийматини аниқлаш учун Л. Эйлер формуласидан фойдаланилади:

$$N_{kp} = \frac{\pi^2 EI}{l^2} \quad (3.8)$$

Юқорида келтирилган ифодалардан фойдаланиб марказий сиқилишга ишлайдиган элементлар учун энг катта бўлган эгилувчанлигини аниқлаш мумкин.

$$\sigma_{kp} = \frac{N_{kp}}{A_{bp}} = \frac{\pi^2 EI_{\min}}{l_{ef}^2 A_{bp}} = \frac{\pi^2 E i_{\min}^2}{l_{ef}^2} = \frac{\pi^2 E}{\left(\frac{l_{ef}}{i_{\min}} \right)^2} = \frac{\pi^2 E}{\lambda^2}; \quad (3.9)$$

$$\lambda = \frac{l_{ef}}{i_{\min}}; \quad i_{\min} = \sqrt{\frac{I_{\min}}{A}}; \quad (3.10)$$

Бу формуладан энг катта эгилувчанлик аниқланади:

$$\lambda_{\max} = \pi \sqrt{\frac{E}{\sigma_{kp}}}; \quad (3.11)$$

Лекин КМҚларида марказий сиқилишга ишилдиган эгилувчан, стерженлар учун энг катта эгилувчанлик 120га тенг қилиб қабул қилинган.

3.3. Эгилишга ишлайдиган элементларни ҳисоблаш

Эгилишга ишлайдиган элементларнинг биринчи гурухига тааллукли чегаравий ҳолат деганда уларнинг юк күттарувчанлик қобилиягини йўқотиш деб тушунилади. Бунда элементда пластик бузилиши, устиворлик йўқолиши ҳамда ҳаддан зиёд пластик деформация содир бўлишлиги тушунилади.

Шунинг учун эгилишга ишлайдиган элементлар куйидаги шартларни қаноатлантириши зарур:

$$\sigma = \frac{M}{W_{x \min}} \leq R_y \gamma_c \quad \tau = \frac{QS_x}{I_x t_\omega} \leq R_s \gamma_c \quad (3.12)$$

бу ерда: «M» ва «Q» - ҳисобий юклардан ҳосил бўлаётган энг катта эгувчи момент ва кесиб ўтувчи куч,


$W_{x \min}$ - кесимнинг энг кичик бўлган қаршилик моменти,

S_x - кесимнинг статик моменти,

t_ω - тўсин деворчасининг қалинлиги,

R_s - пўлатнинг қирқилишга бўлган ҳисобий қаршилиги.

Шу шарт(3.12) бажарилса пўлат материали эластик ҳолатда ишлаши таъминланади ва атом аро боғланиш тизими бузилмайди.



Расм 3. Тўсиннинг ишлаш ҳолатлари;

- 1- эластик ҳолатда ишлаши, 2 - эластик - пластик ҳолатда ишлаши,
- 2- 3 - пластик ҳолатда ишлаши.

Агар элемент иккала бош текисликлар(Х ва У ўқлар) бўйича эгилса:

$$\sigma = \frac{M_x}{I_{xn}} \cdot Y + \frac{M_y}{I_{yn}} \cdot X \leq R_y \gamma_c \quad (3.13)$$

бу ерда: X ва Y - ҳисобланётган нуқтани координаталари,

I_x ва I_y – x ва y ўқларга нисбатан кесим юзанинг инерция моментлари.

Юклар ортиши билан тўсин кесимининг четки толаларидаги кучланиш оқувчанлик чегарасига етади. Юкланишнинг янада оширилиши толалардаги кучланишга катта таъсир кўрсатмайди. Кўшимча юкни қабул қилиш учун тўсиннинг энг зўриқсан толалари яқинидаги толаларда ҳам кучланишлар аста-секин σ_{ok} га тенглаша боради ва пировардида кўндаланг кесимнинг кучланишлар эпюраси тўғри тўртбурчак шаклга келади. Бу ҳолат энг катта эгувчи момент қийматига мос келиб, пластиклик шарнири деб аталади. Гоҳида эгилишга ишлаётган элементларни материали эластик- пластик ҳолатида ишлаши бўйича ҳисоблаш рухсат этилади. Бошқа сўз билан айтганда биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатлар шартларига жавоб бериш шарти билан эгувчи элементларда пластик деформациянинг ривожланишига рухсат этилади:

$$\sigma = \frac{M}{C_1 W_n} \leq R_y \cdot \gamma_c \quad (3.14)$$

Иккинчи чегаравий ҳолат бўйича текширишдан мақсад қурилмадан мўътадил фойдаланишга имконият бермайдиган эластик деформациялар содир бўлишининг олдини олишдир. Шунинг учун меъёрий юклар таъсирида вужудга келадиган солқилик рухсат этилган солқиликдан ошмаслиги лозим:

$$\frac{f}{l} \leq \left[\frac{f}{l} \right] \quad (3.15)$$

Назорат саволлари

- 1.Биринчи гурӯҳ чегаравий ҳолатлар конструкцияларни қандай ҳолати билан боғлиқ ва унга нималар киради?
- 2.Конструкцияларни қандай ҳолатлари иккинчи гурӯҳ чегара ҳолатларга киради?
- 3.Қайси юклар конструкцияга доимий таъсир этади?
- 4.Вақтинча қисқа муддатда таъсир этадиган юклар қайси юклар бўлиши мумкин?
- 5.Чўзилишга ишлайдиган элементлар қайси формула билан ҳисобланади?
- 6.Сиқилишга ишлаётган элементлар қайси формула билан ҳисобланади?
- 7.Эгилишга ишлайдиган элементлар қайси формула билан ҳисобланади?

4 – боб. МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ БИРИКМАЛАРИ

Металл конструкциялар алоҳида элементларни ўзаро бириктириш натижасида ясалади. Ҳозирги вақтда металл конструкцияларнинг элементлари икки хил усулда бириктирилади: қиздириб чеккаларини эритиб пайвандлаш усуллари билан ёки совуқ ҳолатда пармалаб тешиб болтлар ёки парчин михлар ёрдамида.

4.1. Пайвандлаш усуллари ҳақида қисқача маълумот

Пайвандлаш йўли билан турли хил профиллардан фойдаланган ҳолда хилмалик конструкцияларни яратиш мумкин. Пайвандлаш усулларини, асосан икки

гурухга бўлиш мумкин: бириктирилаётган деталларни эритиб пайвандлаш ва қиздириб босим билан пайвандлаш.

Металларни пайвандлаш учун иссиқлик қувватининг манбаи сифатида электр ёйи ёки газ алангасидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш технологиясига кўра пайвандлашнинг қуидаги хиллари мавжуд: қўлда пайвандлаш, яrim автоматик ва автоматик усулларда пайвандлаш.

Метални электр ёйи ёрдамида пайвандлаш XIX асрнинг охирида рус муҳандислар Н.Н.Бенардос ва Н.Г.Славянов томонидан кашф этилиб, бутун дунёга кенг тарқалди. Электр ёйи ёрдамида пайвандлаш қуидагича амалга оширилади. Бириктириладиган қисмларнинг учларига электрод яқинлаштирилганда электр ёйи хосил бўлиб, ундан катта миқдордаги иссиқлик ажралиб чиқади ва бу иссиқлик электродни эритиб унинг қисмга кўчиб ўтишига кўмаклашади. Қисмнинг электродга яқинлашган жойи ҳам суюқланиб эрий бошлайди. Натижада, қисмлар орасидаги бўшлиқ электрод металли билан тўлади ва қисмлар яхлит элементга айланади.

Пайвандлаш пайтида чок металига ҳаводан заарли газ моддалари аралашмаслиги учун электроднинг сирти маҳсус ҳимояловчи модда билан қопланган бўлади. Электрод суюқланганда мазкур моддадан қўп миқдорда газ ажралиб чиқиб, чок атрофидаги ҳавонинг металлга аралashiшига тўсқинлик қиласи. Бундай тадбир кўрилмаса, ҳаво таркибидаги кислород ва азот суюқ металлга қўшилиб, чокнинг сифатини пасайтириб юборади. Қурилишда айниқса монтаж ишларни бажаришда универсаллиги ва нокулай бўлган жойларда ҳам пайвандлаш ишларни бажариш имконияти борлиги учун қўлда пайвандлаш усули билан пайвандлаш жуда кенг тарқалган.

К а м ч и л и г и – асосий пўлатни эриш қалинлиги камлиги ва унумдорликнинг пастлиги, сабаби токнинг кучи камлигига.

Электр ёйи ёрдамида автоматик тарзда пайвандлаш

Бу усулда электр ёйини бошқариш электрод ва флюсни етказиб бериш ва пайвандловчи аравачани чок бўйлаб ҳаракатга келтириш автоматик равишда амалга

оширилади. Электр ёйи пайвандланаётган буюм билан электрод сими орасида ҳосил бўлади. Ажралиб чиқсан иссиқлик таъсири натижасида флюс қатлами остида суюқ металл ваннаси ҳосил бўлади. Бунда ёй, флюс қатлами остида ёнади, демак пайвандлаш жараёни ҳавосиз муҳитда олиб борилади. Бундай пайвандлашда юқори сифатли текис сиртга эга бўлган кумуш рангли пайванд чок ҳосил бўлади; пўлат эритмаси жуда тоза ва сифатли чиқади. Ишлатиладиган катта кучли ток (600-1200 А) ва эритилган пўлатнинг иссиқлигини сақлаш имконияти борлиги сабабли элементлар бирикмаси жуда чукур ва мустаҳкам хамда унумли бўлади.

Камчилиги – тик ва шифт ҳолатда ҳамда ноқулай бўлган жойда бу усул билан пайвандлашни бажариш имконияти йўқлиги.

Электрошлак усули билан пайвандлаш

Бу усул айниқса тик бўлган туташиб чокларини пайвандлаш бажаришда автомат механизмлар ёрдамида бажарилади. Электрошлак усули, пайвандланадиган элементларнинг қалинлиги 20мм дан ортиқ бўлганда кўлланилади. Элементларнинг бир бирига бириктирилиши тоза сим орқали ва эритилган шлак остида ўтади. Шу усул билан бажариладиган чоклар жуда сифатли, тоза ва мустаҳкам бўлиб чиқади.

Химояловчи газлар муҳитида пайвандлаш

Пайвандлашнинг бу усули суюқланувчи электрод ёрдамида ярим автоматик тарзда бажарилади, пайвандловчи каллакка қайишқоқ шланг орқали электрод ва карбонат ангидриди гази узатилади. Карбонат ангидриди гази ёйнинг ёниш доирасидан ҳавони сиқиб чиқариб, суюқланган метални кислород ва азот таъсиридан ҳимоя қиласи.


Чоклар сифатли чиқади факат ташқи қўриниши нотекис бўлади. Автоматик усул билан бажаришга қараганда, унумдорлиги 15-20% гача юқорироқ. Бу усул билан пайвандлашнинг камчиликлари: пўлатдаги углерод кўпайишининг ҳавфи бор, каллакни совитиш учун сув бўлиши шарти, ишчиларни ҳам ёйни ҳам газни таъсиридан асраш кераклиги.

Газ алангасида пайвандлаш


Пайвандлашнинг ушбу усулида бириктириладиган элементлар ёнувчи газлар (ацетилен, табиий газ, керосин ва бензин буғлари) ёрдамида қиздирилиб уларнинг пайвандланадиган жойи суюқлангандан кейин, ёнаётган алангага металл сим киритилади. Бу сим асосий элементларни қирраларидаги метали билан бирга суюқланиб, бир бутун яхлит бирикма ҳосил қиласи.

4.2. Пайванд бирикмаларнинг турлари

Пайванд бирикмаларда элементлар туташ ва устма-уст уланган бўлади. Баъзан бу икки хил усулдан аралаш фойдаланиш ҳам мумкин. Чокнинг тузилишига кўра туташ ва бурчакли бўлади. Элементларнинг пайвандланадиган қирраларига илгаридан ишлов бериш турига қараб V-шаклли, K-шаклли, X-шаклли ва U-шаклли чоклар бўлади.



Расм 4.1 Туташ бирикмларнинг шакллари



Расм. 4.2. Бурчак чокли пайванд бирикманинг хисобий кесимлари.


1. Чок металли бўйича; 2. Эриш чегараси металли бўйича.

4.3. Пайванд бирималарни ҳисоблаш

Пайванд бириманинг мустаҳкамлиги биритирилган элементларнинг материалига, чок металининг мустаҳкамлигига бириманинг шакли ва турига, кучлар таъсирининг характеристига, пайвандлаш усулига ва пайвандчининг малакасига боғлиқ бўлади.

Туташ чокни ҳисоблаш. Туташ пайванд чокларга бўйлама куч таъсир этганда чокнинг мустаҳкамлиги қуидагича текширилади:

$$\sigma = \frac{N}{l_w t} \leq R_{oy} \gamma_c \quad (4.1)$$



Расм 4.3 Бурчак ва туташ пайванд чоклар

бу ерда: N – бўйлама таъсир этаётган ҳисобий куч,

t – чокнинг қалинлиги (биритириладиган элементларнинг кичик қалинлигига teng),

l_w – чокнинг ҳисобий узунлиги (чокнинг геометрик узунлигига teng агар чок ташқарига чиқарилган бўлса, бўлмаса $2t$ см.га кам деб ҳисобланади),

R_{oy} – учма-уч пайвандланган бирикмадаги чокнинг сиқилиш ва чўзилишга ҳисобий қаршилиги, чўзилишда $R_{wy} = R_y$ тенглик сиқилиш ва эгилишда қаршилиги $R_{wy} = 0.85R_y$ олинади.

Бурчак чокли пайванд бирикмаларни бўйлама ва кўндаланг кучлар таъсир чизги кесишув (шартли) кесми бўйича ҳисоблаш керак. Бурчакли чок бириктириладиган элементлар қирраларининг бурчагида куч ҳосил бўлади. Ишлаш характери ва асосий куч оқимларига нисбатан фазода жойлашишига қараб бурчакли чок икки хил бўлади: ёнбош ва кўндаланг. Ёнбош чок бўйлама куч таъсирида қирқилишга ишлайди. Бунда қирқилиш сиртининг баландлиги βK_f бўлган бурчак биссектрисаси бўйича йўналган бўлади. Бурчакли чоклар қуидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

Чок металнинг кесими бўйича:

$$\sigma = \frac{N}{\beta_f k_f l_w} \leq R_{wf} \cdot \gamma_c \quad (4.2)$$

Эриш чегарасидаги металнинг кесими бўйича

$$\sigma = \frac{N}{\beta_z k_f l_w} \leq R_{wz} \cdot \gamma_c \quad (4.3)$$

бу ерда: $\beta_f \beta_z$ – пайванд усулига боғлиқ бўлган коэффициентлар: оқувчанлик чегараси 530МПа ($5400 \text{ кг}/\text{см}^2$) гача бўлса, ҚМК 2.03.05-97 нинг 13,1 жадвал бўйича: оқувчанлик чегараси пайвандлаш тури, чок ҳолати ва пайвандлаш сими диаметрига боғлиқ бўлмаган ҳолда 530МПа ($5400 \text{ кг}/\text{см}^2$) дан юқори бўлса $\beta_f=0,7$ ва $\beta_z=1$ бўлади

K_f – чокнинг қалинлиги, (бириктириладиган элементларнинг кичик қалинлигига тенг).

R_{of} – эритилган пўлат чокнинг ҳисобий қаршилиги,

$$R_{of} = 0.55R_{wun} / \gamma_m \quad (4.4)$$

γ_m – чок материали бўйича ишончлилик коэффициенти, у 1,25га тенг агар $R_{un} < 530\text{МПа}$ ва 1,35 тенг агар $R_{un} > 530\text{МПа}$ бўлса.

R_{ox} – эриш чегарасидаги пўлатнинг ҳисобий қаршилиги,

$$R_{ox} = 0.45R_{oun} \quad (4.5)$$

l_w – чокнинг ҳисобий узунлиги, геометрик узунлигига 1см қўшилади.

$$l_w = \frac{N}{\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c} + 1 \quad (4.6)$$

$$l_w = \frac{N}{\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c} + 1 \quad (4.7)$$

Бурчак чокли пайвандланган уланмаларнинг чоклар жойлашуви текислигига перпендикуляр текисликдаги вақт харакатига ҳисоблашни қуидаги формуулалар бўйича икки кесишув бўйлаб амалга ошириш керак:

Чок металли бўйича;

$$\frac{M}{W_f} \leq R_{wf} \cdot \gamma_c \quad (4.8)$$

Эритиш чегараси металли бўйича;

$$\frac{M}{W_z} \leq R_{wz} \cdot \gamma_c \quad (4.9)$$

бунда; W_f – ҳисобий кесимнинг чок металли бўйлаб қаршилик моменти;

W_z – худди шунинг ўзи эритиш чегараси металли бўйлаб кесимини қаршилик моменти.

4.1 жадвал.

Пайвандлаш симининг d (мм) диаметри вақтидаги пайвандлаш тури	Чок ҳолати	Коэффи- Циент	Чоклар катетларидағи β_f ва β_z коэффициентлари қийматлари,мм			
			3-8	9-12	14-16	18 ва ундан юқори

d=3-5 автоматик	даги автоматик	Лодочкага	β_f	1,1		0,7		
			β_z	1,15		1,0		
	Пастроққа		β_f	1,1	0,9	0,7		
			β_z	1,15	1,05	1,0		
d=1,4-2 автоматик ва ярим автоматик	даги автоматик	Лодочкага	β_f	0,9		0,7		
			β_z	1,05		1,0		
	Пастроқ, горизонтал, вертикал		β_f	0,9	0,8	0,7		
			β_z	1,05	1,0			
d<1,4 даги қўл; яхлит кесишувлари сим билан ёки қўқунли сим билин ярим автоматик пайвандлаш	Лодочкага, пастроқ, горизонтал, вертикал, шифтли		β_f	0,7				
			β_z	1,0				

Эслатма. Коэффициентлар қийматлари пайвандлашнинг нормал режимларига тўғри келади.

Бурчак чокли пайвандланган уланмаларни шу чоклар жойлашуви текислигидаги ҳаракат пайтига ҳисоблашни икки кесишув бўйлаб;

Чок металли бўйича;

$$\frac{M}{I_{fx} + I_{fy}} \cdot \sqrt{x^2 + y^2} \leq R_{wf} \gamma_c \quad (4.10)$$

Эриш чегараси металли бўйича;

$$\frac{M}{I_{zx} + I_{zy}} \cdot \sqrt{x^2 + y^2} \leq R_{wz} \cdot \gamma_c \quad (4.11)$$

формулалари бўйича амалга ошириш керак,

бунда I_{fx} ва I_{fy} - чок метали бўйлаб унинг асосий ўқларига нисбатан инерция моментлари;

I_{zx} ва I_{zy} – худди шунинг ўзи, эритиш чегараси металли бўйлаб.

Агар пайванд (чок) бирикма бир неча хил чоклар (учма-уч, ёнбош ва кўндаланг бурчакли) дан ташқил топган бўлса, бундай бирикма аралаш пайванд бирикма деб аталади. Шартли равишда бундай чокли бирикмаларда кучланиш, қирқилиш сиртлари бўйлаб, текис тақсимланган деб қабул қилинади.

(4.3.6) расмда учма-уч пайвандланган қисмларнинг тахтакачлар ёрдамида мустаҳкамланган аралаш бирикмаси кўрсатилган. Бундай хилдаги бирикмаларни ҳисоблашда тахтакачлар ва учма-уч чокларнинг кўндаланг кесим юзасида кучланиш бир хил деб қабул қилинади.


4.1. Масала. Чўзилишга ишлаётган учма-уч бириктирилган пайванд чокни ҳисобий узунлигини аниқланг

Тасмасимон универсал пўлатни қалинлиги $t_1=10\text{мм}$ ва $t_2=8\text{мм}$, чўзаётган ҳисобий куч 560 кН га teng. Пўлат маркаси Ст 3пс 5.

Ечим: Пайванд чокни ҳисобий узунлиги қўйидаги формула орқали аниқланади.

$$l_w = \frac{N}{t \cdot R_{wy}} + 2 \cdot t = \frac{560000}{0,008 \cdot 230 \cdot 10^6} + 2 \cdot 0,008 = 0,32\text{м} = 32\text{см}$$

Демак, эни 340мм ли универсал тасмасимон пўлатни бирикмага ишлатишимииз керак.



Расм 4.4. Туташ бириктирилган пайванд чок.

4.2. Масала. Чўзилишга ишлаётган бурчак чок билан пайвандланган бирикмани ҳисоблаш.

Хисоб учун берилганлр: қисим иккита L 80x7 бурчакдан иборат, фасонканинг қалинлиги $t=10\text{мм}$, чўзувчи ҳисобий куч 500 кН га тенг. Пўлат маркаси Ст 3пс 5.

Ечим: Бурчак чок иккита кесим бўйича ҳисобланади: пўлат чок кесими бўйича ва эриш чегарасидаги металлнинг кесими бўйича. Бурчак юзанинг асосдаги чокнинг узунлигини қуидаги формулалар билан аниқлаймиз.

$$l_w^0 = \frac{\alpha \cdot N}{2\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c} + 1 = \frac{0,7 \cdot 500000 H(100)}{2 \cdot 0,7 \cdot 0,7 \cdot 162,8 \cdot 10^4 \cdot 1} + 1 = 22,9\text{cm}$$

R_{wf} – пўлат чокнинг ҳисобий қаршилигини аниқлаймиз.


$$R_{wf} = 0,55 R_{wun / \gamma_m} = 0,55 \frac{370}{1,25} = 162,8 \text{MПа}$$

$$l_w^0 = \frac{\alpha \cdot N}{2\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c} + 1 = \frac{0,7 \cdot 500000(100)}{2 \cdot 1 \cdot 0,7 \cdot 166,5 \cdot 10^4 \cdot 1} + 1 = 16\text{cm}$$

R_{wz} – эриш чегарасидаги металлнинг ҳисобий қаршилиги.

$$R_{wz} = 0,45 \cdot R_{wun} = 0,45 \cdot 37 \text{kH/cm}^2 = 16,65 \text{kH/cm}^2$$

Демак, асосдаги чокнинг узунлиги 22,9 см га тенг.



Расм 4.5. Бурчак чок, фермани юкори камарини устунга бириктирилиши

Бурчак юзанинг учидаги чокнинг узунлигини қўйидаги формулалар билан аниқлаймиз.


$$l_w^n = \frac{(1-\alpha)N}{2\beta_f k_f R_{wf} \gamma_c} + 1 = \frac{(1-0,7) \cdot 500000 \cdot (100)}{2 \cdot 0,7 \cdot 0,7 \cdot 162,8 \cdot 10^4 \cdot 1} + 1 = 10,4 \text{ см}$$

$$l_w^n = \frac{(1-\alpha)N}{2\beta_z k_f R_{wz} \gamma_c} + 1 = \frac{(1-0,7) \cdot 500000 \cdot (100)}{2 \cdot 1 \cdot 0,7 \cdot 166,5 \cdot 10^4 \cdot 1} + 1 = 7,4 \text{ см}$$

Демак, бурчак юзанинг учидаги чокнинг узунлиги 10,4 см га teng.

4.4. Болтли ва парчин михли бирикмалар

Болтлар пўлат конструкцияларнинг монтаж бирикмаларида ишлатилади. Болтлар аниқлиги нормал, оширилган, ўта мустахкам хилларга бўлинади. Аниқлиги нормал болтлар учун тешикларнинг диаметри болтларнинг диаметрига қараганда 2-3мм ортиқ, аниқлиги оширилган болтлар учун эса болтларнинг диаметрига teng қилиб пармалаб тешилади.



Расм 4.6. Болт

Болтлар узунлуклари 40...200мм ва диаметрлари 10, 12, 14, 16, 18, 20, 22, 24, 27, 30, 36, 42, 48мм ли қилиб тайёрланади. Резьбали қисмининг узунлиги l_0 куйидагича танланади: диаметри 10+14мм бўлган болтлар учун $l_0 = 20+25\text{мм}$, диаметри 16+20мм ли болтлар учун $l_0 = 28+30\text{мм}$, диаметри 22+30мм бўлган болтлар учун $l_0 = 35+50\text{мм}$.

Нормал болтлар углеродли пўлатдан тайёрланади. Ишлаб чиқариш технологиясига қараб мустаҳкамлиги бўйича бир неча синфга бўлинади: 4,6 дан 8,8 гача. Болт мустаҳкамлиги иккита сон билан белгиланади. Биринчи сонни иккинчисига кўпайтирсақ, материалнинг оқиш чегарасидаги нормал қаршилигини аниқлаймиз:

$$\sigma_T = R_{yn} \kappa \sigma / \text{мм}^2$$

Биринчи сонни 10-га кўпайтирганда, пўлатнинг вақтинча бўладиган қаршилигини топамиз

$$\sigma_B = R_{un} \kappa \sigma / \text{мм}^2$$

Нормал болтларнинг диаметри кичикроқ бўлгани учун, элементлар бирикмаси тез ва онсон бажарилади, лекин бирикма юмшоқ (податливый-кўчувчан) ва

деформация ҳосил бўлиш имконияти бор. Шу туфайли ҳамма болтлар бир хилда ишламайди.

Аниқлиги оширилган болтлар билан бўлган бирикмалар жуда сифатли, мустаҳкам ва деформациясиз бўлади. Лекин уларни тайёрлаш ва бириктириш учун кўп вақт сарфланади ва қийин амалга ошади.

Ўта мустаҳкамли болтлар юқори ҳарорат билан ишлов берилган (40 X, 40 ХФА ва 38 XC) пўлатлардан тайёрланади. Ўта мустаҳкам болтли бирикмалар туташтириладиган қисмларни ушбу болтлар билан тортиб бир бирига нисбатан катта куч билан сиқиш натижасида сиқиладиган сиртларда юзага келувчи ишқаланиш кучи туфайли ишлайди. Ишқаланиш кучини ошириш учун бириктирилаётган қисмларнинг туташадиган сиртлари мой, занг ва бошқа ифлослардан тозаланади.

Болтларнинг тортилиш кучини белгилаш мақсадида улар маҳсус калитлар билан маҳкамланади. Ўта мустаҳкам болтлар турли кучлар таъсирига бардош берадиган, ишончли, силжимайдиган бирикма бўлишини таъминлайди.

4.5. Болтли бирикмаларни ҳисоблаш

Болтлар қирқилиш, эзилиш ва чўзилишга ишлаши мумкин. Шу сабабдан, болтли бирикма учта кучланганлик ҳолати учун айрим-айрим текшириб кўрилади. Бу текширишдан асосий мақсад – бирикмадаги таъсир этаётган ҳисобий кучни қабул қилиш қобилиятига эга бўлган болтлар сонини аниқлашдир. Таъсир этаётган ташқи куч болтларга teng таъсир этмоқда деб фараз қилиб ҳисобланади. Битта болт қабул қилиши мумкин бўлган ҳисобий кучни (N_b) куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

Болт қирқилишга ишлаётган бўлса,

$$N_{BS} = R_{BS} \cdot \gamma_B \cdot A \cdot n_s \quad (4.12)$$

пакет материаллари эзилишга ишлаётганда

$$N_{BP} = R_{BP} \gamma_B d \sum t \quad (4.13)$$

чўзилишда эса $N_{Bt} = R_{Be} A_{Bn}$

бу ерда: $R_{BS} R_{BP} R_{Bt}$ – болтли бирикмаларнинг ҳисобий қаршиликлари;

d – болтнинг диаметри;

$A = \pi \cdot d^2 / 4$ – болтнинг кесим юзаси;

$A_{BP} = \pi \cdot d_0^2 / 4$ – болт кесимининг нетто юзаси;

n_s – болтдаги қирқилиш кесимларининг сони;

Σt – битта йўналишда эзиладиган элементларнинг энг кичик жамланган қалинлиги;

γ_B – бирикманинг ишлаш шароитини эътиборга олувчи коэффициент.

Бирикмадаги болтлар сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$n \geq \frac{N}{[N_B]_{\min} \cdot \gamma_c} \quad (4.14)$$

бу ерда: $[N_B]_{\min}$ – битта болтнинг энг кичик юк кўтарувчанлиги.

Ўта мустаҳкам болтларни ҳисоблаш қуйидаги тартибда бажарилади. Аввало болтнинг тўла тортилишидаги бўйлама зўриқиши кучи топилади. Сўнг битта болт билан маҳкамланган элементлардаги туташ сиртлардан ҳар бирининг қабул қила оладиган ҳисобий куч аниқланади;

$$Q_{Bh} = R_{Bh} \cdot \gamma_B \cdot A_{Bn} \cdot \frac{\mu}{\gamma_h} \quad (4.15)$$

бу ерда: $R_{Bh}=0,7 \cdot R_{Bip}$ – ўта мустаҳкамли болтнинг чўзилишдаги ҳисобий қаршилиги,

μ - ишқаланиш коэффициенти, ҚМҚдаги 2.03.05-97 13.2-жадвалдан қабул қилинади,

γ_h – ишончлилик коэффициенти, ҚМҚ 2.03.05-97. 13.2-жадвалдан қабул қилинади,

γ_B – бирикма ишлаш шароитининг эътиборга оладиган коэффициенти, болтлар сонига боғлиқ: сони 5-гача бўлганда коэффициент 0,8га тенг, $5 \leq n \leq 10$ бўлса, $\gamma_B=0,9$ га тенг, агарда $n > 10$ унда $\gamma_B=1$ га тенг, $A_{BII} = \pi \cdot d_0^2 / 4$ – болт кесимининг (нетто) юзаси.

4.2 жадвал.

Уланаётган юзаларни ишлаш (тозалаш) усули	Болтларнинг тортилишини ростлаш усули	Ишқаланиш коэффициент и μ	Кертик ва δ болтлар номинал диаметрларининг юкланиши ва турлилигидаги γ_h коэффициентлари, мм	
			Динамик ва $\delta=3-6$ бўлган холидаги;статик	Динамика ва $\delta=1$ бўлган холдаги;
1.Икки юзани консервациясиз дробомётлаш ва	M бўйича	0,58	1,35	1,12

дробоструйлаш	α бўйича	0,58	1,20	1,02
2.Худди шунинг ўзи, консервация	М бўйича α бўйича	0,50 0,50	1,35 1,20	1,12 1,02
билин (рух ёки алюминийни кўқунлаштириш орқали металлаштириш.				
3.Бир юзани полимер клейи билан консервациялаштири ш орқали питра қилиш ва карборунд кўқунини сепиш, иккинчи юзани консервациялашсиз пўлат тозалагичлари билин ишлаш.	М бўйича α бўйича	0,50 0,50	1,35 1,20	1,12 1,02
4.Икки юзани консервациялашсиз газ олови билан ишлаш.	М бўйича α бўйича	0,42 0,42	1,35 1,20	1,12 1,02
5.Икки юзани пўлат тозалагичлар билан ишлаш.	М бўйича α бўйича	0,35 0,35	1,35 1,25	1,17 1,06
6. Ишловсиз.	М бўйича α бўйича	0,25 0,25	1,70 1,50	1,30 1,20

--	--	--	--

Эслатмалар: 1.Болтларни М бўйича ростлаш усули айлантириш пайти бўйича ростлаш, α- бўйича эса гайка бурилиши бурчаги бўйича ростлашни билдиради.

Ишқаланиш μ- коэффициентларининг жадвалда кўрсатилганлардан қийматларини таъминловчи бошқа ишлаш усулларини уланаётган юзалар учун кўллашга рухсат этилади. Болтлар сони қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$n \geq \frac{N}{Q_{Bh} \gamma_c k} \quad (4.16)$$

к- уланаётган элементларнинг ишқаланиш юзалар сони.

Болтларни бирикмада жойлаштирилиши

1. Болтлар орасидаги масофа: а) минимал – 2,5·d; б) максимал – чекка қатордаги - 8·d ёки 12·t; в) максимал – ўрта қатордаги 16·d ёки 24·t чўзиладиган, 12·d ёки 18·t сиқиладиган.
2. элемент чеккасидан болтгача бўладиган масофа:
 - а) минимум таъсир этаётган кучни ёни бўйлаб таъсир этса – 2d,
 - б) таъсир этаётган куч кўндаланг кесим бўйлаб таъсир этса – 1,5d ва прокат элементларда 1,2 d;
 - в) максимал 4d ёки 8t.

4.3. Масала. Фермани тепа токчасини устунга бириктирадиган болтларни диаметрини аниқланг? Фермани тепа токчаси устунга 4-та болт билан бириктирилган. Чўзаётган ҳисобий куч 500 кН га teng. (4.5-расм)

Ечим: Битта болтга таъсир этаётган ҳисобий кучни аниқлаймиз.

$$N_{bt} = \frac{N}{4} = \frac{500}{4} = 125kH$$

Чўзилишга ишлаётган болтни юк кўтариш қобилияти қуидаги формула билан топилади.

$$[N_{bt}] = R_y \cdot A_n = R_y \frac{\pi \cdot d_0^2}{4}$$

Бундан $d_0 = \sqrt{\frac{4[N_{bt}]}{R_y \cdot \pi}}$


болтни юк кўтариш қобилиятини таъсир этаётган ҳисобий кучга тенг деб:

$$d_0 = \sqrt{\frac{4 \cdot 125,0 \cdot (10)^3}{230 \cdot 3,14 \cdot (100)}} = 2,63\text{cm}$$

ва резбани баландлигини эътиборга олиб болтни диаметрини аниқлаймиз $d=30\text{mm}$.

4.4.. Масала. Чўзилишга ишлаётган болтли бирикмани ҳисобланг. Нормал болтларни диаметри 18mm га тенг, уларни сонини топинг ва бирикмада жойлаштиринг, асосий элементни заифлашган кесимдаги кучланишни аниқланг?

Чўзаётган ҳисобий куч 800 кНга тенг. Пўлат маркаси Ст 3кп 2.



Расм 4.7. Болтли бирикма

Ечими. Битта болт қабул қилиши мумкин бўлган ҳисобий кучни аниқлаймиз:
Болт қирқилишга ишлаётганда.

$$N_{bs} = R_{bs} \cdot \gamma_b \cdot A \cdot n_c = 1334 \cdot 0,9 \cdot 2,54 \cdot 2 = 6107\text{kz}$$

$$A = \frac{\pi \cdot d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 1,8^2}{4} = 2,54\text{cm}^2$$

Пакет материаллари эзилишга ишлаётганда.

$$N_{ep} = R_{ep} \cdot \gamma_b \cdot d \sum t = 4300 \cdot 0,9 \cdot 1,8 \cdot 1,4 = 9752 \text{ кг}$$

Бирикмадаги болтлар сонини аниқлаймиз.

$$n = \frac{N}{[N_b]_{\min} \cdot \gamma_c} = \frac{80000 \text{ кг}}{6107 \text{ кг} \cdot 1} = 13,1$$

Болтларни сонини 14 та деб қабул қилиб оламиз ва бирикмада жойлаштирамиз. Биринчи қаторга 5 та иккинчи қаторга 4 та ва учинчи қаторга 5 та. Жами бирикмага 28 та болтлар жойлаштирилади.

Элементни заифлашган кесим юзасини аниқлаймиз ва унда ҳосил бўлаётган кучланишни топамиз.

$$A_n = 36 \cdot 1,4 - 5 \cdot 2 \cdot 1,4 = 36,4 \text{ см}^2$$

$$\sigma = \frac{N}{A_n \gamma_c} = \frac{800000 \text{ Н}}{36,4 \cdot 1} = 220 \text{ МПа} < 230 \text{ МПа}$$


Бирлаштирадиган фасонкани ўлчамларини аниқлаймиз.

$$(1,8 \cdot 2,5 \cdot 2 + 1,8 \cdot 2 \cdot 2) \cdot 2 + 1 = 32,4 \text{ см}$$

Демак, прокладкани ўлчамлари 360x340x8 2та варакасимон пўлат сортаментидан олинади.

4.5. Масала. Юқори мустаҳкамли болтлар билан бириктирилган бирикмани ҳисобланг. Чўзаётган ҳисобий куч 800 кН га teng. Болтларни диаметри 18мм га teng.

Пўлат маркаси 40 XФА $R_{bun} = 13500 \text{ кг/см}^2$, 1350 МПа. Болтларни сонини аниқлаб бирикмада жойлаштиринг. Асосий элементни заифлашган кесимдаги кучланишни аниқланг?



Расм 4.8. Юқори мустаҳкамли болтлар билан бириктирилган бирикма.

Ечими. Битта болт билан маҳкамланган элементлардаги туташ сиртлардан ҳар бирининг қабул қила оладиган ҳисобий кучни аниқлаймиз:

$$Q_{bh} = R_{bh} \cdot \gamma_b \cdot A_{bn} \frac{\mu}{\gamma_h} = 945 \cdot 0,9 \cdot 2,01 \frac{0,35}{1,06} \cdot (10) = 5645 \text{кг}$$

$$R_{bh} = 0,7 \cdot R_{bun} = 0,7 \cdot 1350 = 945 \text{МПа} = 9450 \text{кг/см}^2$$

$$A_{bn} = \frac{\pi \cdot d_0^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 1,6^2}{4} = 2,01 \text{см}^2$$

Бирикмага талаб қилган болтларни сонини аниқлаймиз:

$$n = \frac{N}{Q_{bh} \cdot \gamma_c \cdot n_c} = \frac{800}{56,45 \cdot 1 \cdot 2} = 7,1$$

Болтларни сонини 8 деб қабул қилиб оламиз ва бирикмада жойлаштирамиз.

Ҳар қаторга 4-та болт жойлаштирамиз. Жами бирикмага 16-та болт жойлаштирилади.

Элементни заифлашган кесим юзасини аниқлаб унда ҳосил бўлаётган кучланишни топамиз.

$$A_n = 36 \cdot 1,4 - 4 \cdot 2 \cdot 1,4 = 39,2 \text{см}^2$$

$$\sigma = \frac{N}{A_n \gamma_c} = \frac{800 \cdot (10)}{39,2 \cdot 1} = 204 \text{МПа} < 230 \text{МПа}$$

Бирлаштирадиган фасонкани ўлчамларини аниқлаймиз.

$$(2 \cdot d \cdot 2 + 2,5 \cdot d) \cdot 2 + 1 = (2 \cdot 1,8 \cdot 2 + 2,5 \cdot 1,8) \cdot 2 + 1 = 24,4 \text{см}$$

Демак, прокладкани ўлчамлари 360x250x8x2та варақасимон пўлат сортаментидан олинади.

Назорат саволлари.

1. Электр ёйи ёрдамида пайвандлаш кимлар томонидан кашф этилган?
2. Электр ёйи билан пайвандлаш усууллари?
3. Туташ чокни ҳисоблаш?
4. Бурчак чокни ҳисоблаш?

- 5.Туташ пайванд чокларининг шакллари?
- 6.Болтларни хиллари?
- 7.Болтли бирикмалар қандай ҳисобланади?
- 8.Ўта мустаҳкамли болтлар билан бажарилган бирикмалар қандай тартибда ҳисобланади?
- 9.Болтлар бирикмада қандай жойлаштирилади?

5– боб.МЕТАЛЛ ТЎСИНЛАР

Тўсинлар – жамоат ва туарар-жой биноларининг синчини тайёрлашда, ишлаб чиқариш майдончаларини қуришда қаватлараро ёпмаларини ёпишда, кўприкларда ва бошқа бир қатор соҳаларда қўлланилади. Тўсинлардан кенг кўламда фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири тўсин конструкциясининг оддийлиги ва ундан фойдаланишнинг ишончлилигидадир. Конструктив шакли қулай, баландлиги унча катта эмас. Статик схемаси бўйича тўсинлар бир оралиқ ва кўп оралиқли ҳамда консолли бўлади.

Тўсинларга тушадиган юкка ва таянчлар ора масофасига кўра тўсинлар яхлит ёки йиғма кесимли бўлиши мумкин. Йиғма тўсинлар пайвандли ёки болтли бўлади.

5.1.Металл тўсинли конструкциялар

Ёпмаларда, ишлаб чиқариш майдончаларида, кўприк конструкциясининг юк кўтарувчи қисмини тўсинлар тизими ташқил этади. Ҳар хил тўсинлардан фойдаланиб ёпилган юзни тўсинли катак дейдилар, тўсинлар жойлаштирилиши, таъсир этаётган юк миқдори ва тарҳдаги ўлчамларига қараб, уч хил бўлиши мумкин: оддий нормал ва мураккаб.(5.1-расм)

Оддий жойлаштиришда ёpmaga қўйилган юк тўшама орқали тўшама тўсинларга, тўшама тўсинлари орқали деворларга узатилади.


Нормал жойлаштириш усулида юк тўшама тўсинлари орқали бош тўсинларига узатилади, бош тўсинлар эса, ўз навбатида қабул қилган юкни устунларга узатади.

Мураккаб жойлаштиришда түшама түсінлари қабул қилингандың көмекшілігінен баландликка түсінлардың орталықтарынан жоғарыда орналасуы мүмкін. Баландликка түсінлардың орталықтарынан жоғарыда орналасуы мүмкін. (5.2-расм)

Түсінларнинг ўзаро туташиши қаватли бир хил баландликда ва пасайтирилган бўлиши мумкин. (5.2-расм)

Қаватли түсінлар тизими тез ва осон йиғилади лекин қурилиш баландлиги катта устиворлигини текшириш лозим. Битта баландликдаги түсінлар тизимини йиғиш учун анча вақт ва меҳнат сарфлаш керак, лекин конструкцияси устиворлигини таъминлайди. Пасайтирилган түсінли катақда энг паст баландликка эга бўлган түсінли катақ ҳосил бўлади устиворлиги таъминланади йиғиш учун меҳнат сарфи қаватлига қараганда кўпроқ битта баландликдан камроқ сарфланади. Бош түсінлар одатда устунларга таянади ва устунлари орасидаги катта масофалари бўйлаб жойлаштирилади. Түшамани бевосита ушлаб турувчи түсінлар (түшама түсінлари) бўлиб уларни орасидаги масофа «а» харфи билан белгиланади ва у $0,6 \div 1,6$ м teng қилиб олинади.

Иккинчи даражали түсінларни ораси масофа 2м дан – 5м гача бўлиши мумкин.




5.1-расм. Түсінли катакларни тизими

5.2. Түшамани хисоби

Тўшама учун вараксимон прокатли пўлатдан қалинлиги 6-14мм гача бўлганлари ишлатилади.

Тўшаманинг ишлаши кучланганли холати таянч орасидаги масофасини тўшама қалинлиги нисбати l/t га боғлик, агар $l/t < 50$ бўлса чўзувчи кучланишларнинг микдори жуда кичик бўлади, шу сабабли уларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бу ҳолда тўшама фақат эгилиш кучланишларга ишлайди деб ҳисобланади.



5.2-расм. Мураккаб тўсинли катакда тўсинларни бир – бирига бириктирилиши.

Ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

1. Тўшамани 1 п.см таъсир этаётган юк аниқланади.
2. Эни 1 п.см бўлган тўшама тўсиндаги энг катта эгувчи момент аниқланади.

$$M_{\max} = \frac{q \cdot l_t^2}{8} \quad (5.1)$$

3. Тўсин кесим юзасининг талаб қилган қаршилик моменти аниқланади.

$$W_{t,k} = \frac{M_{\max}}{R_y \cdot \gamma_c} \quad (5.2)$$

ва қуидаги ифодадан фойдаланиб түшама қалинлиги топилади.

$$t_t = \sqrt{6 \cdot W_{t,k}} \quad (5.3)$$

Агар $l/t > 300$ бўлса, эгилишдан пайдо бўладиган кучланишларнинг хисобга олмай фақат горизонтал реакциядан хосил бўладиган чўзувчи кучланишлар хисобга олинади.

Түшама қалинлиги қуидагича аниқланади:

$$t_t = \frac{T}{R_y \cdot \gamma_c \cdot 1cm} \quad (5.4)$$

$T = \sqrt{V^2 + H^2}$ түшамани 1 п.см.га таъсир этаётган хисобий куч,

$$V - \text{таянч реакцияси} \quad V = \frac{q \cdot l_t}{2} \quad (5.5)$$

$$H - \text{тортқич куч} \quad H = \frac{M_{\max}}{f} \quad (5.6)$$

Агар $50 < l/t < 300$ бўлса, эгилиш ҳам чўзишидан хосил бўладиган кучланишлар хисобга олиниши керак. Бу ҳолда түшамалар учун l/t нисбатини Телоян А.Л. формуласидан фойдаланиб аниқланади:

$$\frac{l}{t} = \frac{4n_0}{15} \left(1 + \frac{72E_1}{n_0^4 q''} \right) \quad (5.7)$$

Бу ерда: $n_0 = \left[\frac{l}{f} \right]$ - түшама таянчлар орасидаги масофани


солқилигига нисбати.

E_1 – силжиш модули. $E_1 = E / (1 - \mu^2)$

μ - Пуассон коэффициенти, пўлат учун $\mu = 0,3$ тенг

q'' - $1m^2$ – га таъсир этаётган меъорий юк.


Излаётган нисбатни С.Д.Лейтес графигидан фойдаланиб ҳам аниқлаш мумкин.



5.3. Прокат түсінларни ҳисоблаш тартиби

Танлаб олинган түсин юк күтариш қобилятига, бикирликга ва устиворликга әга бўлиши шарт.

- Дастлаб түсіннинг ҳисобий схемаси аниқланади таъсир қилаётган ташқи юклардан ҳосил бўлувчи максимал эгувчи момент топилади.



$$M_{\max} = \frac{q l^2}{8} \quad (5.8)$$

Расм 5.3. Эгувчи момент эпюраси

- Ҳисоблаётган түсин учун талаб этилган қаршилик моменти аниқланади.

$$W_{TK} = \frac{M_{\max}}{R_y \gamma_c} \quad \text{материал эластик ҳолатида ишлаганда} \quad (5.9)$$

ёки

$$W_{TK} = \frac{M_{\max}}{C_1 R_y \gamma_c} \quad \text{материал эластик - пластик ҳолатда ишлаганда}$$

3. Күштавр ёки швеллер сортаментидан юза танлаб олинади қаршилик моменти тенг ёки күпроқ талаб қилинган қаршилик моментидан ва танлаб олинган кесим юзани ҳамма геометрик тавсифномалари күчириб олинади: I_x ; S_x ; W_x ; t_w ; q ;

$$W_{m,k} \leq W_x$$

4. Танлаб олинган юзани мустаҳкамлиги текширилади:

$$\sigma = \frac{M}{W_x} \leq R_y \cdot \gamma_c \quad (5.10)$$

$$\tau = \frac{Q_{\max} S_x}{I_x t_w} \leq R_s \cdot \gamma_c \quad (5.11)$$

$$\text{фарқи } \frac{R_y - \sigma}{R_y} 100\% \leq 5\%,$$

ва бикирлиги ҳам текширилади.

$$\frac{f}{l} = \frac{5}{384} \frac{q^n l^3}{I_x E} \leq \left[\frac{f}{l} \right] \quad (5.12)$$

5.4. Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинларнинг ҳисоби

Тайёрланган тўсин мустаҳкам, етарли даражада бикирлигига эга, умумий ва алоҳида элементларни турғунлиги таъминланган бўлиши керак ва шу тўсинни тайёрлаш арzonга тушиши керак.

Самарали юза топиш учун биринчи навбатда тўсинни кесим юзасини баландлиги аниқланади.

Тўсиннинг баландлигини белгилашдан олдин унинг иккита қиймати аниқланади:

h_{\min} – минимал баландлиги, $h_{\text{опт}}$ – тежамли баландлиги.

Тўсинни энг кичик баландлиги уни бикирлиги таъминланиши эътиборга олган ҳолда аниқланади. Маълумки, қўзғалувчи шарнирли таянчга эга бўлган тўсин учун нисбий эгилиши қуидаги аниқланади:

$$\frac{f}{l} = \frac{5}{384} \frac{q^n l^3}{I_x E} \leq \left[\frac{f}{l} \right] \quad (5.13)$$


Тенгламага $I_x = \frac{Wh}{2}$ қийматни ва $M^n = \frac{q^n l^2}{8}$ қўйиб $\frac{M}{W_x} = R_y$

Шарт бажарилишини ҳисобга олсак, у ҳолда қуидаги ифода келиб чиқади:

$$\frac{f}{l} = \frac{5M^n l}{48EI_x} = \frac{5M^n l 2M}{48EWhM} \leq \left[\frac{f}{l} \right] \quad (5.14)$$

$$\text{бундан} \quad h_{\min} = \frac{5R_y l M^n}{24E \left[\frac{f}{l} \right] M} \quad (6.15)$$

Тўсиннинг самарали баландлигини аниқлаш иқтисодий мулоҳазаларга асосланган. Тўсиннинг оғирлиги, асосан унинг токчалари ва деворчасининг оғирлигидан иборат бўлиб, бу оғирликлар бир-бирига тескари муносабатдадир, яъни бирининг ошиши билан иккинчиси камайиб боради.



Расм 5.4. Бөш түсін кесім юзаси

Түсінни юк күтариш қобилияты эгувчи кучлар таъсир этаётганда уни қаршилик моменти билан характерланади. Симметрик құштаврли юза учун қаршилик моментини қуидагыча ёзилади. Ҳисобни соддалаштириш учун: $h = h_w$

$$W_x = \frac{2I_x}{h} = \frac{2}{h} \left[\frac{t_\omega h^3}{12} + 2A_f \left(\frac{h}{2} \right)^2 \right] = \frac{t_\omega h^2}{6} + A_f h \quad (5.16)$$

Түсінни умумий кесім юзаси:

$$A = 2A_f + A_\omega \quad (5.17)$$

A_f – токчасини кесім юзаси,

A_ω - деворини кесім юзаси.

$$A_f = (A - A_\omega) \frac{1}{2} \quad (5.18)$$

$$W_x = \frac{t_\omega h^2}{6} + \frac{Ah}{2} - \frac{h^2 t_\omega}{2} = \frac{Ah}{2} - \frac{2t_\omega h^2}{6} \quad (5.19)$$

$$K = \frac{h_\omega}{t_\omega} - \text{деворни эгилувчанлиги}$$

$$t_\omega = \frac{h_\omega}{K} \quad W_x = \frac{Ah}{2} - \frac{h^3}{3k} \quad (5.20)$$

Бу тенгламадан тўсиннинг умумий кесим юзасини аниқлаймиз:

$$A = \frac{2W_x}{h} + \frac{2h^2}{3k} \quad (5.21)$$

бундан оптималь кесим юзани топамиз: $\frac{dA}{dh} = -\frac{2W_x}{h^2} + \frac{4h}{3k} = 0$ (5.22)

$$h_{om} = \sqrt[3]{\frac{6W_{TK}K}{4}} \quad \text{ёки} \quad h_{om} = \sqrt{\frac{3W_{TK}}{2t_\omega}} \quad (5.23)$$

Самарали баландликни аниқлаш учун тўсин деворчасининг эгилувчанлиги «К»ни ёки деворчанинг қалинлигини « t_w » билиши керак

$$K=100 \div 200$$

Девор қалинлигини эмпирик формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин

$$t_\omega = 7 + 3h_{min}/1000 \text{ мм}, \quad t_w \geq 8 \text{ мм}. \quad (5.24)$$

Самарали ва энг кичик баландликлар қиймати аниқлангандан кейин тўсиннинг лойихавий баландлиги ўрнатилади.

Тўсин кесим юзасини баландлиги ва девори қалинлиги маълум бўлгандан сўнг, токчаларнинг кесим юзасини аниқлаш лозим. Бунинг учун қаршилик момент тенгламасини ёзамиз

$$W_{TK} = \frac{t_\omega h^2}{6} + A_f h \quad (5.25)$$

ва бундан токчалар юзаси аниқланиб, варақсимон прокатидан мос келадиган юза танлаб олинади

$$A_f = \frac{W_{TK}}{h} - \frac{th}{6} \quad (5.26)$$

Юзани танлаб олишда токчанинг кенглиги ва қалинлиги орасидаги нисбат лойихавий талабларига жавоб бериши керак.

Тўсиннинг умумий турғунлиги таъминланиши токчанинг кенглигини тўсиннинг кесим юзасини баландлиги нисбатига ҳам боғлик.

$$\epsilon_f \approx \left(\frac{1}{3} \div \frac{1}{5} \right) h \quad (5.27)$$

Сиқилишга ишлаётган токча нормал кучланишлар таъсири остида ўз турғунлигини йўқотмаслиги учун $\frac{\epsilon_f}{t_f} \leq 30$ нисбатни қониктириши керак.

Токчанинг кенглиги ҳар қандай холда ҳам 200мм дан кичик бўлмаслиги керак. Токчанинг қалинлиги 840мм атрофида бўлиши керак, лекин бу қалинлик $t_w \leq t_f \leq 3t_w$ оралиқда бўлиши лозим.

Токча кенглиги ва қалинлигини универсал пўлатларга тааллуқли ГОСТга мувофиқ равишда танлаш керак.

Қабул қилинган кесим юзанинг геометрик тавсифлари аниқланади;

$$I_x = \frac{t_w h_w^3}{12} + 2A_f \left(\frac{h_w + t_f}{2} \right)^2 + \frac{t_f^3 \cdot b_f}{12} \cdot 2 \quad (5.28)$$

$$W_x = \frac{2I_x}{h} \quad (5.29)$$

$$S_x = A_f \frac{h_w + t_f}{2} + \frac{h_w t_w}{2} \cdot \frac{h_w}{4} \quad (5.30)$$

Тўсин мустаҳкамликка ва бикирликка текширилади

$$\sigma = \frac{M}{W_x \gamma_c} \leq R_y \quad (5.31)$$

фарки $\frac{R_y - \sigma}{R_y} 100\% \leq 5\%$

$$\tau = \frac{Q_{\max} S_x}{I_x t_w} \leq R_s \gamma_c \quad (5.32)$$

$$\frac{f}{l} = \frac{5}{48} \frac{M^n l}{I_x E} \leq \left[\frac{f}{l} \right] \quad (5.33)$$

5.5. Тўсинларнинг умумий турғунлиги

Тўсинлар эгилиш текислигига энг катта бикирликка эга деб ҳисобланади, лекин эгувчи кучлар маълум миқдорга етганда тўсин устивор мувозанатини йўқота бошлайди. Тўсинни мувозанат ҳолатидан чиқишига мажбур қиладиган критик кучнинг қиймати тўсиннинг ёнбош эгилишидаги ва буралишидаги бикрликларга боғлиқ. Лойихавий жиҳатдан критик кучланишлар қиймати тўсиннинг лойихавий шаклига, схемасига ва ҳисобий узунлигининг токчалар кенглигига бўлган нисбатига

$$\text{боғлиқ } \ll \frac{l_{ef}}{\sigma_f}.$$

Тўсиннинг умумий турғунлиги қуйидаги формула бўйича текширилиши керак

$$\sigma = \frac{M}{\varphi_6 W_c} \leq R_y \gamma_c \quad (5.34)$$

бу ерда: φ_6 – тўсинларни турғунлигини ҳисоблашда ишлатиладиган коэффициент; уни аниқлаш тартиби 2.03.05-97 ҚМҚнинг 8-иловасида батафсил келтирилган;

Икки таврли кесим тўсинлари учун φ_6 -коэффициентини аниқлаш учун φ_1 – коэффициентини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш зарур:

$$\varphi_1 = \psi \frac{I_y}{I_x} \left(\frac{h}{l_{ef}} \right)^2 \frac{E}{R_y} \quad (5.35)$$

бу ифодадаги Ψ коэффициентни 2.03.05-97 ҚМҚнинг 8.1 ва 8.2 жадваллардан фойдаланиб юк хусусияти ва « α » параметрига қараб аниқланади.

Параметрнинг миқдори қуйидаги формулалар орқали топилади:

а) прокатли қўштавр учун

$$\alpha = 1,54 \frac{I_t}{I_y} \left[\frac{l_{ef}}{h} \right]^2 \quad (5.36)$$

б) алохида элементлардан тайёрланган тўсинлар учун

$$\alpha = 8 \left(\frac{l_{ef} t_f}{h \sigma_f} \right)^2 \left(1 + \frac{at^3}{\sigma_f t_f^3} \right) \quad (5.37)$$

бунда: l_{ef} – түснининг ҳисобий узунлиги;

h – кесим юзасини баландлиги;

I_t – кесимни буралишдаги инерция моменти;

t_w - девор қалинлиги;

b_f ва t_f – түснининг камар эни ва қалинлиги; $a=0,5$ h га тенг ўлчов;

Түснин умумий турғунлигини йўқотмаслик шартлари:

а) юкланишни мунтазам равишда түснининг сиқилган камарига таянувчи ва у билан ишончли боғланган (оғир, енгил ва ячейкали бетон, текис ва профилланган металл тўшама, тўлқинли пўлат ва бошқаларга таянувчи) яхлит қаттиқ тўшамадан ўтказилганда;

б) түснининг ҳисобий узунлиги токчасининг энига бўлган нисбати ҚМК 2.03. 05-97 7.2-чи жадвалидаги шартларга жавоб берса.

5.1 жадвал

Юкланиш тушиш жойи	$\frac{l_{ef}}{b_f}$ нинг прокатли ва пайвандланган түснлари мустаҳкамлигини ҳисоблашни талаб этмайдиган энг катта қийматлари ($1 \leq \frac{h}{b} \leq 6$ да ва $15 \leq \frac{b}{t} \leq 35$)
Юқори камарга	$\frac{l_{ef}}{b_f} \leq \left[0,35 + 0,0032 \cdot \frac{b_f}{t_f} + \left(0,76 - 0,02 \cdot \frac{b_f}{t_f} \right) \cdot \frac{b_f}{h} \right] \cdot \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (5.38)$
Пастки камарга	$\frac{l_{ef}}{b_f} \leq \left[0,57 + 0,0032 \cdot \frac{b_f}{t_f} + \left(0,92 - 0,02 \cdot \frac{b_f}{t_f} \right) \cdot \frac{b_f}{h} \right] \cdot \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (5.39)$

<p>Хисоблаш</p> <p>вақтида</p> <p>юкланиш</p> <p>тушиши</p> <p>даражасидан</p> <p>қатъий назар</p> <p>тўсиннинг</p> <p>уланмалари</p> <p>орасидаги</p> <p>майдони ёки</p> <p>тоза эгилиш</p> <p>вақтида</p>	$\frac{l_{ef}}{b_f} \leq \left[0,41 + 0,0032 \cdot \frac{b_f}{t_f} + \left(0,73 - 0,016 \cdot \frac{b_f}{t_f} \right) \cdot \frac{b_f}{h} \right] \cdot \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (5.40)$
	<p>Эслатмалар: 1. Юқори пишиклиқдаги болтлардаги камарли уланмаларга эга бўлган тўсинлар учун 5.1 жадвал бўйича олинувчининг қийматларини 1.2 коэффициентга кўпайтириш керак.</p> <p>2. $b \times t < 15$ нисбатли тўсинлар учун 6.1 жадвал формулаларида $b \times t = 15$ деб қабул қилиш керак.</p>

5.6. Тўсин элементларининг (токчасини) маҳаллий турғунлиги

Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинларда айрим элементларнинг токча ёки деворча сиқувчи, нормал ёки уринма кучланишлар таъсирида қавариб чиқиши ва маҳаллий устиворлигининг йўқотиши мумкин. Элементлардан бирортаси устиворлигини йўқотиш натижасида бутунлай ёки қисман ишдан чиқади. Натижада тўсиннинг шлайдиган ишчи қисми камаяди, кесими носимметрик шаклни қабул килади, эгилиш маркази силжийди. Буларнинг ҳаммаси тўсиннинг юк кўтарувчанлигини муддатидан олдин йўқолишига олиб келади. Критик кучланиш материалнинг эластиклик модули «Е» ва пластинканинг ўлчамларига боғлиқ. Узун томонлари билан маҳкамланган пластинка ўз устиворлигини тўлқинсимон сирт

бўйлаб йўқотади. Тўлқинларни вужудга келтирадиган критик куч қиймати қўйидаги формуладан аниқланади:

$$N_{kp} = c \cdot \frac{\pi^2 EI_u}{\sigma_f^2} \quad (5.41)$$

бу ерда: «C» - пластинканинг маҳкамланиш шарти ва кучланиш характеристига боғлиқ функция,

EI_u – пластинканинг цилиндрик бикирлиги

$$EI_u = \frac{EI}{1-\mu^2} = \frac{E\sigma_f t_f^3}{12(1-\mu^2)} \quad (5.42)$$

μ - Пуассон коэффициенти.

Критик кучдан пайдо бўладиган критик кучланиш қўйидагича топилади.

$$\sigma_{kp} = \frac{N_{kp}}{\sigma_f t_f} = c \frac{\pi^2 E b_f t_f^3}{b_f t_f b^2 f 12(1-\mu^2)} = c \frac{\pi^2 E t_f^2}{12(1-\mu^2) b_f^2} \quad (5.43)$$

Бу формулага пўлатни эластик ҳолатда ишлашликни эътиборга олувчи коэффициентлар қийматларни қўйсак қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sigma_{kp} = 0,25E \left(\frac{t_f}{\sigma_{ce}} \right)^2 \quad (5.44)$$

Қалтис кучланиш $\sigma_{kp} \leq R_y$ пўлатнинг окувчанлик бўйича ҳисобий қаршилигига тенг деб олиниб, тўсин токчасининг энини қалинлигига бўлган нисбатини аниқлаш мумкин

$$\frac{\sigma_f}{t_f} \leq c \frac{\pi}{3.3} \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (5.45)$$

$$\sigma_{kp} = 0,25E \left(\frac{t_f}{\sigma_{cd}} \right)^2 \quad \text{бундан} \quad \frac{\sigma_{ce}}{t_f} \leq 0.5 \sqrt{\frac{E}{R_y}} \quad (5.46)$$

Агар қалтис кучланишлар оқувчанлик чегарасидан катта бўлса, пластина ўз мувозанатини йўқотади. Нисбатнинг $\langle b_{cv}/t_p \rangle$ тўсин токчасининг маҳаллий турғунлиги таъминланиши учун зарур бўлган қийматлари КМК 2. 03. 05-97 9-чи жадвалида келтирилган.

5.7. Тўсин деворчасининг маҳаллий турғунлиги

Тўсин деворчасини нормал ёки уринма кучланишлар таъсирида ишлаётган пластина деб қараш мумкин. Деворчанинг турғунлигини ёки унинг қалинлигини ошириш йўли билан ёки муайян масофада кўндаланг бикирлик қовурғаларини ўрнатиш йўли билан таъминлаш мумкин.

Девор (пластина)нинг камарлар ва кўндаланг қовурғалари орасида жойлашиб қолган тўғри тўртбурчакли бўлмаларининг пишиқлигини текшириш керак.

Бунда текширилаётган пластинканинг ҳисобий ўлчовлари:

а- кўндаланг қовурғалар ўқлари орасидаги масофа:

h_{ef} – деворнинг (6.5.расм) пайвандланган тўсинларда бутун девори баландлигига, юқори пишиқликдаги болтлардаги камарли уланмаларга эга бўлган тўсинларда – тўсин ўқига энг яқин бўлган камар бурчаклари четлари орасидаги масофага, прокатли профиллардан тузилган тўсинларда ички айланма бошланишлари орасидаги масофага, эгилган профилларда буралиш четлари, орасидаги масофага тенг бўлган ҳисобли баландлиги;

t_w – девор қалинлиги.

Тўсин девори мустаҳкамлигини ҳисоблашни таранг ҳолатнинг ҳамма компонентлари (σ, t ва σ_{los}) ни ҳисобга олган ҳолда бажариш керак.

Тўсин деворлари мустаҳкамлигини текшириш талаб этилмайди, агар КМК 2.03.05-

97(7.29)шартлари бажарилса, бунда девор шартли эгилувчанлиги

$$\overline{\lambda_w} = \frac{h_{ef}}{t_w} \sqrt{\frac{R_y}{E}} \quad (5.47)$$

икки тарафли камар чокларига эга бўлган тўсинларда маҳаллий кучланиш йўклиги вақтида- 3,5 дан:

худди шунинг ўзи бир тарафли камар чокларига эга бўлган тўсинларда- 3,2 дан:

икки тарафли камар чокларига эга бўлган тўсинларда маҳаллий кучланиш борлигida -2,5 қийматларидан ошмаса.

Тўсинлардаги юк қўзғалмас ва маҳаллий кучланиш йўқ бўлиб, шартли эгилувчанлик $\lambda_w > 3,5$ бўлганда ҳамда юк қўзғалмас ва маҳаллий кучланиш бор бўлиб $\lambda_w > 2,5$ бўлганда деворча кўндаланг бикирлик қовурғалари билан маҳкамланиши шарт. Бикирлик қовурғалари орасидаги масофа $2 \cdot h_{ef}$ дан ошмаслиги лозим.


Кўндаланг қовурғаларининг эни $\varepsilon_K = \frac{h_{ef}}{30} + 40$ мм дан кичик бўлмаслиги керак.

Қалинлиги эса $t_R = 2 \cdot \varepsilon_K \cdot \sqrt{\frac{R_y}{E}}$ мм дан кичик бўлмаслиги шарт.

Кўндаланг бикирлик қовурғалари билан мустаҳкамланган симметрик кесимли тўсин деворчининг маҳаллий турғунлиги қуидаги формула бўйича текширилади:

$$\sqrt{\left(\frac{\sigma}{\sigma_{ck}} + \frac{\sigma_{los}}{\sigma_{los}}\right)^2 + \left(\frac{\tau}{\tau_{cr}}\right)^2} \leq \gamma_c \quad (5.48)$$

бу ерда σ, τ - қурилаётган ячейкада ташқи кучлар таъсиридан юзада ҳосил



бўлаётган кучланишлар,

Расм 5.5. Бош тўсинни деворини устиворлигини текшириш учун схема

$$\sigma = \frac{M_{ypma}}{W_x \gamma_c} \quad \tau = \frac{Q_{ypma} S_x}{I_x t_w} \quad \sigma_{cr} = \frac{C_{cr} R_y}{\lambda_\omega^2} \quad (5.49)$$

C_{cr} –КМК 2.03.05-97 нинг 9.1 жадвалидан аниқланадиган коэффициент « δ » параметрига қараб,

5.1.жадвал.

δ	$\leq 0,8$	1,0	2,0	4,0	6,0	10,0	≥ 30
$c_{сч}$	30,0	31,5	33,3	34,6	34,8	35,1	35,5

$$\delta = \beta \frac{\epsilon_f}{h_{ef}} \left(\frac{t_f}{t_\omega} \right)^3 \quad (5.50)$$

β - ушбу КМК 2.03.05-97нинг 9.2-жадвалидан олинадиган коэффициент,

5.2. жадвал

Түсинлар	Сиқилган камарнинг ишлаш Шартлари	β
Кран таги түсинлари	Кран рельслари пайвандланмаган Кран рельслари пайвандланган	2 ∞
Бошқалар	Плиталарнинг узлуксиз таянишида Бошқа ҳолатларда	∞ 0,8

Эслатма. Йиғилган юкларни тортилган камарига тушган кран таги түсинларининг бўлмалари учун δ коэффициентини ҳисоблашда $\beta=0,8$ деб қабул қилиш керак.

$$\sigma_{los} = \frac{N}{l_{ef} t_{\omega}} - \text{маҳаллий кучлардан ҳосил бўладиган кучланиш}, \quad (5.51)$$

N – маҳаллий куч (тўшама тўсинни таянч реакцияси)

l_{ef} – ҳисобий узунлиги $l_{ef} = b + 2 \cdot t_f$

Деворда маҳаллий кучдан ҳосил бўладиган критик кучланиш қўидаги формула орқали аниқланади:

$$\sigma_{loscr} = \frac{C_1 R_y}{\lambda_{\omega}^2} \quad (5.52)$$

C_1 – КМК 2.03-05-97 нинг 9.3 жадвалдан олинадиган коэффициент

5.3.жадвал

δ	С ₁ нинг пайвандланган тўсинлар учун қўидагиларга тенг бўлган $\frac{a}{h_{ef}}$ даги қийматлари								
	$\leq 0,5$	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	1,8	$\geq 2,0$
≤ 1	11,5	12,4	14,8	18,0	22,1	27,1	32,6	38,9	45,6
2	12,0	13,0	16,1	20,4	25,7	32,1	39,2	46,5	55,7
4	12,3	13,3	16,6	21,6	28,1	36,3	45,2	54,9	65,1
6	12,4	13,5	16,8	22,1	29,1	38,3	48,7	59,4	70,4
10	12,4	13,6	16,9	22,5	30,0	39,7	51,0	63,3	76,5
≥ 30	12,5	13,7	17,0	22,9	31,0	41,6	53,8	68,2	83,6

Девори кўндаланг қовурғалар билан устиворлиги оширилган тўсинда ҳосил бўладиган критик уринма кучланиш қиймати қўидаги формула орқали аниқланади.

$$\tau_{ck} = 10,3 \left(1 + \frac{0,76}{\mu^2} \right) \frac{R_s}{\lambda_{\omega}^2} \quad (5.53)$$

μ - катакнинг катта томонининг кичик томонига бўлган нисбати.

γ_c - КМКнинг 2.03.05-97 7-иловаси бўйича қабул қилувчи коэффициент

Агар деворчанинг шартли эгилувчанлиги 6,0 дан катта бўлса, деворча кўндаланг бикирлик қовурғаларидан ташқари бўйлама бикирлик қовурғалари билан ҳам маҳкамланиши керак. улар тўсин узунлиги бўйлаб юқори токчадан (0,2+0,3)h₀ масофада жойлаштирилади.

5.8. Тўсин деворчаси билан токчаларини бирга ишлашини таъминлаш

Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсин токчаси билан деворчаси ўзаро бириккан жойга силжитувчи куч таъсир этади. Тўсиннинг 1 см узунлигига таъсир этаётган силжитувчи кучни аниқлаймиз

$$T = \tau \cdot t_{\omega} = \frac{Q \cdot S_x}{I_x} \quad (5.54)$$

Пайванд тўсинларда силжитувчи куч «Т» токча чокларини қирқишига интилади шунинг учун чокларнинг юк кўтарувчанлиги кўйидаги шартни қаноатлантириши лозим:

$$\begin{aligned} T &\leq 2R_{wf}\beta_f K_f \gamma_c \\ \text{ёки} \quad & \quad (5.55) \end{aligned}$$

Юқоридаги ифодалардан пайванд чокнинг талаб қилинган қалинлигини топиш мумкин:

$$K_f \geq \frac{QS_x}{2I_x R_{wf} \beta_f \gamma_c} \quad \text{ёки} \quad K_f \geq \frac{QS_x}{2I_x R_{wz} \beta_z \gamma_c} \quad (5.56)$$

Агар тўсин деворчаси токчалари билан парчин михлар орқали бириктирилса, битта болтни силжитадиган куч ўзаро қўшни болтлар орасидаги масофа бўйича аниқланади;

$$N = T \cdot a \quad (5.57)$$

$$\text{Болтлар орасидаги масофа} \quad a = \frac{[N_e]_{\min}}{T} = \frac{[N_e]_{\min} I_x}{QS_x} \quad (5.58)$$

бу ерда (N_e)_{min}-битта болтнинг юк кўтариш қобилияти.

$$\begin{aligned} N_{es} &= R_{es} A n_c \gamma_e \\ N_{ep} &= R_{ep} d \gamma_e \sum t_{\min} \end{aligned} \quad \left. \right\} \quad [N_e]_{\min} \quad (5.59)$$

Назорат саволлари.

1. Тўсинлар қаерларда ишлатилади?
2. Тўсинлар тизими неча хил бўлиши мумкин?
3. Мураккаб тўсинли катакда тўсинларни бир-бирига бириттирилиши қандай бўлиши мумкин?
4. Тўшамани ҳисоби?
5. Прокат тўсинларни ҳисоблаш тартиби?
6. Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинларни кесим юзасини минимал баландлиги қайси формула билан топилади?
7. Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинни оптимал баландлиги қандай топилади?
8. Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсин токчасини кесим юзаси қайси формула билан топилади?
9. Тўсинларнинг умумий устиворлиги?
10. Тўсин элементларнинг маҳаллий устиворлиги?
11. Тўсин девори билан токчаларини бирга ишлаш шартлари?

5.1. Масала. Тўшамани ҳисоби. Тўшамага таъсир этаётган норматив юк

$q_0^H = 31kn / m^2$ га тенг, рухсат этилган нисбий эгилувчанлиги $\left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{120}$ тенг. Тўшама

тўсинларининг қадами $a=1,12m$ га тенг.

Ечими: Тўшамани қалинлигини топиш учун С.Д.Лейтес графигидан фойдаланамиз. Шу графикдан тўшамани таянч орасидаги масофасини уни қалинлигига бўлган нисбатини аниқлаймиз.

$\frac{l_T}{t_T} = 117$ бундан тўшама қалинлиги топилади.

$$t_T = \frac{l_T}{117} = \frac{112}{117} = 0,96\text{cm}$$

Тўшаманинг қалинлигини 10мм қабул қилинади.

5.2. Масала. Тўсинни ҳисобланг. Таянч оралиғидаги масофа 4м га teng. Тўсинга таъсир этаётган ҳисобий ёйма юк $q = 42,58\text{kN/m}$ teng. Пўлат маркаси

Ст 3 кп 2.

Ечими: Гашқи таъсир этаётган юқдан тўсинда хосил бўладиган энг катта эгувчи момент топилади.

$$M_{\max} = \frac{ql^2}{8} = \frac{42,58 \cdot 4^2}{8} = 85,18\text{kN}\cdot\text{m}$$

Талаб қилинган қаршилик моменти.

$$W_{TK} = \frac{M_{\max}}{R_y \gamma_c} = \frac{8518 \cdot (10)}{235 \cdot 1} = 362\text{cm}^3$$

Кўштавр сортаментидан, қаршилик моменти $W_x = 371\text{cm}^3$ ga teng бўлган №27 юза танлаб оламиз

$$\begin{aligned} I_x &= 5010\text{cm}^4; \\ S_x &= 210\text{cm}^3; \\ t_w &= 0,6\text{cm}; \\ q_{T.V.O} &= 31,5\text{kN/m} \end{aligned}$$

Танлаб олинган тўсинни мустаҳкамликка текширамиз(ўз оғирлигини эътиборга олган ҳолда).

$$\sigma = \frac{M_{\max} + M_{T.V.O.}}{W_x \gamma_c} = \frac{(8518 + 66,15) \cdot (10)}{371 \cdot 1} = 231,4\text{MPa}$$

Тўсиннинг ўз оғирлигидан хосил бўлаётган момент

$$M_{T.V.O.} = \frac{q_{T.V.O.} \gamma_f l^2}{8} = \frac{31,5 \cdot 1,05 \cdot 4^2}{8} = 66,15 \text{ кг} \cdot \text{м}$$

$$\text{фарқи } \frac{R_y - \sigma}{R_y} \cdot 100\% = \frac{235 - 231,4}{235} \cdot 100\% = 1,5\% < 5\%$$

Түсинни қирқувчи кучга текширамиз.

$$\tau = \frac{Q_{\max} S_x}{I_x \cdot t_w} = \frac{85,79 \cdot 210(10)}{5010 \cdot 0,6} = 59,9 \text{ МПа}$$

Таянчлар орасидаги максимал қирқувчи кучни қыйдаги формула орқали аниқлаймиз.

$$Q_{\max} = \frac{(q + q_{T.V.V} \cdot \gamma_f) l}{2} = \frac{(42,58 + 0,315 \cdot 1,05) \cdot 4}{2} = 85,79 \text{ кН}$$

Танлаб олинган түсиннинг бикирлигини текширамиз.

$$\frac{f}{l} = \frac{5}{384} \cdot \frac{q^H l^3}{I_x \cdot E} = \frac{5}{384} \cdot \frac{35,95 \cdot 400^3}{2060000 \cdot 5010} = 0,0029 = \frac{1}{344} < \left[\frac{1}{250} \right]$$

5.3. Масала. Алоҳида элементлардан тайёрланган түсинни ҳисобланг. Таянч оралиғидаги масофа $L=16\text{м}$ га teng. Таъсир этаётган ёйма норматив юк $q^H=184\text{кН/м}$. Ҳисобий юк $q=219,74 \text{ кН/м}$ teng. Пўлат маркаси Ст 3 пс 5.

Ечими: Ташқи юқдан түсинда ҳосил бўладиган энг катта эгувчи момент:
меъорий юқдан:

$$M_{\max}^H = \frac{q^H \cdot L^2}{8} = \frac{184 \cdot 16^2}{8} = 5886,94 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Ҳисобий юқдан

$$M_{\max} = \frac{q \cdot L^2}{8} = \frac{219,7 \cdot 16^2}{8} = 7031,68 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Түсинда ҳосил бўладиган қирқувчи кучни аниқлаймиз:

$$Q = \frac{q \cdot L}{2} = \frac{219,7 \cdot 16}{2} = 1757,92 \text{ кН}$$

Талаб қилинган қаршилик моменти:

$$W_{m.k.} = \frac{M_{\max}}{R_y \cdot \gamma_c} = \frac{703168 \cdot (10)}{235 \cdot 1} = 29922 \text{ см}^3$$

Самарали юза топиш учун тўсиннинг баландлигини тўғри қабул қилиб олишимиз лозим: бунинг учун

1. Тўсинни энг кичик баландлигини аниқлаймиз:

$$h_{\min} = \frac{5R_y LM^H}{24E \left[\frac{f}{l} \right] M} = \frac{5}{24} \cdot \frac{2350 \cdot 1600 \cdot 5886,94}{2,06 \cdot 10^6 \left[\frac{1}{400} \right] \cdot 7031,68} = 127,3 \text{ см}$$

2. Тўсиннинг оптималь баландлигини аниқлаймиз:

$$h_{onm} = \sqrt{\frac{3W_{T.K.}}{2 \cdot t_w}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 29962}{2 \cdot 1,2}} = 193,4 \text{ см}$$

t_w – тўсин деворини қалинлиги. Деворнинг қалинлигини империк формуладан фойдаланиб топамиз:

$$t_w = 7 + \frac{3 \cdot h_{\min}}{1000} = 7 + \frac{3 \cdot 1273}{1000} = 10,82 \text{ мм}$$

деворнинг қалинлигини 1,2 см қилиб қабул қиласиз.

Тўсиннинг баландлигини 185 см га teng деб қабул қилиб, токчасининг юзасини аниқлаймиз.

$$A_f = \frac{W_{T.K.}}{h} - \frac{h \cdot t_w}{6} = \frac{29922}{185} - \frac{1,2 \cdot 185}{6} = 124,7 \text{ см}^2$$

Варақасимон прокатли пўлатдан 530x25 қабул қиласиз юзаси $A_f = 132,5 \text{ см}^2$ шундай олсақ, тўсиннинг умумий турғунлиги $b_f = \left(\frac{1}{3} \div \frac{1}{5} \right) h$ ва токчанинг махаллий турғунлиги бажарилади

$$b_f < 30t_f$$

$$53 < 75$$

Қабул қилиб олган тўсиннинг геометрик тавсифини аниқлаймиз:

$$I_x = \frac{h_w^3 \cdot t_w}{12} + 2A_f \left(\frac{h_w + t_f}{2} \right)^2 = \frac{180^3 \cdot 1,2}{12} + 2 \cdot 2,5 \cdot 53 \cdot \left(\frac{180 + 2,5}{2} \right)^2 = 2789739 \text{ cm}^4$$

$$W_x = \frac{2 \cdot I_x}{h} = \frac{2 \cdot 2789739}{185} = 30159 \text{ cm}^3$$

$$S_x = A_f \cdot \frac{h_w + t_f}{2} + \frac{t_w \cdot h_w}{2} \cdot \frac{h_w}{4} = 53 \cdot 2,5 \cdot \frac{180 + 2,5}{2} + \frac{1,2 \cdot 180^2}{2 \cdot 4} = 16951 \text{ cm}^3$$

Тўсиннинг 1м узунлигидаги оғирлигини аниқлаймиз.

$$q_{\text{к.м.у.о.}} = (2 \cdot A_f + A_w) \rho = (2 \cdot 0,01335 + 0,0216) \cdot 78,5 = 3,76 \text{ kH/m}$$

Қабул қилинган тўсинни мустаҳкамлигини текширамиз:

$$\sigma = \frac{M}{W_x \gamma_c} = \frac{703168 \cdot (10)}{30159 \cdot 1} = 233,2 \prec 235 \text{ MPa}$$

фарки

$$\frac{235,0 - 233,2}{235} \cdot 100\% = 1\% \prec 5\%$$

$$\tau = \frac{Q \cdot S_x}{I_x \cdot t_w} = \frac{175792 \cdot 16961}{2789739 \cdot 1,2} = 890 \text{ кг/cm}^2 \prec R_s$$

Бикирлигини ҳам текширамиз:

$$\frac{f}{l} = \frac{5 \cdot M^H L}{48 \cdot E \cdot I_x} = \frac{5 \cdot 58869240 \cdot 1600}{48 \cdot 2060000 \cdot 2789739} = 0,0017 \prec \left[\frac{1}{400} \right]$$

Бош тўсиннинг умумий турғунлигини текширамиз.

Куйидаги шартларни текшириб қурамиз:

- таъсир этаётган юк узлуксиз мустаҳкам тўшама орқали бош тўсинни тепа токчасига таъсир этишлигини;
- бош тўсинни ҳисобий узунлиги токчасини энига бўлган нисбати қуйидаги шартни қониқтирса:

$$\frac{l_{ef}}{b_f} \leq \left[0,41 + 0,0032 \cdot \frac{b_f}{t_f} + \left(0,73 - 0,016 \frac{b_f}{t_f} \right) \frac{b_f}{h} \right] \sqrt{\frac{E}{R_y}}$$

$$\frac{100}{53} \leq \left[0,41 + 0,0032 \cdot \frac{53}{2,5} + \left(0,73 - 0,016 \frac{53}{2,5} \right) \frac{53}{182,5} \right] \sqrt{\frac{206000}{235}}$$

$$1,9 \prec 17,5$$

шунда катта тўсиннинг умумий турғунлиги ва устиворлиги таъминланади.

6- боб. МЕТАЛЛ УСТУНЛАР

Устунлар ўзидан юқорида жойлашган конструкциялардан тушадиган юкларни пойдеворларга узатувчи конструктив элементлардир. Устунлар қуидаги қисмлардан иборат: юқорида жойлашган конструкциялардан тушадиган юкларни бевосита қабул қиласидиган қисми - бош қисм, юкни узатувчи асосий ўрта қисм - стержень, стержендан пойдеворга юкни узатадиган қисми - асос. Устун стерженининг кесими яхлит ёки панжарали бўлади. Яхлит кесимлар очик ва берк бўлиши мумкин.

6. 1. Устунларни асосий ўрта қисми - стержень

Устунларни лойиҳалаш уларнинг кесими юзасини танлашдан бошланади. Бунда «Х-Х» ҳамда «У-У» ўқлари текислигига бир хил устиворликка эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуидаги шарт қаноатлантириши лозим

$$\lambda_x = \lambda_y \quad \text{ёки} \quad l_x = l_y \quad \text{ва} \quad i_x = i_y$$

Юкни таъсир этишига ва устунни ҳисобий узунлигига қараб эгилувчанлиги белгиланади. Агар таъсир этаётган юк 150-200т атрофига, баландлиги 4-6м бўлса, унда эгилувчанлигини 100-70 оралиғига олинади. Таъсир этаётган юк 250-400т-гача бўлса, эгилувчанлигини 70-50 оралиғига белгиланади. Шартли эгилувчанлиги ҳисобланади ва мос келадиган формуладан фойдаланиб коэффициент «φ» аниқланади ва устуннинг зарурий юзаси топилади:

$$A_{TK} = \frac{N}{\varphi R_y \gamma_c} \quad (6.1)$$

кесим юзани талаб қилинган инерция радиуси ва томонлари ўлчамлари аниқланади:

$$i_{TK} = \frac{l_{ef}}{\lambda} \quad h_{TK} = \frac{i_{TK}}{\alpha_1} \quad \sigma_{TK} = \frac{i_{TK}}{\alpha_2} \quad (6.2)$$

Кесим юзаси танлагач, устуннинг мустаҳкамлиги ва турғунлиги қуидаги формула бўйича текширилади


$$\sigma = \frac{N}{\varphi_{\min} A \gamma_c} \leq R_y \quad (6.3)$$

φ_{\min} -кичик бўйлама эгилиш коэффициенти, энг катта эгилувчанлик қиймати бўйича қуидаги формулалар билан ҳисобланади; шартли эгилувчанлиги $\bar{\lambda} = \lambda \cdot \sqrt{\frac{R}{E}}$

$$0 < \bar{\lambda} < 2,5 \text{ гача бўлса, } \varphi = 1 - \left(0,073 - 5,53 \cdot \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda} \cdot \sqrt{\bar{\lambda}} \quad (6.4)$$

$$2,5 < \bar{\lambda} < 4,5 \text{ бўлса, } \varphi = 1,47 - 13,0 \cdot \frac{R_y}{E} - \left(0,371 - 27,3 \cdot \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda} + \left(0,0275 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda}^2 \quad (6.5)$$








$$\bar{\lambda} > 4,5 \text{ бўлса, } \varphi = \frac{332}{\bar{\lambda}^2 \cdot (51 - \bar{\lambda})} \quad (6.6)$$



6.1-расм. Устуннинг кесим юзалари.

Инерция радиусининг қийматлари

жадвал 6.1

							
i_x	0.21 h	0.43 h	0.38 h	0.38 h	0.43 h	0.43 h	0.47 h
i_y	0.20 b	0.43 b	0.44 b	0.60 b	0.24 b	0.43 b	0.40 b

6.2. Устунларнинг бош қисмлари


Устуннинг бош қисми устундан юқорида жойлашган конструкциялар учун таянч бўлиб хизмат қиласди ва тушадиган юкни устуннинг стержень кесими бўйлаб текис тарқатади.

Устун тўсин билан шарнирли ёки бикир туташтирилган бўлиши мумкин. Шарнирли туташишда одатда тўсин устуннинг устига қўйилади. Бу ҳолда устуннинг бош қисми плита ва уни ушлаб туриб, юкни устун стерженига узатувчи қовурғалардан иборат бўлади. Бу ҳолда устунга юк тўсинларнинг йўналган қиррали таянч қовурғалари орқали узатилади, бош қисмининг плитаси пастдаги қовурғалар ёрдамида ушлаб турилади. Қовурғанинг баландлиги шу қовурғанинг тармоқларга ёки деворгача маҳкамлайдиган пайванд чоклар узунлиги бўйича аниқланади;

$$h_k = \frac{N}{4R_{w_f} K_f \gamma_c \beta_f} \quad (6.7)$$

ёки

$$h_k = \frac{N}{4R_{w_2} K_f \gamma_c \beta_f} \quad (6.8)$$



Расм 6.2. Устуннинг тепа қисми

Тўсин устуннинг ёнбошидан туташган бўлса вертикал реакция тўсиннинг таяниш қовурғаси йўналган қирраси орқали таяниш плитасига ва ундан устуннинг токчасига узатилади. Таяниш плитасини устун токчасига бириктирувчи пайванд чокларининг мустаҳкамлиги қўйидаги формула билан текширилади:

$$\sigma_w = 1,3 \frac{N}{2K_f l_w \beta_z} \leq R_{wf} \cdot \gamma_c \quad \sigma_w = 1,3 \frac{N}{2K_f l_w \beta_z} \leq R_{wz} \cdot \gamma_c \quad (6.9)$$

Тўсиннинг таянч қовурғасини пастки қирраси билан таяниш плитасининг қирраси баъзи сабабларга кўра параллел бўлмай қолиши мумкин. Бунинг натижасида иккита вертикал чокдан бирига $N/2$ дан қўпроқ юк тушиб қолиши мумкин. Шу эҳтимолликни ҳисобга олиш мақсадида формуланинг суратида реактив куч 1,3 марта ошириб олинган.

6.3. Устунларнинг асослари

Устуннинг асослари стержендан келган юкни пойдеворга бир текис тақсимлашга ҳизмат қиласи. Устун асослари уч хил бўлиши мумкин. Траверсали, таянч плитали, ва шарнир таянчли.(6.3 расм)

Устундан тушадиган босим катта бўлганда плитанинг қалинлигини камайтириш мақсадида бўйлама ҳисобий куч плитага устуннинг стержени ва

траверсалар орқали узатилади. Траверсалар устундан келадиган кучнинг плита юзаси бўйлаб текис тақсимланишига имконият беради.

Шарнирли таянч плитадан иборат бўлган устунлар идеал ҳисобий схемага жавоб беради, лекин уларни ўрнатиш бироз қийин кечади.

Таянч плитанинг ўлчамлари қуидаги формула орқали аниқланади.

$$A = \frac{N}{R_e \gamma_c} \quad A = axd \quad d = (1+1,4)a \quad (6.10)$$

R_b -пойдевор бетоннинг ҳисобий қаршилиги.



6.9. расм. Устун асослари

6.1. Масала. Устунни ҳисобланг. Таъсир этаётган ҳисобий куч $N=3516,0$ кН. Устунни ҳисобий узунлиги 4м га teng. Пўлат маркаси Ст 3 пс5.

Ечим: Устуннинг эгилувчанлигини 70 деб белгилаб, шартли эгилувчанлигини топамиз $\bar{\lambda} = 70 \sqrt{\frac{235}{210000}} = 2,34$. Демак, φ – коэффициент қийматини (6.4) формуладан фойдаланиб ҳисобланади;

$$\varphi = 1 - \left(0,073 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda} \cdot \sqrt{\bar{\lambda}} = 1 - \left(0,073 - 5,53 \frac{235}{210000} \right) 2,34 \sqrt{2,34} = 1 - (0,0668) \cdot 3,58 = 0,761$$

ва талаб қилинган юзани аниқлаймиз:

$$A_{T.K.} = \frac{N}{\varphi \cdot R_y \cdot \gamma_c} = \frac{3516 \cdot (10)}{0,761 \cdot 235 \cdot 0,95} = 207 \text{ см}^2$$

Устуннинг талаб қилинган инерция радиуси қуидаги ифода орқали аниқланади:


$$i_{T.K.} = \frac{l_{ef}}{\lambda} = \frac{400}{70} = 5,71 \text{ см}$$

Устуннинг кесим юзасини шаклини танлаб, уни асосий ўлчамларини аниқлаймиз:

$$h_{T.K.} = \frac{i_{T.K.}}{\alpha_1} = \frac{5,71}{0,43} = 13,3 \text{ см}$$

$$\epsilon_{T.K.} = \frac{i_{T.K.}}{\alpha_2} = \frac{5,71}{0,24} = 23,8 \text{ см}$$

Устуннинг алоҳида элементлардан ташқил топган қўштавр шаклига эга бўлган юзани танлаб оламиз ва варақасимон прокатли пўлатдан 300x10 девори учун 380x20x2 токчалари учун танлаб оламиз. Устуннинг умумий юзаси 182 см^2 teng.



Расм 6.4. Устуннинг кесим юзаси

Танлаб олган юзамизни геометрик тавсифларини аниқтаймиз:

$$I_x = \frac{h_w^3 \cdot t_w}{12} + 2b_f t_f \left(\frac{h_w + t_f}{2} \right)^2 = \frac{30^3 \cdot 1}{12} + 2 \cdot 38 \cdot 2,0 \cdot \left(\frac{30 + 2,0}{2} \right)^2 = 2250 + 38912 = 41162 \text{ cm}^4$$

$$I_y = \frac{b_f^3 \cdot t_f}{12} \cdot 2 + \frac{t_w^3 \cdot h_w}{12} = \frac{38^3 \cdot 2,0}{12} \cdot 2 + \frac{1^3 \cdot 30}{12} = 18293 \text{ cm}^4$$

$$i_x = \sqrt{\frac{I_x}{A}} = \sqrt{\frac{41162}{182}} = 15,0 \text{ cm}$$

$$i_y = \sqrt{\frac{I_y}{A}} = \sqrt{\frac{18293}{182}} = 10 \text{ cm}$$

X ва Y ўқлари бўйича эгилувчанлигини аниқтаймиз:

$$\lambda_x = \frac{l_{efx}}{i_x} = \frac{400}{15,0} = 26,7$$

$$\lambda_y = \frac{l_{efy}}{i_y} = \frac{400}{10} = 40$$

Катта эгилувчанлигига қараб шартли эгилувчанликни аниқтаймиз

$$\bar{\lambda} = 40 \sqrt{\frac{2350}{2100000}} = 1,34 \prec 2,5 \text{ ва } \varphi \text{ коэффициентини хисоблаб},$$


$$\varphi = 1 - \left(0,073 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda} \sqrt{\bar{\lambda}} = 1 - \left(0,073 - 5,53 \cdot \frac{235}{210000} \right) \cdot 1,34 \sqrt{1,34} = 1 - (0,0668) \cdot 1,551 = 0,896$$

танлаб олган юзани мустаҳкамлигини текширамиз:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi_{\min} \cdot A \cdot \gamma_c} = \frac{3516 \cdot (10)}{0,896 \cdot 182 \cdot 0,95} = 227,0 \text{ MPa}$$

pharqi $\frac{R_y - \sigma}{R_y} \cdot 100\% = \frac{235 - 227,0}{235} \cdot 100\% = 3,4\% \prec 5\%$

6.2. Масала. Устунни юк күтариш қобилятини аниқланг. Агар устунни хисобий узунлиги 5м га тенг бўлиб, кесим юзаси иккита №20 швеллердан иборат бўлса. Пўлат маркаси Ст 3 пс5. [№20



Расм 6.5. Устуннинг кесим юзаси

Ечими. Устуннинг эгилувчанлигини аниқлаймиз, бунинг учун кесим юзасининг геометрик тавсифномаларини аниқлаймиз;

$$I_x = 1520 \times 2 = 3040 \text{ cm}^4$$

$$A = 23,4 \times 2 = 46,8 \text{ cm}^2$$

$$i_x = \sqrt{\frac{I_x}{A}} = \sqrt{\frac{3040}{46,8}} = 8,07 \text{ cm}$$

$$I_y = (I_y^0 + A \cdot a^2) \cdot 2 = (113 + 23,4 \cdot 5,53^2) \cdot 2 = 1657 \text{ cm}^4$$

$$a = e - z_y = 7,6 - 2,07 = 5,53 \text{ cm}$$

$$i_y = \sqrt{\frac{I_y}{A}} = \sqrt{\frac{1657}{46,8}} = 5,95 \text{ cm}$$

$$\lambda_{efx} = \frac{l_{efx}}{i_x} = \frac{500}{8,07} = 62$$

$$\lambda_{efy} = \frac{l_{efy}}{i_y} = \frac{500}{5,95} = 84$$

Катта эгилувчанлигига қараб шартли эгилувчанлигини аниқлаймиз
 $\bar{\lambda} = 84 \cdot \sqrt{\frac{235}{210000}} = 2,81$ ва қуйидаги формуладан фойдаланиб φ коэффициентини қийматини топамиз;

$$\begin{aligned}\varphi &= 1,47 - 13 \frac{R_y}{E} - \left(0,371 - 27,3 \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda} + \left(0,0275 - 5,53 \frac{R_y}{E} \right) \cdot \bar{\lambda}^2 = 1,47 - 13 \frac{235}{210000} - \\ &- \left(0,371 - 27,3 \frac{235}{210000} \right) \cdot 2,81 + \left(0,0275 - 5,53 \cdot \frac{235}{210000} \right) \cdot 2,81^2 = 1,47 - 0,01455 - 0,957 + \\ &+ 0,1680 = 0,666\end{aligned}$$

ва юзани юк күтариш қобилиятини аниқлаймиз;

$$N = R_y \cdot A \cdot \varphi \cdot \gamma_c = 23,5 \cdot 46,8 \cdot 0,666 \cdot 0,95 = 695,8kH$$

Назорат саволлари.

1. Устун ва қисмлари?
2. Устунни ҳисоби.
3. Устунни бош қисми?
4. Устунларни асослари.
5. Қайси шартлар бажарилғанда устун турғунликка эга бўлади?

7 – бөб. МЕТАЛЛ Ф Е Р М А Л А Р

7.1. Фермаларни турлари


Ҳозирги кунда учбуручак шаклли, трапециясимон, параллел камарли ва кўпбуручакли полигонал фермалар қўлланилади. Учбуручак шаклли фермалар том ёпмасига кескин қиялик $25^\circ - 45^\circ$ талаб этадиган материаллар билан ёпишишда қўлланилади. (тўлқинли асбест-цемент шиферлар, черепицалар ва б.)

Таянч қисми мураккаб устун билан фақат шарнир орқали бириктирилади. Аксарият ҳолларда ферманинг ўлчамлари ундан фойдаланишдаги, меъморчилик ва технологик талабларга кўра белгиланади.


Трапециясимон фермалар томи кескин қия бўлмаган биноларда ишлатилади. Конструктив томонидан бир неча афзаликларга эга, эгувчи момент эпюрасига шакли тўлароқ жавоб беради, устун билан мустаҳкам ва шарнир орқали бириктирилиши мумкин.

Параллел камарли фермалар саноат ишлаб чиқариши талабларини тўлароқ қондириши ва оддий кўринишга эга бўлгани сабабли қурилишда кўпроқ қўлланилади.

Кўпбурчакли полигонал фермаларнинг ташки кўриниши эгувчи момент эпюрасининг шаклига яқин бўлганлиги туфайли улар материалнинг сарфланиши нуқтаи назаридан энг тежамли деб хисобланади. Шунинг учун бундай фермалар, асосан катта оралиқли бўлган биноларни қоплашда ва юклар нисбатан катта бўлганда қўлланилади.



7.1. расм. Фермалар



7.2. расм. Ферма элементларининг кесим юзаси

7.2. Ферма элементларида ҳосил бўладиган ҳисобли кучни аниқлаш.

Элементларда ҳосил бўладиган ҳисобий кучларни қурилиш механикаси усулларидан фойдаланиб топилади. Улар моментлар усули, фермани кесиш усули, тугунларни кесиш усули, Максвелл – Кремона диаграммасидан фойдаланиш усули орқали аниқланади. Бу усуллардан фойдаланиб ферманинг элементларида доимий юқдан, қор юқидан ва таянч моментлардан ҳосил бўладиган кучлар аниқланади ва уларни йифиндиси элементга таъсир этаётган ҳисобий кучни беради.

Ферма элементларида ҳосил бўладиган ҳисобий кучни аниқлангандан кейин уларни ҳисобини қилиш керак бўлади.

Ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

- Чўзилишга ишлайдиган элементларни талаб қилинадиган кесим юзасини қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A_{mk} = \frac{N}{R_y \gamma_c} \quad (7.1)$$

- Натижага қараб бурчак сортаментидан мос келадиган бурчаклар танлаб олинади:

$$A_{T.K.} \ll A_x \quad (7.2)$$

- Мустаҳкамлиги текширилади, бунда .

$$\sigma = \frac{N}{A_x \cdot \gamma_c} \leq R_y \quad (7.3)$$

бўлиши керак.

1. Сиқилишга ишлайдиган элементларнинг эгилувчанлигини қабул қилиб олиб, унга мос φ коэффициентнинг қийматида талаб қилинган кесим юзаси аниқланади:

$$A_{T.K.} = \frac{N}{\gamma_c \cdot \varphi \cdot R_y} \quad (7.4)$$

бу ерда: γ_c - элементни ишлашини эътиборга оладиган коэффициент, агарда эгилувчанлик $\lambda > 60$ бўлса, 0,8га тенг, $\lambda < 60$ бўлса, 0,95га тенг инерция радиуси ҳам аниқланади:

$$i_x = \frac{l_{efx}}{\lambda}; \quad i_y = \frac{l_{efy}}{\lambda}$$

2. Талаб қилинган кесим юзасига ва инерция радиусига қараб, иккита тенг (ёки тенгсиз) томонли бурчакликларни қабул қилиб, A_x , i_x , i_y ҳақиқий юзаси ва радиус инерциялари ёзилади.

3. Танлаб олинган элементлар мустаҳкамлиги ва устиворлиги текширилади. Бунинг учун аввал $x - x$ ва $y - y$ ўқи бўйича ҳақиқий эгилувчанлиги аниқланади:

$$\lambda_x = \frac{l_{efx}}{i_x} \quad \lambda_y = \frac{l_{efy}}{i_y}$$

Аниқланган эгилувчанлигини катта қийматига қараб φ- коэффициентни қиймати аниқланади ва элемент кесим юзасида ҳосил бўладиган кучланиш топилади: $\sigma = \frac{N}{\gamma_c \cdot \varphi_{min} \cdot A_x} \leq R_y \quad (7.5)$

7.3. Ферма тугунларини ҳисоблаш

Ферма тугунларини ҳисоблаш билан элементни бириттирадиган чок узунлиги аниқланади ва фасонкани ўлчамлари белгиланади.

Бурчак чокни узунлиги қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

- **бурчак юза асоси** учун металл чок кесими бўйича

$$l_w^0 = \frac{a \cdot N}{2\beta_f K_f R_{wf} \gamma_c} + 1; \quad (7.6)$$

- металл чок эриш чегара кесими бўйича

$$l_w^0 = \frac{a \cdot N}{2\beta_z K_f R_{wz} \gamma_c} + 1; \quad (7.7)$$

- **бурчак юза учи** учун металл чок кесими бўйича

$$l_w^n = \frac{(1-a)N}{2\beta_f K_f R_{wf} \gamma_c} + 1; \quad (7.8)$$

- металл чок эриш чегара кесими бўйича

$$l_w^n = \frac{(1-a)N}{2\beta_z K_f R_{wz} \gamma_c} + 1; \quad (7.9)$$

бу ерда α – ҳисобий кучни чоклар аро тақсимлаб берувчи коэффициент, тенг томонли бурчак учун $\alpha = 0,7$ тенг; тенгсиз томонли бурчак учун $\alpha = 0,65$, агар бурчак катта томони билан фасонкага бириктирилган бўлса; $\alpha = 0,75$, агар бурчак кичик томони билан фасонкага бириктирилган бўлса;

β_f , β_z - пайванд чоки қайси усул билан бажарилишига боғлиқ бўлган коэффициент, ҚМК 2.03.05- 97 13.1-жадвалидан олинади

K_f - бурчакли чокни қалинлиги уланаётган элементларнинг кичик қалинлиги олинади;

R_{wf} - эритилган пўлат чокини ҳисобий қаршилиги

$$R_{wf} = 0,55 \frac{R_{wun}}{\gamma_m}; \quad (7.10)$$

R_{wz} - пўлатни эриш чегараси кесими бўйича ҳисобий қаршилиги

$$R_{wz} = 0,45 R_{wun}; \quad (7.11)$$

Назорат саволлари.

1. Фермаларни турлари ва шакиллари.
2. Қайси шаклли фермалар устунлар билан фақат шарнир орқали бириктирилади?
3. Қайси шаклли фермалар энг тежамли деб ҳисобланади?
4. Ферма элементларида ҳосил бўладиган ҳисобий кучларни қандай топилади?
5. Ферма элементларининг ҳисоблаш тартиби.

3-ҚИСМ. ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

8- БОБ. БЕТОН ВА АРМАТУРАНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИҚ ХОССАЛАРИ

8.1. Темирбетон конструкциялар хакида умумий маълумотлар.

Жуда кадим замонлардан бери бизнинг ўлкаларда синчлик иморатлар қўлланиб келинган, уларнинг асоси ёғоч материали бўлган ва бу бинолар зилзила таъсирига бардошли эканини кўп ма ротаба тасдиклаган. Фан ва техника тараккий этиб бинокорликда металл, темирбетон сингари прогрессив қурилиш материалларини пайдо бўлиши биноларнинг «синчи» яни каркасида уз аксини топди. Эндиликда бинолар ёғоч синчлардан эмас балки пўлат ва темирбетон каркаслардан тикланмоқда.

Янги материалларнинг физик-механиқ хоссалари, қўлланиш имкониятлари ёғоч материаллардан тубдан фарқ килганидан, булардан ишланадиган биноларнинг конструктив лойиҳалари ҳам аввалгиларидан фарқ қиласди. Бино ва иншоатларнинг конструкциялари учун узоқ муддатга чидамли, олов бардош ва иктисодий жихатдан тежамли хом-ашё тури қабул қилинади.

Бетон қурилиш материаллари ичida энг кўп қўлланилади. У қурилиш зарурияти учун яратилган, фақат қурилиш учун ишлаб чиқарилган. Бетон нархи бошқа

материалларга нисбатан анча арzon. Зеро унинг механиқ ҳусусияти пўлатниги қараганда анча фарқ қилсада, уларнинг афзаллигини солиштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда бетонга тенг келадиган материал йўқ. У ҳамма жойда етарли, яъни унинг таркиби ҳамма ерда мавжуд бўлган материаллар киради. Яна бир маъкул бўлган томони шундан иборатки, бетон мустаҳкамлиги йилдан йилга ортиб боради. Бу ҳусусият темирбетон конструкциялари узоқ даврга чидамли эканлигини кўрсатади. Бетоннинг архитектура ва конструктив имкониятлари хақида гапирмаса ҳам бўлади. Темирбетон 1850 йилда француз мухандиси Ламбо томонидан кашф этилган. Дастребаки арматуцраланган конструкциялар Франция (Ламбо, Куанре, Монрелар томонидан), Англия (Уилкинсон), АКШ (Гиатт)да тайёрланган ва қурилиш амалиётида қўлланилган.

Темирбетон конструкцияларни ҳисоблашнинг назарий асослари ва лойиҳалашга Консидер, Геннебик (Франция), Кёнен, Мёрш (Германия) лар асос солғанлар.

Утган аср давомида Фрейсине (Франция), Хойер (Германия) Н.А.Белелюбский, А.Ф.Лолейт, А.А.Гвоздев, П.Л.Пастернак, В.И.Мурашев, С.С.Давидов (Россия), А.Б.Ашрабов, Б.А.Аскarov, Р.Қ.Мамажонов, А.А.Ашрабов, Ш.Р.Низомов, (Ўзбекистон) ва бошқа олимлар утказган тадқикотлар юк кўтарувчи темирбетон конструкцияларни ҳисоблаш усуллари ва уларни амалда ишлатишнинг тараккий этишига имконият яратди. Бугунги кунда қурилишнинг барча соҳаларида темирбетон кенг қуламда ишлатилмоқда.

Бетон қурилиш материаллари ичida энг кўп ишлатилишига сабаб, унинг мустаҳкамлигининг юқорилиги, бетон нархи бошқа материалларга нисбатан анча арzon, у ҳамма жойда етарли, яъни унинг таркиби ҳамма ерда мавжуд бўлган материаллар киради. бетон мустаҳкамлиги йилдан йилга ортиб боради, бу ҳусусият темирбетон конструкциялари узоқ даврга чидамли эканлигини кўрсатади, бетон хоҳланган архитектура ва конструктив шакиллари қабул қиласди.

Бетон анизатроп материал бўлиб, унинг мустаҳкамлиги қуйидаги омилларга боғлик таркиби, боғловчи ва тўлдирувчининг тури, сув ва цементнинг нисбати (W/C), тайёрлаш усули, қотиш шароити, бетоннинг ёши, намуналарнинг шакли ва ўлчамлари, куч таъсирининг давомийлиги кабилардан иборат.


Бетон ва арматуранинг бирга ишлашига шароит яратган сабаблар :

-бетон қотиш жараёнида ҳажмий қисқариши ,цементнинг елимлаши, арматуранинг юзасининг даврийлиги ҳисобига тишланади.

-зич бетон арматурани занглаш ва ёнгиндан сақлайди.

-пўлат арматура билан бетоннинг температура таъсирида чизиқли кенгайши коэффициентлари бир-бирига жуда яқин

Бетон сиқилишга яхши,чўзилишга суст қаршилик курсатганлиги сабабли ,арматурасиз тўсин кўп юк кутара олмайди.Агар тўсиннинг чўзилиш қисмига арматура жойланса тўсиннинг юк кўтариш қобилияти ,тахминан 20 маротабага ортади, сабаб арматура чўзилиш қисмидаги чўзувчи кучларини ўзига қабул килиган холда сиқилиш қисмидаги бетоннинг ишлашига шароит яратади.Пўлат сиқилиш ва чўзилишга ҳам яхши қаршилик курсатганлиги учун сиқилишга ишлайдиган темирбетон кон.структураларни кесим юзасини кичрайтиради ва юк кўтариш қобилиятини оширади. (8.1. расм)



8.1. расм. Темирбетон элементларда асосий арматурани жойлашитириш

*1 – ишчи арматура; 2 – бетоннинг смекмлиш қисми
3 – ёриклар; 4 – сиқилган арматура*

Темирбетон конструкциялари учун ишлатиладиган бетон керакли мустаҳкамликка, арматура билан ёпишишга, етарли зичликка, арматурани занглашдан асрай олиш хусусиятига эга бўлиши керак.

Гарчи бетон бир хил жисимли бўлмасада, унга олдиндан мустаҳкамлигини, деформациясини ва физик хусусиятларини белгилаб қўйиш мумкин.

Бетоннинг мустаҳкамлиги деганда, унинг чўзилиш ва сиқилишдаги меъёрий ва ҳисобий қаршилиги шу билан бирга бетон билан арматуранинг тишланиши (сцепления) тушунилади.

Бетоннинг деформатив хусусияти деганда, унинг юк остида сиқилиши ва чўзилиши, тобташлаши, чўкиши, маълум ҳарорат ва намлик таъсирида ҳажмини ўзгаришига айтилади.

Бетоннинг сув ўтказмаслиги, совукқа чидамлилиги, емирилишга бардошлилиги, иссиқ ва товуш ўтказмаслиги, ишқор таъсирига чидамлилиги, унинг физик хусусиятлари ҳисобланади.

Иншоатларни қандай мақсадларда фойдаланишларига қараб бетонлар: конструкцион ва махсус бетон турларига бўлинади.

Зичлигига қараб, бетонлар қуидагича тавсифланади: ўта оғир, оғир, енгиллаштирилган ва енгил.

конструкциянинг афзалликлари :

мустаҳкам,узоқга чидамли, олов бардош,зилзила бардош,махаллий хом-ашёлардан фойдаланиш имконияти,конструкцияга исталган шакил бериш имконияти, мустаҳкамлигини йилдан йилга ортиб бориши

конструкциянинг нуқсонлари :

вазнининг оғирлиги, иссиқ ва товушнинг ўтказиши,мустаҳкамлаш ва тузатишнинг қийинлиги,ёриқ пайдо бўлиши

Темирбетон конструкцияларнинг ишлатилиш соҳалари :

Саноат,маъмурий ва тураржой бинолари,кўприклар,тунельлар,махсус иншоатлар,гидротехник иншоатлар,фазовий конструкциялар ва бошқалар.

Назорат саволлари

1. Қурилиш саноатида темирбетон конструкциялардан кенг микёсда ишлатилишига сабаб.
2. Бетоннинг мустаҳкамлиги қандай омилларга боғлиқ.
3. Бетон ва темирбетон тўсиннинг юк остида ишлаш тартибини изохлаб беринг
4. Сиқилишга ишлайдиган темирбетон конструкцияларни кесим юзаларига арматура ўрнатишдан мақсад
5. Бетон ва арматуранинг бирга ишлашига шароит яратган сабаблар тугрисида маълумот беринг
6. Темирбетон конструкцияларнинг афзалликлари.
7. Темирбетон конструкцияларнинг нуқсонлари.
8. Темирбетон конструкцияларнинг ишлатилиш соҳалари.

8.2. Бетоннинг физик-механиқ хоссалари

Бетоннинг таркиби, унинг мустаҳкамлиги ва деформатив хусусиятига таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Бу масалани тушуниш учун бетон қотишида ҳосил бўладиган физик-кимёвий жараённи кўриб чиқамиз. Бетон таркиби: цемент, сув, қум ва шағалдан иборат. Сув цемент билан кимёвий реакцияга киришиб ва ёпишқоқ бир масса ҳосил қиласди. Бетон қориши масини аралаштириш натижасида сувда эриган цемент гель кристаллари қум – шағал кристалларини бирлаштиради. Қотаётган гель эриган цемент, қум – шағал кристаллари билан ўзаро бирикиб монолит қаттиқ бетонга айланади.

Бетон қориши маси тайёрлашдаги сув микдори бетон таркиби ва мустаҳкамлигига таъсир этувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Сувни цемент билан кимёвий бирикиши учун $W/C = 0,2$ бўлиши етарли, бунда W/C - сув микдорини цемент миқдорига нисбати. Аммо, бетон қориши масини ҳаракатчанроқ

бўлиши ва юзага яхши ётиши учун сув меъёридан кўпроқ қуилади, яъни $W/C = 0,5 - 0,6$ харакатчан қоришма; $W/C = 0,3 - 0,4$ қаттиқ қоришма. Бетон таркибидаги ортиқча сув қотиш жараёнида буғланади ва бетон танасида пулакчалар ва капиллярлар ҳосил қилади бу ғоваклар сув ёки ҳаво билан тўлган бўлади. Бу бетоннинг сифатига таъсир қилиб, мустаҳкамлигини камайтиради ва деформациясини оширади. Цемент тошдаги ғовакларнинг умумий ҳажми 25-40% ни ташқил этади (нормал шароитда қотганда). W/C камайиши билан цемент тошдаги ғоваклар ҳам камаяди, натижада бетоннинг мустаҳкамлиги ортади. Шунинг учун темирбетон ишлаб чиқарадиган корхоналарда асосан қаттиқ бетон қоришмасидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, бетон таркиби қум ва шағалдан ҳамда цемент тошидан фазовий панжара кўринишида ташқил бўлган ва кимёвий жихатдан боғланмаган сув, сув буғи ҳамда ҳаводан иборат бўлади. Физик жихатдан бетон 3 фазадан, яъни қаттиқ, суюқ ва газ кўринишдаги материал сифатида тасаввур этилади. Цемент тошининг таркиби ҳам бир хилда эмас, яъни бутун қоришмани ташқил этувчи қайшқоқ кристалл ўсимталардан ва ёпишқоқ масса гелдан иборат. Цемент тошининг эластик ва ёпишқоқлик ҳолати унинг эластик ва пластик хусусиятларига ажратади. Бу хусусият бетонни юк остида ва уни ташқи муҳит билан бўлган таъсирида яққол намоён бўлади. Бундан кўринадики, бир жинсли бўлмаган жисмда ташқи кучлар (ташқи юк, атроф муҳит ва б.) таъсирида бетон мураккаб ички кучланиш ҳолатида бўлади.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган бетон мустаҳкамлиги назариясида унинг таркиби (структураси) эътиборга олинмайди. Бетоннинг мустаҳкамлиги унинг таркибига боғлиқлиги масаласи шу вақтгача ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Бу масаланинг ечими Марказий Осиё иқлим шароити тайёрланадиган ва шу шароитда ишлатиладиган бетонлар учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бетон қуриқ иссиқ иқлим шароитида иссиқлик ва намликтин доимий равишда ўзгариб туриши натижасида (ташқи куч таъсиридан ташқари) қўшимча ички кучлар таъсирида ички кучланиш ҳолатида бўлади. Бу ҳолат конструкцияни ҳисоблаш ва лойиҳалаш

ишиларида етарли даражада эътиборга олинмайди. Шу кунгача бетоннинг мустаҳкамлиги ва деформацияси хақидаги маълумот фақат бетон намуналарини синаш натижалари орқали аниқланади. Бунда бетоннинг физик ва механиқ хоссаларининг ўртacha қийматлари аниқланади ва улар темирбетон конструкцияларни лойиҳалаш учун хозирги кунда асос қилиб олинган.

Бетоннинг мустаҳкамлиги .

Бетоннинг мустаҳкамлиги бетоннинг энг муҳим характеристикаларидан бири бўлиб, бу унинг сиқилишидаги мустаҳкамлигидир. Яқин йилларгача этalon сифатида бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлигини ифодаловчи бетоннинг маркаси деган кўрсаткич қабул қилинган эди. Хозирги кунда эса бетоннинг синфи деган ибора ишлатилади. Бетоннинг синфи билан маркаси ўртасидаги фарқ қабул қилинадиган қаршилик миқдорининг таъминланиши билан ифодаланади.

Бетоннинг маркаси учун қаршиликнинг таъминланиши 50 фоизни ташқил этади (қаршиликнинг ўртacha статистик миқдори), бетоннинг синфи учун эса бу кўрсаткич 95 фоизни ташқил қиласди. Бунинг учун сиқилаётган бетон намунада бузилиш ҳолатини кўриб чиқамиз. Бу ғайри табиий туйилиши мумкин, лекин бузилиш чўзиш чоғида мустаҳкамлик заҳирасини тугаши билан боғлиқ, сиқиш билан эмас. Чўзишдаги мустаҳкамлик фақат унинг кўндаланг йўналишидаги кесим юзасига боғлиқ. Бетондаги ҳар бир ғовак ва бўшлиқ бир хил материалдаги тешик сифатида қаралиши мумкин, яъни унинг атрофида кучланиш пайдо бўлади. Куч таъсирига перпендикуляр равишда деформация юзага келади, шу асосда ён атрофга йўналган кенгайиш кучланиши пайдо бўлади. Айнан ана шу куч майдони сиқилаётган элемент тақдирини ҳал қиласди, дастлаб ички микро ёриклар пайдо бўлади, улар босимни ортиши билан бир бирига қўшилиши натижасида кўзга кўринадиган ёриклар ҳосил қиласди ва оқибатда бетон синади.


Темирбетон конструкцияларда бетон асосан сиқилишдаги кучланишни қабул қилиш учун ишлатилади. Шунинг учун бетоннинг мустаҳкамлиги ва деформатив хусусияти унинг ўқи бўйлаб сиқилишдаги мустаҳкамлиги қабул қилинган. Қолган

мустаҳкамликлари (чўзилишга, махаллий сиқилишга, кесилишга ва бошқа) ва деформация модули бетоннинг сиқилишига боғлиқ ва тажрибалар асосида олинган коэффициентлар ёрдамида эмпирик формула билан хисобланади.

Бетоннинг куб мустаҳкамлиги

Конструкцияларда бетон мустаҳкамлиги бетон кубини пресс ёрдамида сиқиши орқали синдириб синалади. Стандарт сифатида $15 \times 15 \times 15$ см ҳажмдаги намуна қабул қилинади, уларни 20-2 С ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоиздан кам бўлмаган шароитда бетон 28 суткадан сўнг синалади.

Эталон кубларнинг вақтинчалик қаршилиги- σ_u бетон кубининг мустаҳкамлиги хисобланади.



8.2. расм. Бетон куб ва призмани юк остида синаши тартиби

Бетон мустаҳкамлигига намуналарнинг шакли ва ҳажми таъсир қиласи: куб ўлчамлари қанчалик кичик бўлса, унинг мустаҳкамлиги шунчалик катта бўлади. Шундай қилиб, кубларнинг сиқишига бўлган қаршилиги ўлчами 10 см учун 10 фоиздан ортиқ, 20 см учун эса 7 фоиздан кам, этalon кубга нисбатан. Бунда ҳар хил ўлчамдаги сиқилган намуналарнинг қаршилиги бир хил эмаслигига сабаб-ишқаланиш кучи, бу намуна чети билан пресс таянч плитаси ўртасида рўй беради. Намуна ичига йўналган бу ишқаланиш кучлари кубнинг бўйлама деформациясига тўсқинлик қиласи (бу билан намуна мустаҳкамлиги ошади). Ишқаланиш қучининг

таъсири чет қисмидан узоклашган сайин камаяди, шунинг учун куб 2та кесик пирамиди шаклида синади.

Агар кубни сиқишида ишқаланиш кучини мойлаш орқали йўқ қилинса бўйлама деформация намоён бўлади, яъни ёриқлар вертикал кетади. Бунда бетоннинг вақтинчалик қаршилиги икки маротабагача камаяди. Стандарт талабига кўра кублар мойланмай синалади.

Бетоннинг призма мустаҳкамлиги

Темирбетон конструкцияларнинг шакли кублардан фарқ қиласи. Шунинг учун уларнинг мустаҳкамлигини кубик мустаҳкамлигидан аниқлаб бўлмайди. Конструкциялардаги бетоннинг кучланиш ҳолати призма кучланишига мос келади, чунки конструкциянинг шакли призманинг шаклига мос келади. Шунинг учун конструкцияларни ҳисоблашда бетонни сиқишига бўлган мустаҳкамлиги деб бетон призмани сиқишидаги вақтинчалик қаршилиги σ_{bi} қабул қилинган. Призмали намуналарда ишқаланиш кучининг таъсири камлиги, лекин бир хил кесим юзаси бўлгани учун сиқилишдаги мустаҳкамлиги кубик мустаҳкамлигига нисбатан кам. Бетоннинг призма мустаҳкамлиги кубик мустаҳкамлигининг 72-77 фоизини ташқил этади.

Агар призма баландлиги « h » ва « a » томонларига нисбати 3-4 га teng бўлганда σ_{bu} қиймати доимий сақланади, бошқача қилиб айтганда бўйлама деформация ривожига ишқаланиш кучининг таъсири кам бўлади. Бунда бетон намунасининг эгилувчанлигига таъсири билинмайди, факат $\frac{h}{a} \geq 8$ бўлгандагина билинади. Ўртacha призма мустаҳкамлиги тахминан $\sigma_{bu} \approx 0.75\sigma_b$ га teng. Призма мустаҳкамлиги деганда баландлиги « h »нинг « a » томонларга нисбати 4га teng бўлгандаги сиқилаётган призманинг вақтинчалик қаршилиги қабул қилинган. Ўлчамлари $15 \times 15 \times 60$ см катталиқдаги призма стандарт сифатида қабул қилинган.

Бетоннинг чўзишдаги мустаҳкамлиги цемент тошини чўзишга бўлган мустаҳкамлигига ва уни тўлдирувчилар билан қандай боғланишига боғлиқ. Маълумки, бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги сиқилишдаги мустаҳкамлигига қараганда 10-20 баробар кам. Бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги кўпгина иншоотларда (масалан, гидротехника иншоотларида) бетон мустаҳкамлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Чўзиш кучини аниқлашдаги қийинчилик синалаётган (намунанинг геометрик ўқини физик ўқи билан тўғри келиши) бетоннинг мустаҳкамлик чегарасини топиш қийин, шунинг учун амалда уни билвосита йўллар билан аниқланади, яъни цилиндр намуналарини синдириш (раскальывать) йўли билан аниқланади. Бетоннинг чўзишдаги чегаравий мустаҳкамлиги (МПа) қуйидаги эмпирик формула билан аниқланади:

$$R_{bt} = 0.233\sqrt[3]{R^2}$$

ёки кубик намуналар учун

$$R_{bt} = 0.5\sqrt[3]{R^2}$$

Бетонни сиқишга бўлган мустаҳкамлигини ортиши, унинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлигини сиқишга бўлган мустаҳкамлигига нисбатан кам. Масалан:

агар $\sigma \approx 0.1 \sigma_{bu}$, бунда $\sigma_{bu} \approx 10 \text{ MPa}$; лекин $\sigma_{bt,u} = 0.05 \sigma_{bu}$, бунда $\sigma_{bu} = 50 \text{ MPa}$ тенг

Бетоннинг деформацияси

Деформация турлари. Бетоннинг деформацияси 2 гурухга бетонга куч таъсир этмаган ва этган ҳолатдаги деформацияларга бўлинади. Куч таъсир этмаган ҳолатдаги ҳажмий деформация бетонни киришишда ёки атроф муҳит таъсирида иссиқлик ва намликнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлиб, вақт давомида ривожланиб боради. Ташқаридан таъсир этадиган юклар куч деформациясини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Юқорида айтилгандек, бетон эластик-пластик материал ҳисобланади. Бетон кичик кучланишда ҳам эластик деформация (тиклаш) ҳолатидан ташқари, унда ноэластик (пластик) деформация ҳолати ҳам мавжуд бўлади.

Куч деформацияси уч турга бўлинади.

- қисқа муддатли юкни бир маротаба юклашда;
- узок муддатли юк таъсирида;
- кўп каррали юк таъсирида;

Деформация назариясига кўра бетоннинг нисбий деформацияси, бу бетоннинг абсолют узайиши (ёки қисқариши) ни, дастлабки ҳолатидаги ўлчамига нисбати тушунилади. Бетоннинг муҳим хоссаларидан бири унинг ҳажмий ўзгаришидир. Бетон ҳажмий ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан бири киришишдир (усадка). Кириниш — бетоннинг табиий ҳолда қотишишидаги ҳажмини кичрайишига айтилади. Бетонни кичрайишига қотаётган цемент гель ҳажмини кичрайиши ва ортиқча сувни бетон танасидан чиқиши сабаб бўлади. Кириниш бетон ёшига, цемент микдорига, тайёрлаш технологиясига, элементнинг кесим юзаси ва шаклига боғлиқ. У дастлабки кунлари жуда тез кечади, кейинчалик аста секин камаяди. Бетонда цемент ва сув микдори қанча кўп бўлса ҳамда атроф-мухит намлиги қанча паст бўлса киришиш шунча кўп бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, киришиш деформацияси қуруқ иссиқ иклимли минтақаларда намлий минтақаларга қараганда $1,5\dots2$ баробар ва ундан кўпроқ бўлади. Маълумотларга кўра бетоннинг киришиши $\varepsilon_{sh}=(30\dots50)\times10^{-5}$ гача бўлиши мумкин. Бу дегани 1м. узунликда 0,3...0,5 мм гача қисқариши мумкин. Бундай деформация бир қарашда камдек кўринади, лекин у қурилишда ўзининг сезиларли таъсирни кўрсатади. Умуман шуни такидлаш жоизки, қурилиш конструкцияларида деформация микдорини жуда кичик конструктив элементлар деформация микдорига нисбатан таққослаб бўлмайди.

Темирбетон конструкцияларидаги арматура киришишни икки мартадан ортиқ камайтиради. Бунга сабаб шуки, арматура кўпроқ эластиклик модулига эга ва у бетон билан бирикиб уни эркин деформацияланишига йўл қўймайди. Кириниш бетонни арматура билан янада маҳкам тишлишишига (сцепления) сабаб бўлади, бу албатта ижобий ҳолдир, аммо бетоннинг турли қатламларини ҳар хилдаги киришуви (юқори қисмида-кўпроқ, ички қисмида-камрок) ички кучланишни юзага келтиради

(ички қатламлар устки қатламины эркин деформацияланишига қаршилик қилади, натижада юзадаги қатламларда тортишиш кучи юзага келади). Бу кучланишлар бетонда микробузилишга олиб келиши мүмкін. Микробузилишлар асосан тұлдирувчи билан цемент тоши боғланган сиртларда пайдо бўлади, бундай ҳолатни бўлмагани маъқул. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳажми катта бўлган конструкцияларда киришиш таъсири анча сезиларли бўлади.

Бетонни сувда қотаётганда ҳажм жихатдан кенгайиши шишиш дейилади. Шишганда бетон деформациясининг қиймати кичрайишга қараганда 2-5 марта кам, яъни шишишнинг ўртача қиймати 0,10мм/м teng. Бетонни харорат таъсиридаги деформацияси алоҳида аҳамиятга эга.

Харорат деформацияси ва кучланишини ҳисоблаш учун бетоннинг чизиқли кенгайиш коэффициентидан фойдаланилади, унинг қиймати тажриба маълумотларига кўра -40°C дан $+50^{\circ}\text{C}$ гача бўлган хароратда ўртача $\alpha_t = (0,7\dots 1) \cdot 10^{-5}$ 1/град ташқил этади. (харорат 1°C ўзгарганда бетон деформацияси 0,01 мм/м ни ташқил этади. Бу коэффициентнинг қиймати тўлдирғичнинг турига, бетон қоришимасининг таркибиغا, атроф муҳитнинг иссиқликлиги ва намлийлигига, бетоннинг ёши ва ўлчамларига боғлиқ. Бетоннинг деформацияси приzmани сиқиши ўли билан аниқланади. Агар приzmани босқичма-босқич юкланса ва бунда ҳар бир босқич деформацияни икки мартадан ўлчанса (юк қўйилганда ва маълум муддатдан сўнг), кучланиниш -деформацияланиш « σ_b - ϵ_b » диаграммасида погонали чизик ҳосил бўлади. Юк қўйилиши билан ўлчанганде деформация-эластик ва у кучланишга тўғри пропорционал, юк остида ушлаб турилган вақтда ривожланган деформация-пластик деформация бўлади.

Эластик деформация намунани тез юклanganда ҳосил бўлади. Юклash тезлигини камайтириш ёки намунани юк остида узок вақт ушлаб туриш, пластик деформациянинг ўсишига сабаб бўлади. Тўлиқ деформация эластик $-\epsilon_e$ ва пластик $-\epsilon_{p1}$ деформациянинг йифиндиси $\epsilon_b = \epsilon_e + \epsilon_{p1}$ га teng бўлади. Юклash босқичлари ортиб

борганда « σ_b - ε_b » графиги эгри чизиқдан иборат бўлади. Маълум босқичдаги кучланишни нольгача туширилганда намунадаги қолдиқ пластик деформация ҳосил бўлади, у вақт ўтиши билан қисман тикланади (таксинан 10%). Бу ҳолат эластик қолдиқ деформацияси $-\varepsilon_{ep}$ дейилади. Шундай қилиб, деформация қиймати кучланиш миқдорига ва юкнинг таъсир вақтига боғлиқ. Тажрибадан келиб чиқдан холда кучланиш-деформация орасидаги боғлиқликни ($\sigma_b \leq \sigma_{bu}$) Гук қонунига асосан, бетоннинг модуль упругости E_b билан белгилаш мумкин.

$$E_b = \tan \alpha_0 = \sigma_b / \varepsilon_b$$

Эластиклик модули бетон мустаҳкамлигига боғлиқ бўлиб $\sigma_b > 0,3 \sigma_{bu}$ бўлганда, пластик деформация юқори қийматга эга бўлади. Ҳисоблашда ўртача модуль ёки упругопластик модуль деформациясидан фойдаланилади. Бу тангенс бурчагидан иборат бўлиб, тўла деформация эгри чизиғидаги берилган нуқта билан кесишган жойдан ўтган

$$E_{b,pe} = \tan \alpha_1 = \sigma_b / \varepsilon_b$$

тўғри чизиқдир. Бетондаги кучланишни эластик ва тўлиқ деформация орқали ифодаланса қуйидаги келиб чиқади:

$$\sigma_b = \varepsilon_b E_b = \varepsilon_b E_{b,pe} \quad \text{бундан}$$

$$E_{b,pe} = \varepsilon_e / \varepsilon_b \quad E_b = v E_b$$

Бунда v бетон сиқилгандаги эластик-пластик ҳолатини аниқлайдиган коэффициент. Унинг қиймати $v=1-0,45$ бўлади, агар қисқа муддатли юк таъсирида бўлганда; $v=0,1-0,15$ - бўлади агар узоқ муддатли юк таъсири остида бўлса. Бетон чўзилганда эластик пластиклик модули

$$E_{bt,pl} = v_t E_b$$

Бунда v_t - чўзилганда бетоннинг эластик пластик ҳолатини аниқловчи коэффициент $\sigma_{bt} = \sigma_{bt,u}$ бўлганда тажриба маълумотларига кўра $v_t=0,5$ га тенг бўлади. Эластилик модули бетоннинг синфи ортиши билан ортиб боради.

Хулоса қилиб айтганда бетоннинг деформацияси, бир томондан бетоннинг таркибига, мустаҳкамлиги ва зичлигига, тўлдиргич ва цементнинг эластик-пластик хоссаларига, иккинчи томондан эса кучланиш ҳолатларига, юкнинг қиймати ва давомийлигига ҳамда иқлим шароитига боғлиқдир.

Бетоннинг синфи ва маркалари

Бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалашда ишлатилиш соҳаси ва жойига қараб сифат кўрсаткичи сифатида бетоннинг синфлари ва маркалари ўрнатилган.

Бетон мустаҳкамлик бўйича қуйидаги синифларга бўлинади: марказий сиқилиш бўйича –В ва марказий чўзилиш бўйича-Bt.

Бетонлар физик хусусиятларига кўра қуйидаги маркаларга бўлинади:
совуқбардошлиқ бўйича – F, сув ўтказмаслик бўйича –W, зичлик бўйича –D.

Бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик бўйича синифлари қуйидача ўрнатилган:
B7,5, B10, B12,5, B15, B20, B25, B30, B35, B40, B45, B50, B55, B60

Бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлик бўйича синифлари қуйидача ўрнатилган:
Bt0,8, Bt1,2, Bt1,6, Bt2, Bt2,4, Bt2,8, Bt3,2.

Бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик бўйича синифлари қирралари 15x15x15см бўлган бетон кубларни 28 сутка 20+2С хароратда ва муҳитнинг нисбий намлиги 80-90% бўлган шароитда сақлаб ва синаш натижаларига кўра ўрнатилади.

Бетоннинг синфи конструкциянинг белгиланиши ва уни ишлатилиш шароитларига қараб техник –иқтисодий мулохазаларга кўра танланади.

Бетоннинг совуқбардошлиқ бўйича маркаси сувга тўйинган бетон кубнинг навбатма- навбат музлаш ва эриш цикларининг миқдори билан ўрнатилади.

Оғир бетонлар учун қуйидаги маркалар ўрнатилган:

F50, F75, F100, F150, F200, F300, F400, F500.

Бетоннинг сув ўтказмаслик бўйича маркаси сувнинг шундай босимига тўғри келадики, бу босимда сувнинг бетон намуналар орқали сизиб ўтиши кузатилмайди.

Бетонлар учун сув ўтказмаслик бўйича қўйидаги маркалар ўрнатилган:

W2, W4, W6, W8, W10, W12.

Бетоннинг зичлик бўйича маркаси бетоннинг қуритилган холдаги ўртача зичлигига мос келади ва кг/м³ да ўлчанади.

Енгил бетонлар учун D800- D1800, енгиллаштирилган бетонлар учун D1900- D2200, оғир бетонлар учун бетонлар учун D2300- D2500 ўрнатилган.

Назорат саволлари

1. Бетоннинг таркиби
2. Бетоннинг куб мустаҳкамлиги
3. Бетоннинг призма мустаҳкамлиги
4. Бетоннинг синифлари тугрисида
5. Бетоннинг маркалари

8.3. Арматуранинг физик-механиқ хоссалари

Пўлат стерженли арматура ҳисоблаш йўли билан ҳамда конструктив ёки ишлаб чиқариш талаблари асосида бетонга жойлаштирилади. Арматура темирбетон конструкцияларида чўзилувчи кучни қабул қилиш ва бетоннинг сиқилган қисмини кучайтириш учун қўлланилади. Арматуралар ишлатилишига кўра: ишчи, конструктив, монтаж арматураларига бўлинади. Ишчи арматура ҳисоблаш йўли билан аниқланади (чўзилувчи ёки сиқилувчи кучини қабул қилиш учун) Монтаж арматураси ишчи арматурани лойиҳада кўрсатилган ҳолатдаги жойини белгилаш учун, каркас билан бирлаштириш учун қўйилади. Бетонда ҳисобда эътиборга олинмаган киришиш ва тобташлаш, ҳамда температуранинг ўзгариш кучини ҳисобга олиш учун конструктив (ёки тақсимловчи) арматура арматуралар ўртасида кучланишни бир хил тақсимлаш учун қўйилади. Ишчи ва конструктив арматура монтаж арматура вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Темирбетон конструкцияларида қўлланиладиган арматуралар қуидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- тайёрлаш технологиясига кўра қиздириб прокатланган ва совуқлайнин чўзилган;
- юза шакли силлиқ ва даврий профилли;
- кўллаш усули оддий ва зўриқтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, темирбетон конструкцияларида даврий профили стерженли арматуралар кенг қўлланилади. Даврий профили арматурани 1889 йилда Ф.Рансен (АҚШ) ихтиро қилди. Арматура сиртининг даврий профили шакли (яъни унинг ғадир-будурлиги) унинг бетон билан ёпишувини янада оширади, бу эса ўз навбатида, бетон чўзилишга ишлаганида, ёриқларнинг кенгайишини камайтиради, арматурани бетондаги мустаҳкамлаши бўйича маҳсус чоралар кўришдан халос этади. Стерженли ва симли арматуралар эгилувчан арматура дейилади. Айрим холларда эгилувчи арматурадан ташқари эгилмайдиган бикир юк кўтарувчи арматуралардан ҳам фойдаланилади (швеллер, қўштавр ва б.).

Арматура пўлатлари механиқ хусусиятларига кўра юмшоқ ёки қаттиқ бўлади. Юмшоқ пўлат пластик ва маълум даражада (25% гача) узайиш хусусиятига эга. Маълумки, пўлатнинг асосий физик-механиқ хоссалари арматурани чўзишга синаш жараёнида олинадиган «кучланиш-деформация» $\sigma_s - \varepsilon_s$ диаграммасидан аниқланади.

Юмшоқ пўлат учун кучланиш ва деформация орасидаги чизиқли ва оқиш чегарасининг аниқлиги ўзига хосдир. Оқувчанлик чегараси учун қўлланиладиган кучланиши- σ_y бундай ҳолатда намунада кучланишни оширмай турган холда деформация ортади. Узилишдаги вақтинчалик қаршилик- σ_u намунани узилишига олиб келадиган кучланиш. Юмшоқ пўлатнинг оқувчанлик чегараси $\sigma_y = 200-400$ МПа, вақтинчалик қаршилиги эса $\sigma_u = 380-600$ МПа га teng.

Арматуранинг мустаҳкамлигини ошириш ва узилишдаги узайишини камайтириш учун ўтда тоблаш ёки механиқ ишлов бериш ёки таркибига марганец, кремний, хром ва бошқа қўшимчалар қўшиш орқали эришилади.

Арматура пўлатини ўтда тоблаш, яъни термик мустаҳкамлаш қиздириш ($800\text{-}900^{\circ}\text{C}$ гача қиздириш ва мойда тез совутиш) ва яна қисман қиздириш ($300\text{-}400^{\circ}\text{C}$ гача қиздириш ва аста совутиш) орқали бажарилади. Термик тобланган пўлатларда шартли оқиш чегараси пластик зона тарафига қараб аста-секин юқорига кўтарилади. Худди шундай ҳолат « $\sigma_s - \varepsilon_s$ » диаграмма юқори аралашмали (юқори легирланган) арматура пўлатлари учун ҳам хосдир. Бундай пўлатларда аниқ кўринадиган оқиш майдончаси йўқ. Улар учун оқувчанликнинг шартли чегараси кучланиш $-\sigma_{0,2}$ деб белгиланади, бунда қолдик деформация $0,2\%$ га teng. Бунда пўлатнинг узилишдаги узайиши шартли оқувчанлик чегарасида узайиши 8% ни ташқил этади,

$$\sigma_{0,2}=600\text{-}1000 \text{ MPa}; \quad \sigma_u=900\text{-}1200 \text{ MPa}.$$

Пўлатни механиқ усулда мустаҳкамлигини ошириш учун (совуқ ҳолда чўзиш) ички кристалл тўр тузилиши ҳолатини ўзгаришига боғлиқ бўлади. Пўлатни σ_{k-} кучланишгача узайтирилганда, σ_y дан ортиши пропорционаллик чегарасини кўтарилишига олиб келади. Такрорий чўзишда кучланишнинг янги оқиш чегараси сунъий равища ортирилгандек бўлиб қолади. Натижада, мустаҳкамлиги оширилган оддий сим арматура олинади. Кўп каррали чўзиш пўлатни механиқ мустаҳкамлигини оширишнинг бошқа тури ҳисобланади, яъни унда « $\sigma_s - \varepsilon_s$ » нисбати узилишгача чизиқли бўлиб қолади, бунда мустаҳкамлик чегараси анчага узаяди. Бундай технология асосида мустаҳкамлиги юқори бўлган арматуралари сим олинади. Қаттиқ пўлатларнинг энг кўп узайиши $4\text{-}6\%$ ни ташқил этади, оддий арматуралар учун $\sigma_u=380\text{-}550 \text{ MPa}$ бўлса, юқори мустаҳкам арматура учун $\sigma_u=1300\text{-}1900 \text{ MPa}$ ташкил этади.

Арматураларнинг эластиклик хусусияти эластик модули билан характерланади ва у $0,15$ дан $0,4$ гача оралиқда бўлади.

Темирбетон конструкцияларини юк таъсирида меъёрда ишлаши учун ҳамда арматура ишларини механизациялаш учун унинг пластиклик хусусияти, чарчаш натижасида емирилиши ва бошқа ҳолатлари катта аҳамиятга эга. Пўлатнинг пластиклик хоссасини камайиши арматурани мўрт узилишига олиб келади. Ўтда тобланган ёки тортиш билан мустаҳкамланган пўлат арматураларни пайвандлаш мумкин эмас, негаки бунда мустаҳкамлик ўз самарасини йўқолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сейсмик районлар учун арматура пўлатларини пластик хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга, негаки пластиклик хоссаси, масалан статик ноаниқ конструкцияларда кучланишни текис тақсимлаш имконини беради.

Арматуралар тавсифи

Арматура пўлатлари асосий механиқ хусусиятига қараб, тоифаларга бўлинади. Бунда кимёвий таркибига кўра турли маркадаги пўлатлар бир тоифага кириши мумкин.

Темирбетон конструкциялари учун арматура, арматурани қаерда ишлатилиши, бетон синфи ва турини, арматура махсулотларини тайёрлаш шароити (пайвандланган ёки боғланган) ва конструкцияси, бинони қуриш ва фойдаланиш шароитини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Арматура синфи «A» харфи ва рим рақами (ракам қанча катта бўлса, пўлат шунча мустаҳкам бўлади) билан белгиланади. Улар қўйидаги синфларга бўлинади: A-I; A-II; A-III; A-IV; A-V; A-VI- иссиқ, ишлов берилган, A- III в-чўзиб мустаҳкамланган; At-III; At-IV; At-V; At-VI- термик мустаҳкамланган арматуралар. Меърий ҳужжатларда арматуранинг узилишидаги нисбий узайишининг энг кам миқдори берилади. Бу қийматлар A-I-25%, A-II-19%, A-III-14%, A-IV÷A-VI-6% гача ва термик мустаҳкамланган арматура учун эса At-IV; At-V; At-VI мос равишда нисбий узайиши 8; 7 ва 6 %гача тенг.

Барча синфдаги арматура (A-I синфидан ташқари) даврий профилга эга. Арматуранинг ташқи кўринишига қараб, A-I текис силлик юзага эга. A- II арматура

«винт» кўринишига, А-III, А-IV, А-V, А-VI синфли арматуралар эса «арча» кўринишига эга. Арматура синфларини ташқи кўринишидан ажратиб олиш учун уларнинг ён томони бўяб қўйилади: А-V-қизилга, А_r-V -кўкка, А_r-VI яшил ранга.

Совуқ ҳолда чўзилган сим арматура «В» ҳарфи билан белгиланади ва қўйидаги синфларга бўлинади: Вр-I- даврий профил кўринишидаги оддий арматура сими; В-П-юқори мустаҳкамликдаги текис силлик сим; Вр-П-даврий профилли юқори мустаҳкам арматура сими; К-7-етти симли арқон; К-19-ўн тўқиз симли арқон.

Бетон билан яхшироқ ёпишуви учун совуқ ҳолда тортилган сим даврий профилли қилиб ясалади, у цилиндрик юзани маълум оралиқда эзиш ҳисобига ҳосил қилинади (Вр-I; Вр-П;)

Етти симли арқонлар К-7 бир хил диаметрдаги еттита симдан тайёрланади ва у ўртадаги ўзак симга тўғри чизиқли олтита симни ёндошлириб ўралади (К-19 учун эса 18 сим икки қаторда ёндошлириб ўралади).

Ёндошлириб ўралган арқонларнинг даврий кўриниши уларнинг бетон билан яхши ёпишишига имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ГОСТ 5781-94 асосан ҳамда Евростандартга ўтиш муносабати билан арматура классификациясини белгилашда маълум ўзгартиришлар қилинди. Арматуранинг мустаҳкамлик бўйича синфи меъёрий стандартларда белгиланган оқиш чегараси билан белгиланиб, у Н/мм² бирлиги билан аникланадиган бўлди. Мисол учун А-I синфли арматуранинг чўзилишдаги вақтинчалик қаршилиги R_s=380 МПа, оқиш чегараси σ_T=235 Н/мм² (A 240) ва А-II синфи учун эса шунга мос равишда R_s=500 МПа, σ_T=295 Н/мм² (A 300) деб белгилаб қўйилди. Худди шунингдек А-III (A400), А-IV, А-V (A 800), А-VI (A1000) синфларига бўлинадиган бўлди. Бунда арматуранинг механиқ хоссалари 8.1-жадвалда кўрсатилган меъёрий қийматларига тўғри келиши керак.

Шу кунда Ўзбекистон худудидаги аксарият қурилишларида ГОСТ 10884-94 бўйича Бекобод металлургия комбинатида тайёрланган, термомеханиқ усулда

ишлов берилган, асосан диаметри 12…18мм А-III синфли арматуралар ишлатылмоқда. Бу арматуралар мустаҳкамлик күрсаткичи бўйича меъёр талабларига жавоб беради.

8.1-жадвал

Евростандарт бўйича арматура синфи ва унинг кўрсаткичлари.

Арматура синфи	Ташқи кўриниш и	Диаметри \varnothing , мм	Окиш чегараси	$\sigma_T, \text{Н/мм}^2$	Чўзилиш- даги вакғли каршилиг и R_s , МПа	Нисбий узайини $\delta_s, \%$	Таркиби
1	2	3	4	5	6	7	
A-I(A 240)	Силлиқ сиртли	6-40	240	380	25	Cт3 кп,Cт3 пс, Ст3 сп	
A-II(A 300)	Даврий	10-40 8-40	300	500	19	Cт5 сп,Cт5 пс 18 Г 2 С	
Ac-II(A300)	“ – “	10-40	300	450	25	10 ГТ	
A-III (A400)	“ – “	6-40 6-22	400	600	14	35Гс,25Г 2С, 32 Г2 Р пс	
A-IIIс (At400) (At500)	“ – “	6-40 6-40	440 500	550 600	16 14	Cт3сп,Cт3 пс, Ст5 сп, Ст3 пс	
A-IV (A600)	“ – “	10-18 (6-8) 10-32 36-40	600	900	6	80с 20хГ 2 Ц	

Ат-IV (At600)	“ – “	10-40	600	800	12	2 ГС 25 Г 2 С, 35 ГС
Ат-IVс (At600с)						10 ГС 2, 08Г2С
Ат-IVк (At600к)						
A-V (A800)	“ – “	6-40	800	1050	7	23x2Г2Т
Ат-V (A800)	“ – “	10-32	800	1000	8	20ГС,08Г2С, 35ГС,25С2Р
Ат-Vк (At800к)	“ – “	18-32	800	1000	8	35ГС,25 2Р
А-VI (A1000)	“ – “	10-22	1000	1250	6	22x2Г2АЮ
Ат-VI (At1000)	“ – “	10-32	1000	1250	7	20ГС,20ГС2
Ат-VIk (At1000к)		10-32	1000	1250	7	25С2Р,20xГ С2
Ат-VII (At1200)	“ – “	10-32	1200	1450	6	30xC2
B-I	Силлик сиртли	3-5	--	500	2-3	
Bp-I	Даврий	3-5	--	550-525	“--“	
B-II	Силлик сиртли	3-8	--	1900-1400	4	

Вр-II	Даврий	3-8	--	1800-1300	4	
К-7	Симарқон	4,5-15	--	1900-1650	4	

Арматуралаш усуллари

Темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқаришни тезлаштириш мақсадида пайвандланган сим түр ва каркас күринишидаги арматуралар қўлланилади. Узунасига ишчи стержен бир ёки икки қатор қилиб жойлаштирилади. Узунасига жойлаштирилган стерженларни кўндалангига жойлаштирилган стерженлар билан бир томонлама пайвандлаш технологик жиҳатдан қулайроқ.

Яssi каркасларни баъзан түр деб ҳам юритилади. Яssi каркаслар одатда опалубкага ўрнатилгандан сўнг лойиҳада кўрсатилган ҳолатларини сақлаш учун бир-бiri билан улаш учун боғловчи стерженлар қўлланилади, натижада фазовий каркас ҳосил бўлади.

Пайванд каркасларини лойиҳалашда кичик диаметрли стерженларни куйдириб қўймаслик учун пайвандлаш технологияси шартларини ҳисобга олиш зарур, бунинг учун $d_w > 0.25 \cdot d$ бўлиши шарт, бунда d_w -кўндаланг қўйилган стерженлар диаметри, d -узинасига қўйилган стерженлар диаметри. Пайвандланган каркаслар узун элементларни (тўсин, устун ва ҳ.к.) арматуралаш учун, пайванд тўрлар эса асосан плита конструкцияларини арматуралаш учун қўлланилади. Ишчи стерженлар йўналишига қараб:

- a) узунасига жойлашган ишчи арматура;
- в) кўндалангига жойлашган ишчи арматура;
- с) ҳар иккала йўналишда жойлашган ишчи арматура турларига бўлинади.

Тўрлар ўрама ва яssi ҳолда бўлади. Ўрама тўрларда узунасига қўйилган ишчи арматура диаметри 5мм дан ортиқ бўлмаган арматуралардан тайёрланади. Агар диаметри 5мм дан ортиқ бўлса, ишчи арматураси кўндаланг жойлашган ўрама

тўрдан ёки яssi каркаслардан фойдаланилади. Ўрама тўрларда кўндаланг стерженларнинг максимал диаметри 8мм дан ошмайди.


Ўрама ва яssi тўрлар B-1, B_p-1, A-I, A-II, A-III синфли арматуралардан тайёрланади.

Тўқима тўр ва каркаслар мураккаб кўринишли шаклларда ва монолит конструкцияларда, шунингдек динамик ва қўп такрорланадиган юк таъсирида ишлайдиган конструкцияларда қўлланилади. Тўқима тўр ва каркаслар юмшоқ ($d = 0,8\ldots 1$ мм) сим билан стерженлар бир-бирини кесиб ўтган жойидан боғлаб чиқилади.

Арматураларни чокли ёки ёйли пайвандлаш усули билан ҳамда пайвандламай бирлаштирилади. Завод шароитида 10 мм ва ундан ортиқ диаметрли арматура стерженларни бирлаштириш учун чок улаш (контакт) усулидаги пайвандлашдан фойдаланилади(8.3 -расм). Қурилиш шароитида 20 мм ва ундан ортиқ стерженларни чокини улаш учун ёйли ванна усулида пайвандлаш қўлланилади. Диаметри 20 мм дан кам бўлган стерженларни икки тарафидан қўйилган арматура бўлагига тўрт ён чок ёй пайванд қилинади(8.3 б-расм). Шунингдек, икки узун (бир томондан) ён чокли пайванд ҳам қўллаш мумкин Пайванд тўрларининг учлари бир-бирига кирган ҳолда ишчи арматура йўналишида чок пайвандсиз бажарилади. (8.4 расм) Бирлаштирилаётган ишчи стерженлар ҳар хил ёки бир хил йўналишда жойлаштирилади. Бунда тўрнинг узунасига ишчи арматура бирлашган қисмида кўндаланг икки дона стержендан кам бўлмаган пайвандланган тўрлари бир-бирига кирган ҳолда жойлашиши керак.

Тўрдаги ишчи стерженларнинг пайвандланган қисмининг зарурый узунлигини бетон ва арматура синфига боғлиқ ҳолда формула ёрдамида аниқланади.

Иккинчи йўналишда (ишчи арматура кўндаланг жойлашган ҳолда) пайванд тўр чоклари (тақсимловчи арматура бирлаштирилаётган пайтда) бир бирига 50 мм киритилиб тақсимловчи арматура диаметри 4 мм гача бўлса, агар диаметри 4 мм дан ортиқ бўлса 100 мм узунликда пайвандсиз бир-бирига киритилади.




8.3-расм. Армтурани пайвандлаш

а-чок улаш;

в-ёй пайванд (икки томонли ён чок);

б-ёй пайванд (тўрт томонли ён чок);

г-ёйли ванна;



8.4-расм. Пайвандланган сим тўрларни бир-бирига уланиши.

а- ишчи арматура йўналишида;

б- тақсимловчи арматура йўналишида.

d_1 -ишчи арматура диаметри;

d_2 -кўндаланг арматура диаметри;

L_{ov} -сим тўрларини бир-бирига киритилгандаги узунлиги.

Назорат саволлари

- 1.Арматуранинг вазифасига кўра турлари
- 2.Юза шаклига кўра турлари
- 3.Ишлатилиши кўра турлари
- 4.Арматуранинг физик-механиқ хоссалари
- 5.Арматуралар тавсифи.
- 6.Арматуралаш усуллари.

9-БОБ. ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ЧЕГАРАВИЙ ХОЛАТЛАР УСУЛИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ.

9.1. Бетон ва арматуранинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари.

Бетоннинг мустаҳкамлик характеристикаси ўзгарувчан катталик ҳисобланади. Ҳатто бир бетон қоришимасидан тайёрланган намуналар синалганда улар турли мустаҳкамликка эга бўлиб, бу эса унинг таркибини бир хил эмаслиги ва синаш шароитининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Конструкциядаги бетон мустаҳкамлигини ўзгарувчанлигига ускуна сифати, ишчиларнинг малакаси, бетон тури, қотиш шароити ва бошқа омиллар таъсир қиласи. Шунинг учун конструкциянинг етарли ишончлилигини таъминлашга маълум синфидағи бетон учун шундай мустаҳкамлик қиймати белгиланиши керакки, у қўп ҳолатларда талаб қилинган конструкция мустаҳкамлигидан кам бўлмасин. Бетон мустаҳкамлик характеристикаси умуман маълум характерга эга бўлиб, у эҳтимоллик-статистик

қонунларига бўйсунади. Ҳисоб ишларида бетоннинг мустаҳкамлик характеристикасини аниқлашда эҳтимоллик назарияси усулидан фойдаланилади. Аммо конструкцияни тайёрлашда бетон қоришмасини ташишда, бетонни қутишда, шиббалашда, қотиш жараёнида ва бошқа кўприна омиллар бетоннинг мустаҳкамлигига таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида меъёрий қийматдан маълум миқдорга фарқ қилишига олиб келади. Бу фарқларни статистик йўл билан тўлиқ ҳисобга олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун, бетоннинг мустаҳкамлигидаги фарқи ўз ишончлилик коэффициенти орқали ҳисобга олинади ва бетоннинг меъёрий қаршилигига бўлинади. Конструкциянинг мустаҳкамлиги бетонни сиқишига бўлган R_{bn} призма мустаҳкамлиги бўйича баҳоланади. Унда бетоннинг ҳисобий қаршилиги чегаравий ҳолатнинг биринчи гурӯҳи бўйига қутидаги формула орқали аниқланади.

$$R_b = \frac{R_{bn}}{\Upsilon_{bc}}; \quad R_{bt} = \frac{R_{btn}}{\Upsilon_{bt}}, \quad (9.1)$$

бунда: $\Upsilon_{bc}=1,3$ - бетонни сиқишидаги ишончлилик коэффициенти;

$\Upsilon_{bt}=1,5$ -бетонни чўзишидаги ишончлилик коэффициенти.

Бетоннинг чўзишидаги мустаҳкамлиги сиқишидаги мустаҳкамлигини орқали эмпирик формула бўйича аниқланганда унинг миқдори сиқишидаги мустаҳкамлигига қараганда катта ўзгарувчанликка эга, негаки унга формуланинг ноаниқлиги таъсир кўрсатади, шунинг учун чўзишишга бўлган мустаҳкамлик коэффициенти - Υ_{bt} , коэффициент Υ_{bc} қийматидан катта бўлади.

Чегаравий ҳолатни иккинчи гурӯҳи бўйича бетоннинг ҳисобий қаршилиги

$\Upsilon_b=1$ ($\Upsilon_{bc}=\Upsilon_{bt}=1$) меъёрий қийматига teng деб қабул қилинади: $R_{b,ser}=R_{bn}$; $R_{bt,ser}=R_{btn}$

Бунда, конструкция ишончлилигини таъминлаш учун ҳисобга киритилган заҳира омили бўлиб ҳисобланади.

Бетоннинг ҳисобий ва меъёрий қаршиликлари R_b ; R_{bt} ; $R_{b,ser}$ $R_{bt,ser}$ ва E_b 9.1-жадвалда келтирилган.

Чегаравий ҳолатнинг биринчи гурухи бўйича темирбетон конструкциясини ҳисоблашда бетоннинг ҳисобий қаршилиги, ишлаш шароити коэффициент - Υ_{bi} билан биргаликда ҳисобга олинади ва у $1 < \Upsilon_{bi} < 1$ бўлиши мумкин, улар бетонга турли омиллар таъсирида мустаҳкамлигини ўзгаришини ҳисобга олади. Масалан: $\Upsilon_{bi}=0,5\dots1,0$ -кўп такрорланадиган юк таъсири оқибатида. Бу коэффициент бетонни чидамлиликка ҳисоблашда фойдаланилади. $\Upsilon_{b2}=0.85\dots1.0$ конструкциянинг мустаҳкамликка ҳисоблашда ишлатилади. Υ_{b2} коэффициенти бетоннинг вақтинча ва узоқ муддатли қаршилиги орасидаги фарқни ҳисобга олади. Бу фарқ экспериментларнинг кўрсатиши бўйича 20... 25% га етади. Бундан ташқари, коэффициент қийматига бетон мустаҳкамлигини ортиб бориши ва унинг таркиби ҳам таъсир этади:

$\Upsilon_{b5}=0,85$ -кўндаланг кесимининг юзаси 30 см дан кам бўлмаган монолит устунлар учун.

$\Upsilon_{b7}=0,85$ -куёш радиацияси таъсиридан ҳимояланмаган бетон конструкциялар учун. Бу коэффициент Марказий Осиё ҳудуди учун жуда муҳим ҳисобланади. Бу минтақада бетон 50°C ва ундан ортиқ даражада қизийди натижада мустаҳкамлиги камаяди.

Ишлаш шароити бўйича коэффициентлари бир-биридан қатъий назар қўлланилади, аммо уларнинг қиймати 0,45 дан кам бўлмаслиги керак. Ишлаш шароити бўйича коэффициентлари Υ_{b1} Υ_{b2} Υ_{b6} Υ_{b7} Υ_{b9} Υ_{b11} маълум ҳисобий қаршиликлар R_b ва R_{bt} ҳисобга олишда фойдаланилади. (4-илова)

$R_{bt,ser}$ аниқлашда Υ_{b4} коэффициенти, қолган Υ_{b3} ; Υ_{b5} ; Υ_{b8} ; Υ_{b10} ; Υ_{b12} ; коэффициентлари эса факат R_b ни аниқлашда ишлатилади. Темирбетон конструкциясини ҳисоблашда чегаравий ҳолатнинг II гурухи учун $\Upsilon_b=1$ коэффициент қабул қилинган. Бунда қия кесим бўйича ($\Upsilon_b \leq 1$) ҳисобга олинмайди.

9.1 жадвал

Бетонларнинг мустаҳкамлик ва деформатив характеристикалари

Бетон синфини сиқилиш даги мустаҳкам лиги	Иккинчи чегаравий холат бўйича ҳисоблашда		Биринчи чегаравий холат бўйича ҳисоблашда		Бетоннинг сиқилишидаги бошланғич эластиклик модули, $E_b \cdot 10^{-3}$ МПа	
	Сиқилиш да R_{bn} , R_b ser	Чўзилиш да R_{btn} , R_{bt} ser	Сиқилиш да R_b	Чўзилиш да R_{bt}	Табий холда қотганда	Иссиқлик таъсири остида атмосфера босимида ишлов берилган холда
B 7,5	5,5	0,7	4,5	0,48	16	14,5
B10	7,5	0,85	6	0,57	18	16
B12,5	9,5	1	7,5	0,66	21	19
B 15	11	1,15	8,5	0,75	23	20,5
B 20	15	1,4	11,5	0,9	27	24,5
B 25	18,5	1,6	14,5	1,05	30	27
B 30	22	1,8	17	1,2	32,5	29
B 35	25,5	1,95	19,5	1,3	34,5	31
B 40	29	2,1	22	1,4	36	32,5
B 45	32	2,2	25	1,45	37,5	34
B 50	36	2,3	27,5	1,55	39	35
B 55	39,5	2,4	30	1,6	39,5	35,5
B 60	43	2,5	33	1,65	40	36

Арматура учун ҳам худди бетондагидек қаршиликнинг ҳисобий тизилмаси қабул қилинган. Арматуранинг меъёрий қаршилиги R_{sn} сифатида мустаҳкам пўлат арматура учун қабул қилинган, давлат стандартига жавоб бера оладиган металлургия заводларида текширилганда ишончлик даражаси 0,95 дан кам бўлмаган ҳолатда бўлиши керак. Бунда стерженли арматура, юқори мустаҳкам сим ва арқонлар учун шартли меъёрий қаршилиги (0,2% нисбий узайиш) оқиш чегарасидан, оддий арматура симлари учун эса -0,75 узилишдаги вақтинчалик қаршилигидан олинади.

Чегаравий ҳолатнинг биринчи гурухи учун арматуранинг чўзилишидаги ҳисобий қаршилиги меъёрий қаршилигини арматура бўйича ишончлилик коэффициенти Υ_s бўлиш орқали аниқланади,

$$R_s = \frac{R_{s,ser}}{\Upsilon_s}$$

бунда, Υ_s арматура турига ва синфига боғлиқ, унинг қиймати $\Upsilon_s=1,05\dots1,2$ тенг.

Арматуранинг сиқилишдаги қаршилиги R_{sc} нафақат пўлат арматура синфига, балки бетоннинг сиқилиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Узоқ вақт давомида бетоннинг тобташлаши арматурадаги сиқилиш кучининг ортишига олиб келади. Шунинг учун, ҳисоб ишларида ишлаш шароити бўйича коэффициенти $\Upsilon_{b2}=0,9$ деб олинади.

Арматуранинг ҳисобий қаршилиги, чегаравий ҳолатининг иккинчи гурухи учун меъёрий қийматга teng деб олинади, агар арматура бўйича ишончлилик коэффициенти $\Upsilon_s=1$ бўлса.

$$R_{s,ser} = R_{sn}$$

Арматуранинг R_{sn} ; $R_{s,ser}$; R_{sc} ва E_s меъёрий ва ҳисобий қаршилиги 9.2-жадвалда берилган.

9.2-жадвал

Пўлат арматура ва канатларнинг мустаҳкамлик ва деформатив характеристикалари

Арматура синфи	Диаметри	Арматура нинг меъёрий ва ҳисобий қаршилиги, МПа	Арматуранинг ҳисобий қаршилиги, МПа		ластик лик модули, МПа $E_s \cdot 10^5$
			Бўйлама ва кўндаланг арматураларни қия кесим бўйича сувчи кучга ҳисоблаш	Кўндаланг арматурани қия кесим бўйича тикилишга	
			Чўзилишга	Тикилишга	

			хисоблаш.			
Стерженли						
A-I	6...40	235	225	175	225	2.1
A-II	10...80	293	280	225	280	2.1
A-III	6...8	390	355	285	355	2.0
	10...40	390	365	295	365	2.0
A-IV	10...28	590	510	405	400	1.9
A-V	10...32	785	680	545	400	1.9
A-VI	10...28	980	815	650	400	1.9
A-IIIв	20...40	540	490	390	200	1.8
Симли						
Bр-I	3,4,5	410,405,395	375,365,360	270,265,260	5.365.360	1.7
B-II	3...8	1490...1100	1240.. .915	990.. .730	400	2.0
Bр-II	3...8	1460...1020	1215...850	970...680	400	2.0
Арқонли						
K-7	6...15	1450... 1295	1210.. .1080	965.. .865	400	1.8
K-19	14	1410	1175	940	400	1.8

Арматуранинг ишлаш шароити бўйича коэффициенти - Υ_{si} чегаравий ҳолатнинг биринчи гуруҳи бўйича ҳисоблашда ишлатилади, чегаравий ҳолатнинг иккинчи гуруҳи бўйича ҳисоблашда ишлаш шароити бўйича коэффициенти $\gamma_{si}....\gamma_{s9}$ қатор омилларни ҳисобга олади. Бунда пўлатнинг чўзилишдаги диаграммасини ҳолати, конструкциянинг тайёрлаш технологиясига таъсири, анкеровка шароитини ва бошқа омиллар кўзда тутилган. Арматуранинг ишлаш шароити бўйича коэффициенти $\gamma_{si}=0,3....1,2$ гача олинади.

9.2. Темирбетон конструкцияларнинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг уч босқичи

Эгилувчи темирбетон элементининг ташқи юк таъсирида унинг кесим юзасида эгувчи момент қийматига қараб навбати билан кучланиш - деформацияланиш ҳолатининг уч босқичи рўй беради.

1-босқич. Элементга кам юк қўйилганда бетон ва арматурада кучланиш миқдори деярлик кўп бўлмайди, шунинг учун бунда деформация эластик ҳолатда бўлади. Кесим юзасининг сиқилган ва чўзилган қисмидаги кучланиш эпюраси учбуручак шаклида бўлади.


Юк ортиши билан бетоннинг чўзилган зонасида кучланиш миқдори чўзилишнинг чегаравий қийматига етади. Аммо бетон ёрилмайди. Бетоннинг тарангланган пастки юзаларида пластик деформациялар пайдо бўлади, бу қатламлардаги деформация бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлигига teng. Бетоннинг камроқ чўзилган юқорироқ юзасида бетоннинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлигига teng кучланиш юзага келгунча давом этади. Бу жараён кучланишни қайта тақсимлаш бутун чўзилган зона бўйлаб бўлади ва уларнинг эпюриси тўғри тўртбурчакка яқин кўринишни олади, тўсиннинг нейтрал ўқи сиқилиш зонаси томон силжийди. Бу Ia босқич деб белгиланади.

Сиқилган зонада бетон эса асосан эластик деформация ҳолатида ишлайди. Негаки чўзилган зонадаги бетон сиқилганга қараганде кўпроқ деформацияланади. *Ia-босқич* элементнинг ёриқ пайдо бўлиши - ёриқбардошлиги бўйича ҳисоблашда кўлланилади.

Бунда юк кўпайган сайин бетоннинг чўзилган зонаси (деформация кўрсаткичи охирига етганда) узилади. Натижада ёриқ пайдо бўлади ва элементнинг кесим юзасида янги ҳолат *2-босқич* бошланади.

2-босқич. Ёриқ пайдо бўлгандан кейин ёриқли кесим юзасининг чўзилишидаги кучланишини арматура қабул қиласи (маълум маънода ёриқ устидаги чўзилган бетон билан биргаликда), ёриқлар орасида эса бетон билан боғлиқлик бузилмайди ва

бетон арматурага бироз күпроқ кучланишни беріб, чўзилишга ишлайверади. (9.1. расм)



9.1. расм Эгилувчи элементнинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг уч босқичи:

1- нейтрал қатlam; 2-ёриқлар; 3-эпюралар; 4-симметрия ўқи.

Юкни орттириб борилған сари арматурадаги кучланиш ортиб боради, ёриқ кенгаяди (ёриқ юқорига қараб күтарилади ва унинг эни эса катталашади), нейтрал ўқ юқорига күтарилади ва бетоннинг сиқилған кесим юзаси кичраяди. Бетоннинг сиқилған қисмida ноэластик деформацияси ортади ва бу зонада кучланишнинг эпюра чизиги қийшайди. 2-босқич охирида, чўзилған арматурадаги кучланишнинг миқдори оқувчанлик чегарасига етади ва сиқилған зонадаги бетонда кучланишнинг миқдори камайиб бориши билан тугалланади.

2-босқич бўйича конструкциянинг ишлаш шароитида уни эгилишга ва ёриқни кенгайишига ҳисоблашда қўлланилади.

Темирбетонни емирилиш босқичи бўлади. Синов вақти бўйича у жуда қисқа давр мобайнида бўлиб ўтади. Арматуранинг оқувчанлиги бошланиши билан бузулиш бошланади натижада эгилиш ортиб боради ва ёриқнинг кўпайиши оқибатида бетон кесим юзасининг сиқилған қисмининг баландлиги камаяди. Ёриқ устидаги бетоннинг сиқилған зонасида пластик деформация пайдо бўлади. Бузулиш

сиқилган зонада бетоннинг майдалаб синиш билан бошланади. Бунда сиқилган зона эпюраси парабола кўринишига яқин бўлади. Чўзилиш зонасидаги ёриқлар катталашади, тўсин бикирлиги камаяди ва солқилик тез ўсиб бориб, тўсин синади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бузилишнинг характери арматура микдорига ва турига боғлик. Бунинг учун икки ҳолат бўлиши мумкин.

1-ҳолат. Бузулиш арматура оқувчанлиги билан бошланади ва сиқилган зонадаги бетоннинг бузилиши билан тугайди. Бунда элемент кесим юзасининг бузилиши пластик характерга эга. Шўндай қилиб бу ҳолат, ўз меърида арматураланган элементларда рўй беради (меъёрда арматураланган тушунчasi арматуранинг мустаҳкамлик қобилияти тўла фойдаланиладиган ҳолат тушинилади). Бунда бетон ва арматурадаги кучланиш чегаравий қийматга эришади.

2-ҳолат. Элементни бузилиши бетоннинг сиқилган зonasини бузилиши оқибатида рўй беради. Бунда чўзилган зонадаги арматуранинг кучланиши оқувчанлик чегарасига етиб бормайди ва унинг мустаҳкамлигидан тўла фойдаланилмайди. Бундай бузилиш бирданига бўлади. 2-ҳолат чўзилувчи арматура сони ортиқча кўйилган элементларнинг бузилишида кузатилади. Бунда элементнинг мустаҳкамлиги чўзилган арматуранинг юзасига боғлик бўлмай қолади, балки бетон мустаҳкамлигига ва элемент кесим юзасининг ўлчамларига боғлик бўлади.

Бунда бетон сиқилган зона кесим юзасини четидан ичкариси қараб, (3-босқич) энг юқори бўлган кучланиш эпюрасини силжиши кузатилади. Бу бетоннинг четки толасида пластик деформацияни ортиб бориши ва деформация модулини бир пайтда камайиши билан боғлик.

3-босқич элементларни мустаҳкамлик бўйича ҳисоблашда қўлланилади.

Шуни айтиш жоизки, элементнинг узунлиги бўйича турли моментли кесимларда бир вақтнинг ўзида кучланиш – деформацияланиш ҳолатининг уччала босқичини кузатиш мумкин. Бузувчи зўриқиши замирида 3-босқич ётади.

9.3. Чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашнинг асосий қоидалари

Бу усулга кўра конструкциянинг мустаҳкамлиги ҳисобий коэффициентлар мажмуаси орқали лойиҳаланади. Мазкур усул бўйича ҳисобланган конструкциялар бирмунча тежамли бўлади.

Конструкцияларни бу усул бўйича ҳисоблагандан, уларнинг чегаравий ҳолатлари аниқланади. Конструкция элементлари ташки кучларга қаршилик курсата олмай қоладиган ҳолат чегаравий ҳолат деб аталади.

Чегаравий ҳолатлар икки гурӯхга бўлинади. Биринчи гурӯх бўйича элементлар мустаҳкамлик, устиворлик, чидамлилик, совуқбардошлиқ ва хоказоларга ҳисобланади. Иккинчи гурӯх бўйича конструкциялар бикирлик ва ёрикбардошлиқка ҳисобланади.

Чегаравий ҳолатлар усулида қуидаги коэффициентлар тизими қўлланилади:

- 1) юкларга доир ишончлилик коэффициенти γ_{tf} ;
- 2) бетонга доир ишончлилик коэффициенти γ_{bc} ва γ_{bt} ;
- 3) арматурага доир ишончлилик коэффициенти γ_s ;
- 4) бетоннинг иш шароити коэффициенти γ_{bi} ;
- 5) арматуранинг иш шароити коэффициенти γ_{si} .

Чегаравий ҳолатларнинг биринчи гурӯхи бўйича ҳисоблаш орқали конструкциялар бузилишининг (мустаҳкамликка ҳисоблаш), конструкция шакли устиворлиги йўқолишининг (устиворликка ҳисоблаш), чарчаш натижасида, кўп карра такрорланувчи юклар таъсирида, куч омиллари ҳамда нокулай ташки мухитнинг заарли таъсири остида бузилишининг олди олинади.

Чегаравий ҳолатларнинг иккинчи гурӯхи бўйича бажариладиган ҳисоблар конструкциянинг меъёридан ортиқча деформацияланиши (солқилик, бурилиш бурчаклари) ва тебранишларининг олдини олади, ёриқларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ёпилишини тартибга солади.

Чегаравий ҳолатлар усулида ҳисоблаш йўли билан конструкциянинг бутун хизмати давомида, шунингдек, тайёрлаш, ташиш ва ўрнатиш даврида юк кўтариш бўйича чегаравий ҳолат юзага келмаслиги таъминланади.

Темирбетон конструкцияларга уларнинг ёрилишга чидамлигига кўра уч тоифадаги талаблар қўйилади.

Конструкциянинг ёриклар пайдо бўлишига ёки ёриклар очилишига кўрсатадиган қаршилиги ёрилишга чидамлилик дейилади. Бу қаршилик 2-гурух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашда аниқланади. Конструкциялар ишлатилаётган шароитига қараб, уч хил тоифага бўлинади:

1-тоифадаги конструкцияларда хеч қандай ёриклар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди;

2- тоифадаги конструкцияларда кейинчалик ишончли беркилиши таъминланиши шарти билан эни чекланган қисқа муддатли ёриклар пайдо бўлишига йўл қўйилади;

3- тоифага мансуб конструкцияларда эни чекланган узоқ давомли ва давомсиз ёриклар ҳосил бўлишига қўйилади.


Доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли юклардан ёрикларнинг очилиши узоқ давом этмайдиган очилиш дейилади. Фақат доимий ва узоқ муддатли юклардан ёрикларнинг очилиши узоқ давом этадиган очилиш деб аталади.

Чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашнинг асосий қоидалари. Эгилувчи элементларни ҳисоблашда қуйидаги икки хол каралади:

1-хол. Сиқилган бетонда ҳам, арматура A_{sp} ва A'_{sp} да ҳам зўриқишлиар чегара қийматларига, яъни ҳисобий қаршиликлар R_b , R_s ва R_{sc} га эришади деб ҳисобланади.

2-хол. Сиқилган бетонда ҳам, арматура A'_{sp} да ҳам ҳисобий қаршиликлар чекли қийматларига, чўзилган арматура A_{sp} да эса R_s урнига $\sigma_s < R_s$ га эришилган деб ҳисобланади.

Чегаравий шарт 1-ва 2-холлар ўртасида сикилган соханинг нисбий баландлигига боғлиқ холда белгиланади. $\xi = x h_0$ (9.2-расм). Агар $\xi \leq \xi_y$ бўлса, 1-хол ўринлидир, агар, $\xi > \xi_y$ бўлса, 2-хол ўринлидир,



9.2-расм. Якка ва қўш арматурали эгилувчи элементни хисоблаш

чекли ξ_y қиймат эса эмпирик формуладан топилади:

$$\xi_y = \frac{w}{1 + \frac{\sigma_{s1}}{\sigma_{s2}} \left(1 - \frac{w}{1,1} \right)},$$

бу ерда: σ_{s1} - чўзилган арматурадаги кучланиш, A-I, A-II, A-III ва A-III_B, B-I, B_p-I синфлардаги арматуралар учун $\sigma_{s1} = R_s - \sigma_{sp}$,
бошқа синфлардаги арматуралар учун

$$\sigma_{s1} = R_s - \sigma_{sp} + 400 \text{ МПа} - \Delta \sigma_{sp},$$

σ_{sp} - арматурадаги олдиндан берилган кучланишнинг миқдори; у коэффициент γ_{sp} нинг қиймати бирдан кам бўлганда аниқланади, зурикадиган ҳамда зурикмайдиган арматура бўлганда σ_{s1} зурикадиган арматура бўйича аниқланади; оддий арматурали элементлар учун $\sigma_{s1} = R_s$ бўлади.

σ_{s2} - сикилган сохада жойлашган арматуранинг чекли кучланиши:

$$\gamma_{v2} \geq 1 \text{ да } \sigma_{s2} = 400 \text{ МПа},$$

$$\gamma_{v2} < 1 \text{ да } \sigma_{s2} = 500 \text{ МПа га teng bouldi.}$$

Сикилган соҳанинг чегаравий нисбий баландлиги ξ_y материалларнинг хусусиятлари (R_s , R_b) га боғлиқ характеристикалардан бири ҳисобланади. У темирбетон конструкцияларнинг муайян кесими қандай ҳисоблаш холига тегишли эканлигини белгилайди.

Назорат саволлари

1. Темирбетон конструкцияларнинг кучланиш ва деформацияланиш ҳолатининг 3 боскичи.
2. Темирбетон конструкцияларнинг кучланиш ва деформацияланиш ҳолатининг 3 чи боскидаги 2 - хол тўғрисида маълумот беринг.

10-боб. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкциялари

10.1. Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг моҳияти ва афзаликлари

Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг афзаликларидан бири уни ёрилишга бўлган бардошлилигидир. Юқори даражадаги мустаҳкам материалларни (арматура ва бетон) қўлланилиши натижасида арматурани оддий темирбетон элементига нисбатан 30-70 % кам сарифлаш имконини беради. Бунда бетон сарфи камайиб конструкциянинг вазни енгиллашади. Бундан ташқари ёрилишга бўлган қаршилигини яъни бикирлигини оширади (бу узун балкалар тайёрлаб катта жойларни ёпиш имконини беради), сув ўтказмаслигини, динамик юклар таъсирига қаршилигини ҳамда узоқ муддат ишлашини таъминлайди.

Арматура фоизини ортиши олдиндан зўриқтирилган (айниқса кесим юзаси тавр шаклида бўлган ва енгил бетондан тайёрланган) конструкцияларни зилзилага бардошлигини орттиради. Гап шундаки, мустаҳкамроқ ва енгил материалларни қўллаш оқибатида олдиндан зўриқтирилган конструкцияларда юк кўтариш ҳолати бир хил бўлган ҳолда оддий конструкцияларга қараганда енгилроқ ва юзаси кичикроқ бўлишига эришиш мумкин экан. Бино ва иншоотларнинг айrim элементларини олдиндан зўриқтирилган арматура билан сиқиши оқибатида фазовий

ишлишини ҳамда зилзилабардошлигини ошириш мумкин. Бу конструкция арматурасиниг занглашга қарши ўта турғунлиги ва кўпга чидамлилиги ҳамда бардошлилиги билан фарқ қиласи.

Конструкцияларни тайёрлашда маҳсус ускуналар ёрдамида кўп меҳнат сарифланиши, юқори малакали ишчиларни ишлиши зарурлиги ва бошқалар олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларининг камчилиги ҳисобланади.

Тайёрлаш жараёнида сунъий равишда (олдиндан) бетонда сиқилиш ва арматурада чўзишиш кучланишлари ҳосил қилинган темирбетон конструкциялари олдиндан зўриқтирилган конструкциялар деб аталади.

Олдиндан зўриқтирилган кучланиш конструкциянинг ёрилиш бардошлиги ва бикирилигини оширади ҳамда ўта мустаҳкам бўлган пўлат арматуралардан, юқори синфли бетонлардан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Арматура ва бетон ишидаги табиий мувофиқлик ($\varepsilon_s = \varepsilon_b$) бетоннинг чўзишишига унча катта таъсир этмайди. Бетоннинг чўзишишга бўлган «ёрилиш олди» чегаравий узайиши $0,15 - 0,2$ мм ($\varepsilon_{bt,u} = (0,15 \dots 0,20 \times 10^{-3})$) ортмайди. Демак, бетон ёрилганда арматурадаги кучланиш,

$$\sigma_s = \varepsilon_s \cdot E_s = \varepsilon_{bt,u} \cdot E_s = 20 \cdot 10^{-5} \cdot 2 \cdot 10^5 = 40 \text{ МПа тенг}$$

Юк ортиши билан ёриқ кенгаяди. А-II, А- III синфдаги арматуралар билан жиҳозланган оддий элементларнинг ишлиш жараёнида қўйиладиган ташқи юк таъсиридан соч қалинлигича $0,1 \dots 0,2$ мм ёриқлар пайдо бўлади (Бунда арматурадаги кучланиш миқдори оқувчанлик чегарасидан ортиб кетмайди, $\sigma_s = 270 - 340$ МПа). Одатда бу ёриқлар оддий шароитда кўзга кўринмаслиги ва у темирбетоннинг иш шароитига ва узок яшашига маълум даражада таъсир қилиши мумкин. Аммо темирбетондан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики бу ёриқлардан қўрқмаса ҳам бўлади.

Оддий темирбетон элементида юқори мустаҳкамлиқдаги арматурадан фойдаланиш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Агар арматурадаги кучланиш $\sigma_s \geq 500$ МПа

бўлса, соч қалинлигидаги ёриқлар очилиши йўл қўйилмайдиган даражага етади. Бунда бетон арматурани химоя қила олмай қолади, солқиллик ортади яъни элементдан фойдаланиб бўлмайди. Наҳотки буни олдини олишни йўли бўлмаса. Муҳандис бинокор олдида бу қандай материалки, уни такомиллаштириб, яъни мустаҳкамлигини ошириб ва оғирлигини камайтиришнинг иложи бўлмаса деган савол туради.

Агар бетоннинг чўзилишдаги узайишини оширишининг иложи бўлмаса, уни шу даражагача сиқиши керакки, юк таъсирида ҳосил бўладиган чўзилиши мумкин бўлган ҳолатигача. Бунда мувозанат тизими ҳосил бўлиб, яъни бетонни қанчагача сиқилиши, арматурани чўзилишига қараб олинади. Бетоннинг доимий сиқилган ҳолатида ишлаши (яъни материални чўзилишда ишлашида захира яратиш учун) – олдиндан зўриқтирилган конструкция яратиш ғоясини амалга оширишга олиб келди. Бундай ғояни амалга ошириш учун юқори мустаҳкаликка эга бўлган арматура ва бетонни қўллангандагина татбиқ этиш мумкинлиги маълум бўлди. Акс ҳолда, олдиндан тарангланган ҳолатда бетонни сиқишига бўлган қаршилигини сусайиши, ташқи юк таъсирида бетон сиқилган зонасидаги сиқилишдаги кучланишни ортишига ва конструкцияни бузилишига олиб келади. Шундай қилиб, мустаҳкамлиги кам бўлган арматурани қўллаш конструкцияда “кучли” олдиндан зўриқтирилган кучланиш яратишга имкон бермайди.

Темирбетон конструкцияларни тайёрлашда юқори мустаҳкаликдаги арматурани тортиш орқали бетонда сиқилган кучланиш ҳосил қилиш ҳолатини олдиндан зўриқтирилган ҳолат деб юритилади. Бу кучланиш бетоннинг чўзилиш зонасида ҳосил бўлади.

Бунинг учун олдиндан зўриқтирилган эгилувчи элементга ташқи юк таъсирида ҳосил бўладиган кучланиш-деформацияланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Балкага юк қўйилганда унинг кесим юзасида бетонни сиқишдан ҳосил бўлган кучланиш, ташқи куч таъсирида чўзувчи кучланишини йўқотади. Юк ортиб борган сари бетон кесим юзасининг пастки қисмида бетонни сиқишдан ҳосил бўлган

кучланиш юк таъсиридан ҳосил бўлган чўзувчи кучланишни нейтраллаштиради (бетоннинг пастки қисми кучланиши нолга тенг бўлиб қолади). Натижада балканинг пастки қисмида чўзувчи кучланиш пайдо бўлади ва балка одатдагидек оддий эгувчи элемент каби ишлай бошлайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай ҳолатда олдиндан зўриқтирилган балканинг ёрилишга қаршилиги оддий балкани ёрилишга бўлган қаршилигига нисбатан 2,5-3,5 баробардан ортиқ (бундай ишлаш шароитида юк миқдорини 2-3 баробарга кўпайтириш мумкин), яъни:

$M_{crc} = (0,5-0,6) M_u$ - олдиндан зўриқтирилган элемент учун;

$M_{crc} = (0,10-0,15) M_u$ - зўриқтирилмаган элемент учун;

бунда M_{crc} -балкада ёриқ пайдо бўлишидаги эгувчи момент;

M_u - балканинг бузилишидаги эгувчи момент.

Шуни айтиш жоизки, олдиндан зўриқтирилган конструкциянинг мустаҳкамлиги арматурани чўзилгандаги кучланиш миқдорига боғлиқ эмас (олдиндан зўриқтирилган ва оддий конструкциянинг юк кўтариш кучи тахминан бир хил). Гап шундаки, кучнинг қиймати темирбетон ишлаш шароити чегарасига етгунча олдиндан зўриқтириш натижасида арматурада чўзувчи, бетонда сиқувчи кучланиши уни физик-механиқ хоссаларига сезиларли даражада катта таъсир кўрсатмайди.

Конструкцияларни зўриқтирилиши оралиқ (пролёт)ларини узайтириш ҳамда кесим юзасини кичрайтириш эвазига улардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

10.2. Таранглаш усуллари

Темирбетон конструкцияларида таранглаш икки хил усул билан амалга оширилади:

1-усул. Арматурани тиргакларга тираб таранглаш (бетонлашгача);

2-усул. Арматурани бетонга қадаб таранглаш (бетонлангандан кейин).

Биринчи усул бўйича конструкцияни тайёрлашда арматура тортилади ва унинг учларини таянч ёки форма четларига мустаҳкамланади, сўнгра элемент

бетонланади. Бетон керакли мустаҳкамликни олгандан сўнг арматура таянчлардан бўшатилади, яъни тарангланган арматурадаги куч бетонга ўтиб уни сиқади. Кучни бетонга ўтиши арматура билан бетон орасидаги ёпишиш (сцепления) оқибатида рўй беради.

Иккинчи усул билан дастлаб бетондан ёки кам арматураланган элемент тайёрланади, унда зўриқтириладиган арматурани жойлаштириш учун бетонда олдиндан каналлар ҳосил қилинади (масалан, газ трубаси ёрдамида). Сўнгра арматурани тегишли тарангликкача тортилади ва учлари анкерлар ёрдамида конструкция четига маҳкамланади. Арматурани тортиш жараёнида бетонда сиқилиш рўй беради. Шундан сўнг арматура билан бетон орасидаги ёпишувни таъминлаш мақсадида туйнукка 0.5-0.6 МПа босим остида цемент қоришмаси хайдалади.

Арматурани таянчларга тортиш механиқ, электротермик ва электротермомеханиқ усуллари билан бетонга тортиш эса одатда механиқ усул билан амалга оширилади.

Механик усулда арматурани гидравлик ва винтли домкрат ёки ўраш машинаси ёрдамида тортилади. Арматурани механиқ усул билан таранглашда кўпинча гидравлик домкратлардан фойдаланилади. Бу усулда арматурада катта зўриқиши ҳосил бўлишига қарамай, таранглаш кучини аниқ ўлчаш имкони бўлади. Шу билан бирга айланма стол ёрдамида ўта мустаҳкам симдан узлуксиз арматуралаш усули ҳам самарали ҳисобланади. Мазкур усул ёрдамида бир ёки икки ўқли кучланиш ҳолатида, босим остида ишлайдиган қувур, резервуар деворлари сингари турли конструкцияларни олдиндан зўриқтириш мумкин. Таранг тортилган сим билан узлуксиз арматуралаш усули олдиндан зўриқтирилган резервуарларни қуришда кенг кўлланилади. Бунда маҳсус кўзгалма машиналардан фойдаланилади. Бу усулни таранг тортилган ипни ғалтакка ўрашга ўхшатиш мумкин. Арматурани электротермик таранглаш усули кейинги йилларда кенг тарқалди. Хозирги кунда олдиндан зўриқтирилган конструкцияларнинг 3/4 қисми шу усул билан

тайёрланмоқда. Электротермик усулда арматуранинг электр токи ёрдамида 300-400° С гача қиздирилади, сўнгра уни формага солинади ва учи таянчларга маҳкамланади. Арматура совуганда қисқаради, натижада олдиндан таранглашиш кучи пайдо бўлади. Усулнинг афзалиги унинг ўта соддалиги ва исталган корхонада қўллаш имконияти мавжудлигидадир. Ишлатиладиган ускуналар 5-10 марта арzon, конструкция тайёрлаш учун сарифланадиган меҳнат ҳам 2-3 маротаба кам. Бироқ таранглаш аниқлиги механик усулдаги таранглашга қараганда анча паст. Айrim ҳолларда ўта мустаҳкам симларни таранглашда икки усулнинг биргаликда қўшиб ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўшма усулга кўра қиздирилган сим айланма стол ёрдамида узлуксиз равишда тарангланади. Яъни электротермомеханиқ усули электротермик ва механик усулларни бир вақтнинг ўзида қўлланиш натижасида ҳосил бўлади.

Шу билан бирга тортишни яна бир физик-кимёвий усули билан ҳам амалга ошириш мумкин. Бунга маҳсус кенгайувчи цементдан тайёрланган бетонни кенгайиши оқибатида арматурада кучланиш пайдо бўлади. Бетонга жойлашган арматура унинг ҳажмини кенгайишига йўл қўймайди ва ўзи чўзилади, бетонда эса сиқиши кучланиши вужудга келади. Шу тариқа конструкция олдиндан зўриқади. Бундай конструкциялар ўзининг ўзи таранглашиши (самонапряжение) деб юритилади.

10.3.. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон элементлардаги кучланишларни йўқотилиши

Арматурани таранглаш чоғида унда олдиндан уйғотилган кучланишлар вақт ўтиши билан қайтмас йўқотишлар эвазига камайиб боради. Ушбу йўқотишлар бетоннинг киришиши ва тоб ташлаши, арматурадаги кучланишларнинг релаксацияси (камайиши), анкерлар деформацияси, арматуранинг туйнук деворларига ишқаланиши ва бошқа ҳар хил сабаблар натижасида содир бўлади. Умумий йўқотилишларнинг 11 та тури мавжуд [9].

Олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни ҳисоблашда ана шу йўқотишлиарни эътиборга олиш лозим, чунки улар зўриқтирилган арматурадаги кучланишнинг камайишига олиб келади.

Йўқотишлиар икки гурухга бўлинади. Биринчи йўқотишлиар $\sigma_{los\ 1}$ элемент тайёрланадиган ва бетон сиқилаётган даврда содир бўлади. Иккинчи йўқотишлиар $\sigma_{los\ 2}$ эса бетон сиқилгандан кейин ҳосил бўлади.

Агар арматуралар таянчларга тортиб тарангланган бўлса, у ҳолда биринчи гурух йўқотишлиар қўйидагича аниқланади:

$$\sigma_{los\ 1} = \sigma_1 + \sigma_2 + \sigma_3 + \sigma_4 + \sigma_5 + \sigma_6$$

иккинчи гурух йўқотишлиар

$$\sigma_{los\ 2} = \sigma_8 + \sigma_9$$

Агар арматуралар бетонга тортиб тарангланган бўлса, у ҳолда

$$\sigma_{los\ 1} = \sigma_3 + \sigma_4$$

$$\sigma_{los\ 2} = \sigma_1 + \sigma_8 + \sigma_9 + \sigma_{10} + \sigma_{11} \quad \text{тeng бўлади}$$

йўқотишлиар миқдори 9-иловага асосан аниқланади, бунда умумий миқдори

$$\sigma_{los} = \sigma_{los\ 1} + \sigma_{los\ 2}$$

бўлади, лекин конструкцияни лойиҳалашда йўқотишлиарнинг умумий меъёр бўйича миқдори 100 МПа дан кам бўлмаслиги керак.

Назорат саволлари

1. Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг афзаликлари.
2. Олдиндан зўриқтиришнинг моҳияти
3. Таранглашган усуллари
4. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон элементлардаги кучланишларни йўқотилиши

11-боб. Эгилувчи темирбетон элементлар лойиҳалаш ва ҳисоблаш асослари

11.1. Эгилувчи темирбетон элементларни лойиҳалашнинг ўзига хос – хусусиятлари

Темирбетонли эгилувчи элементлар плита ва тўсин кўринишида қўлланилади. Булар мураккаб конструкциялар ва иншоотларнинг таркибига ёки алоҳида ҳолда ҳам учраши мумкин: масалан, қовурғали ёпмалар (11.1–расм), иншоотларнинг каркаслари ва б.

Қалинлиги h_s узунлиги l ва эни b_s дан анча кичик бўлган ясси элементларга – **плиталар**, узунлиги l кўндаланг кесимлари h ва b дан бир неча бор катта бўлган чизиқли элементлар эса **тўсинлар** дейилади.

Плиталар ва уларни лойиҳалаш. Плиталар яхлит, текис ва қовурғали бўлади; оралиқлари сонига қараб – бир оралиқли (11.1–расм, а) ва қўп оралиқли (11.1–расм, б); тайёрлаш усулига қараб – йиғма, монолит ва йиғма – монолит бўлиши мумкин.

Плиталар ўзаро тик стерженлардан ташқил топган тўрлар билан арматураланади. Агар ишчи арматура фақат бир йўналишга керак бўлса, у ҳолда иккинчи йўналишдаги арматура зўриқишлиарни тақсимлаш ва бўйлама арматураларни ўзаро боғлаш вазифасини ўтайди. Бу арматура бетоннинг ҳарорат таъсирида ва киришиши натижасида вужудга қеладиган деформацияни жиловлади, ташишда қулайлик туғдирадиган тўр ҳосил қиласи.


Яхлит плиталарнинг қалинлиги одатда $h = 50 \dots 100$ мм олинади. Катта оралиқнинг кичик оралиққа нисбати $l_2=l_1 > 3$ бўлган тўсинсимон плиталарда, шунингдек ўлчамлар нисбатидан қатъиназар, контур бўйлаб таянган плиталарда, биринчи ҳолда ишчи арматура l_1 оралиқ бўйлаб, иккинчи ҳолда – плитанинг таяниш чизигига тик равишда қўйилади. Икки йўналишда эгиладиган плиталарда ишчи арматура ҳар иккала йўналишда жойлаштирилади.

Тўсинсимон плиталарнинг ишчи арматуралари унинг чўзилувчи сиртига яқин жойлаштирилиши зарур; бунда, албатта, талаб этилган ҳимоя қатлами қолдирилади. Эркин таянган плиталарда арматура тўри фақат пастки чўзилиш зонасига, кўп


ораликли узлуксиз плиталарда эса, эгувчи моментлар эпюрасига мувофиқ равища, таянчлар оралиғида пастки ва таянч устида эса устки чўзиши зонасига жойланади.

Плиталарнинг ҳисобий узунликлари: қовурғали монолит плиталарда – очик оралиқ узунлигига тенг бўлади, эркин таянган плиталарда – очик оралиқ узунлигига плита қалинлигини қўшиб олинади. Плиталарда ишчи арматуралар диаметри 5–12 мм, монтаж арматураларники эса 4–8 мм олиниши мумкин. Ишчи арматуранинг умумий юзаси ҳисоб асосида белгиланади; монтаж арматурасининг юзаси конструктив равища қабул қилинади; бу юза энг катта момент ҳосил бўладиган кесимдаги ишчи арматура юзасининг 10 % идан кам бўлмаслиги лозим.

Ишчи стерженлар орасидаги масофа плитанинг ўрта қисмида ва таянч устида, плита қалинлиги $h_n \leq 150$ мм бўлса, кўпи билан 200 мм; агар $h_n > 150$ мм бўлса, кўпи билан $1,5 h_n$ олинади. Стерженлар оралиғи қолган участкаларда 350 мм дан ортмаслиги керак. Тақсимловчи арматуралар оралиғи ҳам кўпи билан 350мм олинади.



11.1–расм. Плиталарни арматуралаш: а – бир оралиқли; б – узлуксиз арматураланган кўп оралиқли; в – худди шундай, узлукли арматураланган; 1 – ишчи стерженлар; 2 – монтаж стерженлари



11.2-расм. Йиғма, йиғма-монолит плиталарнинг кўндаланг кесимлари: 1 – пайвандланган тўр; 2 – ишчи арматура; 3 – ясси каркаслар; 4 – йиғма элементлар; 5 – монолит бетон

Плиталарни ўрама ёки текис кўринишда тайёрланган стандарт пайванд симтўрлар билан арматуралаш мақсадга мувофиқдир. Бундай симтўрлар диаметри 3–5 мм бўлган оддий арматурабоп симлардан ёки диаметри 6–10 мм бўлган А – III синфли даврий профилли пўлатдан ишланади. Пўлатни тежаш мақсадида ишчи стерженларнинг бир қисми, таянчгача етказилмай, эгувчи моментлар эпюрасига мувофиқ равища, оралиқда узиб қўйилиши мумкин. Таянчгача етказиладиган стерженларнинг кесим юзаси энг катта мусбат эгувчи моментга мос бўлган кесимдаги арматуралар кесим юзасининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Тўсинлар ва уларни лойихалаш. Темирбетон тўсинларнинг кўндаланг кесимлари турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Булар ичida энг кўп тарқалганлари тўғри тўртбурчак (11.3-расм, а), токчasi юқорида жойлашган тавр (11.3-расм, б) ва кўштавр (11.3-расм, с) шаклли кесимлардир. Шулар билан бир қаторда токчasi пастда жойлашган тавр (11.3-расм, в), трапециясимон (11.3-расм, г), ичи бўш


(11.3–расм, ж) ва бошқача шаклли кесимлар ҳам қўлланади. Тавр шаклли кесимлар алоҳида тўсинларда ҳам, қовурғали монолит ёпмаларда ҳам учрайди.

Кўндаланг кесимлар баландлиги одатда тўсин узунлигининг $1=10 - 1=20$ қисмини, кенглиги эса баландликнинг $1=2 - 1=4$ қисмини ташқил этади. Кўндаланг кесим ўлчамларини бирхиллаштириш мақсадида тўсиннинг баландлиги (агар $h < 500$ мм бўлса) 50 мм ва ($h > 500$ мм бўлса) 100 мм га каррали қилиб олинади; тўсиннинг кенглиги 100, 120, 150, 180, 200, 250 мм, давоми 50 мм га каррали бўлади.


Бўйлама ишчи арматура, озгина ҳимоя қатлами қолдирилган ҳолда, тўсиннинг чўзилиш зonasига жойланади. Қия кесимларда қаршиликни ошириш мақсадида кўндаланг арматуралар ўрнатилади. Бундан ташқари, кўндаланг арматурани маҳкамлаш ва фазовий каркас ҳосил қилиш учун тўсиннинг сиқилиш зonasига монтаж арматура қўйилади.

Тўсинлар асосан пайвандланган каркаслар билан (11.4–расм, а), баъзи ҳолларда тўқима каркаслар билан (11.4– расм, б) арматураланади. Пайванд тўрлардаги чўзилувчи стерженлар 2 таянчга қадар олиб борилади, 3 стержен оралиқда узуб қўйилади. Монтаж стерженлари 1 ва кўндаланг 4 стерженлар қирқувчи кучларни қабул қиласди. Тўқима каркасдаги бўйлама чўзилувчи стержен 7 ҳам таянчга қадар мўлжалланган, 6 – букилган стержен, 5 – монтаж стержени, 8 – очик хомут, 9 – ёпик хомут ҳам каркас ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Тўсин кесимидағи ясси пайванд тўрларнинг сони турлича бўлиши мумкин. Тўсин кесимининг кенглиги 100 –150 мм бўлса – битта, кенглик каттароқ бўлса – иккита ва ундан ортиқ тўр ўрнатилади. Пўлатни тежаш мақсадида ишчи бўйлама арматураларнинг бир қисми таянчларгача етказилмай, оралиқда узуб қўйилиши мумкин. Бу иш ҳисобларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бироқ (тўсиннинг кенглиги 150 мм ва ундан ортиқ бўлса) камида икки стержен таянчга қадар давом эттирилиши зарур. Алоҳида ясси тўрлар стерженлар ёрдамида бирлаштирилиб, фазовий каркас ҳосил қилинади.



11. 3-расм. Темирбетон тўсинларнинг кўндаланг кесим юзалари



11.4-расм. Бир оралиқли тўсинларни арматуралаш. а – пайванд каркаслар; б – тўқима каркаслар.

Тўсин кесимидағи ясси пайванд тўрларнинг сони турлича бўлиши мумкин. Тўсин кесимиning кенглиги 100 – 150 мм бўлса – битта, кенглик каттароқ бўлса – иккита ва ундан ортиқ тўр ўрнатилади. Пўлатни тежаш мақсадида ишчи бўйлама арматураларнинг бир қисми таянчларгача етказилмай, оралиқда узиб қўйилиши мумкин. Бу иш ҳисобларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бироқ (тўсиннинг кенглиги 150 мм ва ундан ортиқ бўлса) камида икки стержен таянчга қадар давом эттирилиши зарур. Алоҳида ясси тўрлар стерженлар ёрдамида бирлаштирилиб, фазовий каркас ҳосил қилинади.

Тўсинлар тўқима каркаслар билан арматураланса, кўндаланг кучларни қабул қилиш учун хомутлар ўрнатилади. Агар сиқилиш зonasидаги бўйлама стерженлар иккитадан ортмаса – очик хомут, иккитадан ортса ва ҳисоб бўйича сиқилиш зonasига арматура қўйилиши лозим бўлса – ёпиқ хомут қўйилади. Тўсиннинг

кенглиги 350 мм дан катта бўлса, тўрт симли хомут қўйиш тавсия этилади; бундай хомут иккита икки симли хомутдан ташқил топади.

Тўқима каркасларда бўйлама ишчи арматуранинг бир қисмини таянч яқинида букиб, сиқилиш зонасига киритиб қўйиш мақсадга мувофиқдир Тўсиннинг бу қисмида чўзилувчи арматура камроқ талаб этилади, бироқ кўндаланг кучларни (бош чўзувчи кучланишларни) қабул қилиш учун кўпроқ арматура талаб этилади. Букмалар асосан 45° бурчак остида ўтказилади, бироқ баланд тўсинларда (баландлиги 800 мм дан ортиқ бўлса) букилиш бурчагини 60° га кадар ошириш, баландлиги паст бўлган тўсинларда 30° га қадар камайтириш мумкин.

Ишчи бўйлама арматуранинг диаметри 10–40 мм оралиғида олиниши зарур. Тўқима каркас хомутларининг диаметри тўсин кесимининг баландлиги 800 мм гача бўлса – камида 6 мм, 800 мм дан ортиқ бўлса – камида 8 мм олинади. Монтаж арматурасининг диаметрини 10–12 мм олса бўлади.

Тўсин кесимининг баландлиги 700 мм дан катта бўлса, тўсиннинг иккала ён сирти яқинига ҳар 400 мм оралиқда диаметри 10–12 мм бўлган бўйлама стерженлар ўрнатиш тавсия этилади. Бу стерженлар кесимларининг йиғинди юзаси тўсин қовурғаси кесим юзасининг 0,1 % идан кам бўлмаслиги керак. Тавр кесимли баъзи тўсинларда пайвандланган каркаслар билан бир қаторда токчаларни арматуралаш учун пайванд тўрлари ишлатилади.

Бетон ётқазиш ва зичлаштиришни қулайлаштириш учун, шунингдек арматура билан бетон орасидаги ёпишув ишончлироқ бўлиши учун бўйлама стерженлар орасидаги масофа арматура диаметридан кичик бўлмаслиги ҳамда пастки арматуралар оралиғи 25 мм дан, устки арматуралар оралиғи 30 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Арматуралар кесим баландлиги бўйича икки қатордан ортиқ бўлса, бўйлама стерженлар орасидаги масофа горизонтал йўналишда 50 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Хомутлар орасидаги масофа тўсин кесимининг баландлиги $h < 450$ мм бўлса, $1=2h$ ёки кўпич билан 150 мм; агар кесим баландлиги 450 мм дан катта бўлса, $1=3h$ ёки

кўпи билан 300 мм олинади. Бу талаб таянчларга яқин участкалар учун тааллуқлидир. Тўсинга текис ёйик куч қўйилган бўлса, таянч олди участкаси 1=4 деб, агар йифик кучлар қўйилган бўлса, таянчдан биринчи йифик кучгача бўлған масофа қабул қилинади. Тўсиннинг қолган қисмларида хомутлар орасидаги масофа $3/4h$ гача оширилиши мумкин, лекин хомут масофаси 500 мм дан ошмаслиги керак.

Олдиндан зўриқтирилган темирбетон элементларини лойиҳалаш. Олдиндан зўриқтирилган элементлар учун арматура пўлатлари конструкция тури, бетон синфи, таъсир этувчи кучларнинг тавсифи (характери), атроф мухитнинг ҳарорати ва зааралиги, ишлаш шароити ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда танланади. Иложи борича мустаҳкамлиги юқорироқ бўлган арматура танлашга ҳаракат қилиш керак, бетоннинг синфи конструкциянинг тури, бетоннинг хили, тарангланган арматурани синфи ва диаметри, анкерининг бор–йўқлигига қараб белгиланади.

Элементлари диаметри 5 мм гача бўлган Вр-II синфли сим билан анкерсиз арматураланса, бетоннинг синфи В20 дан, диаметри 6 мм ва ундан ортиқ бўлса – В30 дан кам бўлмаслиги лозим. К-7 ва К-19 синфли арқонсимон арматура қўлланган элементлардаги бетоннинг синфи камида В30 олинади. Агар А-V (Ат-IV) ва Ат-IV синфли стерженли анкерсиз арматура ишлатилса, арматура диаметри 18 мм гача бўлганда бетон синфи камида В20 ва В30, арматура диаметри 20 мм ва ундан ортиқ бўлганда В25 ва В30 дан кам бўлмаслиги керак.

Тарангланган арматурани бетонга яхши бирикуви ва зўриқишлиарнинг бетонга узатилишини таъминлаш мақсадида арматурани учига анкер деб аталган маҳсус маҳкамловчи мослама ўрнатилади. Арматурани тиргакларга тираб таранглаганди, агар арматура билан бетон ўзича пухта бирикса, масалан, арматура даврий профилли пўлатдан ёки сим арқонлар (канат)дан ташқил топган бўлса, анкер ускуналамаса ҳам бўлади. Бироқ, бунинг учун бетон юқори даражада мустаҳкам бўлиши, бундан ташқари, маҳсус конструктив чоралар қўлланган (қўшимча кўндаланг арматуралар ўрнатилган, ҳимоя қатламишининг қалинлиги оширилган) бўлиши лозим.

Айлана кесимли конструкциялар (резервуарлар, қувурлар ва х.к.) ўта мустаҳкам сим билан узлуксиз равиша арматураланса, симнинг бир учи ўрама спирал остига маҳкамланади ва иккинчи учи сиқувчи болтга ўралиб, бетонда қолдирилган металл тахтакачларга бураб тифизланади.

Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларда тарангланган арматура таъсир этувчи кучга қараб жойлаштирилади. Марказий чўзиладиган элементларда (фермаларнинг пастки тасмалари, тортқичлар ва х.к.) тарангланган арматура кесим бўйлаб бир текисда жойлаштирилади, резервуар ва қувурларнинг деворлари маҳсус машиналар ёрдамида ўта мустаҳкам сим билан арматураланади ёки ҳалқа симлар ўралиб, домкрат ёки тортувчи муфталар ёрдамида тарангланади.


Эгилувчи номарказий чўзилувчи ва елкаси катта бўлган номарказий сиқилувчи элементларнинг кесими қўштавр, тавр ва кутисимон шаклларда лойихаланади. Эгилувчи элементларда тарангланган асосий арматурани чўзилиш зонасига жойланади, баъзан кесим юзаси $A'_{sp}=(0.15...25) A_s$ бўлган тарангланган арматура сиқилиш зонасига ҳам ўрнатилади Тарангланган арматурани сиқилиш зонасисига жойлашдан мақсади шуки, у номарказий сиқилган (тайёрлаш жараёнида) бетонни ёрилишдан асрайди, чунки эгилувчи тўсиннинг сиқилиш зонаси бундай пайтда чўзилишга ишлай бошлайди ва тўсинда ёрилиш ҳавфи пайдо бўлади.

11.5–расм, г да сиқувчи куч ва ташқи ёйик ва юк таъсирида тўсинда вужудга келадиган кучланишлар эпюраси тасвиранган; бу ерда елка l_{op} ўзгармас бўлиб, кучлниш моментлар эпюрасига мувофиқ равиша парабола бўйича ўзгаради. Эпюраларнинг алгебраик йифиндисини олганда тўсиннинг пастки қиррасидаги чўзувчи кучланишлар анча камаяди, агар сиқувчи куч P ва унинг елкаси тўғри танланса, ўша кучланиш бутунлай йўқолиши мумкин. Тўсиннинг таянч яқинидаги юқори қисмида сиқувчи P кучдан ҳосил бўлган чўзувчи кучланиш сакланиб қолади, тўсиннинг шу участкаси емирилиши ҳам мумкин, элемент учларидаги кучланишларнинг камайтириш мақсадида пастки тарангланган арматуранинг бир қисми букиб қўйилади (11.5–расм, а). Бунда елка e_{op} ҳамда сиқувчи куч P , демак,

чўзувчи кучланиш ҳам элементнинг учи томон кичрайиб боради. Таянч яқинидаги оғма кесимида ҳосил бўладиган бош чўзувчи кучланишларни қабул қилишда ҳам тарангланган арматурани букиш фойдадан ҳоли эмас.


Эгилувчи элементларга таъсир этувчи кўндаланг кучнинг қиймати салмокли бўлса, тўсиннинг таянчга яқин қисмида зарурат бўлган ҳолда, бўйлама арматурадан ташқари кўндаланг арматура – хомутлар ҳам тарангланади. Таянч атрофида тўсиннинг икки ўқ йўналишида олдиндан зўриқтирилиши оғма кесимлар бўйича ёрилишининг олдини олади.

Олдиндан зўриқтирилган конструкцияда, айниқса, арматура бетонга тираб тарангланадиган ҳолатларда зўриқтирилдиган арматуралар A_{sp} ва A_{sp}' дан ташқари зўриқтирилмаган оддий арматуралар A_s ва A_s' ҳам жойлаштирилади. Туйнуклар орасидаги масофалар пастки арматуралар учун арматура диаметридан ёки 25 мм дан, туйнуклар орасидаги масофа эса туйнук диаметридан ёки 50 мм дан кам бўлмаслиги лозим.



11.5-расм. Олдиндан зўриқтирилган эгилувчи элементларни арматуралаш:

- 1 – 4 – зўриқтирилган арматура; 5, 6 – зўриқтирилмаган арматура;
- 7 – сиқувчи зўриқишдан ҳосил бўлган кучланишлар эпюраси;
- 8 – ташқи юклар таъсирида ҳосил бўлган кучланишлар эпюраси



11.6-расм. Олдиндан зўриқтирилган тўсиннинг чўзилган зонасини арматуралаш:
 а – стерженлар билан; б – юқори мустаҳкамли симлар билан; в – каналдаги ўрамлар
 билан; 1 – хомутлар; 2 – зўриқтирилган арматура; 3 – оддий бўйлама арматура

Олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни лойиҳалаш жараёнида куч кўп тушадиган айрим жойларини кучайтириш талаб этилади. Анкерлар ва тортиш мосламалари ўрнатилган жойлар ана шундай жойлардан саналиб, бу жойлар кўшимча кўндаланг арматура ёки металл тахтакач кўйиш ёки ўша участкада элемент кесимини катталаштириш йўли билан кучайтирилади.

11.2. Эгилувчи элементлар мустақкамлигини нормал кесимлар бўйича хисоблаш

Тўсиннинг юк кўтариш қобилияти ниҳоясига етгач, у ё нормал ёки оғма кесим бўйича емирилади (11.7 – расм, б).

Нормал кесим бўйича емирилиш эгувчи момент таъсирида, оғма кесим бўйича эса кўндаланг куч таъсирида рўй беради. Меърида арматураланган темирбетон элементларнинг емирилиши чўзилувчи арматурадан бошланади. Арматурадаги кучланиш оқиш чегарасига етганда, бетоннинг сиқилиш зонаси баландлиги кескин кичрайди, бу эса бетоннинг емирилишига олиб келади. Чўзилувчи арматуралар сони

кўп бўлган тўсинларда емирилиш сиқилиш зонасидаги бетондан бошланади, бунда арматурадаги кучланиш оқиш чегарасидан анча кичик бўлади; бу албатта тежамкорликка зиддир.

Темирбетон тўсинлар бузилишидаги ана шу икки ҳолга мос равишда икки хил ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган:

- а) биринчи усулга кўра ҳисоб нормал миқдорда арматураланган темирбетон элементларнинг емирилиши чўзилувчи арматурадаги кучланиш ҳисобий қаршиликка етишганда рўй берадиган ҳол учун бажарилади;
- б) иккинчи усулга кўра ҳисоб арматура миқдори керагидан ортиқча бўлган элементларда емирилиш бетоннинг сиқилиш зонасидан бошланадиган ҳол учун амалга оширилади.

Якка арматурали тўғри тўртбурчак кесимли элементлар. Бетоннинг сиқилиш зонасидаги кучланишлар эпюраси тўғри тўртбурчакли қилиб олинади (аслида эса эпюра эгри чизиқли бўлади). Шунда ҳисоб анча соддалашади (11.7–расм, г).

Геометрик тавсифлар:

$$A_b = bx, \quad (34) \quad \text{ва} \quad Z_b = h_o - 0,5x, \quad (11.1)$$

бунда: h_o – ишчи баландлик; a_s – ҳимоя қатлами.

Сиқилиш зонасининг баландлиги X ни аниқлаш учун статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз:

$$R_s - R_b b x = 0, \quad (11.2)$$

бу ерда:

$$R_b b x = R_s A_s. \quad (11.3)$$

Бундан сиқилаётган зонанинг баландлиги X келиб чиқади

$$X = R_s A_s / R_b b. \quad (11.4)$$

Элемент учун мустаҳкамлик шарти қуйидаги қўринишга эга:

$$M \leq N_b Z_b; \quad (11.5)$$

$$\text{бетон бўйича} \quad M \leq R_b b x (h_o - 0,5 x); \quad (11.6)$$


$$\text{арматура бўйича} \quad M \leq N_s Z_b. \quad (11.7)$$

$$N_s = R_s A_s$$

Топилган қийматларни 11.7 формулага қўйсак:

$$M \leq R_s A_s (h_0 - 0,5 X), \quad (11.8)$$

Эгиладиган элементлар кўндаланг кесимидағи куч схемаси ва зўриқишилар эпюраси



11.7 – расм. Эгилувчи элементни ҳисоблаш: а – ёйиқ юк, б – тўсин; в – эпюралар; г – якка арматурали элементни мустаҳкамликка ҳисоблаш

Арматуралаш фоизини белгилаш. Агар $X = \xi h_0$ бўлса, унда $\xi h_0 = R_s A_s = R_b b$ бўлади. Бундан бетон сиқилиш зонасининг нисбий баландлиги:

$$\xi = R_s A_s = R_b b h_0 = \mu R_s = R_b, \quad (11.9)$$

бу ерда: $\mu = A_s / b h_0$ – арматуралаш коэффициенти; $\mu 100$ – арматуралаш фоизи.

(11.9) формуладан кўринадики, μ нинг ортиши билан ξ ҳам ортиб боради. Бетон сиқилиш зонасининг нисбий баландлиги чегаравий қийматини (11.9) формулага қўйиб, арматуралаш коэффициентининг энг катта қийматига эга бўламиш:

$$\mu_{\max} = \xi_R R_b = R_s, \quad (11.10)$$

бу ерда: ξ_R – нисбий баландлик ξ нинг чегаравий қиймати.

(11.10) формуладан арматуралашнинг максимал қиймати бетон ва арматуранинг ҳисобий қаршиликларига боғлиқ эканлиги яққол кўриниб турибди.

Шу билан бирга, меъёрларда арматуралашнинг минимал қиймати ҳам белгилаб қўйилган. Эгилувчи стерженлар учун чўзилишга ишловчи арматуранинг минимал кесим юзаси $A_s = 0,0005bh_0$ қилиб белгиланган (b – тўғри тўртбурчакли кесимнинг эни). Агар элементнинг арматуралаш фоизи белгиланган минимумдан кичик бўлса, уни арматураланмаган бетон элемент сифатида ҳисоблаш лозим.

Арматуралашнинг оптимал фоизи тўсинлар учун $\mu = 1\dots2\%$, плиталар учун $\mu = 0,3\dots0,6\%$.

Тўғри тўртбурчакли кесимларни жадвал бўйича ҳисоблаш. Амалда якка арматурали тўғри тўртбурчак кесимли элементлар жадвал ёрдамида ҳисобланади. Бунинг учун (11.6) ва (11.8) формулаларга ўзгартириш киритамиз:

$M \leq R_b b x (h_0 - 0,5x)$, агар $x = \xi h_0$ бўлса, $M \leq R_b b \xi h_0 (h_0 - 0,5\xi h_0)$ бўлади, h_0 ни қавсдан ташқарига чиқарамиз $M \leq R_b b h_0^2 \xi (1 - 0,5\xi)$; агар $\alpha_m = \xi (1 - 0,5\xi)$ белгиласак, $M \leq R_b b h_0^2 \alpha_m$ қелиб чиқади. Бу ердан

$$\alpha_m = M / R_b b h_0^2. \quad (11.11)$$

Шу ишни арматура учун ҳам такрорлаймиз. $M \leq R_s A_s (h_0 - 0,5x)$, $x = \xi h_0$ ни билган холда $M \leq R_s A_s (h_0 - 0,5\xi h_0)$ дан h_0 ни қавсдан ташқарига чиқарамиз:

$$M \leq R_s A_s h_0 (1 - 0,5\xi). \quad (11.12)$$

Агар $1 - 0,5\xi = \zeta$ деб белгиласак, $M \leq R_s A_s h_0 \zeta$ келиб чиқади. Бу тенгламадан арматуранинг юзасини топамиз:

$$A_s = M / R_s h_0 \zeta. \quad (11.13)$$

Агар тўғри тўртбурчакли кесимнинг ўлчамлари маълум бўлса, α_m орқали жадвалдан ζ коэффициент аниқланади, сўнгра (11.13) формуладан арматура юзаси A_s топилади. (11.7–расм).

Бетон сиқилиш зонасининг нисбий баландлиги $\xi = x/h_0$. ξ нинг чегаравий қиймати ξ_R тарзида ифодаланади. $\xi = \xi_R$ бўлганда элемент чегаравий ҳолатда бўлиб, арматурадаги қучланиш R_s га тенглашади.

Табиийки, ξ_R нинг чегаравий қиймати ва шунга мос чегаравий арматуралаш мавжуд, бу чегарадан ўтгач, емирилиш чўзилган арматурадан эмас, балки сиқилган бетондан бошланади. Ҳисобнинг биринчи ва иккинчи ҳоллари орасидаги чегара ҳам ана шундан иборатdir (11.7– расм). Шундай қилиб, агар $\xi = x/h_0 \leq \xi_R$ бўлса, элементлар биринчи ҳолнинг формулалари (11.3) ва (11.13) асосида ҳисобланади. Агар $\xi > \xi_R$ бўлса, ҳисоб иккинчи ҳол формулалари бўйича амалга оширилади. Тажрибаларнинг кўрсатишича ξ_R нинг қиймати бетон ва арматуранинг хоссаларига боғлиқ бўлади.

Бетоннинг мустаҳкамлиги ортган сари, унинг қайишқоқлиги пасайиши ҳисобига, бетоннинг сиқилиш зонасида фурсатидан илгарироқ мўрт емирилиш содир бўлади, бу эса ξ_R нинг камайишига олиб келади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, бетон ва арматуранинг мустаҳкамлиги ортган сари ξ_R нинг қиймати камая боради. Демак, кесимнинг сиқилиш зонаси кичрая боради. ξ_R формуладан топилади.

Конструкцияларни ҳисоблашда уларнинг энг тежамкор ва арzon нусхаларини танлашга интилмоқ зарур. Тажрибаларнинг кўрсатишича, тўсинларда $\xi = 0,2\dots0,3$ ва плиталарда $\xi=0,1\dots0,25$ олинса, маблағ тежалади.

Элемент якка тартибда арматураланганда, сиқилиш зонасидаги бетон бузилмаган ҳолда қабул қила оладиган моментнинг чегаравий қиймати қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$M_R = \alpha_R R_b b h_0^2, \quad (11.14)$$

бу ерда:

$$\alpha_R = \xi_R (1 - 0,5 \xi_R). \quad (11.15)$$

Ҳисобнинг иккинчи ҳолида $\xi_R > \xi$, яъни элементнинг емирилиши сиқилиш зонасидан бошланади, деб олинади. Арматуралаш фоизини керагидан ортиқча олиш темирбетон элементларнинг мустаҳкамлигини сезиларли даражада оширмайди. Бундай элементлар мустаҳкамлигини $x = \xi_R h_0$ деб олиб, (11.12) формула ёрдамида ҳисобласа бўлади.

Якка арматурали эгилувчи элементларнинг арматура юзасини топиш мақсадида (11.3) ва (11.13) формулалардаги R_s ўрнига σ_s ни қўйиш тавсия этилади, чунки арматурадаги кучланиш сиқилиш зонасидаги бетоннинг барвақт емирилиши оқибатида ҳисобий қаршилик қийматига етиб бора олмайди.

Ҳар бир i – қаторда жойлашган стержендан кучланиш қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\sigma_{si} = [\sigma_{sc,u} / (1 - \omega/1,1)(\omega/\xi_i - 1)], \quad (11.16)$$

бу ерда: $\xi_i = x/h_{oi}$, h_{oi} – энг сиқилган нуқтадан тегишли қатор арматурасининг оғирлик марказидан ўтувчи ўққача бўлган масофа.

σ_{si} кучланишлари ҳар қандай ҳолда ҳам ҳисобий қаршиликлар R_s ва R_{sc} нинг абсолют қийматларидан ортиб кетмаслиги зарур. Бундай ҳолда ҳисоб мувозанат тенгламалари билан (11.16) formulani биргаликда ечиш орқали бажарилади.

Амалда бу турдаги масалалар асосан уч хил ҳолатда учраши мүмкін:

1. Элементни кесим ўлчамлари, материаллари тавсифи ва унга таъсир этәётган ташқи ҳисобий эгувчи момент берилған бўлиб, ишчи арматура миқдорини аниқлаш талаб этилади.

2. Элементга таъсир этәётган ташқи ҳисобий эгувчи момент ва материаллар тавсифи берилған бўлиб, элементнинг кесим ўлчамлари ва ишчи арматураси миқдорини аниқлаш талаб этилади.

3. Элементни олдиндан лойиҳаланған бўлиб, унинг материаллари тавсифи, кесим ўлчамлари ва ишчи арматуралари миқдори берилған, элементни юк кўтариш қобилияти (ташқи ҳисобий эгувчи моменти) ни аниқлаш талаб этилади.

Кўйида шу уч турдаги масалаларга оид мисолларни кўриб чиқамиз.

11.1.-мисол. Темирбетон плита учун зарур бўлған ишчи арматура миқдори аниқлансан.

Ташқи ҳисобий эгувчи момент $M=3,5$ кНм. Оғир бетон синфи В20, арматура синфи А-I. Плитанинг кўндаланг кесим ўлчамлари $v=80$ см;

$$h=6,0 \text{ см}; \gamma_{\text{в2}}=0,9, A_s = ?$$

Ечиш. Иловадаги 3 ва 6 жадвалдан бетоннинг ҳисобий қаршилиги $R_b=11,5$ МПа; арматуранинг ҳисобий қаршилиги $R_s=225$ МПа;

$$h_0=h-a=60-15=45 \text{ мм}; a=15 \text{ мм}-бетоннинг ҳимоя қатлами.$$

Коэффициент α_m [11.11] формуладан

$$\alpha_m = \frac{M}{\gamma_{\text{в2}} \cdot R_b \cdot v h_0^2} = \frac{3,5 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 11,5 \cdot 80 \cdot 4,5^2 \cdot (100)} = 0,209$$

$$\text{у ҳолда: } \xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,209} = 0,238.$$

Бетон сиқилувчи зонасининг тавсифи

$$\omega = 0,85 - 0,008 \gamma_{\text{в2}} \cdot R_b = 0,85 - 0,008 \cdot 0,9 \cdot 11,5 = 0,767.$$

Сиқилувчи зона нисбий баландлигининг чегаравий миқдори [1] 4.10 ифодадан

$$\xi_R = \frac{\omega}{1 + \frac{\sigma_{sR}}{\sigma_{sc,u}} \left(1 - \frac{\omega}{1.1} \right)} = \frac{0,767}{1 + 225/500 \left(1 - \frac{0,767}{1.1} \right)} = 0,675$$

бу ерда: $\sigma_{sR}=R_s=225\text{МПа}$ – А-I синфи арматура учун;

$\gamma_{v2}<1$ бўлгани учун $\sigma_{sc,u}=500\text{ МПа}$; деб оламиз

Демак $\xi=0,238 < \xi_R=0,675$ у ҳолда ишчи арматуранинг талаб этилган миқдори

$$A_s = \frac{M}{R_s \cdot \xi \cdot h_0} = \frac{3,5 \cdot 10^5}{225 \cdot 0,881 \cdot 4,5 \cdot 100} = 3,92 \text{ см}^2$$

бу ерда: $\xi=1 - \xi/2=1 - \frac{0,238}{2} = 0,881$

Арматуралаш коэффициенти

$$\mu = \frac{A_s}{\pi h_0} = \frac{3,92}{80 \cdot 4,5} = 0,011 > \mu_{\min} = 0,0005$$

Ишчи арматурани $5\oslash 10$ А-I, $A_s=3,93 \text{ см}^2$ қабул қиласиз.

Зўриқтирилган ишчи арматуранинг талаб этилган юзаси

$$A_{sp} = \frac{\xi \cdot \epsilon \cdot h_0 \cdot R_e}{\gamma_{s6} \cdot R_{sp}} = \frac{0,197 \cdot 25 \cdot 47 \cdot 15,3}{1,06 \cdot 815} = 4,01 \text{ см}^2$$

Қабул қиласиз $2\oslash 16$ А-VI: $A_{sp}=4,02 \text{ см}^2$

11.2.-мисол. Тўсиннинг кесим ўлчамлари ва ишчи арматурасининг юзаси аниқлансан:

Ташқи ҳисобий эгувчи момент $M=120\text{kNm}$:оғир бетон синфи В30, $R_b=17 \text{ МПа}$, $\gamma_{v2}=0,9$ ($R_b=0,9 \cdot 17=15,3 \text{ МПа}$); Арматура синфи А-II ($R_s=280 \text{ МПа}$)

$b \times h = ? A_s = ?$

Ечиш. Тўсинни энини олдиндан $v=20 \text{ см}$ деб оламиз. Арматуралаш коэффициенти энг мувоғиқ (оптималь) миқдорини қабул қиласиз $\mu=0,012$, у ҳолда

$$\xi = \mu \cdot \frac{R_s}{R_e} = 0,012 \cdot \frac{280}{15,3} = 0,22, \text{ бундан } \alpha_m = \xi(1-\xi/2) = 0,22(1-\frac{0,22}{2}) = 0,196 \text{ түсиннинг ишчи}$$

баландлиги

$$h_0 = \sqrt{\frac{M}{\alpha_m \epsilon R_e}} = \sqrt{\frac{120 \cdot 10^5}{0,196 \cdot 20 \cdot 15,3 \cdot (100)}} = 44,7 \text{ см}$$

Агар ҳимоя катлами $a=3$ см десак, түсиннинг баландлиги $h=h_0+a=44,7+3=47,7$ см. Қабул қиласиз $h=50$ см; у ҳолда $h_0=h-a=50-3=47$ см; бетон сиқилувчи зонаси тавсифи $\omega=0,85-0,008 \cdot 15,3=0,73$; $\sigma_{sp}=280$ МПа; $\sigma_{sc,u}=500$ МПа, чунки $\gamma_{b2}=0,9 < 1$; у ҳолда

$$\xi_R = \frac{0,73}{1 + \frac{280}{500} \left(1 - \frac{0,73}{1,1} \right)} = 0,614$$

бундан

$$\alpha_R = \xi_R (1 - 0,5 \xi_R) = 0,614 (1 - 0,5 \cdot 0,614) = 0,425;$$

$$\alpha_m = \frac{M}{\epsilon \cdot h_0^2 \cdot R_e \cdot \gamma_{b2}} = \frac{120 \cdot 10^5}{20 \cdot 47^2 \cdot 15,3 \cdot (100)} = 0,178.$$

демак $\alpha_R=0,425 > \alpha_m=0,178$

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,178} = 0,198.$$

Талаб этилган арматура юзаси

$$A_s = \frac{\xi \cdot \epsilon \cdot h_0 \cdot R_e \cdot \gamma_{b2}}{R_s} = \frac{0,198 \cdot 20 \cdot 47 \cdot 15,3}{280} = 10,17 \text{ см}^2.$$

Қабул қиласиз $4 \oslash 18$ А-II, $A_s=10,18 > A_s=10,17 \text{ см}^2$

11.3– мисол. Тўсиннинг нормал кесим бўйича мустаҳкамлиги текширилсин: $M=450 \text{ кН}\cdot\text{м}$, $h=75 \text{ см}$; $b=30 \text{ см}$; $a=4 \text{ см}$; оғир бетон синфи B20; $\gamma_{\text{в2}}=0,9$, $R_{\text{в}}=11,5 \cdot 0,9=10,35 \text{ МПа}$; $\alpha=0,85$. Арматура $6 \oslash 25 \text{ A-III}$, $A_s=29,45 \text{ см}^2$; $R_s=365 \text{ МПа}$; $\sigma_{sR}=R_s=365 \text{ МПа}$.

$$M_{\text{adm}} = ?$$

Ечиш. Ишчи баландлик

$$h_0=h-a=75-4=71 \text{ см};$$

сиқилувчи зона тавсифи

$$\omega=0,85-0,008 \cdot 10,35=0,767;$$

сиқилувчи зона нисбий баландлигининг чегаравий миқдори

$$\xi_R = \frac{0,767}{1 + \frac{365}{500} \left(1 - \frac{0,767}{1,1} \right)} = 0,628$$

У ҳолда сиқилувчи зонанинг чегаравий баландлиги

$$x_R = \xi_R \cdot h_0 = 0,628 \cdot 71 = 44,6 \text{ см};$$

$$x = \frac{365 \cdot 29,45}{10,35 \cdot 30} = 34,6 \text{ см} < x_R = 44,6 \text{ см};$$

Ички кучлар моменти

$$M_{\text{adm}} = R_s \cdot A_s \cdot \left(h_0 - \frac{x}{2} \right) = 365 \cdot 29,45 \cdot (71 - 34,6/2) \cdot (100) = 577 \cdot 10^5 \text{ Н}\cdot\text{см} =$$

$$= 577 \text{ кНм} > M = 450 \text{ кНм}$$

Демак, тўсиннинг нормал кесим бўйича мустаҳкамлиги етарли.

Назорат саволлари

1. Статиканинг кесимларни ҳисоблашда фойдаланадиган асосий шартлари қандай?
2. Нормал кесим ҳисобий схемасини чизинг.


3. Түғри түртбұрчак шаклидаги якка арматура кесим учун асосий ҳисоблаш формулалари қандай күринишга ега?
4. Ҳисоблаш тартиби.
5. Якка арматуралы түғри түртбұрчаклы кесимли элементнинг юк күттарувчанлик хусусияти қандай аниқланади?
6. Арматуралаш фоизи ва у нималарга боғлиқ?
7. Бетон ва арматура синфи қандай танланади?
8. Нормал кесим бўйича мустаҳкамлик қандай текширилади?

Қўш арматуралы түғри түртбұрчаклы кесимли элементлар. Бетоннинг сиқилиш зонасига арматура қўйиш кам фойда берсада, баъзан шундай қилишга түғри келади.

Сиқилиш зонасига арматура қуйидаги уч ҳолда қўйилади;

- 1) элементнинг кўндаланг кесим ўлчамлари чегараланган бўлса;
- 2) бетоннинг синфини ошириб бўлмаса;
- 3) элементга икки хил ишорали эгувчи моментлар таъсир этса.

Қўш арматуралы кесимларни ҳисоблаш формулалари ҳам якка арматура кесимлар учун берилган формулалар каби тузилади. Агар якка арматура қўйганда $x > \xi_R h_0$ бўлса, у ҳолда сиқилиш зонасига ҳисоб бўйича арматура қўйиш лозим бўлади. Сиқилиш зонасидаги арматура қабармаслиги учун, ҳар 50 см масофага хомутлар қўйилади (11.8–расм).



11.8–расм. Түғри түртбұрчак шаклидаги қўш арматуралы кесимни ҳисоблаш

Арматура кесимининг юзасини аниқлаш. Тўғри тўртбурчак шаклидаги қўш арматурали кесим учун эгилишдаги мустаҳкамлик шарти қўйидаги қўринишга эга:

$$M \leq M_b + M'_s; \quad (11.17)$$

$$M \leq R_b A_b Z_b + R_{sc} A'_s Z_s; \quad (11.18)$$

$$M \leq R_b b x (h_0 - 0,5x) + R_s A'_s (h_0 - a'). \quad (11.19)$$

бу ерда: M_b ва M'_s – сиқилган зонада сиқилган бетон ва сиқилган арматура қабул қиласидаги ички моментлар.

Сиқилиш зонасининг чегараси

$$R_b b x = R_s A_s - R_{sc} A'_s \quad (11.20)$$

мувозанат тенгламасидан топилади. Бунда $x \leq \xi_R h_0$ шарт бажарилади деб қаралади. Бу ерда ξ_R -арматура ва бетоннинг хоссаларига боғлиқ бўлган коэффициент, ξ нинг чегаравий қиймати.

Ҳисобий момент, арматура ва бетон синфлари берилган бўлса, кесим танлашда икки типдаги масала учрайди.

Масала 1. Кўндаланг кесимнинг ўлчамлари h ва b олдиндан берилган. A_s ва A'_s лар юзасини танлаш талаб қилинади.

Арматураларни шундай танлаш керакки, уларнинг (A_s ва A'_s) сарфи минимал бўлсин. Бу сиқилган бетоннинг максимал юк кўтарувчанлик хусусиятидан тўла фойдаланилганда эришилади, яъни $x = \xi_R h_0$.

(11.19) формулага x ўрнига унинг максимал қийматини қўйиб, қўйидагини аниқлаймиз:

$$M \leq R_b b \xi_R h_0^2 (1_0 - 0,5\xi_R) + R_{sc} A'_s (h_0 - a'_s), \quad (11.21)$$

бунда: $R_b b \alpha_R h_o^2 = M_{bmax}$ – сиқилған бетон қабул қиладиган максимал момент.

Бундан

$$A'_s = (M - R_b b \alpha_R h_o^2) / (R_{sc}(h_0 - a_s)). \quad (11.22)$$

Чүзилған арматура юзасини (11.20) формуладан $x = \xi_R h_0$ қўйиб топиш мумкин.

Агар A'_s нулга teng ёки манфий чиқса, унда ҳисоб бўйича сиқилған арматура керак ва кесим якка арматурали қилиб лойиҳаланади. Бундай ҳолда сиқилған зонага арматура конструктив муроҳазаларга мувофиқ ёки бошқа ишорали моментга ҳисоблаш йўли билан топилади ва A_s ни танлашда эътиборга олинади.

Масала 2. Кесим ўлчамлари h , b ва сиқилған арматура юзаси A'_s маълум.

Сиқилған арматура қабул қиладиган моментни аниқлаймиз:

$$M_{sc} = R_{sc} A'_s (h_0 - a'_s). \quad (11.23)$$

Бетон сиқилған зonasига тўғри келадиган момент бўйича (3) формуладан $M_b = M - M_{sc}$, уни баландлигини топамиш

$$x = h_0 - a'_s, \quad (11.24)$$

$\xi \leq \xi_R$ шартга амал қилиб, x ни қийматини (1) формулага қўйиб, A_s аниқлаймиз.

$$A_s = (R_b b X + R_{sc} A'_s) / R_s. \quad (11.25)$$

Кесим юзасининг мустаҳкамлигини текширишда (ҳамма маълумотлар берилган) (11.20) формуладан сиқилған зона баландлигини ҳисоблайди, кейин (11.19) формуладан мустаҳкамлик шарти текширилади. Агар $\xi > \xi_R$ бўлса, унда A'_s ни катталаштириш ёки тўсин кесим ўлчамларини ўзгартириш керак.

Қўш арматурали элементлар

Эгилишга ишловчи, икки томонига ҳам ишчи арматура (чўзилувчи ва сиқилувчи зоналарга) қўйилган темирбетон элементлари фақатгина бетон сиқилган зонасининг мустаҳкамлигини орттириши (ўлчамларини ўзгартирмасдан) зарур бўлганда ёки элементларга ҳар хил ишорали моментлар таъсир этгандагина қўлланилади.

Бундай элементларни лойиҳалаш ҳудди якка арматурали элементларни ҳисоблаш каби олиб борилади, фақат бетон сиқилувчи зонаси қаршилигига шу зонага қўйилган арматура қаршилиги ҳам қўшиб ҳисобланади.

Қўш арматурали элементларни ҳисоблашда аввало сиқилувчи зонанинг мустаҳкамлиги текширилади, агар унинг мустаҳкамлиги етарли бўлмаса яъни $\alpha_m > \alpha_R$ бўлса, шундагина сиқилувчи зонага ҳам ишчи арматура танланади.

1 – мисол. Тўсин учун арматуралар танлансин.

Тўсиннинг кўндаланг кесим ўлчамлари $b=30$ см, $h=60$ см бўлиб, ташқи ҳисобий эгувчи момент $M=700$ кНм. Тўсин В30 синфдаги оғир бетондан тайёрланади ($R_b=0,9 \cdot 17=15,3$ МПа) $\gamma_{b2}=0,9$. Арматура синфи А-II ($R_s=R_{sc}=280$ МПа).

$$A_s = ?, A^1_s = ?$$

Ечиш. Тўсиннинг ишчи баландлиги, агар $a = 4$ см бўлса, $h_0=h-a=60-4=56$ см

Бетон сиқилувчи зонасининг тавсифи $\omega=0,85-0,008 \cdot 15,3=0,728$; $\gamma_{b2}=0,9 < 1$; $\sigma_{sc,u}=500$ МПа деб олинади.

Сиқилувчи зона нисбий баландлигининг чегаравий миқдори

$$\xi_R = \frac{0,728}{1 + \frac{280}{500} \left(1 - \frac{0,728}{1,1} \right)} = 0,612, \quad \text{бундан}$$

$$\alpha_R = 0,612 (1 - 0,5 \cdot 0,612) = 0,425;$$

$$\alpha_m = \frac{700 \cdot 10^5}{15,3 \cdot 30 \cdot 56^2} = 0,486 > \alpha_R = 0,425$$

демак, сиқилувчи зонага арматура қўйишимиз зарур экан.

У холда сиқилувчи арматуранинг юзасини топамиз

$$A'_s = \frac{M - \alpha_R \cdot R_s \cdot \gamma_{\varepsilon 2} \cdot \varepsilon h_0^2}{R_{sc}(h_0 - a')} = \frac{700 \cdot 10^5 - 0,425 \cdot 15,3 \cdot 30 \cdot 56^2 \cdot (100)}{280 \cdot (56 - 4) \cdot (100)} = 6,06 \text{ cm}^2.$$

Чўзилишга ишлайдиган арматура юзаси

$$A_s = \frac{R_{sc} \cdot A'_{s'}}{R_s} + \frac{\alpha_R \cdot R_s \cdot \varepsilon h_0}{R_s} = \frac{280 \cdot 6,06}{280} + \frac{0,425 \cdot 15,3 \cdot 30 \cdot 56}{280} = 45,08 \text{ cm}^2,$$

қабул қиласиз

сиқилувчи арматура $2 \oslash 20$ А-II, $A'_s = 6,28 > A^1_s = 6,06 \text{ cm}^2$;

чўзилувчи арматура $6 \oslash 32$ А-II, $A_s = 48,26 > A_s = 45,08 \text{ cm}^2$.

2 – мисол. Тўсиннинг юк кўтариш қобилияти аниқлансин.

Тўғри тўртбурчак кесимли қўш арматураланган тўсиннинг ўлчамлари $b \times h = 20 \times 50 \text{ см}$, арматуралари $A_s = 10,17 \text{ cm}^2$ ($4 \oslash 18$, А-II) ва $A'_s = 4,02 \text{ cm}^2$ ($2 \oslash 16$ А-II), ҳисобий қаршиликлари $R_s = R_{s,c} = 280 \text{ МПа}$, оғир бетон синфи В20 ($R_b = 0,9 \cdot 11,5 = 10,35 \text{ МПа}$), $\gamma_{\varepsilon 2} = 0,9$.

$M = ?$

Ечиш. Тўсин кесимиининг ишчи баландлиги $h_0 = h - a = 50 - 4 = 46 \text{ см}$; $a = 4 \text{ см}$; $a^1 = 3 \text{ см}$;

Бетон сиқилувчи зонасининг баландлиги

$$X = \frac{R_s A_s - R_{s,c} A'_s}{R_s \cdot \varepsilon} = \frac{280 \cdot 10,17 - 280 \cdot 4,02}{10,35 \cdot 20} = 8,32 \text{ cm}.$$

Тўсин қабул қилиши мумкин бўлган энг катта ташқи ҳисобий момент


$$M = R_b \cdot b \cdot x (h_0 - 0,5x) + R_{s,c} A_s (h_0 - a^1) = 10,35 \cdot 20 \cdot 8,32 (46 - 0,5 \cdot 8,32) + 280 \cdot 4,02 \cdot (46 - 3) = 120458 \text{ Нм} = 120,458 \text{ кН}\cdot\text{м}.$$

Назорат саволлари

1. Кўш арматурали кесим қайси вақтда қўлланилади?
2. Кесим юзаларини ҳисоблашда фойдаланладиган асосий шартлари қандай?
3. Тўғри тўртбурчак шаклидаги қўш арматурали кесим учун асосий ҳисоблаш формулалари қандай кўринишга эга?
4. Бундай кесим қандай ҳолларда ишлатилади?
5. Кўш арматурали кесимларни ҳисоблаш йўли.
6. Арматура кесимини танлаш ва уни текшириш.

Тавр, қўштавр ва қутисимон кесимли элементлар. Токчаси сиқилиш зонасида жойлашган тавр кесимли эгилувчи элементлар алоҳида тўсин қўринишида ёки қовурғали ёпма таркибида кенг кўлланилади. Бундай кесимнинг мақбул томони шундан иборатки, буларда бетоннинг чўзилиш зонасидаги ишламайдиган юзаси кичиклаштириб, сиқилиш зонасидаги юзаси, аксинча, катталаштирилган. Токчаси чўзилиш зонасида жойлашган тавр шаклли элементлар кам ишлатилади. Токчанинг чўзилиш зонасига жойлаштирилиши элементнинг мустаҳкамлигини оширмайди. Бундай кесимлар тўғри тўртбурчак шаклли кесимлар сингари ҳисобланиб, эни қовурганинг энига teng қилиб олинади.

Тавр кесимли элементларнинг токчаси сиқилиш зонасида жойлашса, ҳисоб жараёнида унинг кенглиги чегараланади. Токча юпқа бўлиб, қовурғадан чиқкан қисми узун бўлса, қовурға билан токчанинг уланган ерида кучланишлари ортиб кетади, соддароқ қилиб айтганда синадиган ҳолга тушиб қолади. Шунинг учун токчанинг ёпма узунлиги (свес) ҳисоб жараёнида чекланади.



11.9–расм. Тавр шаклли кесимли түсінни ҳисоблашга доир

Тажрибадан маълумки, қовурғадан узоқлашган сари токча чиқиқларидаги сиқувчи кучланиш (σ_c) камая боради ва элемент синаётганда бетоннинг сиқилишдаги ҳисобий қаршилигидан кичик бўлади (11.9 б–расмда кучланиш эпюраси).

Бу узунлик элемент узунлигининг 1/6 қисмидан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, элементдаги қўндаланг қовурғалар узунлиги бўйлама қовурғалар узунлигидан катта бўлса, ёки қўндаланг қовурғалар умуман бўлмаса, $h'_f < 0,1 h$ бўлганда токчанинг ёпма узунлиги 6 h'_f дан ошмаслиги лозим (11.9–расм). Агар $h'_f \geq 0,1h$ бўлса, токчанинг кенглиги b'_f бўйлама қовурғаларнинг ён сиртлари орасидаги масофага teng қилиб олинади.

Алоҳида түсінларда токчанинг ҳисобий кенглиги қовурганинг ҳар иккала томонида: $h'_f \geq 0,1h$ бўлганда $6h'_f$ дан ошмаслиги; $0,05h \leq h'_f \leq 0,1h$ бўлганда $3h'_f$ дан катта бўлмаслиги лозим. Агар $h'_f < 0,05h$ бўлса, токчанинг қанотлари умуман ҳисобга олинмайди, кесим шакли тўғри тўртбурчак деб қабул қилинади ҳамда шунга яраша ҳисобланади.

Тавр шаклли кесимларни мустақкамликка ҳисоблаш. Тавр шаклли кесимларни ҳисоблашда қуйидаги икки ҳол учраши мумкин:

- 1) нейтрал ўқ токчадан ўтган ҳол;
- 2) нейтрал ўқ қовурғадан ўтган ҳол (11.10–расм).

Агар сиқилган токчанинг қаршилиги арматура қаршилигидан ортиқ бўлса, у холда мувозанатни таъминлаш учун сиқилиш зонасининг бир қисмидан фойдаланиш кифоя қиласи. Бу эса 1– ҳолга мос келади.

Агар сиқилган токчанинг қаршилиги арматура қаршилигидан кам бўлса, мувозанатни таъминлаш учун қовурғанинг бир қисмини ишга солиш зарур бўлади, бунда нейтрал ўқ қовурғадан ўтади (2–хол).

Агар $x \leq h_f'$ бўлса, ҳисоб тўғри тўртбурчакли кесим учун берилган формулалар асосида бажарилади (1–хол).

Нейтрал ўқ учун

$$R_b b_f' x = R_s A_s, \quad (11.26)$$

$$x = R_s A_s / R_b b_f'. \quad (11.27)$$

Мустаҳкамлик шарти:


$$M \leq R_b b_f' x (h_0 - 0,5x). \quad (11.28)$$

Агар $x > h_f'$ бўлса, нейтрал ўқ ҳолати (сиқилиш зонаси чегараси қўйидаги тенгламадан топилади (2–хол):

$$R_s A_s = R_b b x + R_b (b_f' - b) h_f'. \quad (11.29)$$

Бу ҳол учун мустаҳкамлик шарти қўйидагича бўлади:

$$M \leq R_b b x (h_0 - 0,5x) + R_b (b_f' - b) h_f' (h_0 - 0,5x). \quad (11.30)$$



11.10–расм. Тавр шаклли кесимнинг ҳисобий схемаси: a – нейтрал ўқ токчадан ўтган ҳол; b – нейтрал ўқ қовурғадан ўтган ҳол

Тавр шаклли кесимлар учун $x \leq \xi_R h_o$ шарт қаноатлантирилиши зарур. Чўзилувчи арматуранинг юзаси A_s ни аниқлаш учун (11.29) ва (11.30) ифодаларни ўзгартирамиз. Бунда $x = \xi h_o$ деб олсак,

$$R_s A_s = \xi R_b b h_o + R_b (b' f - b) h' f. \quad (11.31)$$

(11.30) формуланинг биринчи ҳадини ўзгартирамиз ва

$$R_b b \xi h_o (h_o - 0,5 h_o) = R_b b h_o^2 \xi (1 - 0,5 \xi) = \alpha_m R_b b h_o^2. \quad (11.32)$$

У ҳолда (11.31) формула қуидаги кўринишни олади:

$$M \leq \alpha_m R_b b h_o^2 + R_b (b' f - b) h' f (h_o - 0,5 h' f). \quad (11.33)$$

A_s ни аниқлаш учун (11.33) дан α_m топилади:

$$\alpha_m = M / R_b b h_o^2 + R_b (b' f - b) h' f (h_o - 0,5 h' f), \quad (11.34)$$

сўнгра жадвалдан ξ аниқланади, кейин (6) формуладан A_s топилади.

Тавр шаклли юзаларда нейтрал ўқ ҳолатини аниқлаш. Нейтрал ўқ ҳолати қуидаги белгилар бўйича аниқланади:

- агар A_s ва кесим ўлчамлари маълум бўлса, $R_s A_s \leq R_b b_f h_f$ бўлганда, нейтрал ўқ токчадан ўтади;

– агар ҳисобий эгувчи момент ва кесим ўлчамлари маълум бўлиб, A_s номаълум бўлса, у ҳолда $M \leq R_b b_f h_f (h_0 - 0,5h_f)$ бўлганда, нейтрал ўқ токчадан ўтади, акс ҳолда ўқ қовурғани кесиб ўтади.

Қўштавр ёки қутисимон кесимли элементларни мустаҳкамликка ҳисоблашда, уларни тенг кучли тавр шаклли кесимга келтирилади. Бунда чўзилувчи токча ҳисобга олинмайди, чунки чўзилиш зонасида жойлашган бетон дарз кетгач, ишдан чиқади. Барча чўзилувчи арматуралар қовурғага тўпланади, ишчи баландлик h_0 ўзгаришсиз қолаверади. Қовурғанинг кенглиги қутисимон элементнинг вертикал деворлари қалинликларининг йиғиндисига ёки қўштавр қовургаси энига тенг бўлади.

Тавр шаклли кесимларни ҳисоблашнинг ўзига хослилиги шундаки, агар таврнинг токчаси сиқилувчи зонада бўлса, ҳисоблаш тартиби нейтрал ўқнинг ҳолатига яъни сиқилувчи зонанинг чегарасига боғлиқ бўлади.

Агар нейтрал ўқ тавр токчасидан ўтса, яъни $x \leq h'_f$ бўлса, кесимни эни тавр токчасини ҳисобий эни ε'_f га тенг $\varepsilon = \varepsilon'_f$ тўғри тўртбурчакли кесимлар сифатида ҳисобланади, яъни

$$M \leq R_b \varepsilon'_f x (h_0 - 0,5x)$$

Агар нейтрал ўқ таврнинг қовургасини кесиб ўтса, яъни $x > h'_f$ бўлса, у ҳолда сиқилувчи зона тавр шаклга эга бўлади ва ҳисоблаш алоҳида-алоҳида (токчаси ва ғовургаси) тартибда олиб берилади.

$$M \leq R_b \varepsilon x (h_0 - 0,5x) + R_b (b_f^1 - b) h_f^1 (h_0 - 0,5h_f^1)$$

Шунинг учун тавр шаклли кесимларни ҳисоблашда аввало нейтрал ўқнинг ҳолатини аниқлаб олиш зарур.

1-мисол. Тавр кесимли түсін учун ишчи арматуралар танлансин: $M=180 \text{ кН}\cdot\text{м}$; $w \times h=20 \times 50 \text{ см}$; $b'_f=40 \text{ см}$; $h'_f=12 \text{ см}$, оғир бетон синфи В20 ($R_b=11,5 \cdot 0,9=10,35 \text{ МПа}$); арматура синфи А-III ($R_s=365 \text{ МПа}$). $A_s = ?$

Ечиш. Кесимнинг ишчи баландлиги $h_0=h-a=50-3,5=46,5 \text{ см}$;

Коэффициент α_m ни ҳисоблаймиз

$$\alpha_m = \frac{M}{R_s \cdot b'_f \cdot h_0^2} = \frac{180 \cdot 10^5}{10,35 \cdot 40 \cdot 46,5^2 \cdot (100)} = 0,2, \text{ бундан}$$

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,2} = 0,227,$$

сиқилувчи зонанинг баландлиги

$$w = \xi \cdot h_0 = 0,227 \cdot 46,5 = 10,5 \text{ см} < h'_f = 12 \text{ см}$$

Демак, нейтрал үк тавр кесим токчасидан ўтар экан, шунинг учун кесимни эни b'_f га тенг бўлган тўғри тўртбурчакли кесим сифатида ҳисоблаймиз.

Бетон сиқилувчи зонасининг тавсифи

$$\omega = 0,85 - 0,008 \cdot R_b = 0,85 - 0,008 \cdot 10,35 = 0,767.$$

Агар $\sigma_{sp}=365 \text{ МПа}$, $\sigma_{sc,u}=500 \text{ МПа}$ бўлса

$$\xi_R = \frac{0,767}{1 + \frac{365}{500} \left(1 - \frac{0,767}{1,1} \right)} = 0,628 > \xi = 0,227 \text{ ёки}$$

$$\alpha_R = \xi_R (1 - 0,5\xi_R) = 0,628 (1 - 0,5 \cdot 0,628) = 0,431 > \alpha_m = 0,2,$$

чўзилишга ишловчи ишчи арматуранинг талаб этилган юзаси

$$A_s = \frac{\xi \cdot b'_f \cdot h_0 R_s}{R_s} = \frac{0,227 \cdot 40 \cdot 46,5 \cdot 10,35}{365} = 11,97 \text{ см}^2.$$

Арматуралар сортаменти [1] 6 - иловадан

4 Ø 20 А-III, $A_s=12,56 > 11,97 \text{ см}^2$ деб қабул қиласиз.

2 – мисол. Тўсин учун зарур бўлган арматура миқдори аниқлансин.

Ташқи кучдан ҳосил бўлган ҳисобий эгувчи момент $M=240 \text{ kN}\cdot\text{m}$ ва тавр кесимли тўсиннинг ўлчамлари $h=50 \text{ см}$, $b=20 \text{ см}$, $b_f'=40 \text{ см}$, $h_f'=12 \text{ см}$ ҳамда оғир бетоннинг синфи B20 ($R_b=0,9 \cdot 11,5=10,35 \text{ МПа}$), чўзилишга ишловчи арматуранинг синфи A-II ($R_s=280 \text{ МПа}$).

$$A_s = ?$$

Ечиш. Кесимнинг ишчи баландлиги

$$h_0=50-4=46 \text{ см}, a=4 \text{ см}$$

Нейтрал ўқнинг ҳолатини аниқлаймиз

$$\begin{aligned} M'_f &= R_b \cdot b' \cdot h'_f \cdot (h_0 - 0,5 \cdot h'_f) = 10,35 \cdot 40 \cdot 12 \cdot (46 - 0,5 \cdot 12) \cdot (100) = 19872000 \text{ Н}\cdot\text{см} = \\ &= 198,72 \text{ кН}\cdot\text{м} < M = 240 \text{ кН}\cdot\text{м}. \end{aligned}$$

Демак, нейтрал ўқ тавр кесимиning қовурғасидан ўтар экан.

Бетон сиқилувчи зонасининг тавсифи

$$\omega = 0,85 - 0,008 \cdot 10,35 = 0,767, \quad \text{агар } \sigma_{sp}=280 \text{ МПа}; \quad \sigma_{sc,u}=500 \text{ МПа}$$

$$\gamma_{b2}=0,9 \text{ десак, у ҳолда}$$

$$\xi_R = \frac{0,767}{1 + \frac{280}{500} \left(1 - \frac{0,767}{1,1} \right)} = 0,656, \quad \text{бундан}$$

$$\alpha_R = \xi_R (1 - 0,5 \xi_R) = 0,656 (1 - 0,5 \cdot 0,656) = 0,441;$$

$$\begin{aligned} \alpha_m &= \frac{M - R_s (b_f' - b) h_f' (h_0 - 0,5 h_f')}{R_s b h_0^2} = \frac{240 \cdot 10^5 - 10,35 \cdot (100) (40 - 20) \cdot 12 (46 - 0,5 \cdot 12)}{10,35 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 46^2} = \\ &= 0,32 < \alpha_R = 0,441; \end{aligned}$$

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2\alpha_m} = 1 - \sqrt{1 - 2 \cdot 0,32} = 0,4.$$

Ишчи арматуранинг талаб этилган юзаси куйидаги формула орқали аниқланади

$$A_s = \frac{[\zeta \sigma h_0 + (\sigma_{f'} - \sigma) h_{f'}] R_e}{R_s} = \frac{[0,4 \cdot 20 \cdot 46 + (40 - 20) \cdot 12] \cdot 10,35}{280} = 22,47 \text{ см}^2.$$

Арматуралар сортаментидан

$4 \oslash 28$ А-II, $A_s = 24,63 > A_s = 22,47 \text{ см}^2$ деб қабул қиласиз.

Назорат саволлари

1. Токчанинг чиққан қисмини эни қандай белгиланади?
2. Тавр шаклидаги кесим нейтрал ўқининг ҳолати қандай аниқланади?
3. Тавр шаклидаги кесимни ҳисоблашнинг биринчи ёки иккинчи ҳоли қандай аниқланади?
4. Арматуралар юзаси қандай аниқланади?
5. Тавр шаклидаги кесим мустаҳкамлиги қандай текширилади?
6. Токчаси чўзилган зонада бўлган тавр шаклли кесим қандай ҳисобланади?

11.2. Эгилишга ишловчи темирбетон элементларни оғма кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш

Эгиливчи элементлар оғма кесимларининг мустаҳкамлигини ҳисоблаш.

Эгиливчи элементларнинг эгувчи момент ва кўндаланг кучлари катта қийматга эга бўлган қисмларидаги оғма кесимлар мустаҳкамликка текширилади. Бунда элементларнинг бузилишида қуйидаги икки ҳол учраши мумкин:

- 1) элемент факат кўндаланг куч таъсирида бузилади;
- 2) элемент ҳам кўндаланг куч, ҳам эгувчи момент таъсирида бузилади.

Биринчи ҳолда кўндаланг кучнинг катта қиймати таъсирида оғма кесимда силжиш рўй беради


Бузилиш чоғида элементнинг бир қисми иккинчи қисмiga нисбатан силжийди. Бундай бузилиш злементларнинг ўзаро оғишига қаршилик кўрсатадиган, бетонга мустаҳкам бириккан (анкерланган) ишчи арматура мавжуд бўлган ҳолдагина рўй берниши мумкин. Сиқувчи ва қирқувчи кучларнинг биргаликдаги таъсири натижасида бетоннинг сиқилиш зонаси бузилади (кирқилади). Шунинг учун ҳам оғма кесимларнинг қўндаланг кучлар таъсирига бўлган мустаҳкамлиги мажбурий равишда хисобланади.

Оғма кесимларга қўндаланг кучлар таъсири. Тажрибаларнинг кўрсатишича, оғма кесимларнинг қўндаланг кучлар таъсирига бўлган мустхамлиги етарли даражада бўлмаса, балка шу кесим бўйлаб емирилади.

Агар ташки юклардан ҳосил бўлган қўндаланг кучлар қиймати оғма кесим қабул қила оладиган қўндаланг кучдан кичик бўлса, у ҳолда оғма кесимнинг мустаҳкамлиги таъминланган бўлади:

$$Q_O = Q_{sw} + Q_{s,inc} + Q_b, \quad (11.35)$$

бу ерда: Q_O – ташки юклардан ҳосил бўлган қўндаланг куч; O – сиқилиш зонаси маркази; Q_{sw} – оғма кесимда жойлашган хомутлардаги зўриқишилар йифиндиси; $Q_{s,inc}$ – оғма кесимда жойлашган оғма стерженлардаги зўриқишиларнинг вертикал ўқса проекциялари йифиндиси; Q_b – бетоннинг сиқилиш зонаси қабул қила оладиган қўндаланг куч.



11.11-расм. Эгилувчи элементнинг қия кесим бўйича синиш схемалари:
а – бош қучланиш йўналишининг тархи; б – оғма кесимда қўндаланг кучлар
таъсири

Хомутлардаги зўриқишлиар қуидаги формулалардан топилади:

$$Q_{sw} = \sum R_{sw} A_{sw} \quad \text{ёки} \quad Q_{sw} = q_{sw} C, \quad (11.36)$$

бу ерда: C – оғма кесим проекцияси; $q_{sw} = R_{sw} A_{sw} / S$ – хомутлардаги зўриқиши интенсивлиги, яъни элементнинг узунлик бирлигига мос бўлган зўриқиши.

$Q_{s,inc}$ нинг микдори қуидаги формуладан аниқланади:

$$Q_{s,inc} = \sum R_{sw} A_{s,inc} \sin \theta. \quad (11.37)$$

Q_b кучи қуидагича аниқланади:


$$Q_b = \varphi_{b2} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} b h_0^2 / c, \quad (11.38)$$

бирок, $Q_b \geq \varphi_{b3} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} b h_0$ дан кам бўлмаслиги лозим.

Акс ҳолда бетоннинг қаршилиги етарли бўлмайди. Бундай ҳолда хомутларнинг сони ва диаметрини ёки бетоннинг синфини ошириш керак бўлади.

φ_{b2} коэффициент бетоннинг турига қараб 1,5...2 оралиғида олинади. $\varphi_{b3}=0.4...0.6$ – бу ҳам бетонга боғлиқ. Сиқилувчи токчаларнинг таъсирини хисобга олувчи коэффициент қўйидаги формуладан топилади:

$$\varphi_f = 0,75(b'_f - b)h'_f / bh_0 \leq 0,5. \quad (11.39)$$



11.12–расм. Оғма кесимнинг кўндаланг кучга ҳисоблаш тарҳи

Бўйлама кучлар таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент φ_n қўйидаги формулалардан топилади:

а) сиқувчи бўйлама кучлар мавжуд бўлганда,

$$\varphi_n = 0,1N/R_{bt}bh_0 \leq 0,5; \quad (11.42)$$

б) чўзувчи бўйлама кучлар мавжуд бўлганда,

$$\varphi_n = 0,2N/R_{bt}bh_0 \leq 0,5. \quad (11.43)$$

Коэффициентлар йигиндинси $(1+\varphi_f + \varphi_n) \leq 1,5$

Оғма кесимларга эгувчи моментлар таъсири. Эгувчи моментнинг қиймати аста ортиб бориши натижасида бош чўзувчи кучланишлар ҳам ортиб бориб, бетоннинг чўзилишдаги қаршилиги $R_{bt, ser}$ га етганда, элементда қия ёриқ пайдо бўлади. Бетоннинг чўзилиш зонаси ишдан чиқади, барча чўзувчи кучлар бўйлама ва кўндаланг арматураларга узатилади. Бундай ҳолда арматура яхши анкерланмаган бўлса, сугирилиб чиқиши, бетоннинг сиқилиш зонаси кичрайиб, бузилиш рўй бериши мумкин. Бунда кучланишлар оқиш чегараси σ_y га ёки вақтинчалик қаршилик σ_u га тенглашади.

Оғма кесимнинг эгувчи момент бўйича мустаҳкамлик шарти қўйидагicha ифодаланади:


$$M_O \leq M_s + M_{sw} + M_{s,inc}, \quad (11.44)$$

бу ерда: M_O – таянч реакция ва ташқи кучлардан О нуқтага нисбатан олинган момент; M_s – бўйлама арматурадаги зўриқишидан олинган момент; $M_s = R_s A_s Z$; M_{sw} – оғма кесимда жойлашган хомутлардаги зўриқишишлардан олинган момент; $M_{sw} = \sum R_{sw} A_{sw} Z_{sw}$; $M_{s,inc}$ – оғма стерженлардаги зўриқишишлардан олинган момент;

$$M_{s,inc} = \sum R_{s,inc} A_{s,inc} Z_{s,inc}. \quad (11.45)$$

Эгувчи моментларнинг оғма кесимларга бўлган таъсири элементнинг таянч зонасида текширилади. Агар маълум конструктив талабларга амал қилинса, мустаҳкамликка ҳисоблашга хожат қолмайди.

Агар нормал кесим бўйича аниқланган чўзилувчи арматурага давом эттириб, учлари анкерлаб қўйилса, исталган оғма кесимнинг эгувчи момент таъсирига бўлган мустаҳкамлиги таъмин этилган бўлади. Анкерлашни кучайтириш мақсадида баъзан таянч зонасига қўшимча арматура жойланади ёки стержен учларига пластиналар пайвандланади.



11.13-расм. Оғма кесимнинг эгувчи моментга ҳисоблаш тарҳи

Оғма кесимларнинг мустаҳкамлиги моментлар бўйича (11.44) формула ёрдамида текширилади. Элемент энг ҳавфли оғма кесимиning бўйлама ўққа бўлган проекцияси C_1 проекциялар tengламасидан топилади. Энг ҳавфли оғма кесим

таянчга яқин кесимдан бошланади. Бу кесимда ташқи кучлардан ҳосил бўлган момент M ёриқ ҳосил қилувчи момент M_{crc} га тенг бўлади.

Оғма кесимларни ҳисоблашда нейтрал ўқ ҳолати барча кучларнинг бўйлама ўқса бўлган проекциялари тенгламасидан аниқланади.

Қатор конструктив тадбирлар амалга оширилса, оғма кесимларнинг момент бўйича юк кўтариш қобилияти нормал кесимларнидан кам бўлмайди; бундай ҳолларда оғма кесимларни момент бўйича ҳисоблашга эҳтиёж қолмайди.

Арматураларни анкерлаш. Элементнинг оғма кесим бўйича мустаҳкамлигини таъминлайдиган конструктив тадбирлар қуидагилардан ташқил топади. Аввало, хомутлар ва буқмалар орасидаги масофалар, хомутларнинг диаметрлари, шунингдек буқмаларнинг жойланиши юқорида келтирилган талаблар даражасида бўлиши лозим. Қолаверса чўзилган бўйлама арматуранинг бетонга мустаҳкам бирикиши (анкерланиши) ҳам катта рол ўйнайди, чунки бунда арматура имкониятларидан тўла фойдаланилади. Эгилувчи элемент эркин таянса, бирикишни пухталаш мақсадида бўйлама арматуранинг учи элементдан ташқарига камида $5d$ масофага чиқариб қўйилади. Агар (11.38) шарт қаноатлантирилмаса, яъни ҳисобга кўра қўндаланг арматура талаб этилса, у ҳолда арматуранинг чиққан қисми узунлиги $l_s \geq 10d$ олинади (11.12–расм).

Пайванд тўрларда силлиқ сиртли бўйлама арматураларнинг учига I_s масофада камида битта, агар ҳисоб бўйича қўндаланг арматура талаб этилса, камида иккита анкерловчи (бириктирувчи) кўндаланг арматура пайвандланиши лозим. Энг четки анкерловчи стержендан бўйлама стерженнинг учигача бўлган масофа $d \leq 10$ мм бўлса, 15 мм дан, $d > 10$ мм бўлса, $1,5d$ дан кам бўлмаслиги керак. Анкерловчи стерженнинг диаметри энг йўғон бўйлама арматура диаметрининг ярмидан кичик бўлмаслиги зарур. Агар анкер (бириктиргич)лар бўлмаса, арматуранинг учидаги нормал кучланиш нолга teng бўлади; элемент учидан узоқлашган сари арматура билан бетон орасидаги бирикув (сцепление) ҳисобига кучланиш орта боради ва I_{an}

масофада (11.12– расм, в) унинг қиймати тўлиқ ҳисобий қаршилик R_s га тенглашади. Анкерлаш зонасининг узунлиги қуидаги формула билан аниқланади:

$$I_{an} = (\omega_{an} R_s / R_b + \Delta\lambda_{an}) d, \quad (11.46)$$

Чўзилиш зонасидаги даврий профилли арматура учун $\omega_{an} = 0,7$ ва $\Delta\lambda_{an}=11$, текис сиртли арматура учун эса $\omega_{an} = 1,20$ ва $\Delta\lambda_{an}=11$. Бундан ташқари, I_{an} 250 мм дан ва $20d$ дан кам бўлмаслиги керак. Четки озод таянчларда анкерлаш зонаси узунлиги кўндаланг арматура ва кўндаланг йўналишдаги сиқилиш кучланишлари тъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Кейинги омиллар анкерлаш зонасини ихчамлаштиради.

Темирбетон элементларни қия кесимлар бўйича мустаҳкамлиги, бетоннинг сиқилувчи зонаси, бўйлама арматура, хомутлар ёки кўндаланг арматуралар ва қия ёки букилган арматуралар ҳисобига таъминланади.

Эгилишга ишловчи элементларда энг хавфли қия кесим таянчларга яқин жойда бўлади, чунки бу жойда на факат эгувчи момент, балки катта микдорда кўндаланг кучлар ҳам тъсири этади. Элементларни қия кесимларда бузилиши эгувчи момент ва кўндаланг кучларни бир вақтдаги тъсиридан рўй беради.

Лекин элементларни қия кесимлари мустаҳкамлигини эгувчи моментга ҳисобга олмаса ҳам бўлади, чунки қия кесим мустаҳкамлиги элементларнинг нормал кесимлари мустаҳкамлигидан кам бўлмайди.

Қия кесимларни ҳисоблашда, аксарият ҳолларда кўндаланг арматураларни диаметри ва сони бир кесим юзасидаги қабул қилинади ҳамда арматуралар орасидаги масофа S аниқланади.

1-мисол. Тўсинни қия кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблансин: таянчдаги кўндаланг куч $Q=320$ кН; $b=25$ см, $h=60$ см, оғир бетон синфи В20 ($R_{bt}=0,9 \cdot 0,9=0,8$

МПа, $R_b = 11,5 \cdot 0,9 = 10,35$ МПа), ишчи бўйлама арматура $\varnothing 32$ А-III $R_s = 365$ МПа, арматура каркаслари сони $n=2$. Кўндаланг арматура синфи А-III, $R_{sw}=285$ МПа; $E_b=27000$ МПа; $E_s=2 \cdot 10^5$ МПа.

$$Q_{sw,b} = ?$$

Ечиш. Кўндаланг арматура диаметрини пайвандлаш шартига асосан қабул қиласиз $2 \varnothing 8$ А-III, у ҳолда $A_{sw}=2 \cdot 1,06=2,12 \text{ см}^2$.

Оғир бетонлар учун $\varphi_{b2}=2,0$; $\varphi_{b3}=0,6$; $\beta=0,01$. Кўндаланг арматуралар қадамини конструктив шартга асосан қабул қиласиз

$$S = \frac{h}{3} = \frac{60}{3} = 20 \text{ см};$$

тўсиннинг ишчи баландлиги $h_0=h-a=60-4=56$ см; $a = 4$ см

коэффициент $\varphi_{b1}=1-0,01R_b=1-0,01 \cdot 10,35=0,897$;

$$\alpha = \frac{E_s}{E_b} = \frac{2 \cdot 10^5}{0,27 \cdot 10^5} = 7,4.$$

Арматуралаш коэффициенти

$$\mu_w = A_{sw}/\epsilon \cdot s = \frac{2,12}{25 \cdot 20} = 0,00424;$$

коэффициент φ_{w1} формуладан

$$\varphi_{w1}=1+5 \cdot \alpha \cdot \mu_w=1+5 \cdot 7,4 \cdot 0,00424=1,16.$$

қуйидаги шартларни формула бўйича

$$Q \leq 0,3 \varphi_{w1} \cdot \varphi_{b1} \cdot R_b \cdot b h_0;$$

$$Q=320 \cdot 10^3 H < 0,3 \cdot 1,16 \cdot 0,897 \cdot 10,35 \cdot 20 \cdot 56 \cdot (100) = 361850 H = 361,85 \cdot 10^3 H$$

демак, тўсиннинг кўндаланг кесим юзасининг ўлчамлари қаноатлантиради.

$$Q \leq \varphi_{b3} \cdot R_{bt} \cdot b h_0;$$

$$Q=320 \cdot 10^3 H > 0,6 \cdot 0,8 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 56 = 53,76 \cdot 10^3 H$$

демак, кўндаланг арматураларни ҳисоблашимиз талаб қилинади.

Кўндаланг арматуралар қадамининг энг катта миқдори

$$S_{\max} = \frac{0,75\varphi_{B2} \cdot R_{Bt} \cdot \sigma h_0^2}{Q} = \frac{0,75 \cdot 2 \cdot 0,8 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 56^2}{320 \cdot 10^3} = 23,52 \text{ см} < S = 20 \text{ см} .$$

$$\text{У ҳолда } q_{sw} = \frac{R_{sw} \cdot A_{sw}}{S} = \frac{285 \cdot (100) \cdot 2,12}{20} = 3021 \text{ Н/см}$$

$$C_0 = \sqrt{\varphi_{\sigma 2}(1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{st} \sigma h_0^2 / q_{sw}} = \sqrt{2(1+0+0) \cdot 0,8 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 56^2 / 3021} = 57,6 \text{ см} ;$$

бу ерда: $C_0=57,6 \text{ см} < 2h_0=2 \cdot 56=112 \text{ см}, h_0=56 \text{ см} < C_0=57,6 \text{ см}$ деб қабул қиласиз.

Кесим юзаси қабул қила олиши мумкин бўлган кўндаланг куч миқдори

$$\begin{aligned} Q_{sw,b} &= 2q_{sw} \cdot h_0 + \varphi_{B2} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{Bt} \cdot \sigma h_0^2 / c_0 = \\ &= 2 \cdot 3021 \cdot 56 + 2(1+0+0) \cdot 0,8 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 56^2 / 57,6 = 512570 \text{ Н.} \end{aligned}$$

Демак, $Q=320000 \text{ Н} < Q_{sw,b}=512570 \text{ Н}$ қия кесимнинг юк кўтариш қобилияти таъминланган.

Назорат саволлари

1. Қия кесимнинг ҳисобий схемасини чизинг.
2. Хомутлар қадами қандай аниқланади?
3. Қия кесимни ҳисоблашдаги шарт – шароитлар нималардан иборат?
4. Қандай ҳолда қия кесим мустаҳкамлиги текширилади?
5. Қия кесимнинг кўндаланг куч таъсирига мустаҳкамлиги қандай текширилади?
6. Қия кесимнинг эгувчи моментга мустаҳкамлиги қандай ҳисобланади?
7. Кўндаланг арматурасиз қия кесим мустаҳкамлиги қандай текширилади?

12-боб. Сиқилувчи темирбетон элементларини ҳисоблаш асослари

12.1. Сиқилувчи темирбетон элементларни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари

Оралиқда жойлашган устунлар; фермаларнинг устки тасмалари, юқориловчи ҳовонлари, устунлари ва бошқа шунинг каби элементлар шартли равишда марказий сиқилувчи элементлар таркибиға киради. Аслида қурилиш конструкцияларида марказий сиқилиш кўринишида учрамайди, элементлар ҳамиша тасодифий елкали номарказий сиқилиш ҳолатида бўлади.


Бундай элементлар хомутлар воситасида боғланган бўйлама ишчи арматуралар билан жиҳозланади. Элементга қўйиладиган юкни бўйлама арматура бетон билан биргаликда қабул қиласи. Бу ерда кўндаланг стерженлар (хомутлар) бўйлама арматураларни муддатидан илгари қабаришдан асраш вазифасини ўтайди.

Бўйлама куч елкаси унча катта бўлмаса, кўндаланг кесим юзаси квадрат шаклида олинади. Эгувчи моментнинг қиймати катта бўлса, кесимнинг момент текислигидаги ўлчамлари катталаштирилади, яъни тўғри тўрт бурчак шаклига келтирилади. Амалда кўштавр кесимли устунлар ҳам қўлланилади.


Елканинг қиймати $e_o = M/N + e_a$ формуладан топилади; бу ерда e_a –тасодифий елка (эксцентриситет).

Сиқилувчи элементларда ишлатиладиган бетоннинг синфи В15 дан, агар катта юк қўйилса, В25 дан кам бўлмаслиги керак.

12.1 ва 12.2-расмларда сиқилган элементларнинг куч схемалари ва кўндаланг кесим юзалари келтирилган.




12.1-расм. Сиқилған элементлар



12.2-расм. Сиқилған элементларнинг күндаланг кесимлари

Сиқилған элементларни арматуралаш. Устунларнинг бўйлама арматуралари диаметри 12–40 мм бўлган А–III ва А–ПС синфли пўлатдан ишланади. Кўндаланг арматура учун асосан А–II, А–I синфли пўлат стерженлар ҳамда В–I синфли сим ишлатилади.



12.3–расм. Ҳисобий эксцентриситетли сиқилган элементларни арматуралаш:

1 – найвандланган каркаслар; 2 – бириктирувчи стерженлар;. 3 – шпилкалар; 4 – хомутлар

Арматуралар ясси ёки фазовий каркас кўринишида бириктирилади. Кесим юзасида арматура миқдори 3 % дан ортмаслиги ва 0,1–0,05 % дан кам бўлмаслиги лозим.

Кўндаланг кесими 40x40 см бўлган устунларга 4 та бўйлама арматура етарли (12.3–расм). Ишчи арматуралар ораси 40 см дан ортса, орасига қўшимча стержен кўйиш зарур. Устунларнинг кесим ўлчами 500 мм гача бўлса, 50 мм га карраги, агар ундан юқори бўлса, 100 мм га карраги ўлчамларга эга бўлишлари керак.

Кўндаланг арматуралар ҳисобланмай қўйилади. Улар орасидаги масофа S пайвандланган каркасларда $20d$, тўқима каркасларда $15d$ олинади. Ҳар иккала ҳолда ҳам хомутлар орасидаги масофа 50 см дан ошмаслиги керак. Кўндаланг стерженларнинг ҳимоя қатлами 1,5 см дан кам бўлмаслиги лозим. Устунлар симметрик равишда арматураланади.

Агар эгилиш текислигига бўйлама стерженлар орасидаги масофа 500 мм дан ошса, унда улар орасига диаметри 12 мм дан катта бўлган конструктив бўйлама

арматура ўрнатилади, бирок бўйлама стерженлар орасидаги масофа 500 мм дан ошиб кетмаслиги керак (12.3-расм,*г*, *e*).


Кўндаланг арматура. Хомутлар устунларга конструктив мулоҳазаларга кўра ўрнатилади. Улар ҳамма бўйлама стерженларни ўраб олиши ва уларни қабариб чиқишидан саклаши керак.

Элемент эгилишини ҳисобга олиш. Эгилувчи элементларга номарказий қўйилган кучлар бўйлама куч Ннинг бошланғич елкаси e_0 ни катталашибди (12.4-расм). Шу сабабдан сиқилувчи темирбетон элементларни ҳисоблашда бетоннинг ноэластик деформациясини ва чўзилиш зонасидаги ёриқларни эътиборга оловчи тарҳдан фойдаланилади.


Конструкция деформацияланмаган тарҳи бўйича ҳисобланса, у ҳолда эгилишнинг елка e_0 га бўлган таъсири η коэффициенти орқали эътиборга олинади. формулалар таркибида кирган, бўйлама куч N билан A_s арматуранинг оғирлик марказигача бўлган масофа қўйидаги формуладан аниқланади:

$$e = (e_0 + e_a)\eta + e_c, \quad (12.1)$$

бу ерда: e_0 – бўйлама куч N елкаси; e_c – элемент ўқидан A_s арматурадаги зўриқишининг тенг таъсир этувчисигача бўлган масофа e_a – тасодифий елка; коэффициент $\eta = 1/(1 - N/N_{cr})$ дан топилади. Бунда N_{cr} – критик куч



12.4-расм. Эгилувчи элементларда бўйлама куч елкасининг ортиши.



12.5–расм. Устуннинг ҳисобий узунлигини аниқлаш

$$N_{cr}=6,4E_b/l_{ef}^2\{I/\phi_l[0,11/(0,1+\delta_e/\phi_p)+0,1]+\alpha I_s\}, \quad (12.2)$$

бунда $I_s = \mu b h [(h_0 - a')]^2$.

Эгилувчанликнинг пастки қиймати $l_o/r < 17$, юқори қиймати $l_o/r > 83$.

Стерженнинг ҳисобий узунлиги l_o учларини бириктирилиш шартларига боғлиқ ҳолда аниқланади $l_o = \mu l$

Тасодифий елкали элементларнинг эгилувчанлигини ҳисоблаш. Сиқилувчи элементларни ҳисоблашдан олдин унинг ҳисоблаш тархи танланади (12.5–расм). Элементнинг ҳисобий баландлиги унинг эгилувчанлигига боғлиқ. Элементнинг эгилувчанлиги $\lambda = l_o/r$, бу ерда r – кесимнинг инерция радиуси.

Меъёрларга кўра тасодифий e_a елка $h/30$ ёки $1/600$ нисбатларнинг каттасига тенг қилиб олиниши керак.

Назорат саволлари

- Сиқилган элементлар уларни арматуралашнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда қандай 3 турга бўлинади?
- Сиқилган элементларнинг кўндаланг кесим юзалари ва уларни ишлиши

3. Тасодифий эксцентриситет нима ва у нимага тенг?
4. Сиқилган элементларнинг эгишувчанлиги қандай аниқланади?
5. Синишнинг икки ҳоли ва у қандай тавсифланади?

12.2. Сиқилган темирбетон элементларни мустахкамликка ҳисоблаш.

(Тасодифий елкали)

Тасодифий елкали элементларни ҳисоблаш. Сиқилишга ишловчи темирбетон элементлар - бу устунлар, фермаларнинг юқориги белбоғлари ва панжараларининг баъзи бир элементлари, аркалар ва рама конструкцияларидир. Лекин энг кўп тарқалган сиқилишга ишловчи элементлар бу устунлардир. Амалда ҳар қандай темирбетон элементларга таъсир этаётган бўйлама сиқувчи кучлар эксцентриситет орқали таъсир этади. Агар лойиҳада эксцентриситет кўзда тутилмаган бўлса, бетоннинг ҳар хил жинслилиги, монтаж ишларидаги ноаниқликлар сабабли тасодифий эксцентриситет e_a ҳосил бўлиши мумкин. Тасодифий эксцентриситетни аниқлашнинг уч хил тури мавжуд. Бунда тасодифий эксцентриситет e_a нинг қиймати элемент кўндаланг кесими баландлигининг 1/30 ёки элемент узунлигининг 1/600 қисмига тенг қилиб, энг камида 1 см қилиб олинади. Агар элементга бир вақтда бўйлама сиқувчи куч-N ва эгувчи момент-M таъсир этаётган бўлса у ҳолда эксцентриситет қиймати қўйидагича қабул қилинади:

$$e_0 = \frac{M}{N} + e_a .$$

Ташқи кучларни таъсир этиш хусусиятига кўра номарказий сиқилишга ишловчи элементлар кўндаланг кесими тўғри бурчакли, қўштаврли, таврсимон, ҳалқасимон ва бошқа кўринишларда бўлиб, аксарият ҳолларда момент таъсир қиладиган текислик томонга ривожлантирилган бўлади. Бундан ташқари бу элементлар икки тармоқ (йўналиш)ли бўлиши ҳам мумкин. Номарказий сиқилишга

ишловчи элементларнинг кўндаланг кесим ўлчамлари шундай қабул қилиниши керакки иккала йўналишда ҳам эгилувчанлик талабларига жавоб бериши керак.

Номарказий сиқилишга ишловчи элементларни ҳисоблаш усули уларни бузилиш тавсифига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида эксцентриситетлар қийматига ва элементни S ва S^1 арматуралар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Агар ташқи куч катта эксцентриситет билан қўйилган бўлса, яъни $\xi \leq \xi_R$, бунда чўзилувчи арматура S томондаги бетонда ёриқлар пайдо бўлади ва чўзилувчи арматурадаги кучланиш унинг оқувчанлик чегарасига етади, шундан кейингина сиқилувчи бетонни бузилиши рўй беради. Бу биринчи ҳисобий ҳолат дейилади.

Агар ташқи куч кичик эксцентриситет билан қўйилган бўлса, яъни $\xi > \xi_R$, бунда арматура S жуда кам чўзилган ё ҳаттоқи сиқилган бўлиб, элементнинг бузилиши сиқилувчи бетон ва арматуралардаги кучланиш уларнинг вақтли қаршилиги чегаравий миқдорига етгандан сўнг юз беради. Бу иккинчи ҳисобий ҳолат дейилади.

Номарказий сиқилган элементларга, уларни ҳисоблаш натижаларидан қатъий назар, 1 жадвалда берилган арматуралар миқдоридан кам арматура қўйилмаслиги керак.

12.1-жадвал.

Номарказий сиқилган элементлар учун бўйлама арматуралар кесим юзасининг энг кичик миқдори.

Эгилувчанлик $\left(\lambda = \frac{l_0}{i} \right)$	$\lambda < 17$	$17 \leq \lambda \leq 35$	$35 < \lambda \leq 83$	$\lambda > 83$
A_s ва A_s^1 %	0,05	0,10	0,20	0,25

Сиқилувчи элементларни ҳисоблашдан олдин унинг ҳисоблаш тарҳи танланади

Тасодифий елкали сиқилувчи элементнинг юк кўтариш қобилияти (12.5) формула бўйича текширилади (12.1–расм, а). Агар элементнинг кўндаланг кесим ўлчамлари маълум бўлса, (12.5) формуладан арматуранинг юзини аниқласа бўлади:

$$A_s + A'_s = \left(N / (\eta \varphi R_{sc}) \right) - \left(AR_b / R_{sc} \right). \quad (12.3)$$

бу ерда: φ —бўйлама эгилиш коэффициенти кетма–кет яқинлашув усулидан фойдаланиб аниқланади.

Элементнинг кўндаланг кесим ўлчамлари ва арматура юзасини дастлабки аниқлашда кўйидаги тенгликлар қабул қилинади:

$$\varphi = \eta = 1, \quad A_s + A'_s = \mu A = 0,001 A. \quad (12.4)$$

Кесим юзаси A (12.3) дан топилади.

$$A = N / [\eta \varphi (R_b + \mu R_{sc})]. \quad (12.5)$$

Агар $\mu = 1\dots 2\%$ ни ташқил этса, кесим тўғри танланган бўлади.

Арматуралаш фоизининг миқдори $\mu_{min} = 0,05\% < \mu < \mu_{max} = 3\%$ оралиғида бўлади.

12.3 .Номарказий сиқилган темирбетон элементларни ҳисоблаш

Номарказий сиқилувчи элементларда ҳам, эгиливчи элементларга ўхшаб, кўйидаги икки ҳол учраши мумкин:

- 1) елка катта қийматга эга бўлган ҳол.** Бу ҳол $\xi < \xi_R$ бўлган шартга мос келади.
- 2) елка кичик қийматга эга бўлган ҳол.** Бунда аввал $\xi > \xi_R$ бўлади. Кучдан энг узоқда жойлашган арматура ё сиқилган, ёки бироз чўзилган ҳолатда бўлади. Елка $e_0 M$ ва N эпюраларидан аниқланади.

Тўғри тўртбурчакли кесим учун қўйидагиларни ёза оламиз:

$$A_b = bx; N_b = R_b bx; Z_b = h_o - 0,5x. \quad (12.6)$$

Тұғри түртбурчак кесимли номарказий сиқилаётган элементнинг мустаҳкамлик шарти қўйидаги кўринишга эга:

$$N_e < N_b Z_b + N_s Z_s, \quad N_e < R_b bx(h_o - 0,5x) + R_{sc} A_s^1 (h_o - a) \quad (12.7)$$

Сиқилиш зонасининг баландлиги қўйидаги тенгликлардан аниқланади:

$$a) \xi = x/h_o \leq \xi_R \text{ бўлганда } N = R_b bx + R_{sc} A_s' - R_s A_s; \quad (12.8)$$

$$b) \xi = x/h_o > \xi_R \text{ бўлганда, } N = R_b bx + R_{sc} A_s' - \sigma_s A_s, \quad (12.9)$$

бу ерда σ_s – арматура материалига боғлиқ микдор бўлиб, қўйидаги формуладан топилади:

$$\sigma_s = R_s [2(1-x/h_o)/(1-\xi_R) - 1]. \quad (12.10)$$

Элементнинг мустаккамлигини текширишда сиқилиш зонасининг баландлиги аниқланади:

$$x = (N - R_{sc} A_s' + R_s A_s), \quad (12.11)$$

Агар $x \leq \xi_R h_o$ шарт бажарилса, элементнинг мустаҳкамлиги (12.7) формула ёрдамида текширилади. Бордию бажарилмаса, x ни (12.11) формуладан аниқлаб, элемент мустаҳкамлигини (12.7) формула ёрдамида текширишга тўғри келади.

Сиқилған элементлар арматурасининг юзасини аниқлаш. Арматура юзалари A_s ва A'_s ларни аниқлаш учун (12.7) ва (12.8) формулаларни қайта ўзгартирамиз.

$\xi = x/h_0 \leq \xi_R$ бўлган ҳолни кўриб ўтайлик.

(12.8) формуладан қўйидаги ифода келиб чиқади:

$$A'_s = [N_e - R_b b x (h_0 - 0.5x)] / R_{sc} (h_0 - a') = N_e - R_b b h_0 2\alpha_m / R_{sc} Z_s \quad (12.12)$$

Келиб чиқиш йўли: $x = \xi_R h_0$;

$$x(h_0 - 0.5x) = \xi_R h_0 (h_0 - 0.5\xi_R h_0) = h_0^2 \xi_R (1 - 0.5\xi_R) = h_0^2 \alpha_m$$

(12.12) дан қўйидаги формула ҳосил бўлади:

$$A_s = (R_b b h_0 \xi_R - N) / R_s + R_{sc} A'_s / R_s. \quad (12.13)$$

Агар A'_s , ни конструктив қабул қиласак, у ҳолда α_m (12.8) формуладан қўйидаги тартибда аниқланади:

$$x = (h_0 - 0.5x) = [N_e - R_{sc} A'_s (h_0 - a)] / R_b b = \alpha_m h_0^2$$

$$\alpha_b = [N_e - R_{sc} A'_s (h_0 - a)] / R_b b h_0^2. \quad (12.14)$$


Бунга асосан жадвалдан ξ аниқланади. (12.8) формулада $x = \xi_R h_0$ деб олсак, изланаетган юза қўйидаги ифодадан топилади:

$$A_s = (R_b b h_0 \xi - N) / R_s + R_{sc} A'_s / R_s. \quad (12.15)$$

Амалда аксарият ҳолларда кесимлар симметрик равищда арматураланади. Бунда $A_s = A'_s$, $R_{sc}A_s' = R_sA_s$ бўлади. У ҳолда (12.8) формуладан $x = N/R_b b$ келиб чиқади. Буларга кўра (12.9) формулани қўйидаги кўринишда ёза оламиз:

$$A_s = A'_s = [N(e - h_0 + N/2R_b b)/R_{sc}(h_0 - \alpha')]. \quad (12.16)$$

Сиқилган элементларнинг ҳисобий схемалари



12.1–расм. Сиқилувчи элементларнинг ҳисоблаш тарҳи: а–тасодифий елка – I_0 ; б – $x \leq \xi_R$ бўлган ҳол учун; в – $x \geq \xi_R$ бўлган ҳол учун

Энди $\xi = x/h_0 > \xi_R$ бўлган ҳолни қўрамиз. Бу ҳолда арматура юзаси қўйидаги тартибда ҳисобланади:

1. Ҳисобга доир қийматлар (R_b ; R_s ; R_{sc} ; E_s ; E_b) ёзиб олинади;
2. Арматуралаш коэффициенти $\mu = (A_s + A'_s)/bh$, $\mu = (0,0005–0,035)$ оралиғида қабул қилинади, N_{cr} ҳисобланади. Агар $N > N_{cr}$ чиқса, элементнинг кўндаланг кесим юзи ўлчамлари катталаштирилади;
3. A_s/A'_s нисбатга қийматлар беруб, x ва x/h_0 аниқланади, кейин (12.15) ва (12.16) формулалардан фойдаланиб, арматура юзаси A_s ва A'_s топилади;

4. Арматура юзасининг топилган қийматлари асосида арматуралаш коэффициенти қайта хисобланади. Агар коэффициентнинг бу қиймати, қабул қилинган қийматидан 0,0005 дан камроқ фарқ килса, шу юзани колдириш мумкин. Фарқ катта чикса, у ҳолда арматуралаш коэффициентига янги қиймат бериб, хисоб қайтадан бажарилади.

Назорат саволлари

1. $\xi \leq \xi_R$ ҳоллар учун хисоблаш схемаларини чизиб кўрсатинг.
2. $\xi > \xi_R$ ҳоллар учун формуулаларни келтириб чиқаринг
3. Симметрик ва носимметрик арматураланган сиқилган элементларнинг мустаҳкамликка хисоблаш.
4. Симметрик ва носимметрик арматураланган сиқилган элементларнинг мустаҳкамлигини текшириш.

1-мисол. Номарказий сиқилган элементнинг A_s ва A'_s арматураларининг кесим юзи аниқлансин.

Кўндаланг кесим юзаси в x h = 30 x 60 см; хисобий узунлиги $\ell_0 = 9,0$ м; бетон синфи B20 ($R_b = 11,5$ МПа, $E_b = 24000$ МПа); арматура синфи А-III ($R_s = R_{sc} = 365$ МПа, $E_s = 200000$ МПа).

Хисобий бўйлама куч ва эгувчи моментлар: доимий юқдан $N_n = 400$ кН; $M_n = 150$ кН·м; узоқ муддатли юқдан $N_e = 200$ кН; $M_e = 100$ кН·м; қисқа муддатли юқдан $N_{sh} = 150$ кН; $M_{sh} = 50$ кН·м.

$$A_s = ?; A'_s = ?$$

Ечиш. Ишчи баландлик $h_0 = h - a = 60 - 4 = 56$ см.

Бу ерда $a = a^1 = 4$ см эксцентриситетни аниқлаймиз.

$$e_{0p} = \frac{M}{N} = \frac{(150 + 100 + 50)}{(400 + 200 + 150)} = \frac{300}{750} = 0,4m = 40cm.$$

У ҳолда тасодифий эксцентриситет

$$e_a = h/30 = 60/30 = 2 \text{ см} \quad \text{ёки } e_a = l_0/600 = 900/600 = 1,5 \text{ см};$$

катта қийматини қабул қиласиз $e_a = 2 \text{ см}$.

$$\text{Элементнинг эгилувчанлиги } \lambda = \frac{\ell_0}{h} = \frac{900}{60} = 15;$$

$$\alpha_i = \mu \frac{R_{sc}}{R_b \gamma_{b2}} = 0,01 \frac{365}{11,5 \cdot 1,1} = 0,289; i = 0,289 \cdot 60 = 17,34 \text{ см}; \mu = 0,01;$$

Умумий эксцентриситет

$$e_0 = e_a + e_{op} = 2 + 40 = 42 \text{ см}, \text{ у ҳолда}$$

$$e = e_0 + 0,5(h_0 - a) = 42 + 0,5(56 - 4) = 68 \text{ см};$$

Элементнинг чегаравий ҳолатида узок муддатли юкни унинг мустаҳкамлигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент, $\beta = 1$ (оғир бетонлар учун) бўлганда

$$\varphi_l = 1 + \beta(M_l / M) = 1 + 1 \frac{(150 + 100 + 50)}{(150 + 100)} = 1 + 1,2 = 2,2;$$

коэффициент $\delta_e = e_0/h = 42/60 = 0,7$, бундан

$\delta_{min} = 0,5 - 0,01(l_0/h) - 0,01R_b = 0,5 - 0,01(900/60) - 0,01 \cdot 11,5 = 0,24 < \delta_e = 0,7$,
қабул қиласиз $\delta = 0,7$.

$$J_e = \frac{\pi h^3}{12} = \frac{30 \cdot 60^3}{12} = 540000 \text{ см}^4;$$

$$\alpha = \frac{E_s}{E_e} = \frac{200000}{24000} = 8,34.$$

Ү ҳолда критик күч

$$\begin{aligned} N_{cr} &= \frac{6,4 \cdot E_e}{l_0^2} \left[\frac{J_e}{\varphi_e} \left(\frac{0,11}{0,1 + \delta_e} + 0,1 \right) + \alpha \cdot J_s \right] = \frac{6,4 \cdot 24000 \cdot (100)}{900^2} \times \\ &\times \left[\frac{540000}{2,2} \left(\frac{0,11}{0,1 + 0,7} + 0,1 \right) + 8,34(30 - 4)^2 \cdot 0,01 \cdot 30 \cdot 60 \right] = 3027356 H > N = 750000 H. \\ J_s &= \mu b h \left(\frac{h - a - a^1}{2} \right)^2 \end{aligned}$$

Бўйлама эгилиш коэффициенти

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{750000}{3027356}} = 1,328.$$

Бўйлама эгилишни ҳисобга олган ҳолда, эксцентриситет:

$$e_0 \eta = 42 \cdot 1,328 = 55,8 \text{ см} > 0,3h_0 = 0,3 \cdot 56 = 16,8 \text{ см},$$

демак, элемент биринчи ҳисобий ҳолатга кирап экан.

Эксцентриситет

$$e = e_0 \eta + 0,5(h_0 - a^1) = 42 \cdot 1,328 + 0,5(56 - 4) = 81,8 \text{ см};$$

$$\omega = 0,85 - 0,01 \cdot R_b = 0,85 - 0,01 \cdot 11,5 = 0,735;$$

$$\sigma_{sR} = R_s = 365 \text{ МПа}; \quad \sigma_{sc,u} = 400 \text{ МПа};$$

$$\zeta_R = \frac{\omega}{1 + \frac{\sigma_{sR}}{\sigma_{sc,4}} \left(1 - \frac{\omega}{1,1} \right)} = \frac{0,735}{1 + \frac{365}{400} \left(1 - \frac{0,735}{1,1} \right)} = 0,768;$$

$$\alpha_R = 0,768 (1 - 0,5 \cdot 0,768) = 0,473.$$

Сиқилувчи арматуранинг талаб этилган юзаси шундай аниқланади.

$$A'_s = \frac{Ne - \alpha_R R_s \epsilon h_0^2}{R_{sc}(h_0 - a')} = \frac{750 \cdot 10^3 \cdot 81,8 - 0,473 \cdot 11,5 \cdot (100) \cdot 30 \cdot 56^2}{365 \cdot (10^2)(56 - 4)} = 5,36 \text{ см}^2;$$

$$\mu = \frac{5,36}{30 \cdot 56} \cdot 100\% = 0,319\% > \mu_{\min} = 0,2\%$$

Чўзилувчи арматуранинг талаб этилган юзаси

$$A_s = \frac{R_s \cdot \zeta_R \cdot \epsilon h_0}{R_s} + \frac{R_{sc} A'_s}{R_s} - \frac{N}{R_s} = \frac{11,5 \cdot (100) \cdot 0,768 \cdot 30 \cdot 56}{365 \cdot (100)} + \frac{365 \cdot 5,36}{365 \cdot (100)} - \frac{750 \cdot 10^3}{365 \cdot (100)} = \\ = 40,65 + 5,36 - 20,55 = 25,46 \text{ см}^2 ;$$

$\mu = [(A_s + A'_{s'})/\epsilon h] \cdot 100\% = [(25,46 + 5,36)/30 \cdot 60] \cdot 100\% = 1,7\%$ умумий арматуралаш фоизи $\mu\%$ биринчи интервал учун қабул қилинган арматуралаш фоизига мос келади. Демак, ҳисоблаш тугади деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, сиқилувчи арматурани $4 \varnothing 14$, А-III, $A_s^1 = 6,15 \text{ см}^2$, чўзилувчи арматурани $4 \varnothing 32$, А-III, $A_s = 32,17 \text{ см}^2$ деб қабул қиласиз.

2-мисол. Симметрик арматураланган номарказий сиқилишга ишловчи элемент учун бўйлама арматуранинг кесим юзаси аниқлансин.

Бунда узоқ муддатли юк $N_\ell = 700 \text{ кН}$; қисқа вақтли юк $N_{sh} = 300 \text{ кН}$; эксцентриситетлар $e_0 = 5 \text{ см}$; $e_{0l} = e_a = h \cdot 30 = 1,3 \text{ см}$; $b = h = 40 \text{ см}$; ҳисобий узунлик $\ell_0 = 3,2 \text{ м}$, оғир бетон синфи В15 ($R_b = \gamma_{B2} \cdot R_b = 1 \cdot 8,5 = 8,5 \text{ МПа}$; $E_b = 23000 \text{ МПа}$); арматура синфи А-II ($R_s = R_{sc} = 280 \text{ МПа}$; $E_s = 210000 \text{ МПа}$).

$$A_s = ?; A^1_s = ?$$

Ечиш. Агар $a = a^1 = 4 \text{ см}$ десак, $h_0 = h_0^1 = 40 - 4 = 36 \text{ см}$; ва

$$Z_s = h - a - a^1 = 40 - 4 - 4 = 32 \text{ см} \text{ тенг}$$

$$\alpha = \frac{E_s}{E_e} = \frac{2,1 \cdot 10^5}{0,23 \cdot 10^5} = 9,13.$$

Бетон юзасининг инерция моменти

$$J_s = \frac{6h^3}{12} = \frac{40 \cdot 40^3}{12} = 213333 \text{ см}^4;$$

$$e_1 = e_0 + 0,5 h - a = 5 + 0,5 \cdot 40 - 4 = 21 \text{ см} = 0,21 \text{ м};$$

$$e_{11} = e_{01} + 0,5h - a = 1,3 + 0,5 \cdot 40 - 4 = 17,3 \text{ см} = 0,173 \text{ м};$$

Тұла бүйлама күч $N = N_l + N_{sh} = 700 + 300 = 1000 \text{ кН};$

$$M = N \cdot e_1 = 1000 \cdot 0,21 = 210 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_e = N_e \cdot e_{11} = 700 \cdot 0,173 = 121,1 \text{ кН} \cdot \text{м}.$$

Коэффициент $\varphi_e = 1 + \beta \cdot \frac{M_e}{M} = 1 + 1 \frac{121,1}{210} = 1,58 < 1 + \beta = 1 + 1 = 2;$

$$\delta_{min} = 0,5 - 0,01 \cdot l_0 / h - 0,01 R_b = 0,5 - 0,01 \cdot 3,2 / 0,4 - 0,01 \cdot 8,5 = 0,335;$$

$$\delta = e_0 / h = 5 / 40 = 0,125 < \delta_{min} = 0,335,$$

қабул қиласыз $\delta = 0,335;$

$$i = \sqrt{\frac{h^2}{12}} = \sqrt{\frac{40^2}{12}} = 11,56; \ell_0 / i = 320 / 11,56 = 27,68.$$

1 – жадвалдан $\mu_{min} = 0,1\%$ деб оламыз, у ҳолда

$$A_{s,min} = \mu_{min} \cdot b h_0 = 0,001 \cdot 40 \cdot 36 = 1,44 \text{ см}^2.$$

Фараз қиласыз, ҳар бир томонға $3 \otimes 14$, А-II синфли арматурадан қўйилган деб ($A_s = A_s^{-1} = 4,62 \text{ см}^2$), у ҳолда

$$J_s = 2 \cdot A_s \cdot (0,5h - a)^2 = 2 \cdot 4,62 \cdot (0,5 \cdot 40 - 4)^2 = 2365 \text{ см}^4,$$

критик күч

$$N_{cr} = \frac{6,4 \cdot E \varepsilon}{\ell_0^2} \left[J_s \left(\frac{0,11}{0,1 + \delta} + 0,1 \right) + \alpha \cdot J_s \right] = \frac{6,4 \cdot 23000}{320^2} \left[\frac{213333}{1,58} \left(\frac{0,11}{0,1 + 0,335} + 0,1 \right) + 9,13 \cdot 2365 \right] \times \\ \times (100) = 8012000 H = 8012 \kappa H > N = 1000 \kappa H.$$

Бүйлама эгилиш коэффициенти

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{1000}{8012}} = 1,143;$$

$$e = e_0 \cdot \eta = 0,5h - a = 5 \cdot 1,143 - 0,5 \cdot 40 - 4 = 21,7 \text{ см};$$

$$e^1 = e_a \cdot \eta - 0,5h - a^1 = 1,3 \cdot 1,143 - 0,5 \cdot 40 - 4 = -14,5 \text{ см};$$

$$\omega = 0,85 - 0,008 \cdot R_b = 0,85 - 0,008 \cdot 8,5 = 0,782;$$

$$\sigma_{sR} = 280 \text{ МПа}; \quad \sigma_{sc,u} = 400 \text{ МПа};$$

$$\zeta_R = \frac{\omega}{1 - \frac{\sigma_{sR}}{\sigma_{sc,u}} \left(1 - \frac{\omega}{1,1} \right)} = \frac{0,782}{1 - \frac{280}{400} \left(1 - \frac{0,782}{1,1} \right)} = 0,65;$$

$$\alpha_R = 0,65 (1 - 0,5 \cdot 0,65) = 0,439,$$

бундан $e_0 \cdot \eta = 5 \cdot 1,143 = 5,7 < 0,3 \cdot h = 0,3 \cdot 40 = 12 \text{ см}$

бўлганлигидан

$$A_s = A_s^1 = \frac{N \cdot e - \alpha_R \cdot R_s \cdot \epsilon h_0^2}{R_s \cdot (h_0 - a')} = \frac{1000 \cdot (1000) \cdot 21,7 - 0,439 \cdot 8,5 \cdot 36^2 \cdot 40 \cdot (100)}{280 \cdot 32 \cdot (100)} = 2,63 \text{ см}^2.$$

Ҳар иккала томонга ҳам $2 \otimes 14$ А-II, $A_s = A_s^1 = 3,08 \text{ см}^2$ арматура қабул қиласиз. Ҳисобланган ва қабул қилинган арматуралар юзаси бир-биридан катта фарқ қилмагани учун ҳисобни тугалланган деб ҳисоблаймиз.

13-боб. Чўзилган темирбетон элементларини ҳисоблаш асослари

13.1. Чўзилувчи элементлар тугрисида умумий маълумотлар

Чўзилувчи темирбетон элементларни олдиндан зўриқтириш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда улардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Конструкция аввал чегаравий ҳолатларнинг биринчи гурухи бўйича мустаҳкамликка ҳисобланади. Сўнgra қабул қилинган бетон ва арматура чегаравий ҳолатларнинг иккинчи гурухи (ёриқ ҳосил бўлиши, ёриқнинг очилиши, деформациялар) бўйича текширилади.

Бетон ва арматуранинг ҳисобий қаршиликлари ва эластиклик модуллари қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.03.01–96 [25] дан танлаб олинади. Темирбетон

конструкцияларнинг тарангланмайдиган арматураси сифатида А–III синфли пўлат стержен, Вр–I синфли оддий симлардан фойдаланиш тавсия этилади. Кўндаланг арматура сифатида, айрим ҳолларда (газ, суюқлик ва сочиувчан жисм босими остида бўлган конструкцияларда) бўйлама арматура сифатида ҳам А–II ва А–I синфли пўлат стерженлар қўлланилади. Темирбетон чўзилувчи элементларнинг тарангланган арматуралари сифатида, агар элемент узунлиги 12 м дан ортмаса – А_T – V ва А_T – VI синфли мустаҳкам пўлат стерженлар, агар 12 м дан ортиқ бўлса, В – II, Вр – II синфли ўта мустаҳкам симлар ва К–7 ҳамда К–19 синфли сим арқонлар ишлатилади. Булардан ташқари, А–V ва А–VI синфли арматуралардан фойдаланса ҳам бўлади.

13.2. Марказий чўзилувчи элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш

Марказий чўзилувчи элементлар деб, бўйлама чўзувчи куч билан кесимдаги арматуралар чўзувчи зўриқишиларининг тенг таъсир этувчиси устма–уст тушган темирбетон элементларига айтилади. Марказий чўзилувчи элементлар кесимнинг периметри бўйлаб симметрик равишда ёки тўлиқ кесим бўйича арматураланади. Марказий чўзилувчи темирбетон элементларнинг арматураси олдиндан тарангланмаса, элементда нисбатан кичик юклар таъсирида (арматурадаги кучланиш $\sigma_s=20\text{--}30$ МПа бўлганда) ҳам бетонда ёриqlар пайдо бўлади. Шу сабабдан марказий чўзилишга ишлайдиган элементларнинг ёрилишга бўлган бардошлилигини ошириш мақсадида, улардаги ишчи арматуралар олдиндан зўриқтирилади. Марказий чўзилишга ишловчи элементларнинг мустаҳкамлиги арматуралар оқиш чегарасига ёки мустаҳкамлик чегарасига боғлиқ бўлади. Чунки элемент бузилишидан олдин бетондаги ёриqlар кесимнинг бутун юзасини кесиб ўтади.

Марказий чўзилган элементларни ҳисоблашда аксарият ҳолларда уларни юк кўтариш қобилиятини текшириш ёки бўйлама арматураларнинг (A_s ва A_{sp}) кесим юзасини аниқлаш талаб этилади.

Номарказий чўзилишга ишловчи элементларнинг бузилиши эксцентриситетини миқдорига боғлиқ.

Агар ташқи күч S ва S^1 арматураларнинг тенг таъсир этувчилиари оралиғига қўйилган бўлса у ҳолда элемент фақат чўзишишга ишлайди.

Агар ташқи күч арматуралар тенг таъсир этувчилиари қўйилган масофадан ташқарида бўлса, элемент мустаҳкамлиги ҳудди эгилишга ишловчи элементлар чегаравий қаршилигига ва сиқилувчи зонадаги арматура ва бетоннинг чегаравий қаршилигига боғлиқ бўлади.

Бундай элементларнинг мустаҳкамлиги қўйидаги тартибда текширилади.

Бўйлама күч N нинг қиймати аниқланади:

$$N \leq R_s A_{s,tot} = \gamma_{sp} R_{sp} \sum A_{sp} + R_s \sum A_s, \quad (13.1)$$

бу ерда: γ_{sp} – арматуранинг иш шароити коэффициенти;


$A_{s,tot}$ – бўйлама арматураларнинг йифинди юзаси;

$\sum A_{sp}$ – тарангланган арматураларнинг йифинди юзаси;

$\sum A_s$ – оддий арматураларнинг йифинди юзаси.

Мустаҳкамликни таъминлаш учун талаб этилган бўйлама арматуранинг умумий юзаси қўйидаги формуладан топилади:

$$A_{s,tot} = N / R_s \gamma_{sp}. \quad (13.2)$$



13.1-расм. Марказий (а) ва номарказий (б) чўзилган элементларни арматуралаш

Умумий ҳолда марказий чўзилувчи элементлар ҳам зўриқтирилган, ҳам зўриқтирилмаган стерженлар билан арматураланганлиги учун, аввал зўриқтирилмаган арматуранинг юзаси (A_s) ни аниқлаб (ёки қабул қилиб) олинади. Сўнгра ўта мустаҳкам зўриқтирилган арматуранинг юзаси аниқланади:

$$A_{s,tot} = N - R_s A_{s,tot} / R_{sp} \gamma_{s6}, \quad (13.3)$$

бу ерда: γ_{s6} – ўта мустаҳкам арматуранинг иш шароити коэффициенти.

Аниқланган умумий юзага қараб жадвалдаги сортаментдан стерженлар сонини белгилаймиз. Бунда амалдаги юза, тежамкорлик нуқтаи назаридан, ҳисобий юзадан 3 % дан ортиб кетмаслиги керак.


13.3. Номарказий чўзилувчи темирбетон элементларини ҳисоблаш

Номарказий чўзилувчи элементларда қўйидаги икки ҳол учраши мумкин:

- а) бўйлама чўзувчи куч A_s ва A'_s арматуралари teng таъсир этувчисининг ташқарисидан ўтади, 2– ҳол (13.2–расм, б);
- б) бўйлама чўзувчи куч A_s ва A'_s арматуралари teng таъсир этувчи зўриқишиларининг орасида ётади, 1– ҳол (13.2–расм, в).

Бу икки ҳолнинг биринчисида элемент номарказий сиқилувчи элементлар сингари ҳисобланади. Бунда фақат бўйлама кучнинг ишораси тескарисига ўзгартирилади. Иккинчи ҳолда чўзувчи кучнинг таъсир чизиги билан энг кўп чўзилган арматура A_s гача бўлган масофа $e=0,5h-a-e_o$ га, энг кам чўзилган арматура A'_s гача бўлган масофа эса $e'=0,5h-a+e_o$ га teng. Бу ерда $e_o=M / N$, M – ғувчи момент, Нмм; N – бўйлама чўзувчи куч, Н.

a)



13.2-расм. Чўзилувчи элементларда кучларнинг жойлашиш тарҳи:

а – марказий чўзилувчи элемент; б, в – номарказий чўзилувчи элементлар

Кичик елкали биринчи ҳол учун мустаҳкамлик шарти қўйидаги қўринишга эга:

$$N'_e \leq (\gamma_{s6} R_s A_{sp} + R_s A_s)(h_o - a). \quad (13.4)$$

Катта елка учун (2-ҳол) мустаҳкамлик шарти қўйидагича ёзилади:

$$N_e \leq R_b A_b Z_b + R_s A_s Z + \sigma_{sc} A'_{sp} Z'; \quad (13.5)$$

$$N_e \leq R_b b X (h_o - 0,5 X) + R_{sc} A'_s (h_o - a') + \sigma_{sc} A'_{sp} \quad (13.6)$$

Мувозанат тенгламаси қўйидаги кўринишга эга

$$R_s A_s - R_{sc} A'_t - N = R_b b x , \quad (13.7)$$

бу ерда: σ_{sc} – арматурадаги кучланиш; R_{sc} – сиқилувчи арматуранинг ҳисобий қаршилиги. Шундай қилиб, елка катта бўлганда кучдан энг узоқда жойлашган кесим сиқилиди, сиқилишга ишлайдиган бетон ҳисобда инобатга олинади.

Чўзилиш зонасидаги бетоннинг иши ҳисобда инобатга олинмайди. Сиқилган бетоннинг кучланишлар эпюраси тўғри тўртбурчак шакли, унинг қаршилиги эса R_b деб олинади.

Элемент зўриқтирилмаган A_s ва A'_s ҳамда зўриқтирилган A_{sp} ва A'_{sp} стерженлар билан аralаш ҳолда арматураланиши мумкин. Агар A_s ва A'_s маълум бўлса (масалан, конструктив нуқтаи назардан), олдиндан зўриқтирилган арматуранинг кўндаланг кесим юзаси қўйидаги формулалардан аниқланади:

$$A_{sp} = N_e / [\gamma_{s6} R_{sp} (h_0 - a')] - A_s (R_s / \gamma_{s6} R_{sp}) \quad (13.8)$$

$$A'_{sp} = N'e / [\gamma_{s6} R_{sp} (h_0 - a')] - A_s (R_s / \gamma_{s6} R_{sp}) \quad (3.9)$$

бу ерда: $\gamma_{s6} = \eta$ ва арматура синфига қараб: А –IV бўлса, $\gamma_{s6} = 1,20$; А –V, В–II, Вр–II, К–7, К–19 бўлса, $\gamma_{se} = 1,15$; А–VI бўлса, $\gamma_{se} = 1,10$ олинади.

Назорат саволлари

1. Марказий чўзилган элементларни ҳисоблаш.
2. Ҳисобий схемани чизинг.
3. Ҳисоблаш формулаларини келтиринг.

4. Темирбетон конструкцияларининг номарказий элементларини синишининг икки ҳоли учун ҳисоблаш усули.
5. Ҳисобий схемани чизинг.
6. Ҳисоблаш формулаларини келтиринг.

1-мисол. Чўзилишга ишловчи олдиндан зўриқтирилган элемент учун талаб этилган бўйлама арматуралар юзаси аниқлансин.

Ташқи бўйлама куч $N=680$ кН; $M=12$ кН·м; кесим ўлчамлари $b=h=24\text{cm}$; оғир бетон синфи В30 ($R_b=0,9 \cdot 17=15,3$ МПа); олдиндан зўриқтирилган арматура синфи В_p-II $\varnothing 5$ ($R_s=1055$ МПа), зўриқтирилмаган арматура синфи А-III ($R_s=365$ МПа).

$$A_s = ?; A_{sp}^1 = ? \text{ ва } A_{sp} = ?; A_{sp}^1 = ?$$

Ечиш. Қабул қиласиз $a=a^1=3$ см;

$$\text{У ҳолда } h_0=h-a=24-3=21 \text{ см}; Z_s=h-a-a^1=24-3-3=18 \text{ см};$$

эксцентриситет $e_0 = \frac{M}{N} = \frac{1200}{680} = 1,76\text{cm} < 0,5Z_s = 0,5 \cdot 18 = 9\text{cm}$, демак элемент кичик

эксцентриситет билан ишлайди (иккинчи ҳисобий ҳолат бўйича ҳисобланади).

$$\text{У ҳолда } e=0,5h-e_0-a=0,5 \cdot 24-1,76-3=7,24 \text{ см};$$

$$e^1=e_0+0,5h-a=1,76+0,5 \cdot 24-3=10,76 \text{ см};$$

$$A_{s,tot}^1 = \frac{N \cdot e}{\gamma_{s6} R_s Z_s} = \frac{680000 \cdot 7,24}{1,15 \cdot 1055 \cdot 18 \cdot (100)} = 2,25\text{cm}^2;$$

кучлантирилмайдиган арматурани $2 \varnothing 10$ А-III $A_{s,f}^1=1,57 \text{ см}^2$ деб қабул қиласиз. У ҳолда зўриқтириладиган арматура юзаси кўрилаётган зона учун

$$A_{sp}^1 = \frac{\gamma_{s6} \cdot R_{sp} \cdot A_{s,tot}^1 - R_s \cdot A_s^1}{\gamma_{s6} \cdot R_{sp}} = \frac{1,15 \cdot 1055 \cdot 2,25 - 365 \cdot 1,57}{1,15 \cdot 1055} = 1,77\text{cm}^2,$$

қабул қиласиз $10 \otimes 5$ B_p-II, $A_{sp}^1 = 1,96 \text{ см}^2$.

Бошқа зонада эса,

$$A_{s,tot} = \frac{N \cdot e'}{\gamma_{s6} \cdot R_{sp} \cdot Z_s} = \frac{680000 \cdot 10,76}{1,15 \cdot 1055 \cdot 18 \cdot (100)} = 3,35 \text{ см}^2$$

кучлантирилмаган арматураги $2 \otimes 10$, A-III, $A_s = 1,57 \text{ см}^2$ деб қабул қиласиз. У ҳолда зўриқтирилган арматура юзаси

$$A_{sp} = \frac{\gamma_{s6} \cdot R_{sp} \cdot A_{s,tot} - R_s \cdot A_s}{\gamma_{s6} \cdot R_{sp}} = \frac{1,15 \cdot 1055 \cdot 3,35 - 365 \cdot 1,57}{1,15 \cdot 1055} = 2,28 \text{ см}^2 \quad \text{қабул қиласиз } 15 \otimes 5 \text{ B}_p\text{-II},$$

$$A_{sp} = 2,94 \text{ см}^2.$$

4-ҚИСМ.ТОШ ВА АРМОТОШ КОНСТРУКЦИЯЛАР

14-боб. ТОШ-ҒИШТ КОНСТРУКЦИЯЛАР

14.1.Тош-ғишт конструкцияларни қисқача ривожланиш тарихи

Марказий Осиёнинг қўп жойларидағи фаол сейсмик кучларнинг таъсирилар биноларнинг бузилишига сабаб бўлган, чунки VII асрдагача қурилган бинолар пахсадан, IX асрдагача қурилганлари эса хом ғиштдан қурилган ва фақат IX асрдан бошлаб девор, равоқ ва гумбазлар қурилишида пишиқ ғишт қўлланила бошланган. Бу эса бино мустаҳкамлигини анча оширган. Шунинг учун ҳам бизгача асосан пишиқ ғишт ва пахсадан ишланган биноларгина етиб келган.

Бино тарҳини ишлашда миқёсий ўлчов (модул) ва модул тизимидан фойдаланиш, симметрияга асосланиш, бино шакллари томонларини квадрат ва “олтин кесим”, “олтин нисбат”ларида чиқариш, уларда мутаносиб пропорцияларни қўллаш қоидаларига амал қилиш энг асосий тартиблар қаторига кирган.

Ўрта Осиё тарихи Уйғониш даврида Марв, Бухоро, Самарқанд, Ургенч каби шаҳарлар ўша даврнинг энг йирик маданий марказлари ҳисобланган. IX-XI асрларда ўз асарларини араб тилида ёзган олимларнинг энг машҳурлари Ўрта Осиёлик

эдилар. Улар орасида Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий (архитектуравий шаклларни ҳисоблашда математикани қўллаш усуллари), Абу Али Ибн Сино (бино хоналарини ёритиш ва улардаги ҳаво алмашинувини таъминлаш масалалари), Абу Наср Форобий (обидалардаги гўзаллик сирлари, мутаносиблик, гармония масалалари), Абу Райхон Беруний (курилиш учун ер майдони ва пойдевор замини), Абдул Вафо Бузжоний (архитектуравий шаклларда геометрияни қўллаш усуллари) ва бошқалар бор эди. Кейинроқ улар сафига Мирзо Улуғбек (биноларни ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари ҳамда пойдеворларнинг шакллари) ва Ғиёсиддин Жамшид Коший (равоқ чизиш услуби ва уни амалда қўллаш масалалари) қўшилди.

Маълумки, ўрта аср Шарқ олимлари антик давр Юнон муаллифларининг фалсафа ва математикага доир асарларини қунт билан ўрганганлар. Уларни бутун ислом дунёсига оммалаштириб янада ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиёлик олимлар ҳам дунёвий фанларнинг барча соҳалари бўйича, жумладан математика, геометрия, астрономия, фалсафа ва медицина бўйича ўлкан асарлар яратдилар. Бундан ташқари ўрта асрларда яратилган Шарқ ва Ўрта Осиёлик олимларнинг асарларида меъморлар ва ҳунармандларга зарур бўлган геометрик ясалмалар ҳамда мутаносиблик билан боғлиқ бўлган қурилишга оид қатор масалалар ҳам кенг ёритиб берилган. Масалан, Абу Наср Форобийнинг фикрича, арифметика ва геометрия барча фанлар ва санъатлар таркибиға кириб боради. Унинг X асрда ёзган “Геометрик шаклларнинг нағислиги ҳақидаги маънавий гўзал усуллар ва табиий сирлар китоби” меъморларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Форобий энг яхши мутаносибликлар ҳақидаги ижодий изланишларни, гўзал нисбатларни қараб чиққан ва санъат асарларининг геометрик уйғунлиги билан боғлиқ бўлган гўзаллик сирларини очиб берган. Форобийнинг ушбу асарини рус тилига таржима қилган олимлар Абул-Вафо Бузжонийнинг Форобийдан кейин ёзилган “Ҳунармандларга ҳандасавий ясалмалардан нималар зарурлиги ҳақидаги китоб”ига деярли тўлиқ мос келишини айтиб ўтган. Ушбу китоб геометрик шакллар ва уларнинг ясалиш услублари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек етти бурчакликларни тақрибий

куриш, кўпбурчакликларни шаклнинг берилган томони ва бошқа параметрлари бўйича ясаш; айлана ичига teng томонли учбурчак, квадрат; беш-; олти-; етти-; тўққиз-; ва ўн икки бурчакликларни чизишга асосланган ясалишлар ҳамда ҳандасавий қуриш бўйича бошқа зарур маълумотлар келтирилган. Форобий ўзининг “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида”ги рисоласида “шаҳарни ҳам, уйни ҳам инсон қоматига таққослаш зарур” деб ёзди. Бу билан олим фозил шаҳарнинг соғ инсон қоматига ҳамоҳанг ва мос тарзда қурилишини орзу қиласи. Унинг фикрича, “гўзаллик ва фойдалиликни бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг қўшилиши эса уйғунликка олиб келади”. Демак, улуғворлик – оддийликда, гўзаллик – уйғунликда намоён бўлади.

Асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари қадимги бинокор ва меъморларнинг юксак ақл-заковати, билимдонлигидан далолат беради. Қадимда яшаб ижод этган бинокор усталар фақатгина бой тажрибага асосланиб қолмай, меъморчиликнинг ўша даврларда мавжуд бўлган назарий ғояларига ҳам суюниб иш тутганлар. Қадимий меъморий обидалар бунёд этилишидан илгари уларни лойиҳаси чизилган ва бу лойиҳа кўзга кўринган уста ва меъморларнинг муҳокамасидан ўтган. Доим хавф солиб келган зилзила даҳшати Ўрта Осиё меъморлари диққат-эътиборидан четда қолмаган, албатта. Шу кунларгача сақланиб қолган тарихий обидалар фикримизнинг далилидир.

Марказий Осиёда бунёд этилган кўпгина меъморий ёдгорликларни таҳлил қилиш натижаси, қадимги меъморлар зилзила кучларининг иншоотларга таъсир этиш қонуниятини яхши билганлар, деган хulosага олиб келади. Ўша давр бинокор усталари зич ёки бўш тупроқда тикланган бинонинг зилзила жараёнидаги ҳолатини тўла тасаввур эта олганлар. Бу эса меъморларга турли-туман бинолар ва ишоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминловчи антисейсмик чора-тадбирлар ишлаб чиқиши имконини берган. Яъни бино қуришда қўлланилган ғиштларнинг ўлчамлари ҳам иншоотдаги кучланишларни кесим бўйича текис тарқалишини таъминлаган, чунки ғиштларнинг ўлчамлари квадрат шаклда бўлган.

Бобокалон меъморларимиз эластик қурилиш материаллари ва конструкциялари иншоотларнинг сейсмик мустаҳамлигини таъминловчи энг яхши чора деб ҳисобланганлар. Бу эса, ўз навбатида, қурилиш қоришимаси сифатида ганч ва лойида фойдаланишга, пойдеворларнинг маҳсус конструкцияларини ишлаб чиқишига ҳамда деворларнинг цоколь қисмида қамиш тасмалар қўлланишига олиб келган.

Пишиқ ғишт теришда соз тупроқдан тайёрланган лой ҳамда ганч (маҳаллий алебастр, гипснинг бир тури) қоришимаси қўлланилган.

Ганч қоришимаси тез қотувчи бўлганлиги сабабли уни қурилишнинг ўзида оз-оздан (10-12 кг дан) тайёрланган .

Ғишт териш ишларида ганч ҳеч қачон соғ ҳолда ишлатилмаган: унга 1:1 ёки 1:3 нисбатан соз тупроқ ёки қум қушиб ишлатилган. Усталар йирик ганчдан тайёрланган қориshmанинг мустаҳкамлиги майдага ганчга нисбатан юқори бўлади, деб ҳисобланганлар. Шунинг учун ҳам ғишт теришда йирик донали ганчдан фойдаланишган. Йирик донали ганч секин қотади. Қотиш жараёнининг секин кечиши мустаҳкамликни аста-секин ортиб боришини таъминлайди. Чунки қориши маҳаллий таркибидағи намликни шимиб олган ганчнинг йирик донаси вақт ўтиши билан шу намликнинг бир қисмини маълум миқдорда чиқариб туради, бу эса қотиш жараёнининг бир текис ўтишини таъминлайди. Қадимий усталарнинг фикрича, ганч ўзининг тўлиқ мустаҳкамлигига бир йил мобайнида эришишининг олдиндан билганлар.

Баъзан ганч қоришимасига соғ тупроқ ва тоза қумдан ташқари ғишт кўқуни, кул ва ўтин-кўмир талқони қўшилган.

Қадимги меъморлар эластик ва қайишқоқ қоришиналар ғишт конструкцияларни зилзила таъсиридан асровчи энг яхши чора деб билиб, девор чокларида унинг қалинлигини каттароқ (деярли ғишт қалинлигига) олишга ҳаракат қилганлар. Одатда, бинонинг пастки қисмида қориши маҳаллий (5 см атрофида) олиниб, девор

кўтарилигдан сари, қоришима қалинлиги ҳам секин-аста юбқалашиб борган; иккинчи қават баландлигига қоришима чокларининг қалинлиги 10-12 мм ни ташқил этган.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиёning монументал биноларида ганч қориши масининг ҳажми деворлар ҳажмининг деярли 30 фоизини ташқил этган.

Тоза соғ тупроқдан яхшилаб пишишиб, етилтириб тайёрланган лойниг ўта пластик хоссаси меъморларнинг диққат-эътиборидан четда қолмади. X-XVII асрларда бунёд этилган монументал ғиштин биноларнинг деярли ҳаммасида пойдевор остига маълум қалинликда соғ лой қатлами – ёстиқ тўшалган.

Қадимий биноларда икки хил пойдевор қўлланилган: 1) эни цоколь энига тенг ва ўзгармас бўлган пойдеворлар, 2) эни пастга томон кенгайиб борадиган пойдеворлар. Пойдеворларнинг туби ёйсимон қабариқ шаклда ишланган. Қабариқлик пойдеворнинг лайдан тайёрланган ёстиқка осонроқ жойлашувига имкон бериб, иншоотнинг бир текис чўкишини таъминлаган.

Пойдевор баландлиги ер сиртига етганда, пойдевор билан цоколь орасига кучсиз лой қориши масида ёки тоза тупроқнинг ўзида бинонинг бутун (ички ва ташки деворлари) периметри бўйлаб, бир қатор ғишт терилган. Бу ҳам қадимий меъморларнинг антисейсмик чораларидан бири ҳисобланган.

Зилзила кучининг горизонтал ташқил этувчилари, яъни горизонтал тўрткилар пойдеворни бино остидан суриб чиқаришга интилади. Бинонинг пастки ва устки қисми билан боғланмаган ғишт қатлами эса пойдеворни цоколь остида қўзғалишига имкон беради. Натижада пойдеворда вужудга келган зўриқишлиар бинонинг юқори қаватларига тўлиқ узатилмайди. Бу эса, ўз навбатида, биноларни зилзила таъсирига яхши бардош беришига олиб келади.

Марказий Осиёning баъзи архитектура ёдгорликларида қўлланилган қамиш қатламларини юқоридаги ғоянинг мантикий давоми дейиш мумкин.

Қамиш қатлами биноларнинг цоколь қисмига ётқазилган. Цокольнинг ер сиртига чиқкан қаторига аввал текис қилиб қоришима ёйилган. Қориши манинг устига 8-10 см қалинликда, девор сиртига тик йўналишда қамиш бостирилган. Қамишнинг

узунлигини девор энига тенг қилиб, олдиндан қирқиб, тайёрлаб қўйилган. Қамиш қатлами устига яна қоришма ёйиб, унинг устига ғишт терилган.

Ғиштнинг навбатдаги қаторлари одатдагича давом эттирилган. Баъзи биноларда қамиш қатлами икки қатор қилиб ётқизилган, бунда иккинчи қатlam цоколнинг юқори қисмига жойланган.

Текширишларнинг кўрсатишича, вақт ўтиши билан қатlam ўтирган (чўккан), бироқ қамиш поялари синмаган ва пачоқланмаган. Қамиш ер сиртидан юқорида жойлашганлиги туфайли, унга ҳамма вақт ҳаво тегиб турган ва чиrimаган. Баъзи биноларда вақт ўтиши билан тупроқ остида қолган қамишлар чириб, бинонинг мустаҳкамлигига путур етган. Буни назарда тутган қадимий меъморлар қамишга доимий равишда шабада тегиб туришини ўйлаганлар, ҳатто девор сувоқлари қамиш қатламига етганда узиб қўйилган, шу йўл билан қамиш ҳам ичкари, ҳам ташқари томонидан ҳаво олиб турган.

Маълумки, ер қимирилаганда зилзила манбаидан ҳар тарафга сейсмик тўлқинлар тарқалади. Тўлқинларнинг вертикал ташқил этувчилари иншоот пойдеворига пастдан юқорига қараб зарб билан урилади. Сейсмик тўлқинларнинг горизонтал ташқил этувчилари эса бино пойдеворига гризонтал йўналишда урилиб, пойдеворни бино остидан суриб чиқаришга интилади.

Бир бинони кўз олдимизга келтирайлик. Унинг лой қоришмасида пишиқ ғиштдан терилган пойдевори эластик лой қатламига ўрнатилган. Пойдевор билан цоколнинг туташув ерига қум билан тупроқ аралашмасидан юпқа қатlam (кучиз қоришма қатлами) берилган. Ундан юқорироқда қамиш қатлами ётқизилган. Бинонинг ғиштин двори эластик ганч қоришмасида тикланган, дейлик.

Сейсмик тўлқинларнинг вертикал ташқил этувчилари даставвал пойдевор остидаги эластик лой қатламига дуч келади. Бу ерда бир оз камайган тўлқин пойдеворга узатилади, пойдеворнинг пластик қоришмасида унинг кучи яна бир оз қирқилади. Цоколда жойлашган қамиш қатлами амортизатор вазифасини ўтайди. Чунки қамиш қатлами ўзининг эластиклиги туфайли етиб келган тўрткини

тўлалигича юқорига узатиш қобилиятига эга эмас. (Агар қамишнинг ўрнида оддий ғишт бўлганида, у ҳолда тўртки кучи тўлалигича юқорига узатилган бўлар эди.) Кучи анча қирқилган тўлқин ғиштин девор бўйлаб юқорилайди; эластик ганч қоришинасидан ўтиб борган тўлқин кучи кўтарилиган сари сўниб боради.

Сейсмик тўлқинлар горизонтал ташқил этувчиларнинг шиддаткор таъсиридан биноларни яна ўша қамиш қатлами ҳамда цокол ва пойdevор орасига ётказилган кумоқ тупроқ ёки ўта кучсиз лой ётқизифи асрайди. Тупроқ ётқизифи пойdevорни бинонинг остидан силжитишга йўл қўяди. Бу силжиш бино деворларига зарар етказмаган ҳолда сейсмик кучларнинг қувватини қирқади. Қамиш қатлами иккита бўлса, силжиш ва эгилиш кучланишлари янада кўпроқ сўнади. Девор таркибидаги ганч қоришинаси ўзининг эластик хоссаси туфайли қолган кучланишларнинг сўнишига олиб келади.

Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ошириш мақсадида қадимий меъморлар юқорида кўриб ўтилган усууллардан ташқари яна қатор сейсмомустаҳкам конструкцияларни қўллаганлар. Уларнинг ичида энг диққатга созоворларидан бири равоқлар шаклини чўққисимон қилиб олинишидир. Зилзила жараёнида чўққасимон равоқлар ярим айланга шаклли равоқларга нисбатан яхши сақланади. Равоқнинг айrim ерлари ёрилиб, шикастланган тақдирда ҳам равоқ шарнирли система сифатида ишлайверади.

Самарқанд шахри яқинида 1502 йилда Зарафшон дарёси устига Шойбонийхон томонидан қурдирилган сув айиргич- кўприкнинг битта равоги бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Дастлаб кўприк 7 равоқдан иборат бўлган. Даврлар ўтиши билан сув айиргич- кўприк бузила бошлаган. Иншоотнинг бузилишига асосан сувнинг агрессив таъсири сабаб бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки кўприкни қуришда, асосан, пишиқ ғишт ишлатилган. У давирларда цемент бўлмаган. Маъморлар бириктирувчи қоришина сифатида ўсимлик кули, ганч ва оҳак каби материаллардан фойдаланганлар. Маълумки, бу материаллар агрессив муҳит таъсирига яхши бардош бера олмайди. Сувга тегиб

турган равоқлар аста- секин емирилиб, бузилиб кетган. Сувдан четроқда – қирғақда жойлашган равоқнинг шу кунларгача яхши сақланиб қолганлиги, унинг сейсмомустахкам конструкция эканлиги далолат беради.

Марказий Осиё қадимий меъморларининг яратган сейсмик таъсирларга қарши чоралари ҳақида гап борар экан, улар бунёд этган биноларда алоҳида турувчи тош устунларнинг қўлланмаганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Тош устуннинг зилзила таъсирига бардоҳсиз эканлигини билган меъморлар бино қисмларида бу элементдан фойдаланмаганлар.

Шундай қилиб, қадимги меъморлар пластик конструкциялардан фойдаланиш биноларни зилзила ҳалокатидан асраб қоладиган ягона восита деб ҳисоблаганлар. Бу дунёқараш узвий равишда авлоддан авлодга ўтиб келди. Асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари бобокалон меъморларимиз яратган услубларнинг тўғри ва яшовчан эканлигидан далолат бериб турибди.

“ҲАЗРАТИ ИМОМ” мажмуасига оид

Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати И мом” (Ҳастимом) мажмуаси йирик қадамжолардан ҳисобланади. Бу мажмуани бунёд бўлиши Қаффол Шоший мақбараси қурилишидан бошланади.

Қаффол Шоший – тўлиқ исми Абу Бақр Мұхаммад ибн Али Исмоил Қаффол аш-Шоший ал-Кабир бўлиб, Ҳазрати И мом номи билан машҳур бўлган. Бу инсоннинг хурматини бажо келтириш мақсадида исми ёнига ал-Кабир (улуг ва муҳтарам) сўзини ҳам қўшиб айтилган. И мом Шош (Тошкент)да 903 йилда таваллуд топган, 976 йилда вафот этган. У йирик олим, файласуф, муҳаддис, фақҳ, тилшунос ва шоир бўлган. Замондошлари орасида улуг И мом (И мом ал-Кабир) номи билан шухрат қозонган. Унинг бир қанча асарлари ислом оламида машҳур. Ўша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига teng келадиган олим йўқ эди.

Қаффол Шошийнинг ҳозирда мавжуд бўлган мақбараси унинг қабри устига меъмор Гулом Ҳусайн томонидан 1541-1542 йилларда қурилган, Ҳазрати И мом


мажмуасининг энг юқори (баланд) қисмида жойлашган. Мажмуанинг умумий майдони 10 гектарга яқин.

Имом Қаффол Шоший қулфсоз уста бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришига, у оғирлиги 0,5г келадиган жажжи қулф-калит ясагани учун “Қаффол” (қулф ясовчи, қулфсоз) номи берилган. У киши Қуръони Карим, фиқҳ ва лексикология алломаси бўлган. Элликдан ортиқ тилларни мукаммал билган. У араб, лотин ва ҳинд тилларига оид мўқаммал луғатлар ҳам ёзган. Қаффол Шоший “ал-Жадал ал-Ҳасан (Диалектика гўзаллиги), “Китоб фи усул ал-фиқҳ” (Фиқҳ усуллари китоби), “Жавомиъ ал-калим” (Ҳикматлар тўплами) “Адаб ал-Қози” (Қозининг одоби), “Далоил ан-нубувват” (Пайғамбарлик далиллари), “Маҳосин аш-шариат” (Шариат гўзалликлари) ва бошқа асарлар ёзган.

“Ҳазрати Имом” жомеъ масжиди ҳовлисида иккита минора қад кўтарган. Минора хоразмлик ва қўқонлик усталар томонидан 2007 йилда қурилган. Уларнинг хар бирининг баландлиги 52 м, пастки қисмининг диаметри 6,7 м, юқори қисмининг диаметри 4,5 м. Бу минора Бухородаги Минораи Калон усулида қурилган бўлиб, фарқи диаметрининг кичикроқ қилиб олинганлигидадир (14.1 . расм).

Тош-фишт ва армотош конструкцияларнинг оловбардошлиги, тайёрлаш осонлиги, чидамлилиги, улардан фойдаланишда маблағнинг деярли сарф бўлмаслиги бу хилдаги конструкцияларнинг афзаллигидир. Тош-фишт ва армотош конструкциялар уз массасининг катталиги, шунингдек, нисбатан тўла индустрлаштиришнинг имкони йўқлиги уларнинг камчилиги ҳисобланади.

Хозирги вақтда тош-фишт конструкциялар, асосан, турли хил бино ва иншоотларнинг девор ҳамда устунларини тиклашда ишлатилади. Баъзан, оғир жинсли табиий тошлардан пойдеворлар ёткизишда фойдаланилади. Армотош конструкциялар турли хил мухандислик иншоотлари, масалан, тутун чиқариш кувурлари резервуарлар ва шу каби иншоотлар қурилишида ишлатилади.



14.1 - расм. Миноранинг умумий күриниши ва қирқими

14.2. Тош-ғишт конструкциялар учун ишлатиладиган материаллар

Тош-ғишт ва армотош конструкциялар учун зарур бўладиган асосий материалларга тошлар (табиий ёки сунъий), коришмалар, пўлат арматура киради. Енгиллаштирилган деворларда иситгич материаллар ҳам ишлатилади.

Тош-ғиштлар бир неча сифатларига қараб таснифланади. Келиб чикишига кўра табиий ва сунъий тошлар бўлади. Табиий тошлар каррерлардан казиб олинади. Сунъий тош-ғиштлар юқори хароратда пишириш ёки боғловчи моддалар асосида котириш йўли билан тайёрланади.

Тошлар катта-кичиклигига қараб баландлиги 500 мм гача ва ундан ортиқ бўлган йирик (блоклар), баландлиги 200 мм гача бўлган майда донали тошлар ҳамда баландлиги 65, 88 ёки 103 мм, режадаги ўлчамлари эса 250x120мм ли ғиштларга ажратилади.

Тош материалларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади: улар мустаҳкам, узоқка чидамли ва иссиқликни сақлаш хоссаларига эга бўлиши лозим. Тош-ғиштлар мустаҳкамлигининг асосий кўрсаткичи унинг маркаси ҳисобланади.

Марка уларнинг сиқилишга бўлган вақтли қаршилиги бўйича, ғиштлар учун эса эгилишдаги мустаҳкамлигини ҳисобга олган холда сиқилишдаги вақтли қаршилиги бўйича белгиланади. Мустаҳкамлиги паст (4, 7, 10, 15, 25, 35, 50 маркали) тош материалларга юмшоқ охак- тошлар, хом ғишт, енгил бетон тошлар, ўртача мустаҳкамликдаги материалларга (75, 100, 125, 150, 200 маркали) табиий енгил тошлар, бетон ва сопол тошлар, турли хил ғиштлар киради. Юқори даражада мустаҳкам (250, 300, 400, 500, 600, 800, 1000 маркали) тош материалларига табиий оъир ва бетон тошлар ва клинкер ғиштлари киради.

Тошнинг совуқбардошлиги унинг узоқка чидамлилигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Совуқбардошлик бўйича маркаси тошнинг музлаш-эриш циклларининг нечтасига бардош беришини ифодалайди. Тош материалларининг совуқбардошлик бўйича қуйидаги маркалари белгиланган: $M_{p3}10$, $M_{p3}15$, $M_{p3}25$, $M_{p3}35$, $M_{p3}50$, $M_{p3}75$, $M_{p3}100$, $M_{p3}150$, $M_{p3}200$, $M_{p3}300$.

Материалнинг талаб этиладиган совуқбардошлиги конструкция турига, уни ишлатилиш шароитларига ва талаб этиладиган узоқка чидамлилик (ишончлилик) даражасига боғлиқ бўлади. Узоқка чидамлиликнинг уч даражаси белгиланган: I даража-хизмат муддати оширилган (тахминан, 100 йилдан ортиқ) тўсиқ конструкциялар учун; II даража-хизмат муддати ўртача бўлган (50-100 йил) тўсиқ конструкциялар учун; III даража-хизмат муддати камайтирилган (20-50 йил) тўсиқ конструкциялар учун.

Иссиқлик изоляцияси хоссалари бинонинг ташқи деворларини тиклашда бир йўла қилинадиган сарфга ҳам, бинони иситишга кетадиган эксплуатацион сарфларга ҳам жиддий таъсир этади. Материалнинг ҳажмий массаси қанча катта бўлса, унинг иссиқлик утказувчанлиги шунча юқори бўлади, ташқи деворлар қалин бўлса кимматга тушади. Шу сабабдан, ташқи деворлар учун ҳажмий массаси кичик бўлган тош материаллар ёки ъовакли ғишт, ғовакдор бетон, ичи бўш керамик ёки бетон тошлар ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Тош-ғишт териш учун цементли, охакли, гипсли, гилли ва аралаш коришмалар ишлатилади. Ҳажмий массаси γ га кўра улар оғир ($\gamma \geq 1500 \text{ кг}/\text{м}^3$) ва енгил ($\gamma < 1500 \text{ кг}/\text{м}^3$) қоришмаларга бўлинади. Оғир қоришмалар учун кварцли, охакли ва бошқа хил кумлар, енгил қоришмалар учун эса шлак, туф, пемза кукунлари ва бошқа енгил қумлар тўлдирувчи материал бўлиб ҳисобланади. Қоришма алоҳида тошларни бир-бирига боғлаб, яхлит деворга айлантиради. Қоришма орқали кучланиш бир тошдан иккинчи тошга текис узатилади, шунингдек, деворнинг хаво ва нам ўтказувчанлиги камаяди. Шунга кўра деворнинг мустаҳкамлиги, узоқка чидамлилиги, теплотехник кўрсаткичлари кўп жихатдан қоришманинг таркиби ва миқдорига боғлиқ. Қоришма деворнинг горизонтал ва тик чокларини тўлдириш учун қулай бўлиши, таркибидаги сувни тутиб тура оладиган даражада қузғалувчан бўлиши керак. Унинг таркиби бир жинсли, қотгандан кейин эса талаб этиладиган даражада мустаҳкам ва совуқбардош бўлиши керак. Қоришманинг мустаҳкамлиги унинг маркаси билан баҳоланади. Бу марка қоришмадан қирралари

7 см ли 28 кун нормал шароитда ($t=20\pm2^{\circ}\text{C}$, намлик $65\pm5\%$) сақланган кублар сиқилгандан күрсатған вақтли қаршилик ($\text{кг}/\text{см}^2$ да) билан белгиланади. Қоришмалар учун 4, 8, 10, 25, 50, 75, 100, 150, 200 лойиха маркалари белгиланган.

Армотош конструкцияларга ишлатыладиган арматура А-І классдаги қайнок холида прокатланган пўлат, А-ІІ синфдаги, диаметри 6 дан 40 мм гача бўлган даврий профилли пўлат, шунингдек, В_p-І синфдаги, диаметри 3-8мм ли совуқлайин чўзиб тарам-тарам қилинган оддий арматура симлардан иборат.

Тош-ғишт деворнинг мустаҳкамлиги тош билан қоришманинг мустаҳкамлигига, териш сифатига ва бошқа омилларга боғлиқ. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, деворнинг тик чоклари амалда хеч қандай иш бажармайди, чунки қоришма қота бошлагач киришиб, тош билан боғланиши бузилади.

Юк деворнинг юқори қаторларидан пастки қаторларига горизонталр чоклар орқали берилади. Қоришманинг котиши бир хил булмаганлиги ва тошлар нотекис бўлганлиги сабабли, юк айrim нуқталарга бир текис узатилмайди. Натижада, сиқилган девордаги тошлар фақат сиқилибгина қолмай, балки эгилади ва хатто дарз кетади.

Ўқ бўйлаб сиқилиш жараёнида, хар қандай материал сингари девор ҳам кўндалангига деформацияланади. Қоришманинг кўндалангига деформацияланиши, одатда, тошнидан ортиқ бўлади. Қоришма билан тош ўзаро боғланганлиги сабабли, улар мустакил деформациялана олмайди. Бунинг оқибатида боғланишнинг горизонтал текисликлари бўйлаб уринма кучланиш пайдо бўлади. Бу кучланиш таъсири остида қоришма сиқилади, тош эса кўндаланг йўналишда чўзилади. Қоришма қанча кучсиз бўлса, чўзувчи кучланишлар шунча катта бўлади. Шу сабабли қоришманинг мустаҳкамлиги камаяди.


Тик сикувчи юкнинг деворни бузиш даражасига қадар ортиб бориши 4 босқичда ўтади. I-босқич (девордаги кучланиш бузувчи кучланишнинг 50% идан кам) - девор яхлит материалдек ишлайди, унда ёриқлар пайдо бўлмайди; II-босқичда айrim ғиштларда махаллий тик ёриқлар пайдо бўлади; улар баландлик бўйлаб

деворнинг 1-3 қаторигача тарқалади. Бу ёриқлар, одатда, хали хавфли ҳисобланмайди, чунки улар узгармайдиган юк таъсирида бошқа таркалмайди, кучланиш эса бузувчи кучланишнинг фақат 50-70% ини ташкил этади; шу билан бирга жуда пишиқ қоришима ишлатилган девордаги кучланиш бузувчи кучланишнинг 70-80% ига етиши мумкин. Юкнинг бундан кейинги ортиши (III босқич) да тик ёриқларнинг айримлари туташади, бунинг оқибатида материал алоҳида устунчаларга бўлинади; бу пайтда девордаги кучланиш бузувчи кучланишларнинг 80-90% ига teng бўлади. Нихоят, деворнинг бузилиши IV босқичда бошланади. Бунда материалда илгари пайдо бўлган айрим устунчалар устиворлигини йўқотиб, бузилади. 10 ва ундан юқори марқадаги қоришмаларда тикланган деворнинг сиқилишга вақтли қаршилиги R_u (мустаҳкамлик чегараси) Л.И.Онишчик формуласидан аниқланади:

$$R_u = K_R R_1 \left[1 - \frac{a}{v + R_2 / 2R_1} \right], \quad (14.1)$$

бу ерда R_1 , R_2 - тош-ғишт ва қоришманинг тегишлича мустаҳкамлик чегараси; a ва v -девор турини ҳисобга оловчи эмпирик коэффициентлар: $a=0,09-0,2$; $v=0,25-0,30$; K_R - конструктив коэффициент.

Деворнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлигидан ташқари, баъзи холларда чўзилиш ва кесилишга бўлган мустаҳкамлигини эътиборга олишга тўғри келади. Деворнинг чўзилиши боғланган ва боғланмаган кесимда содир бўлиши мумкин (14.2.-расм).



14.2-расм. Теримнинг чўзилиш схемаси:
а)-боғланмаган кесимда; б)-боғланган кесимда


Боғланган кесим бўйлаб чўзилишда девор қоришима бўйича (1-1) ёки тош-ғишт ва қоришима (2-2 ёки 3-3) бўйича бузилади. Боғланмаган кесимда девор, одатда, тош-ғишт билан қориshmанинг горизонтал чокларига туташган жойидаги текислик бўйича бузилади. Бироқ, қориshmанинг чўзилиш вақтидаги мустаҳкамлик чегараси тош билан қоришима ўртасидаги боғланишдан кам бўлиб қолса, унда девор қоришима бўйича бузилиши мумкин.

Деворнинг боғланган кесим бўйлаб марказий чўзилиши доиравий резервуарлар, силос миноралари ва бошқа иншоотларни ҳисоблашда, эгилишда чўзилиши эса деворлар ва устунларнинг номарказий сиқилишини ҳисоблашда эътиборга олинади.

Баъзи холларда тош девор кесилишга ҳам ишлаши мумкин.

Бунда кесилиш боғланган ва боғланмаган кесим бўйлаб ҳам содир бўлиши мумкин.

Тош-ғишт деворнинг деформацияланиши. Девор эластик жисм бўлмаганлиги учун кучланишлар билан деформациялар ўртасидаги боғлиқлик чизиқли бўлмайди (14.3.-расм). Тош-ғишт теримнинг берилган кучланишлар бўйича деформация модули бу кучланишларга тўғри келадиган нуқтадаги эгри чизиқка ўтказилган уринма қиялик бурчагининг тангенси орқали ифодаланади.



14.3-расм. Теримнинг қисқа муддатли сиқилишида кучланиш-деформацияларининг ўзаро боғлиқлиги

Терим деформациясининг модули Л.И.Онишчик формуласидан

$$E = E_0 \left(1 - \frac{\sigma}{1 \cdot 1 R_u}\right) \quad (14.2)$$

ёки қурилиш меъёрларида белгиланган идек, $E=0,8E_0$ бўйича аниқланади. бу ерда E_0 -эластилик модули; R_u -тош-ғишт теримнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасининг ўртача қиймати.

Эластилик модулининг вақтли қаршиликка пропорционаллиги тажриба йўли билан аниқланган. Арматураланмаган терим учун эластилик модули қуйидаги формула орқали топилади.

$$E_0 = \alpha \cdot R_u,$$

бу ерда α - теримнинг эластилик характеристикаси.

Деворнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси (вақтли қаршилиги)нинг ўртача қийматини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин: $R_u = k \cdot R$, бу ерда R -теримнинг ҳисобий қаршилиги; k -хавфсизлик коэффициенти.

14.3. Тош-ғишт конструкцияларни ҳисоблаш

Тош-ғишт ва армотош конструкциялар биринчи ва иккинчи гурух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисобланади. Биринчи гурух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш, одатда, конструкцияларнинг юк кўтара олувчанлиги шакл ва ҳолатининг мустаҳкамлиги ҳамда устиворлигини ҳисоблардан иборат бўлади.

Тош-ғишт ва армотош конструкция элементлари учун мустаҳкамлик шартининг умумий кўриниши қуйидагича:

$$\sum N_i^h \cdot \gamma_f n_c \leq \Phi(S, R_i, \gamma_c) \gamma_c \quad (14.3)$$

бу ерда N_i^h -меъёрий юклар таъсиридан пайдо бўладиган зўриқиши; γ_f юк бўйича ишонч коэффициенти; n_c -кучларнинг қўшилиш коэффициенти; $\sum N_i^h \cdot \gamma_f n_c$ - доимий ва вақтли юклардан ҳосил бўлган ҳисобий кучланиш; Φ -кучланган ҳолатига

(сиқилиш, чўзилиш ва х.) мос келадиган функция; S - кесимнинг геометрик характеристикаси; R_t -теримнинг ҳисобий қаршилиги; γ_c -иши шароити коэффициенти.

Деворнинг сиқилишга кўрсатадиган ҳисобий қаршилигини иш шароити коэффициенти γ_c га кўпайтирилади. Теримнинг чўзилишга ҳисобий қаршилиги, чўзувчи кучнинг терим чокларига нисбатан йўналишига, шунингдек, кучланган ҳолатнинг характеристига боғлиқ бўлади.

Тўғри шаклли ғишт ва тошлардан цемент-охакли, цемент-гилли ва охакли коришмалар билан кўтариладиган деворнинг ўқ бўйлаб чўзилишдаги R_t , эгилиш билан чўзилашдаги R_{tb} , деворнинг горизонтал ва тик чоклари бўйлаб ўтувчи кесимни ҳисоблашдаги кесилиш R_{sq} ва эгилишда пайдо бўладиган асосий чўзувчи кучланишлар R_{tw} га кўрсатадиган ҳисобий қаршиликлари 14.1-жадвалда келтирилган.

Тўғри шаклли ғишт ва тошлардан кўтариладиган деворнинг ҳисобий қаршилиги

14.1-жадвал

Кучланган ҳолатининг тури	Ҳисобий қаршилик, МПа								
	Тош маркаси								
	200	150	100	75	50	35	25	15	10
Ўқ бўйлаб чўзилиш R_t	0,25	0,2	0,18	0,13	0,10	0,08	0,06	0,05	0,03
Эгилишдаги чўзилиш ва асосий чўзувчи кучланишлар R_{tb} ,	0,4	0,3	0,25	0,20	0,16	0,12	0,10	0,07	0,05
R_{tw} кесилиш R_{sq}	1,0	0,8	0,65	0,55	0,40	0,30	0,2	0,14	0,09

Кесим юзаси А га тенг бўлган элементнинг фақат A_c қисмигина юкланганда (ферма, тўсин, устунлар таяниб турадиган жойлар) кесимнинг юкламаган қисми теримнинг юкланган участкасида ҳосил бўладиган кўндаланг деформацияга тўсқинлик кўрсатадиган ҳалқа ролини бажаради. Бундай кесимлар сиқилишга қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N_c \leq \Psi d R_c A_c, \quad (14.4)$$

бу ерда N_c -махаллий юқдан тушадиган бўйлама сиқувчи куч; R_c -теримнинг эзилишга бўлган ҳисобий қаршилиги; A_c -юқ тушадиган эзилиш юзаси; $d=1,5-0,5\Psi$ -фишт ва виброгиштдан қўтарилилган терим ёки оғир ва енгил бетонлардан тайёрланган блоклар учун; Ψ махаллий юқдан тушадиган босим эпюрасининг тўлиқлик коэффициенти.

Теримнинг эзилишга бўлган қаршилиги қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_c = \xi R; \quad \xi = \sqrt[3]{\frac{A}{A_c}} \quad (14.5)$$

бу ерда A -ҳисобий кесим юзаси терим кесими чегарасида эзилиш юзасининг жойлашишига қараб аниқланади;

Иккинчи гурӯх чегаравий ҳолатлар бўйича ёриклар пайдо бўлиши, очилиши текширилади ва деформацияларга ҳисобланади деформацияга ҳисобланадиган конструкцияларда:

а) ёриклар (масалан, резервуар қопламасида) бўлишига йўл кўйилмаслиги; б) ёриклар очилиши чекланиши; в) бирга ишлаш шартига мувофиқ деформацияланишлар чекланган бўлиши (масалан, ўзини қўтариб турувчи, каркас билан боғланган деворлар) керак.

Тош-фишт конструкциялар сиқилган элементларининг юқ кўтара олувчанлиги бўйлама куч эксцентриситетига боғлиқ бўлади. Бу эксцентриситет N кучнинг элемент оғирлик марказига нисбатан олдиндан белгиланган (ҳисобий) ёки тасодифий юз берган кўчишидир. Агар элемент марказий кўйилган N куч ва эгувчи момент M таъсирида бўлса, у холда $e_0=M/N$.

Тасодифий эксцентриситет e_0^{tac} фақат қалинлиги 25см гача бўлган, юк кутарадиган ва уз юкини кутариб турадиган деворларни ҳисоблашдагина эътиборга олинади. $e_0^{\text{tac}}=2$ см- юк кўтарувчи деворлар учун; $e_0^{\text{tac}}=1$ см-узини кутариб турувчи деворлар учун. Арматурасиз деворда e_0 кўпи билан 0,9 у, эни 25см гача бўлган деворларда $e_0+e_0^{\text{tac}}$ кўпи билан 0,8 у бўлиши керак, бу ерда у-кесимнинг оғирлик марказидан сиқилувчи соҳа четигача бўлган масофа (14.4-расм); тўғри тўртбурчак кесимда $y = h/2$ бўлади. Марказий сиқилишда ($e_0=0$) кучланиш кўндаланг кесим юзаси бўйлаб текис тақсимланади (14.4 а-расм). Агар куч унча катта булмаган эксцентриситет билан қўйилган бўлса, кучланиш гарчи нотекис тақсимланса ҳам, элемент кесимининг ҳаммаси сикилган ҳолатда бўлади (14.4 б-расм). Эксцентриситет ортса, кесимда чўзувчи кучланиш σ_t пайдо бўлиши мумкин (14.4 в-расм). Агар $\sigma_t > R_{tb}$ бўлса, кесимнинг чўзилган қисмида ёриқлар очилади (14.4 г-расм) ва кесим юзасининг A_c қисмигина сиқилишга ишлайди.

Ҳисоблашда куч ўқи N A_c юзага симметрик, кучланиш эса юза бўйлаб текис тақсимланган деб қабул қилинади (14.4 д-расм).

Тош-ғишт конструкциялар элементларининг кесими марказий сиқилишга қуидаги формула бўйича ҳисобланади:


$$N = m\varphi RA, \quad (14.6)$$

бу ерда N - ҳисобий бўйлама куч; A -элементнинг кесим юзаси; R - деворнинг сиқилишга бўлган ҳисобий қаршилиги; φ -сикилган элементлар солқилигининг узоқ муддатли таъсирида уларнинг юк кўтариш қобилиятига таъсирини ҳисобга оловчи коэффициент; у деворнинг эластиклик характеристикаси α билан келтирилган эгилувчанликка боғлиқ холда аникланади:

$$\lambda_l = \frac{l_0}{i}; \quad \lambda_h = \frac{l_0}{h}, \quad (14.7)$$

бу ерда l_0 - элементнинг ҳисобий узунлиги; h, i - тегишлича энг кичик ўлчам (тўғри тўртбурчак кесим учун) ва элемент кесимининг инерцияси радиуси. Деворлар ва устунларнинг горизонтал йўналишдаги қўзғалмайдиган таянчларга шарнирли

тиралишида $l_0 = H$, ёпмалар ва бошқа горизонталр таянчлар билан бөлгөнмеган эркин турувчи конструкциялар учун $l_0 = 2H$, таянчларга қисман қистириб қўйилган конструкциялар учун l_0 нинг миқдори конструкция қай даражада сиқилғанлигини хисобга олган холда қабул қилинади. Аммо $l_0 = 0,8H$ дан кам бўлмаслиги керак.



14.4-расм. Тош-ғишт конструкциялар сиқилған элементларининг эксцентриситет катталашган сари кучланганлик ҳолатининг ўзгариши:
 а-марказий сиқилиш, б-номарказий сиқилиш, в-чўзувчи кучланиш бўлгандаги номарказий сиқилиш (ёриксиз), г-чўзилган соҳанинг номарказий сиқилиши (ёриқли),
 д-чўзилган соҳадаги ёриқлар бўлганда кесимдаги кучланишлар тақсимланишининг

хисобий схемаси

Номарказий сиқилиш учун хисоблаш формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$N \leq m_q \varphi_1 A_c R_w, \quad (14.8)$$

бу ерда A_c - N кучга нисбатан симметрик бўлган кесим сикилган қисмининг юзаси 14.4 б-расмга кўра юзаси $A = b \cdot h$ бўлган тўғри тўртбурчак кесим учун A_c юза қўйидагича ифодаланади:

$$A_c = 2b \left(\frac{h}{2} - e_0 \right) = A \left(1 - \frac{2e_0}{h} \right) \quad (14.9)$$

Бўйлама эгилиш коэффициенти

$$\varphi_1 = \frac{\varphi + \varphi_c}{2}. \quad (14.10)$$

Юқоридаги формулалардаги φ_c - кесимнинг сикилган қисми учун бўйлама эгилиш коэффициенти.

Марказий ва номарказий сикилган элементлар юк кўтариш қобилиятининг камайиши юк узок вақт таъсир этиб туришида факат кўндаланг кесим ўлчамлари унча катта булмагандагина, чунончи, кесими тўғри тўртбурчак элементларда $h < 30\text{cm}$, кесими ихтиёрий шаклда бўлган элементларда эса $i < 8,7\text{cm}$ бўлганда, коэффициент m_g ёрдамида ҳисобга олинади:

$$m_g = 1 - \eta \frac{N_g}{N} \left(1 + 1.2 \frac{e_0 g}{h} \right), \quad (14.11)$$

бу ерда η - эгилувчанликка боғлик коэффициент; N - тўлиқ ҳисобий куч; N_g -узок вақт таъсир этувчи юқдан тушадиган ҳисобий бўйлама куч.

Эксцентриситетларнинг чегаравий қиймати меъёрланган бўлиб, у таъсир этувчи юкларнинг асосий турлари учун кўпи билан 0,9 у бўлиши керак. Қалинлиги 25 см гача бўлган деворларда $l_0 \leq 0,8y$.

Эгиладиган элементларни теримнинг эластик ишига мўлжаллаб ҳисоблаш керак. Улар учун ҳисобий эгувчи момент M қўйидаги шартга мувофиқ аниқланади:

$$M \leq R_{tb} \cdot W, \quad (14.12)$$

бу ерда: R_{tb} -эгилешда деворнинг боғланган кесим бўйлаб чўзилишга кўрсатадиган ҳисобий қаршилиги, W -терим кесимининг эластик қаршилик моменти. Боғланмаган

кесим бўйича эгилишга ишлайдиган тош конструкциялардан фойдаланишга йўл кўйилмайди. Эгиладиган элементлар кўндаланг куч таъсирига қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q \leq R_{tw}Bz, \quad (14.13)$$

бу ерда Q -ҳисобий кўндаланг куч, R_{tw} -эгилишда теримнинг бош чўзувчи кучланишларга ҳисобий қаршилиги; в-кесим эни; z- ички жуфт куч елкаси. У тўғри тўртбурчак кесимда $z = 2 \times 3 h \approx 0,67 h$ деб қабул қилинади.

Чўзилувчи элементлар. Кесим марказий чўзишишга қуидаги шартга асосан ҳисобланади:

$$N \leq R_t A_n, \quad (14.14)$$

бу ерда R_t - теримнинг ўқ бўйлаб чўзишишга ҳисобий қаршилиги; A_n -нетто кесимнинг ҳисобий юзаси.

Кесилишга ишлайдиган элементлар. Тош-ғишт теримининг горизонталр чоклар бўйлаб кесилишга қаршилиги икки таркибий қисмдан тузилган:

1) бевосита кесилишга курсатиладиган қаршилик R_{sq} ;

2) теримнинг горизонтал чок бўйлаб ишқаланиш қаршилиги. Ишқаланиш коэффициенти f ни теримнинг энг кам ҳисобий бўйлама юкида пайдо бўладиган ўртача кучланиши σ_0 га кўпайтириб, иккинчи компонент аниқланади. Бунга 0,8 коэффициент ҳам киритилади. У ишқаланиш қаршилигини тасодифан пасайишдан саклайди. Шундай қилиб, тош-ғишт элементлар кесими кесилишга қуидаги формула бўйича ҳисобланади:


$$Q \leq (R_{sq} + 0,8\pi \cdot \mu \sigma_0) A, \quad (14.15)$$

бу ерда Q - ҳисобий кесувчи куч; A -кесимнинг ҳисобий юзаси; $\pi=1$ -яхлит ғишт ва тошлардан кутариладиган терим учун; $\mu=0,5$ -ичи ғовакли ғишт ва тик бўшлиқли тошлардан кўтариладиган терим учун. σ_0 миқдори юкланиш коэффициенти 0,9 да энг кичик ҳисобий юк қиймати орқали аниқланади. Мунтазам шаклдаги ғишт ва

тошлардан қўтариладиган теримнинг чок бўйлаб ишқаланиш коэффициенти 0,7 га тенг деб олинади.

14.4. Армотош конструкцияларнинг ўзига хос конструктив хоссалари ва уларнинг ҳисоби

Пўлат арматура билан кучлантирилган тош-ғишт конструкциялар армотош конструкциялар дейилади. Арматуралаш тош-ғишт теримнинг мустаҳкамлиги ва устиворлигини оширади. Армотош конструкцияларга ишлатиладиган қоришманинг маркаси камида 50 бўлиши керак. Бундай маркадаги коришма арматурани коррозиядан саклайди. Теримларни арматуралашнинг иккита асосий тури қўлланилади: кўндаланг (турсимон) арматуралаш (бунда теримнинг горизонтал чокларига пўлат симдан тўқилган ёки пайвандланган турлар жойлаштирилади (14.5 а, б-расм) ва бўйлама арматуралаш (темирбетон конструкцияларни арматуралашга ўхшаш) (14.5 в, г-расм). Бу хилда арматуралangan теримни темирбетон ёрдамида мустаҳкамлигини ошириш мумкин. Шундай қилинганда комплекс конструкция ҳосил бўлади (14.5 д-расм).



14.5-расм. Армотош конструкциялар:

а-тўғри тўртбурчак сим турлар билан арматураланганлари; б-"зигзаг" типидаги турлар билан арматураланган; в-комплекс конструкция (темирбетон гардиш билан кучайтирилган терим); г-бўйлама арматураланган терим; д-комплекс конструкция; 1-терим; 2-сим тур; 3-бўйлама стерженлар; 4-хомутлар; 5-бетон

Кам эгилувчан устунлар ва деразалар (эшиклар) ўртасидаги орадеворларнинг юк кўтара олувчанлигини оширишнинг асосий йўли кўндаланг арматуралаш ҳисобланади. Тош-ғишт теримнинг горизонтал чокларига қўйиладиган пўлат стерженлар теримга нисбатан бирмунча юқори эгилувчанлик модулига эга бўлади. Бу эса теримнинг кўндаланг йўналишда сиқилишдан зўриқиши таъсирида кўндаланг деформация пайдо бўлишига тўсқинлик қиласи. Ўқ бўйлаб сикувчи юк таъсири остида тўрлар билан арматураланган терим уч хил сиқилиш шароитида ишлайди.

Окувчанлик чегараси 350 МПа дан ортиқ бўлмаган арматуралардан тайёрланган турлар билан арматуралаш самарали ҳисобланади. Тўрсимон арматуралашнинг самадорлиги қоришманинг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Турсимон арматуралашда ҳисобий қаршилик темирбетон конструкциялардагидек олинади. Турлар тўғри бурчакли (диаметри 6 мм гача бўлган стерженлар ишлатилганда) ёки "зигзаг" типида (диаметри 8 мм ли стерженлар ишлатилганда) бўлиши мумкин. Диаметри 5 мм дан ортиқ бўлган стерженлардан тайёрланган тўғри тўртбурчак тўрлар ишлатилганда қоришма чокини жуда қалин ётқизиш керак бўлади. Бунда тўр стерженлари кесишган жойларда кучланишлар концентрацияси вужудга келиши мумкин. Бу хол терим мустаҳкамлигига салбий таъсир этади. Шунинг учун стерженларнинг диаметри катта бўлса, терим "зигзаг" типидаги тўрлар билан арматураланади.

Тур стерженлари ўртасидаги масофа камида 3 см ва кўпи билан 12 см бўлиши, арматураланиш коэффициенти эса 0,1 дан 1,0% гача бўлиши керак. Тўрлар элементнинг баландлиги бўйлаб теримнинг хар беш қаторига қўйиб борилади (тўрдаги стерженларнинг диаметрига нисбатан чок 4мм қалин бўлиши керак).

Армотош конструкцияларда тўрсимон арматуралашдан ташқари стерженлар билан бўйлама арматуралаш ҳам кўлланилади. Бу хил арматуралашда стерженларни терим сиртидан ёки ичидан қўйиб, чоклари хомутлар билан боғланади.

Тўрсимон арматураланадиган элементларни ҳисоблаш. Турсимон арматураланадиган марказий сиқилган элементлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N \leq m_q \varphi R_{s,k} A, \quad (14.16)$$

бу ерда N - ҳисобий куч; φ - бўйлама эгилиш коэффициенти; A -элемент кесим юзаси; $R_{s,k}$ - ҳисобий қаршилик.

Турлар билан арматураланган теримнинг эластиклик характеристикаси қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$\alpha_{sk} = \alpha \frac{R_u}{R_{sku}} \quad (14.17)$$

бу ерда α -арматураланмаган теримнинг эластиклик характеристикаси;

R_u - арматураланмаган теримнинг сиқилишга мустаҳкамлигининг ўртача чегаравий қиймати; R_{sku} - шунинг ўзи, бироқ арматураланган теримники.

Марказий сиқилишда теримни тўрсимон арматура билан арматуралаш фоизи қуйидаги қийматдан ортиқ бўлмаслиги керак:

$$\mu = 50 \frac{R}{R_3} \geq 0,1\%.$$

Турсимон арматурали номарказий сиқилувчи элементлар ушбу формула билан ҳисобланади.

$$N((1m_q R_{skB} A_w, \quad (14.18)$$

бу ерда $(1$ - бўйлама эгилиш коэффициенти; R_{skB} -ҳисобий қаршилик; A_w -кесим сиқилган қисмининг юзаси; m_q -(14.11) formuladan аниқланади; w -терим ҳисобий қаршилигини ортишини ҳисобга олувчи микдор, у қуйидаги формуладан аниқланади:

$$w \leq 1 + e_0 x / 2 y \leq 1,45.$$

Кесими түғри түртбұрчак элемент учун

$$A_s f A(1 - 2e_0 x y) w \text{ бўлса, у холда (14.18)нинг кўриниши}$$

$$N((1m_q R_{sk} b A (1-2e_0 x h) w \text{ бўлади,}$$

бу ерда h - кесимнинг эгувчи момент таъсир этадиган йўналишдаги баландлиги.

Номарказий сиқилишда турсимон арматураланган теримнинг ҳисобий қаршилиги кесим ядроси чегарасида эксцентриситет кичик бўлганида қўйидаги формуласалардан аниқланади:

Маркаси камида 50 бўлган коришма ишлатилганда:

$$R_{sk} b f R + \frac{2\mu R_s}{100} (1 - 2e_0 x y) \perp (1 - 2e_0 x y) (2R);$$

маркаси 25 ва ундан паст бўлган коришмалар ишлатилганда:

$$R_{sk} b f R_1 + \frac{2\mu R_s}{100} (1 - 2e_0 x y) \frac{R_1}{R_{25}} \leq 2R.$$

Бунда оғирлик марказидан кесим четигача бўлган масофа эксцентриситет томонга олинади. Эксцентриситет кесимдан четда бўлганда (түғри түртбұрчак кесимда $e_0 > 0,17h$), ҳамда эгилишда $\lambda_b > 15$ ёки $\lambda_i > 53$ бўлганда турсимон арматуралаш мақсадга мувофиқ эмас.

Арматураланган терим учун эластиклик модули $E_0 f \alpha R_{sku}$.

Номарказий сиқилишда теримни турсимон арматура билан арматуралаш фоизи

$$\mu f \frac{50R}{(1 - \frac{2e_0}{y})R_s} \geq 0,1\%.$$

Қўйидагилар учун тош-фишт конструкцияларнинг элементлари иккинчи гурух чегаравий ҳолатларга ҳисобланади:

- $e_0 > 0,7y$ эксцентриситетда номарказий сиқилган арматураланмаган элементлар;

- теримнинг турли деформацияланишга эга бўлган материаллардан кутариладиган элементларида кескин фарқ билан юзага келувчи кучланишларда ишлайдиган ёндош конструктив элементлар;

-синч билан боғланган ва юкларни қабул қилиш учун бирга ишлайдиган ўз юкини кўтариб турувчи деворлар;

- синчларни тўлдирувчи деворлар;

- сувок ёки плитадан ишланган химоя қопламалари бўлиши талааб этиладиган бўйлама арматураланган симлар;

- иншоотларнинг фойдаланиш шартларига кўра ёриклар пайдо бўлишига йўл кўйилмайдиган ёки ёриклар очилиши чекланган бошқа элементлари.

Юқорида келтирилган конструкциялар сейсмик таъсир, зарб, портлаш каби юклар таъсирида ёриклар очилишига ҳисобланмайди.

Тош-фишт ва армотош конструкцияларни деформацияларга ҳисоблашда меъёрий юкларнинг биргаликдаги асосий таъсирини, ёриклар очилишига ҳисоблашда эса ҳисобий юклар таъсирини эътиборга олиш керак.

Фойдаланиш шартларига кўра ёриклар пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайдиган арматураланмаган конструкциялар, чўзилган юзалар деформацияга ҳисоблаш йўли билан қўйидаги формулалар орқали текширилган бўлиши керак:

ўқ бўйлаб чўзилишга:

$$N \leq EA\varepsilon_u;$$

эгилишга:

$$M \leq E J \varepsilon_u x (h - y);$$

номарказий сиқилишга:

$$N \leq \frac{EA\varepsilon_u}{[A(h-y)e_0/J] - 1};$$

номарказий чўзилишга

$$N \leq \frac{EA\varepsilon_u}{[A(h-y)e_0/J] + 1};$$

бу ерда N ва M -тегишлича бўйлама куч ва эгувчи момент; ε_u - $0,8..1\cdot10^4$ қийматда олинадиган нисбий деформациялар чегараси; J -кесим инерция моменти.

Номарказий сикилган элементлар ($e > 0,7$ у да) ёриқлар очилишига чўзилган соҳада чўзилишнинг шартли кучланишларига қараб хисобланади. Бунда кесим бўйлаб кучланишларнинг чизиқли эпюраси эластик жисмдаги каби қабул қилинади ва қўйидаги формула бўйича хисобланади:

$$N \leq \frac{j_r R_{tb} A}{[A(h-y)e_0/J] - 1},$$

бу ерда: R_{tb} -теримнинг бояланмаган кесим бўйлаб эгилишида чўзилишга бўлган ҳисобий қаршилик; j_r -конструкциянинг хизмат муддатига боғлиқ холда қурилиш меъёрлари бўйича белгиланган ёрикларнинг очилишига хисоблашда фойдаланиладиган терим иш шароитига тегишли коэффициент.

Бўйлама арматуралар билан арматураланган теримларни хисоблаш:

а) Марказий сиқилувчи элемент

$$N_n \leq \phi(0,85RF + R_s A_s);$$

б) Номарказий сиқилувчи элемент: 1) кичик эксцентриситетли:

$$N_n \leq \frac{\phi [0,42R_e e_0^2 + R_s A'_s (h_0 - a')]}{e}$$

2) катта эксцентриситетли:

$$N_n \leq \phi(1,05R_{bx} + R_s A_s^{-1} - R_s A_s).$$

Курилиш амалиётидан маълумки, агар тўғри хисоблаб лойиҳаланган, курилиш қоидаларига тўлиқ амал килган холда барпо этилган, ғишт деворли бинолар ҳам сейсмик кучларга етарли даражада бардош бера олади.

Барча юк кўтарувчи конструкциялар (бўйлама ва кўндаланг деворлар, ёпмалар) бир-бири билан мустаҳкам боғланган холдагина бино зилзила кучларига бир бутун фазовий конструкция сифатида қаршилик кўрсатади. Агар бу боғланиш

мавжуд бўлмаса ёки заиф бўлса, бўйлама деворлар кўндаланг деворлардан ажралиб кетиши ва баъзи холларда қулаб тушиши мукин. Биноларнинг зилзилалардан зарар кўрмаслиги учун синовдан ўтган маҳсус конструкциялардан фойдаланилади. Масалан, бинонинг периметри бўйлаб антисейсик камарлар тикланади, ёпмалар бир-бирига ва деворларга пухта боғланади, девор бурчакларига, кесишув ерларига арматура ёткизилади ва х.к.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Тош конструкцияларда қандай тошлар ишлатилади?
2. Тош конструкцияларда қандай коришмалар ишлатилади?
3. Тош термаларида кучланиш билан деформация ўртасидаги боғланиш нимадан иборат?
4. Тош ва армотош тузилмалари учун мустаҳкамлик шарти қандай?
5. Фиштнинг ҳажмий оғирлиги ва у нималарга боғлиқ?
6. Фиштнинг қандай маркалари бор?
7. Терманинг умумий деформацияси қандай аниқланади?
8. Л.И.Онишчик формуласидан нима аниқланади?
9. Марказий сиқилувчи элементларда мустаҳкамлик шарти қандай ифодаланади ?
10. Эгилувчи элементларда мустаҳкамлик шарти қандай ифодаланади ?

5-ҚИСМ. ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР

15 - БОБ. Ёғочларнинг физик-механиқ хоссалари

15.1. Ёғоч конструкциялар хақида умумий маълумотлар

Ёғоч – қурилишбоп табиий материал бўлгани сабабли, қадимдан инсонлар уни турли бино ва иншоотлар, тураг жойлар (масжид, мақбара, кўпприк ва х.к.) қурилишида ишлатиб келишган.

Ёғочнинг қурилишда кенг қўлланишига сабаб, биринчидан, табиатда унинг заҳираси кўплиги бўлса, иккинчидан, ижобий хусусиятларидир (ишлов бериш осонлиги, енгиллиги, кимёвий агрессив муҳитга чидамлилиги ва бошқалар). Шу билан бирга, ёғочни бинокорликда ишлатилиш жараёнида унинг салбий хусусиятларини ҳам (анизатроплиги, ёниши, чириши, микроорганизмлар таъсирида бузилиши ва бошқалар) хисобга олиш зарур.

XIX-асрнинг охирида яратилган пластмасса эса кимё саноатининг тез ривожланиши ҳамда кўп молекулали бирикмалар ҳосил қилиниши натижасида олинган материал бўлиб бугунги кунга келиб, ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида, хусусан қурилишда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Агар ёғочнинг енгиллиги ва мустаҳкамлиги табиатдан бўлса, пластмассаларнинг бундай хусусиятлари уларнинг таркиби ва кимёвий бирикишларига боғлиқдир. Бино ва иншоотларда ёғоч конструкцияларнинг қўлланилиши, бошқа конструкциябоп материалларга материаллардан кам харажатлар сарфланишига олиб келади. Масалан: елимланган ёғоч конструкция, кимёвий емирувчан муҳитда темир-бетон конструкцияга нисбатан 4-5 марта, металл конструкцияларга нисбатан эса 2-3 марта қўпроқ муддат хизмат қиласи, меҳнат сарфи эса 1,5 маротаба кам бўлади. Бу эса бино ёки иншоот таннархининг камайишига олиб келади. Агар ўрмончиликни рационал олиб борилса, ёғоч заҳираси туганмас бойлиқдир, яъни хар 15-25 йилда ўрмонларни қайтадан экиш натижасида қурилишга яроқли навлардаги дарахт ёғочларни янгидан етиширишни йўлга қўйиш мумкин.

Аммо нотўғри лойиҳаланган ёки қурилган ёғоч иморатларни тез орада чириши, бузилиши ёки ёниши кўпчиликда ёғочнинг чидамлилигига шубха пайдо қилди ва сўнгги йилларда қурилишбоп материал сифатида (ривожланган чет мамлакатлар бундан мустасно) кам ишлатила бошланди. Нормал муҳитда фойдаланилса, ёғоч ўзининг юқори физик-механиқ хусусиятларини бир неча ўн йил эмас, балки юз йиллар антисептик ишловсиз сақлаб қолади. Хозирги кунда қурилишнинг барча соҳаларида ёғоч ва пластмасса конструкциялардан оқилона фойдаланиш энг муҳим масалалардан биридир.

Қурилиш тарихига назар ташласак, ёғочнинг ишлатилиш кўлами жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ибтидоий жамоа даврида оддий иншоотлар қурилган бўлса, қулдорлик даврида ёғочнинг бино ва иншоотларда кўлланилиш кўлами анча кенгайди, бунга биринчидан инсон онгини ўсганлиги сабаб бўлса, иккинчидан иш қуролларнинг тубдан ўзгаришидир (тош қуроллардан металл қуролларга ўтиш).

Феодализм даврида, қурилиш ишлаб-чиқариш технологиясининг ривожланиши, ёғочни асосий конструкциявий материал сифатида ишлатишга олиб келди. Ёғочдан барпо этилган ва шу кунгача сақланиб қолган бино ва иншоотлар фикримизга далил бўлади.

Коломенский қишлоғида 1667-1681 йилларда ёғочдан барпо этилган (Москва остонасида рус подшоси Алексей Михайлович учун қурилган), дунёning саккизинчи мўжизаси деб ном олган сарой; 1774 йилда Кондопогда қурилган баландлиги 42 метр бўлган ибодатхона, И.П.Кулибин томонидан Нева дарёси устига қурилиш учун лойиҳаланган оралиғи 298 метрли равоқли қўприк ва қўплаб иншоотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. XIX асрга келиб, ёғочдан қурилган бино ва иншоотлар кўлами янада кўпайди, булардан алоҳида эътиборлиси қуидагилар: 1817 йилда архитектор Бетанкур томонидан лойиҳаланган оралиғи 48 метрли Москвадаги манежнинг том фермаси; Д.И.Журавский лойиҳалаган 61

метрли Мсту дарёси устига ва оралиғи 54 метрли Веребрю дарёсига қурилған (1842-51 й.) күпприклар ва бошқа иншоотлар.

Ёғоч конструкцияларнинг ривожланишига XIX аср охирида пластмассаларнинг сунъий йўл билан синтез қилиниши катта тўртки бўлди. Кимё саноатининг ривожланиши натижасида турли хилдаги елимларнинг ишлаб чиқарилиши (карбамид, фенолформальдегид, эпоксид, казеин ва бошқалар) ёғоч конструкциялар тарихида енимланган ёғоч конструкциялар даврини бошлаб берди. Ёғочни энг «экологик тоза» конструкциявий материал ҳисоблаган ривожланган чет мамлакатлар (АҚШ, Олмония, Буюк Британия, Чехия, Словакия, Франция, Япония ва бошқалар), Россияда ва Ўқраинада жуда қўп жамоат биноларини лойиҳалашда енимланган ёғоч конструкциялардан кенг фойдаланилади. Мисол тариқасида ораликлари 18-100 метрли енимланган тўсинлар, ром ва равоқлар билан ёпилган турли спорт саройлари, кўргазма бинолари, кинотеатр ва театр бинолари, турли хилдаги иншоотларни келтириш мумкин. АҚШнинг, «Вайерхозер» фирмаси енимланган ёғоч конструкциялардан фойдаланиб, диаметри 257 метрли ёпик спорт саройининг лойиҳасини яратди ва уни Портленд, Филодельфия, Детройд ва Янги Орлеан шаҳарларида қурилған иморатларга татбик этди.

15.2. Ёғоч конструкция материалларининг физик – механиқ хоссалари

Ёғоч табиий органиқ материал бўлиб, табиатда унинг минглаб турлари учрайди. Ёғоч дарахт баргларига қараб икки катта гурухга ажратилади: игнабаргли ва япроқлилар.

Ёғоч учун асосий хом ашё материал ер юзи бўйлаб кенг тарқалган ўрмонлар бўлиб, улар қуруқликнинг учдан бир қисмини эгаллайди. Ўрмонлар, асосан, Европа, Осиё ва Америка қитъаларида жойлашган, улардаги дарахт турлари ҳар хил. Қурилиш учун асосий хом ашё материал ҳисобланган игнабаргли ўрмонлар МДХ давлатларида умумий ўрмонларнинг 78%-ини ташқил этади (16%-қарагай, 11%-арча, 3,5% - пихта, 5% - кедр ва бошқалар).

МДҲ давлатларида ўрмонларни кесиш 800 млн.м³-ни ташқил этиб, унинг ярими қайта ишланади. Ўрмонларнинг ўсиши ҳажми ҳам МДҲ давлатларида жуда паст: йилига 1 га майдоннинг ўсиши 1,25 м³-ни ташқил этади (бу кўрсаткич АҚШда – 1,5; Швецияда – 2,1, Германияда – 4,0, Данияда – 6,6-ни ташқил этади) бунинг асосий сабаби ўрмонзорлардаги иқлим шароити, дараҳтлар вегетация даврининг давомийлигига боғлиқ.

МДҲ давлатларида ўрмонларнинг умумий захираси 80 млрд.м³-ни ташқил этади, лекин ўрмончиликка хўжасизларча бўлган муносабат ёғоч хом ашёсининг ханузгача камёблигига олиб келмокда.

Марказий Осиёда ўрмонлар жуда кам. Майдоннинг кўп қисми тоғликлар, сувсиз қумли ва гилли ерлар - тақирлардан иборатdir. Зах кўп тўқайзорларда асосан тол, терак ва бошқаларни учратиш мумкин. Ғарбий Тяншаннинг жанубий ён бағирликларида ёнгоқзорлар, тоғлар ён бағирларида арчазорлар мавжуд. Чўлларда асосан, қурилишга яроқсиз саксовуллар учрайди.

Ўзбекистон Республикаси хукуматининг теракзорлар барпо этиш хақидаги қарори ёғоч хом материалини кўпайтиришга қаратилган бўлиб, теракнинг конструкциявий навларини қурилишда кенг ишлатишга олиб келади.

Ёғочнинг макро ва микро стрўқтурасини кўриб чиқадиган бўлсак, дараҳт танаси органиқ модда бўлиб, асосан, икки хил «прозенхим» ва «паренхим» хужайралардан иборатdir. Прозенхима – грекча сўз бўлиб, «проз» – чўзик ва «енхима» – тўлдирилган маънони англатади: иккинчиси - «паренхима», яъни лотинча «пар» – бир хил ва «енхима» - тўлдирилган деган маънони англатади.

Прозенхим хужайраларига кўпроқ чўзик тўқималар мансуб бўлиб, улар трахеидлар дейилади: улар ёғочнинг 90% ҳажмини ташқил этади. 1 см³ ёғочда 420000 дона трахеидлар жойлашади.

Ёғочнинг кимёвий таркиби асосан углерод, водород, кислороддан иборат бўлиб, оз миқдорда бошқа кимёвий элементлар ҳам учрайди. Ёғочнинг асосий таркибий қисмини целлюлоза, гемицеллюлоза лигнинлар ташқил қиласди.

Целлюлоза-ёғоч ҳажмининг 60%ни ташқил қиласа, қолган қисмини лигнин ва гемицеллюлозадан иборат. Дарахтнинг макроструктурасини ўрганиш учун учта кесимини кўриб чиқиш етарли – кўндаланг, бўйлама ва тангенциал (15.1-расм). Оддий кўз билан ёғочнинг кесимида қуидагиларни кўрамиз:

Ёғочнинг йиллик ҳалқалари баҳорги юмшоқроқ (эртанги) ва қаттиқроқ (кечки) қатламлардан иборат бўлиб, унинг мустаҳкамлиги, асосан, кечки ёғоч хисобига бўлади.

Ёғоч хужайраси таркибидаги қатрон (смола) ва ранг берувчи модда унинг рангини белгилайди. Ўсиш минтақасига қараб, Дарахтнинг ранги ҳар хил бўлади. Иссиқ жанубий ўлкаларда ўсадиган дарахтлар очроқ бўлса, мўътадил ўлкалардагилариники қорамтироқ бўлади.

Игнабаргли дарахтлар таркибида қатрон кўплиги уларни намлик ва чиришга чидамлилигини оширади, шунинг учун уларни барча бино ва иншоотлари (турап-жой, саноат, жамоат бинолари, гиэротехник иншоотлар)да қўллаш мумкин.

Япроқли дарахтларнинг кўпчилик навларида қатламларининг тўғрилиги, кўзларининг кўплиги натижасида игнабаргиларга нисбатан чиришга чидамсизdir.


Курилиш фанераси учун асосий хом ашё қайнин ҳисобланади. Тоғ терак, терак ва бошқа юмшоқ япроқлиларнинг мустаҳкамлиги паст ва чиришга чидамсиз бўлгани сабабли иншоотларнинг камрок юкланадиган қисмларида ишлатилади.

Курилишда ишлатиладиган ёғоч материаллар қайта ишланган (тилинган, ёғоч-тахталар) ва ишланмаган (ғўла) турларга бўлинади.

Доиравий кесими ёғоч-ходалар учининг диаметрига қараб қуидагича бўлинади: ингичка-диаметрли 100 мм дан кам; ўртача диаметрли 100-130 мм гача; йўғон диаметрли 130-260 мм. Ёғоч ходаларнинг меъёрий узунлиги: 4000, 4500, 5000, 5500, 6000, 6500 мм бўлади, ундан узунлари 9500 мм гача маҳсус буюртма асосида тайёрланади.

Ходалар табиий чиғир шаклига эга бўлиб, узунлиги бўйлаб диаметрининг қисқариб бориши ҳар бир метр учун 8 мм ни ташқил этади.


Ёғоч сифатига қараб ходалар тўрт навга бўлинади. Хар бир нав ёғоч учун рухсат этилган нуқсонлари бўлади: ёғоч танасининг меъёрий шаклдан четга чиқиши, тана эгрилиги, бутоқлар, дарзлар ва бошқалар.



15.1-расм. Ёғочнинг кесимлари бўйича кўриниши.

1-пўстлоқ; 2-пўстлоқ ости қатлами; 3-яңги ҳосил бўлган ёғоч; 4-ядро; 5-ўзак; 6-йиллик халқалар; 7-ўзак илдизлари.

Ёғоч устки қатламининг моғорлаши уни хеч қайси навга қўшиб бўлмаслигига олиб келади. Ходаларни бўйламасига тилиш йўли билан тахта ёғоч материаллар олинади, улар кўндаланг кесимига қараб (расм 15.2) қуидагиларга бўлинади: 1 – йўнилган ғўла; 2 - ярим ғўла; 3 - думалоқ сиртли тахта (горбиль); 4 - чала йўнилган чорқирра; 5 - тоза йўнилган чорқирра; 6 - четлари йўнилмаган тахта; 7 - четлари йўнилган тахта; 8 - чорак ғўла; h - тахта қалинлиги, b - тахта эни.



15.2-расм. Ёғоч буюмларнинг кўндаланг кесимлари.

Агар тилингандын ёғоч материалларнинг эни (кенглиги) унинг қалинлигидан икки марта күп бўлса (қалинлиги 100 мм-гача бўлганда) тахта дейилади, акс холда чоркирра деб юритилади. Тилингандын материалларнинг қалинлиги 35 мм га бўлса юпқа, 40 мм-дан бошлаб, қалин деб юритилади.

Тилингандын (арраланган) ёғоч материаллариги иғнабаргли (қарағай, окқарағай, қорақарағай, тилоғоч, арча ва япроқли эман, заранг, шумтол, граб, ильс, қайнин, тоғтерак, қайриғоч, терак, жўқа) дарахтлардан тайёрланади.

Япроқли қаттиқ дарахтлардан тилингандын тахталар узунлиги 5000 – 6500 мм (100 мм қадам билан) юмшоқ япроқлилар ва қайниндан 2000-6500 мм (250 мм қадам билан) гача тайёрланади.

Тилоғочдан тилингандын тахталар қалинлиги 13, 16, 19, 22, 25, 28, 32, 40, 45, 50, 60, 65, 70, 75, 80, 90, 100 мм, эни (тўрт томони тилингандын) 60, 70, 80, 90, 100, 110, 130, 150, 180, 200 мм қилиб тайёрланади.

Иғнабарглилардан тилингандын тахта ва чорқирралар узунлиги 1000-(6500 мм гача 250 мм) қадам билан тайёрланади, уларни кўндаланг кесим юзаси маҳсус жадвалда берилади (ГОСТ 24454-80). Япроқлилардан тайёрган ёғоч материаллар учта навга, иғнабарглилардан тилингандын бешта навга бўлинади. Булардан энг сараси олий нав, қолганлари 1, 2, 3, 4 навлар деб юритилади.

Уларга, асосан, қуйидагилар киради: шишапластиклар, ёғоч қатламли пластиклар, сотопластлар, органик шиша, винипласт ва бошқалар.

Ёғоч асосида тайёрланадиганларга қуйидагилар киради: қурилиш фанераси, ёғоч қатлами пластик (ДСП); ёғоч - қиринди тахталар (ДСП); ёғоч-толали плиталар (ДВП).

Қурилиш фанераси қайнин ва тилоғочнинг пайрахасини (шпон) 0,7 МПа-гача босим остида елимлаш йўли билан олинади. Фанеранинг ташки қатлами **куйлак-сирт қатлам**, ичкиси **ўрталик-магиз қатлами** деб аталади. Фанерани ФБ бакализацияланган (фенолформальдегид қатронида елимланган), ФБС (бакализацияланган спиртда эритилган елимда елимланган) – юқори мустаҳкам ва

ФБСВ (куйлаги спиртда эритилган елимда, ўрта қатламлари сувда эритилган елимда енимланган) турлари ишлаб чиқаради.

Ёғоч қатламли пластиклар (ДСП) зичлиги $1,3 \text{ т}/\text{м}^3$ бўлиб синтетик (фенолформальдегид, креозольноформальдегид ва бошқалар) елимлар шимдирилган ёғоч пайрахаларининг бир неча қатламларини 20 МПа босимда иссиқлайн зичлаш усулида тайёрланади. Ёғоч қатламли пластикларнинг ДСП-Б маркаси масулиятли бинокорлик конструкцияларида, ДСП-В маркаси масулияти чекланган конструкцияларда, ДСП-А ва ДСП-7 маркалари авиасозлик ва машинасозликда қўлланилади.

Ёғоч қиринди тахталар. Бу хил тахталар ёғоч чиқиндиларини (ёғоч кукуни, қипик, қириндиги) фенолфоъмальдегид елимида иссиқлайн зичлаш усулида олинади. Бундай тахталар бир ва уч қатламли, пайраха билан пардозланган ва ғовакли қилиб ишлаб чиқарилади.

Ёғоч толали тахталар ДВП – ёғоч тола массаси канифолр эмулсияси ва фенолформалдрегид қатрони билан шимдирилиб, иссиқлайн зичланади. Бундай тахталар тўрт турда: ўта қаттиқ (зичлиги $0,95 \text{ т}/\text{м}^3$) қаттиқ, ўртача қаттиқ ва изоляциябоп ($V=0,8 \text{ т}/\text{м}^3$) қилиб ишлаб чиқарилади, уларнинг биологик турғунлигини ошириш учун таркибига антисептиклар ва гидрофобизаторлар кўшилади. Бундай тахталар кам намланадиган биноларнинг ички девори, шифт ва йиғма деворларини қоплашда ишлатилади.

Ёғочнинг ҳажмий оғирлиги. Ёғоч найсимон-толали тузилишга эга бўлиб унинг зичлиги дараҳт навига, ўсиш муҳитига, намлигига қараб $400-1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташқил этади. Куруқ (намлиги 12%) қарагайнинг зичлиги $500 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади.

Ёғоч жуда кичик иссиқлик ўтказиш коэффициентига эга, шунинг учун уни тўсиқ конструкция сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Ёғочнинг ҳароратдан чизиқли кенгайиш коэффициенти ҳам жуда кичик бўлиб, бу толаларнинг йўналишига ҳам боғлиқ бўлади. Ёғочдан қурилган

иморатларда харорат чокини қўймаслик ёки конструкциялар таянчларини кўзғалмас қилиб лойиҳалаш ҳам мумкин.

Ёғочнинг **механиқ хоссалари** ташқи юк таъсиридан. Яъни стандарт намуналарни синаш ва натижаларни статистик тахлил этиш орқали аниқланади. Тоза, нуқсонсиз ёғоч намунанинг толалар бўйлаб ва толаларга тик йўналишда чўзилишга, сиқилишга, кўндаланг эгилишга, ёрилишга ва эзилишга мустаҳкамлигини аниқлаш лаборатория шароитида амалга оширилади. Синаш натижаларининг ўртача статистик миқдори бўйича ёғочнинг механиқ хусусиятлари белгиланади.

Ёғочнинг табиий нуқсонлари бутоқлар, дарзлар, дараҳт танасининг қийшиклиги ва бошқалар ёғочнинг механиқ хусусиятларига таъсир кўрсатади, шунинг учун лойиҳалаш ва қуриш даврида уларга катта аҳамият бериш лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР

1. Ёғочлар ва пластмассалар қандай таснифланади?
2. Ёғоч қайси вақтдан бошлаб қурилишда қўлланила бошлаган?
3. Нева дарёси устига равоқсимон кўприк лойиҳасини ким таклиф қилган?
4. Ўрмонларнинг ўсиш ҳажми МДҲ давлатлари ва ривожланган чет мамлакатларда қандай?
5. Курилиш фанераси учун қайси дараҳт энг яхши хом материал ҳисобланади?
6. Курилишбоп пластмассалар, қандай турларда полимерлардан тайёрланади?
7. Ёғоч ва пластмассаларнинг физик хоссалари нималардан иборат?
8. Ёғоч ва пластмассаларнинг механиқ хоссалари нималардан иборат?
9. Ёғочнинг ҳажмий оғирлиги қандай намлиқда аниқланади?
10. Ёғочнинг механиқ хоссаларини ўрганиш учун қандай намуналар ишлатилади?

16-БОБ. Ёғоч конструкцияларни ҳисоблаш асослари

16.1. Ёғоч элементларнинг марказий чўзилиш ва сиқилишга, номарказий сиқилишга ҳисоби

Марказий чўзилувчи элементларнинг мустаҳкамлиги қуидаги ифода орқали текширилади.

$$N(10)/A_{hm} m_p < R_p \quad (16.1.)$$


бунда: N – ҳисобий зўриқиши, кН;

A_{hm} – элементнинг соғ (нетто) кесим юзаси, cm^2 ;

$m_p=0,8$ -кучланишлар концентрациясини ҳисобга оловчи коэффициент;

10 – бирликлар нисбатини ҳисобга оловчи коэффициент.

Чўзилувчи элементларда заифлашган кесимни аниқлашда, элементни узунлиги бўйича 20 см-да масофаларда жойлашган барча заифликлар шартли равишда бир кесимга келтирилади ва соғ (нетто) юза аниқланади (16.1-расм).



16.1-расм. Марказий чўзилишга ҳисоблашда кесим юзасини аниқлаш схемаси

Марказий чўзилиш (сиқилиш) га ишлайдиган элементлар узунлигига қараб мустаҳкамлик ёки устуворликка ҳисобланади.

Элементнинг узунлигининг унинг кесим юзаси баландлигига нисбати еттидан кичик бўлса ($l/h < 7$) бундай элементлар калта ҳисобланиб, мустаҳкамликка текширилади:

$$N_c(10) / A_h \ m_i \leq R_c \quad (16.2)$$

бунда: N_c – марказий сиқувчи ҳисобий зўриқиши, кН;

A_h – элементнинг соғ кесим юзаси, см^2 ;

m_i – сиқилувчи элементнинг иш шароити коэффициенти;

R_c – ёғочнинг сиқилишга ҳисобий қаршилиги, МПа.

Агар элементнинг узунлиги $l \times h > 7$ нисбатни қаноатлантируса, унда бундай элементлар узун ҳисобланиб, уларнинг устурворлиги қуидаги ифода орқали текширилади.

$$N_c(10) / m_i \ \varphi \ A_x \leq R_c \quad (16.3)$$

бунда: A_{xp} – элементнинг ҳисобий кўндаланг кесим юзаси см^2 ,
куидагича аниқланади; агар кесим заифлашмаган бўлса, ўйик ёки кемтиклар четга чиқмаса (16.2а-расм) ёки $A_x < 0,25A_{\delta p}$ бўлса, $A_x = A_{\delta p}$; агар $A_x > 0,25A_{\delta p}$ бўлса
 $A_x = \frac{3}{4}A_h$; агар заифлаштирувчи кемтиклар кесим четига чиқса (16.2.б- расм) $A_x = A_h$.

Агар элементларда носимметрик юза четига чиқувчи заифлаштирувчи кемтиклар бўлса, унда элемент номарказий сиқилишга ҳисобланади. (16.3.) формуладаги φ -бўйлама эгилиш коэффициенти элементдаги критик кучланишнинг материалнинг сиқилишга мустаҳкамлик чегарасига нисбати билан белгиланади (φ_{kp}/R_c); одатда бу коэффициент бирдан кичик ёки тенг бўлиб, материалнинг мустаҳкамлик хусусиятидан тўлиқ фойдаланиш даражасини кўрсатади. Кўп ўтказилган тажрибалар натижасида материал эластиклик қовушоқлик модулининг, мустаҳкамлик чегарасига нисбати ўзгармас миқдор эканлиги, яъни $\varphi^2 \varphi / R = \text{const}$ қайд этилган. Бу қиймат ёғоч учун 3000; қурилиш фанераси учун 2500; ёғоч пластиклар ДСП-5 учун 1380; ДСП-В учун 110 ва ҳоказо қийматларни ташқил

этади. Бўйлама эгилиш коэффициенти эгилувчанликка боғлиқ холда қуидагича аниқланади:

агар $\lambda < 70$ бўлса;

$$\varphi = 1 - 0,8 (\lambda / 100)^2, \quad (16.4)$$


агар $\lambda > 70$ бўлса;

$$\varphi = 3000 / \lambda^2. \quad (16.5)$$

Элементларнинг эгилувчанлиги уларнинг ҳисобий узунлиги ва кесим юзасининг инерция радиусига боғлиқ бўлиб, қуидаги ифода орқали элемент аниқланади:

$$\lambda = l / r_{min}, \quad (16.6)$$

Бу ерда $l_x = l \cdot \mu$ - элементнинг ҳисобий узунлиги, l - элементнинг геометрик узунлиги; μ элементларнинг таянчларида маҳкамланишига боғлиқ бўлиб, унинг қийматлари материал турига қараб белгиланади (16.3-расм).




16.2-расм. Марказий сиқилувчи элементлар.

а) қиррага чиқмаган ўйик; б) қиррага чиққан симметрик ўйик.

Элемент кесимининг инерция радиуси қуйидагича аниқланади

$$r = \sqrt{\frac{I_{\text{op}}}{A_{\text{op}}}}, \text{ тўғри тўртбурчак кесимли юза учун } r = 0,289 h \text{ ва доиравий кесим учун}$$

$$r=0,25d.$$



16.3-расм. Марказий сиқилувчи ёғоч элементларнинг таянчларда маҳкамланиш коэффициенти қийматлари

Сиқилиб-эгилувчи ёки номарказий сиқилувчи элементлар деб, бир вақтнинг ўзида бўйлама куч таъсирида сиқилиб, эгувчи момент таъсиридан эгиладиган элементларга айтилади. Бундай элементлар профессор К.С.Завриев томонидан таклиф этилган кесим чеккаси кучланиши назарияси асосида хисобланади. Бу назарияга асосан юқори соҳадаги сиқилувчи максимал кучланиш, элемент материалининг хисобий қаршилигидан ошиб кетмаслиги лозим. Бу назариянинг устиворлик назариясига нисбатан аниқлиги оз бўлсада, оддий усуслиги туфайли қурилиш амалиётида ишлатишга қулайдир.

Сиқилиб-эгилувчи элементларнинг мустаҳкамлиги қуидаги формула бўйича текширилади:

$$\sigma = N/A_x + M_{\text{def}}/W_x \leq R_c, \quad (16.7)$$

бунда $M_{\text{def}}=M_o/\zeta$ бўлиб,

$$\zeta = 1 - \lambda^2 N / 3100 A_{\delta p} R_c$$

ζ -бўйлама N кучдан ҳосил бўлган қўшимча моментни ҳисобга олувчи коэффициент; M_o - ташқи юқдан ҳосил бўлган эгувчи момент;

R_c - материалнинг сиқилишга ҳисобий қаршилиги.

16.2. Эгилувчи элементларни ҳисоби

Эгилишга ишловчи ёғоч элементлар-тўшамалар, панжаралар, қопламалар, стропил оёклари, вассатўсинлар, тўсинлар бино ва иншоотларда кенг қўлланилади, уларни тўғри лойиҳалаш материалларни тежаш имконини беради, хамда иншоотларни ишончли ишлашини таъминлайди.

Эгилишга ишловчи элементлар хар икки гурух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисобланади (мустаҳкамлик ва бикирлик). Биринчи гурух чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашда шартли равишда иккита меъёрий чекиниш қабул қилиб олинади: биринчидан материалларнинг чўзилиш ва сиқилишда эластиклик модули тенг $E_c = E_q$, иккинчидан, кучланишларнинг кесим баландлиги бўйича ўзгариши чизиқли деб ҳисобланади.

Оддий эгилишда элементларнинг мустаҳкамлиги қуидаги ифода бўйича текширилади:

$$\sigma = (10)M_{\text{max}}/m_u W_x \leq R_u \quad (16.8..)$$

Бунда: M_{max} - максимал эгувчи момент, кН.см;

m_u - элементнинг эгилишдаги иш шароити коэффициенти;

W_x - элементнинг ҳисобий қаршилик моменти, см³

R_u - материалнинг эгилишга ҳисобий қаршилиги, МПа.

Оддий эгилишда элементларнинг кесим юзасидаги энг катта эгувчи момент орқали қуидаги ифода орқали аниқланади.

$$W_{m.k.} = M_{max}/0,1R_4 \quad (16.9.)$$

бу ерда $W_{m.k.}$ - кесимни талаб қилинган қаршилик моменти, см^3

Қаршилик моменти орқали қўндаланг кесим ўлчамлари, ёғоч буюмлар рўйхати (сортамент) бўйича танланади;

масалан: чорқирра кесим баландлиги:

$$h_{t.p.} = \sqrt{6W_{m.k.}/b} \quad (16.10)$$

Ёғоч элемент учун танланган кесимнинг қаршилик моменти талаб қилинган қаршилик моментидан бироз катта бўлиши мумкин.

Қўндаланг эгилишга ишловчи элементларда таянч кесимидағи максимал кесиб ўтuvchi кучдан уринма кучланиш қуидаги формула орқали аниқланади:

$$\tau = (QS_{\delta p}/I_{\delta p} b_p) 10 R_{ck}, \quad (16.11)$$

бунда Q - максимал кесиб ўтuvchi куч, кН;

$S_{\delta p}$ - кесимнинг силжувчи қисмини нейтрал ўққа нисбатан статик моменти, см^3 ;

$I_{\delta p}$ - кесимнинг инерция моменти, см^4 ;

b_p - кесимнинг ҳисобий эни, см;

R_{ck} - ёғочнинг ёрилишга бўлган ҳисоб қаршилиги, МПа.

Эгилувчи элементлар бикрликка иккинчи чегаравий ҳолатлар бўйича ҳам текширилади:

$$A_0 = KP_n l^3/EI_{\delta p}, \quad (16.12)$$

бу ерда: K – юкланиш турига боғлиқ коэффициент бўлиб текис ёйилган юк учун $K = 5/384$.

Кичик эластиклик модулига эга бўлган пластмасса элементлар учун бикрлик қуидагича топилади.

$$A = A_0[1 + c(h/l)^2] \quad (16.13)$$

бунда: A_0 -сурелишни ҳисобга олмасдан топилган нисбий эгилиш.

Қийшиқ эгилиш деб, юкнинг таъсир этувчи текислиги, элемент кесим юзасининг бош симметрия ўқига тўғри келмаганда ҳосил бўладиган эгилишга айтилади.

Бундай ҳолатда таъсир этаётган зўриқиши кесимнинг асосий ўқлари бўйлаб ташкил этувчиларга ажратилади ва элементдаги кучланиш қуидагича аниқланади.

$$\sigma = M_x/W_x + M_y/W_y \leq R_s , \quad (16.14)$$

Бунда: $M_x = g_x l^2 / 8$; $M_y = g_y l^2 / 8$ - ўқлар бўйича таъсир этувчи юклардан ҳосил бўладиган эгувчи моментлар.

Элементда ҳосил бўладиган солқилик ўқлар бўйича ҳосил бўлган солқиликнинг геометрик йифиндисидан иборат бўлиб, рухсат этилган қийматдан кичик бўлиши лозим:

$$A = \sqrt{f_x^2 + f_y^2} \leq [f] \quad \sqrt{t_x^2 + t_y^2} \quad (16.15)$$

Кесимли доиравий ва квадрат шаклдаги элементларда қийшиқ эгилиш ҳосил бўлмайди.

Чўзилиб-эгилувчи элементларида бўйлама чўзувчи куч таъсиридан ҳосил бўладиган қўшимча эгувчи момент, ташқи юқдан ҳосил бўлган эгувчи момент йўналишига тескари бўлиб, элементдаги ҳисобий моментнинг камайишига олиб келади. Лекин ёғочнинг табиий нуқсонлари унинг чўзилишга мустаҳкамлигига катта таъсир этади. Чўзувчи кучдан ҳосил бўладиган эгувчи моментни ҳисобга олмай, элементнинг мустаҳкамлиги қуидаги формула бўйича текширилади.

$$\sigma = N_p/A_{hm} + M_q/W_{hm} \leq R_p \quad (16.16)$$

бу ерда: N_p - элементга таъсир этувчи чўзувчи куч, кН;

R_p - элемент материалини чўзилишга ҳисобий қаршилиги, МПа.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Конструкцияларни чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблашнинг мохияти нимада?
2. Биринчи гурух чегаравий ҳолатлар бўйича конструкциялар қандай ҳисобланади?
3. Иккинчи гурух чегаравий ҳолатлар бўйича конструкциялар қандай ҳисобланади?
4. Марказий сикилган ва чўзилган элементлар қай тарзда мустаҳкамликка ва устиворликка текширилади?
5. Номарказий сикилган элементларнинг мустаҳкамлик бўйича хисоблаш?
6. Ёғоч элементларда кўндаланг эгилишдаги нормалар ва уринма кучланишлар қандай аниқланади?
7. Кўндаланг эгилишдаги солқилик қандай топилади?
8. Қийшиқ эгилишда солқилик қандай аниқланади?
9. Сиқилиб эгилувчи элементларнинг мустаҳкамлиги қандай текширилади?
10. Сиқилиб-эгилувчи элементларда қандай эгувчи моментлар ҳосил бўлади?

17- боб. Ёғоч конструкциялар бирикмалари

17.1. Ёғоч конструкциялар бирикмаларининг турлари

Яхлит ёғоч буюмларининг кўндаланг кесим ўлчамлари ва узунлиги турли техник шартлар бўйича чекланган. Шунинг учун бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи ва тўсин конструкциялари кичик ўлчамдаги буюмлардан хар хил бириктириш йўллари билан тузилади. Жумладан, жипслаштириш-кўндаланг кесим ўлчамларини катталаштириш учун, улаб узайтириш-буюмни узунлигини орттириш учун тугунли бириктириш эса буюмларни бурчак остида улашда қўлланилади.

Ёғоч элементларини бириктириш елим, болт михлар ёрдамида, ўйиб улаш, япасқи поналар, елимланган ўзаклар ёрдамида амалга оширилади.

Бириктириш жараёнига қараб, бирикмалар заводда ёки қурилиш майдонида бажарилиши мумкин. Елимли бирикмалардан ташқари барча бирикмалар кўчувчанлик хоссасига эга, шунинг учун уларни ҳисоблашда юк таъсиридан 0,2 дан 2,0 мм гача ўзаро силжишга рухсат этилади.

Бирикманинг силжувчанлиги эзилиш ва эгилиш деформациясига боғлиқдир.

Қовушқоқ ва юмшоқ шакл ўзгаришидан ташқари бирикмаларда бирикманинг юк кўтариш қобилияти чегарасида ёғочга хос қолдиқ шакл ўзгариш кузатилади. Уларнинг сезиларли қисмини дастлабки юкланишда содир бўладиган бошланғич шакл ўзгариши ташкил этади. Бирикмаларни лойиҳалашда ва тайёрлаш жараёнида бошланғич шакл ўзгаришини камрок бўлишига интилса, бирикманинг жипслиги таъминланади.


Конструкциянинг ишлаш шароитини ўрганишда унинг бузилиш сифати катта аҳамиятга эга. Агар бузилиш юмшоқ шакл ўзгаришининг кучли ривожланиши билан аста-секин юз берса, бирикма **мўртмас** деб аталади. Бузилиш тўсатдан содир бўлса, бундай бирикма **мўрт** деб аталади. Бундай бузилиш ёғочнинг кучиши ва ёрилишидан ёки толаларнинг эзилишидан содир бўлади, мўртмас бирикмаларда эса мустаҳкамлик эзилишга боғлиқ (17.1-расм). Агар эгри чизик ҳосил қилган ишни A_x ва A_b билан белгиласак, мўртмас бирикманинг солиштирма иши мўрт бирикманинг солиштирма ишидан катта:

$$A_b/P_b > A_x/P_x$$

Шунинг учун мўртмас бирикма такрорий юклангандан, унинг қаршилиги кафолат билан ишончни оқлади. Конструкцияларнинг бир қисмининг кам юкланиши, иккинчи қисмининг эса ҳаддан ташқари ортиқ зўриқиши натижасида мўрт бузилиш содир бўлади.

Силжувчан мўртмас бирикмалар конструкцияларнинг барча қисмига зўриқишини бир текис тақсимлаши эвазига бирикманинг ишончли ишлаш кафолатини беради.

Бирикманинг мустаҳкамлигини текширишда, ёғочнинг бутоғи, дарзи, қийшиқ толалиги каби нуқсонларига эътибор бериш керак. Нуқсонларнинг таъсири кам сонли мустаҳкам боғловчили бирикмада кўпроқ бўлади. Шунинг учун бирикмаларда зўриқишлиарни текис тарқатиш мақсадида кўп сонли майда боғловчилардан фойдаланиш керак. Бу ўз навбатида кўчиб-силжиш текисликлари сонини кўпайтириб, ёрилишдан ва синищдан содир бўладиган хавфни анча камайтиради (17.1-расм).



17.1-расм. Боғловчилар сонининг бирикма муртлигига таъсири графиги

Бирикмадаги барча боғловчилар бир турда бўлиши ва бир хил бикрликка эга бўлиши ҳамда улар элемент ўқига нисбатан симметрик жойлашиши, қўшимча зўриқиши ҳосил қиласлиги керак. Буюмнинг бириккан жойида кесим юзасини камроқ бўшаштиришга интилиш керак.

Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тайёрлаш ва йигиш содда, текшириб турилиши қулай бирикмалар афзал ҳисобланади.

Ёғоч конструкциялари элементларининг бирикмалари ҳисоби ҚМК 2.03.08-98 га мувофиқ олиб борилади. Алоҳида боғловчи ёки бирикмага таъсир этувчи ҳисобий зўриқиши, уларнинг юк кўтариш қобилиятидан ортмаслиги керак.

Ҳисоблаш жараёнида зўриқишилар боғловчиларнинг юк кўтариш қобилиятига мос равишда тақсимланади деб фараз қилинади.

Бирикмаларда зўриқишининг бир қисмини бевосита, бошқа қисмини боғловчи орқали ўтказишга рухсат этилмайди. Бирикманинг ва унда қўлланилган боғловчининг турига қараб боғланувчи материалда эзилиш ва ёрилиш, боғловчида эса эгилиш содир бўлади.

Бирикманинг юк кўтариш қобилияти қуидаги шартлари орқали ҳисобланади: ёғочнинг эзилиш шарти бўйича

$$N_{cm} \leq T = R_{cka} A_{cm}; \quad (17.1)$$

ёғочнинг силжишда ёрилишнинг шарти бўйича:

$$N_{ck} \leq T = R_{cka}^{cp} A_{ck}; \quad (17.2)$$

боғловчининг эгилишга ишлаш шарти бўйича

$$N_n \leq T_\alpha;$$

бу ерда: N_{cm} , N_{ck} – эзувчи, силжитиб-ёрувчи ҳисобий зўриқишилар; T – бирикманинг ёки алохига олинган боғловчининг ҳисобий юк кўтариш қобилияти;

R_{cka} – ёғочнинг бурчак остида эзилишга ҳисобий қаршилиги;

A_{cm} ; A_{ck} - эзилиш ва ёрилиш ҳисобий юзаси;

$N_n = P \chi n$ - бир дона боғловчи учун ҳисобий зўриқиши (Р-силжиш юзаси бўйича зўриқишилар йифиндиси);

n - силжишдаги боғловчилар сони;

T_u - эгилишга ишловчи боғловчининг юк кўтариш қобилияти;

R_{cka}^{cp} - бурчак остидаги силжитиб-ёрилиш юзаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилик:

$$R_{cka}^{cp} = \frac{R_{cka}}{1 + \beta \frac{l_{ck}}{e}}; \quad (17.3)$$

бу ерда: R_{cka} - толалар йўналишига нисбатан бурчак остида ёғочнинг ёрилишга ҳисобий қаршилиги; β -силжитувчи зўриқишининг қўйилиш шароитига боғлиқ

коэффициент: $\beta = 0,25$ - ёрилиш симметрик бўлганда; $\beta = 0,125$ – ёрилиш бир ёклама бўлганда; l_{ck} - силжиш юзасининг ҳисобий узунлиги; -силжитувчи зўриқишилар елкаси.


Зарур деб топилса, бирикманинг қўшимча элементлари ҳам ҳисобланади. Бундай элементларга хавфсизлик болти, қопламалар, қистирма, ёстиқчалар ва бошқалар киради.

Бирикувчи элементлар заиф кесим бўйича мураккаб қаршиликка, чўзилишга, сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги текширилади.

Ишқаланиш кучининг ёрдамчи таъсири доимий эмаслиги сабабли у ҳисоблаш пайтида эътиборга олинмайди. Бирикманинг мустаҳкамлиги фақат ишқаланиш кучи орқали таъминланса, сиртлардаги босим доимий бўлиб, динамик таъсир бўлмаган холда ишқаланиш кучлари ҳисобга олинади. Бунда ишқаланиш коэффициентлари: толалари параллел-сиртлар учун 0,2, толалари ўзаро тик сиртлар учун 0,3га teng деб қабул қилинади. Агар ишқаланиш кучи конструкциянинг ишлаш шароитига салбий таъсир кўрсатса ва буюмларда ортиқча кучланиш пайдо қиласа, ишқаланиш коэффициенти 0,6 ga teng қилиб қабул қилинади.

17.2. Бевосита ва ўйиб бириктириш


Бевосита бирикма ёғоч конструкцияларда кенг қўлланилади ва сиқилувчи ёғоч элементдан зўриқишини иккинчисига бурчак остида ёки элемент ўқи бўйлаб узатишда қўлланилади. Бундай бирикмалар ферма белбоғининг оралиқ ва таянч тугунларида (17.2-расм), текис ва фазовий мураккаб конструкция элементлари туташмаларида кенг тарқалган. Ўйиб бириктириш хода ва чорқирралардан ясалган конструкцияларда қўлланилади. Ўйиб бириктириш бир ва икки тишли бўлиши мумкин; содда ва ишончли ишлаши учун бир тишилиси кенг тарқалган. Эзилиш текислиги таъсир кучига нисбатан 90° бурчак остида бўлади, туташувчи элемент ўқи эса шу юза марказидан ўтиши керак. Бу тадбирга кўра, ёрилиш текислиги бўйича ишқаланиш кучи содир бўлади, натижада бирикманинг силжишга яхши ишлаши таъминланади (17.3-расм).



17.2-расм. Бир тишли ўйиб бириктириш:

1-остки белбоғ; 2-устки белбоғ; 3-белбоғ ости тахтаси; 4-хавфсизлик болти;

5- белбоғлар орасидаги тиркиш(2мм)



17.3-расм. Бевосита ва ўйиб бириктириш:

а-ярим тахтали; б-қия кесилган; в-ярим тахтали жипслашган;

г-шиплар билан жипслашган

Ўйма чуқурлиги элемент баландлигининг $1/3$ улусидан ошмаслиги, чорқирра учун 2 см дан, ходалар учун 3 см дан кам бўлмаслиги керак. Оралиқ тугунларда эса ўйма чуқурлиги баландликнинг $1/4$ улусидан ортмаслиги керак, силжиб-ёрилиш текислигининг узунлиги (l_{ck}) ўйманинг 10 баробар катталигидан ошмаслиги ва $1,5h$ дан кам бўлмаслиги керак. Ферманинг таянч тугуни учун ўйманинг ҳисобий чуқурлиги 12.1 формулага мувофиқ аниқланади.

$$h_{cp} = (N_c cps \varphi) / R_{cm\alpha} \cdot \epsilon \quad (17.4)$$

Силжиб-ёрилиш юзасининг ҳисобий узунлиги 17.2 формулага мувофиқ аниқланади:

$$l_{ck} = \frac{N_c \cos \alpha}{R_{ck}^{cp} \cdot \epsilon} , \quad (17.5)$$

бу ерда: N_c - устки белбоғ зўриқиши, кН; α - устки ва остики белбоғ орасидаги бурчак; $R_{cm\alpha}$ - α бурчак остидаги ҳисобий қаршилик, МПа; R_{ck}^{cp} - ёрилиш юзаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилик, МПа.

Бошқача кўринишдаги ўйиб бириктиришлар оралиқ тахта-ёстиқча ва поналар ёрдамида юқоридаги қоидаларга асосан амалга оширилади.

Конструктив ўйиб бириктиришлар ҳосил бўладиган зўриқишилар бирикманинг юқ кўтариш қобилиятидан анча кам бўлади. Буларга мисол қилиб, ярим ёғочли, қия кесилган шипли ва ярим тахтали жипслашган бириктиришларни (17.3-расм) кўрсатиш мумкин.

Ярим ёғочли ўйиб бириктиришлар, чорқирра ёки ғўлаларнинг учини ярмигача кесиб, бир-бирига улашда ишлатилади, сўнгра улар хавфсизлик болти билан маҳкамланади. Бундай бирикмалар стропилаларни бир-бирига бириктиришда ишлатилиши мумкин. (17.3, а-расм).

Қия кесиб бириктиришлар ёғоч чорқирра ёки ғўлаларнинг узунлиги бўйича бириктириш зарур бўлганда ишлатилади, улар ҳам конструктив болт билан маҳкамланади (17.3, б-расм).

Яrim тахтали бириктиришларда тахталарнинг (17.3, в-расм) икки томонида ариқча очиб, қўшни тахталар жипслаштирилади.

Шипли бириктиришларда ёки шпунтларда тахтанинг бир томонида ариқча, иккинчи томонида шип (17.3, г-расм) очилади ва тахталар бир-бирига жипслаштирилади, бу ҳолатда қўшни тахталар юк остида бирга ишлайди.

17.3. Елимли ва нагелли бирикмалар

Елимланган ёғоч конструкциялар ва бирикмалар ҚМК 2.03.08-98 қоидалари, ҳамда тавсияларига мувофиқ лойиҳаланиши, тайёрланиши ва ишлатилиши лозим. Елимли боғловчи бирикманинг бутунлай яхлитлигини таъминлайди.

Елимли бирикмалар калта ва майда ёғоч элементлардан ихтиёрий кесим ва шаклга эга конструкциялар барпо этиш имконини беради.

Елимланган йирик кесимли буюмларни конструкцияларининг айрим қисмларида ҳосил бўлган кучланганликка қараб жойлаштириш мумкин. Кўп қатламли елимланган буюмларда ёғоч нуқсонларнинг бир майдонга жойлашиш эҳтимоли камлиги туфайли, улар устки мустаҳкамликка эга бўладилар. Ундан ташқари, елимлаш жараёнида ёғочнинг ишга яроқсиз нуқсони қисмларини кесиб ташлаш мумкин. Елимланган бирикма, асосан, елим чоки бўйлаб силжишга ишлайди. Айрим холларда елимланган чокларда чўзувчи зўриқишилар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Елимлаётганда ёғоч буюмларни турли тешик ва кемтиклар билан кучсизлаштириш шарт эмас. Елимлаш воситасида кесимларга қўштавр, қутисимон ва бошқа самарадор шакллар берилиши мумкин.

Ижобий хоссалар билан бир қаторида елимли бирикмаларнинг айрим камчиликларини ҳам эътиборга олиш керак. Елимланган конструкциялар вақт ўтиши билан иқлиминг даврий ва ички кучланишлар таъсирида дарз кетиши ва ёрилиши мумкин. Елимланган конструкцияларда қўлланиладиган тахталар сифати учун қўйилган талаб, ёғочнинг ишлатилиш коэффициентини камайтиради.

Елимлаш учун мўлжалланган тахталар намлиги 8-12% бўлиши ва давлат меъёрий талабларини қондириши керак.

Тўғри чизиқли элементларни тайёрлаш учун қалинлиги 50 мм дан (рандалангунча) кичик бўлган ёғоч тахталар қўлланалади.

Эгрилик радиуси $1/150$ гача бўлган елимланган элементларда эса тахта қалинлиги 40 мм дан ошмаслиги керак.

Тахталардан елимланувчи элементларда, ёғочнинг қуриши ва механиқ ишлов беришни ҳисобга олган холда энига қуидагича қўшимчалар қабул қилинади: 80 дан 100 гача – 10; 110 дан 180 гача – 15; 200 дан 250 гача – 20 мм.

Елимланадиган тахта юзаси силлик рандаланган, чангдан, мой ва доғлардан тозаланиши керак.

Тахталарни узунлиги бўйича елимлашда кўпроқ тишли ёки қия текислик чоки қўлланилиши керак.

Тишларнинг меъёрий ўлчамлари 17.1. жадвалда келтирилган.

Тахталарни узунасига елимлаш учун, агар тахта қалин бўлса – 1-32, юпқа бўлса – **P-20** турдаги, эгри чизиқли элемент учун эса **P-20** турдаги тишли бирикмадан фойдаланиш керак.

Кўп қатламли юк кўтарувчи конструкцияларни елимлашда 1-50 ва 1-32 турдаги бириктиришлар қўлланилади. Фанераларнинг бўйи ва эни бўйлаб елимлаш учун **H-10** ва **H-20** навли бириктиришлар қўлланилади.

Конструкцияларни тайёрлашда сунъий қатронлар асосидаги суюқ елимлар қўлланилиши лозим.


Конструкцияларга жараёнида устки намлика эга (75% кўпроқ) муҳит таъсир этса, бунда елим чокларининг намлик ва узок муддатга чидамлилигини таъминловчи КБ-3 тоифали фенолформальдегид, ФР-12 тоифали резорцин-формальдегид, ФР-100, ДФК-1АМ елимларини қўллаш тавсия этилади.

Конструкциялар учун ишлаш жараёнида намлик меъёрида бўлса, ЎҚС, КС-68, 19-62 тоифадаги мочевино формальдегид (карбамид) елимларини қўллаш мумкин.

Меъёрий хароратда елимлаш жараёни кўп вақтни талаб қиласи, буюмларни елимлаш даври чўзилади, ишлаб чиқариш майдони турли-туман асбоб ва мосламалар билан узоқ вақт банд бўлади.

Замонавий корхоналарда елимлаш жараёнини тезлаштириш учун тахталар сиртдан ёки устки ўзгарувчан ток ёрдамида қуритилади.

17.1-жадвал

Чизма тасвири	Бирикма турлари	Ўлчамлари, мм		
		узунлиги	қадами	ўтмасланиши
	I-50	50	12	1,5
	I-32	32	8	1,0
	II-20	20	6	1,0
	II-10	10	3,5	0,5
	II-5	5	1,75	0,2

Агар совук холда елимлашга 12 соат талаб этилса, қиздириш усулида 1 соат, устки ўзгарувчан ток майдонида 1,5 минут талаб этилади.

Елимлаш жараёнида тахтадаги йиллик ҳалқаларнинг бир-бирига мос келишига ҳаракат қилиш керак, шу йўл билан тахтанинг қуриб қайишиши натижасида чокларда чўзувчи кучланиш пайдо бўлишининг олдини олади.

Тахталар тишлари ёндан кўриниб турадиган чоклар орқали бириктирилади, шу билан бирга уланувчи тахталар узунлиги 1500 мм дан кам бўлмаслиги керак. Кўшни тахталар ўқлари орасидаги масофа уларнинг қалинлигидан кам бўлмаслиги керак.

Елимланган кесим эни бир неча тахтадан ташкил топса, тахталардаги чок узунлиги 4 см дан кам бўлмаслиги керак.

Елимланган тайёр элементлар бўйламасига тишли бириктирилаётганда чок тишлари тахтанинг сиртига ва ёnlарига чиқариб жойлаштиришга рухсат этилади.

Толалараро бурчак $30\text{-}45^\circ$ бўлганда, елимли бириктирилаётган тахталарнинг, эни 15 см дан ошмаслиги, чўзувчи зўриқишилар болт, бурама михлар томонидан қабул қилиниши талаб этилади.

Тахтани фанера билан елимлашда, фанеранинг устки қатлами ва тахта толаларнинг йўналишлари мос келишига эътибор бериш керак. Агар толалар орасидаги бурчак 90° бўлса, унда тахталарнинг эни 10 см дан ортмаслиги керак, бу талаб материаллар эластиклик модулларининг турлича эканлигига боғлиқ.


Жипслаштирилаётган элементларнинг ўзаро силжишига қаршилик кўрсатиш учун қўйилган доиравий ёки япасқи поналар нагел деб аталади. Металл конструкциялардаги болт ва парчинлардан фарқли ўларок, нагеллар қирқилиш ва эзилишига ишламайди. Чунки жипслаштирувчи материалнинг қаттиқлиги нагел материалидан бир неча баробар кам. Шунинг учун бундай бирикмаларда нагел эгилишга, материаллар эса нагел туташган сиртларда эзилишга ишлайди. Нагеллар қаттиқ жинсли ёғочлар (чинор, акация, эман), шишапластлардан, ёғоч қатлам пластиклардан, пўлат ёки алюминийдан тайёрланади (17.4-расм).

Болтлар, михлар, бурама ва парчин михлар доиравий нагеллар гурухига, пўлат (қўйиладиган ва қоқиладиган) ва ёғоч яssi поналар эса япаски нагеллар гурухига киради.

Эгилиш шаклига қараб нагеллар симметрик ва носимметрик бирикмаларга ажратилади. Жипслаштириш элементларнинг сурилиш текислиги сонига қараб бир қирқимли, икки қирқимли ва қўп қирқимли («қирқим» – сўзи шартлидир) бирикмаларга бўлинадилар. Бирикманинг кўчувчанлигини таъминлаш мақсадида ингичка эгилувчан нагел ишлатилса, ёғочнинг ёрилиш хавфи бирикманинг мўрт бузилишига олиб келади.

Доиравий кесимли пўлат нагельлар 2 мм оралик қадам билан 12-24 мм йўғонликда тайёрланади, қаттиқ ёғочдан эса 4 мм қадам билан йўғонли 12-30 мм бўлган нагеллар қўлланилади.

Нагеллар олдиндан тайёрланган кенглиги ўз йўғонлигига тенг тешикка қоқиласди. Кимёвий жиҳатдан салбий муҳитда металл нагеллар ўрнига АГ-4с ва ДВП-Б пластмассалардан босим остида тайёрланган нагеллар, болтлар, гайкалар ва шайбалар ишлатилади. Йўғон бурама михлар (№10 мм) жойига бураб қўйилишдан олдин ўзидан кичикроқ тешик очиб олинади.



17.4-расм. Нагелли бирикмалар

а-нагелларнинг жойлашуви, б-ҳисоб схемаси, в-ишлаш схемаси; 1-тўғри жойлашириш, 2-шахмат усулда жойлашириш; 3-темир қопламалар ёрдамида; 4-бурчак остида

Михларнинг йўғонлиги 6 мм гача бўлганда яхлит ёғочларга тўғридан-тўғри қоқилаверади, 6 мм дан ортиқ бўлганда эса ўзидан кичик тешик ҳосил қилиб қоқиласди.

Нагель бириктириувчи материал ичидаги жипс жойлашганлиги сабабли унинг кучланганлик ҳолати ва эгилиши ёғочнинг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Бир қирқимли битта нагелнинг юк кўтариши қобилияти қуидаги аниқланади: ўртадаги элементнинг эгилишга ишлаш шартига кўра:

$$T_{cmI} c = K_1 cd, \quad (17.9)$$

чеккадаги элементнинг эзилишга ишлаш шартига кўра:

$$T_{cmI} a = K_2 ad, \quad (17.10)$$

Нагелнинг эгилишга ишлаш шартига кўра:

$$T_n = K_3 d^2 + K_4 a^2, \quad (17.11)$$

бу ерда: c ва a - ички ва ташқи бирикувчи элементларнинг қалинлиги.

(михли бирикмаларда, михнинг ўткир қисми узунлиги $1,5 d$ ни адан чегириб ташланади: $a = 1,5d_{\text{е}};$ d -нагелр йўғонлиги, см; K_1, K_2, K_3, K_4 - коэффициентлар.

Бирикма юк кўтариш қобилиятини аниқлашда ҳисоблаб чиқилган миқдорнинг энг кичиги олинади. Келтирилган ифодалар орқали тола бўйлаб ишлайдиган бирикмалар ҳисобланади.

Агар нагел орқали узатилаётган кучланиш толага нисбатан бурчак остида бўлса, ҳисобий юк кўтариш қобилияти усткидаги ифодалардан жадвалда келтирилган K_x коэффициентини ҳисобга олиш орқали аниқланади; 17.9 формуласи учун эса $\sqrt{K_x \alpha}$ -га кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Пластмассали нагелр бирикмаларда ёғочнинг эзилишга, нагелнинг эгилишга ишлашидан ташқари нагелнинг ўзида қирқилиш ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бундай кўринишдаги қаршиликда бир қирқилишга ишлайдиган нагелнинг юк кўтариш қобилияти қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$T_{cp} = \frac{\pi d^2}{4} R_{cp}, \quad (17.12)$$

бу ерда: R_{cp} - нагель материалининг қирқилишдаги ҳисобий қаршилиги.

Бирикмадаги нагеллар сони қуидаги ифодадан аниқланади

$$n_h = N \chi T_{min} \Pi_{cp} \quad (17.13)$$

бу ерда: N - бирикманинг ҳисобий зўриқиши; T_{min} - бир қирқимли битта нагел учун минимал юк кўтариш қобилияти; n_{cp} - нагелнинг шартли қирқилишлари сони.

Ёғоч толали бўйлаб доиравий нагеллар ўқлари орасидаги масофа S_1 , толага кўндаланг ўқлар орасида S_2 ва ўқдан тахта ён четигача - S_3 масофалар меъёрларда белгиланган катталиклардан кўп бўлиши керак.

Эслатма: оралиқ бурчак ва диаметрлар учун K , қиймати интерполяция йўли билан аниқланади: пўлат нагеллар учун $S_1 = 7d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$; алюминий ва пластмасса нагеллар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$; дуб нагеллар учун $S_1 = 5d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$; жипсланувчи тахталарнинг жами қалинлиги $10d$ дан кам бўлса: металл-пластмасса нагеллар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$; дуб нагеллар учун $S_1 = 4d$, $S_2 = S_3 = 2,5d$.

Чўзилишга ишловчи бирикмаларда нагеллар икки ёки тўрт қатор қилиб жойлаштирилади. Фулалардан ташкил топган конструкцияларда эса нагелларни шахмат тарзида жойлаштириш тавсия этилади.

Нагеллар учун тешик очища вақтинча қисқич билан йигилган элементларни ромли йўналтирувчи электрпарма билан тешиш тавсия этилади. Тайёр тешикка нагел енгил зарба билан охиста қоқиласди.

Бирикмаларда нагеллар умумий микдорининг 25-40 фоизини тортқич болтлар ташкил қилиши керак.

Қалин ёғоч элементлар билан юпқа буюмларни материал бириктиришда нагел, болт ва бурама михлар қўлланилади. Ўзи ўяр бурама мих, найсимон ва портловчи парчинлар одатда осмадевор ва йирик тўшамаларнинг ташки қопламаларини ўзаро

ва қобирғалар билан бириктиришда қўлланилади. Ушбу боғловчилар қирқилишда ва эзилишда металл конструкциялар каби ҳисобланади.

Елимланган ўзаклар эгилувчи элементларни жипслаштиришда, чўзилувчи элементларни улашда, элементларни пойдеворга қистириб маҳкамлашда ва бошқа холларда қўлланилади (17.5-расм).

Ёғочга елимланувчи ўзак сифатида ўзгарувчан кесимли А-П, А-Ш, синфли, 12-25 ммли арматура пўлатлар қўлланалади. Ўзаклар жойлашадиган ариқча уларнинг белгиланган йўғонлигидан 4-6 мм га каттароқ қилиб ўйлади. Тешик ва ариқлар боши берк, бирикувчи элементлар ғовакли бўлмаслиги керак.


Пўлат ўзак билан ёғочни ўзаро елимлашда резорцин ФР-12, фенолрезорцин ФРФ-50, эпоксид ЭПС-1 елимларини қўллаш тавсия этилади. Ёғочнинг елимланган ўзакни суғиришга ёки тортиб чиқаришга ҳисобий юк кўтариш қобилияти қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$T = R_{ck} \pi (d + 0,005) \ell_1 K_c \quad (17.14)$$

бу ерда: d - елимланадиган ўзакнинг ингичка жойдаги баландлиги, мм; ℓ_1 - ўзакнинг елимлаш узунлиги, талабдаги юк кўтариш қобилиятига нисбатан ҳисоблаб топилади, лекин 10 мм дан кам ва 30 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак; K_c -уринма кучланишнинг елимли чокда нотекис таркалишини ҳисобга олувчи коэффициент, қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$K_c = 1,2 - 0,002(\ell_1 d) \quad (17.15)$$

бу ерда K_{ck} - ёғочнинг ёрилишга ҳисобий қаршилиги МПа.



17.5-расм. Елимланган пўлат ўзак орқали бириктириш:

а-бўйлама елимланган; б-қия текислик бўйича елимланган; в-ишлаш схемаси; 1-пўлат ўзак; 2-ўзак учун қолдирилган текислик; 3-ўзак уяси; 4-тахта рейка

Силжишга нисбатан юк кўтариш қобилияти А-II синфли пўлат учун қуидагича аниқланади:

$$T_N = 2d^2 + 0,02(\varphi_1 \chi d) \quad (17.16)$$

лекин, $3,2d^2$ дан ошмаслиги керак; А-III арматура учун:

$$T_n = 2,5d^2 + 0,02\ell_1^2, \quad (17.17)$$

лекин $-3,7d^2$ дан ошмаслиги керак. Т_н нинг энг катта қиймати учун $\ell_1 \geq 8d$ тўғри келади; d ва ℓ_1 -см да.

Бурчак остида бириккан елимланган ўзакнинг юк кўтариш қобилияти махсус коэффициентга кўпайтириб аниқланади.

Оғма елимланган ўзакларнинг жойлаштирилиш масофалари қуидагида қабул қилинади:

- икки қатор жойлаштирса $S_3 \geq 3d$, $S_2 \geq 6d$;
- шахмат шаклида жойлаштирса $S_3 \& S_2 \geq 3d$.

Ўзаклар ўқлари орасидаги бўйлама масофа $S_l \geq 8d_{om}$.

Пўлат қопламалар, тасмасимон зулфинлар, тортқичлар металл конструкциялар каби ҳисобланади.

Ясси металл чангаклар ёғоч фермалар, ромлар, йирик тўшама қобирғалари каби конструкцияларнинг тугунларини бириктиришда қўлланилади.

Ясси металл чангаклар ёрдамида бириктириш аввалдан йиғилган конструкция элементларига босим ҳосил қилувчи маҳсус механизациялаштирилган дастгоҳда бажарилади.

Битта ясси металл чангакнинг силжишдаги ҳисобий юк кўтариш қобилияти қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$T = R_{n,l} A_p, \quad (17.18)$$

бу ерда: $R_{n,l}$ - суримишга ҳисобий қаршилиги: чангак тури ва материалига, ёғочнинг нави ва намлигига, хар бир бирикувчи элемент учун толаларга нисбатан зўрикиш йўналиши орқасидаги бурчакка боғлик; A_p - ҳисобланётган элементга тўғри келган ясси металл чангакнинг чоки атрофидан 10 мм ли йўлакни чиқариш билан ҳисобланган кесим юзаси.

Юк кўтарувчи конструкциялар ёғоч элементларини ЯМЧ билан бириктиришда бир хил ўлчамдаги икки боғлагич қарама-қарши тарафидан бир хил жойлаштирилади.

Кесилишга ишловчи элементлар мустаҳкамлиги ўзаро таянч ҳисобига таъминланади, ясси металл чангакнинг бу ердаги вазифаси тугунни ўз жойида ушлаб туришдан иборат бўлади.

Фермаларда чўзилувчи ва сиқилувчи белбоғларнинг уланган ерлари тугунга якин бўлиши керак, узлуксиз сиқилиб-эгилувчи белбоғларнинг уланган жойи, эгувчи моментнинг нолга teng нуқтасида бўлиши керак.

Яssi металл чангаклар чекка тиши билан тахталар чеккалари орасидаги масофа 10 мм бўлиши керак. Яssi металл чангак билан қопланиши хар бир бирикувчи элементнинг ҳисобий юзаси 50 см^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Чўзилган боғловчилар билан бириктириш. Чўзилган боғловчиларга - суғурилишга ишловчи михлар, бурاما михлар, болтлар, чангаклар, хомутлар ва торткичлар киради.

Суғирилишга ишловчи михлар қаршилиги фақат иккинчи даражали элементлар, шунингдек шифт қопламаси, пол қоқишида ва тўшамалар ҳисобида эътиборга олинади.


Бурاما михлар юк кўтарувчи конструкциялар элементларини боғлаб маҳкамлашда қўлланилиши мумкин (17.5-расм). Суғурилишга ишловчи мих ёки бурاما михнинг ҳисобий юк кўтариш қобилияти қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$T = R_{вид} \pi d R_1, \quad (17.19)$$

бу ерда: $R_{вид}$ - суғурилишга ҳисобий қаршилик, куруқ ёғоч учун – 0,3 МПа, нам ёғоч учун – 0,1 МПа, бурاما мих учун – 1,0 МПа қабул қилинади; R_1 - мих ва бурاما михнинг ҳисобий узунлиги.

Одатда чангаклар қўндаланг кесими доиравий пўлатдан тайёрланиб (dF12-18 мм) йиғма тўсинларни жипслаштириш ёки тугунларни боғлашда қўлланилади. Хомутлар бирикувчи элементларни болт ва гайкалар ёрдамида ўзаро бир-бирига тортиб маҳкамлайди. Улар қўндаланг кесими доиравий ёки яssi пўлатдан (таглиги билан) ясалиб, ёғоч элементнинг қўндаланг эзилишга қаршилигини таъминлайди.

Чўзилишга ишловчи болтлар, торткичлар, сиртмоқлар, зулфинлар, фермаларнинг чўзилишга ишловчи элементларида, равоқлар торткичларида қўлланилади.



17.6-расм. Бурама михлар ёрдамида бириктириш:

а-глухар; б-бурама мих; в-эгилишга ишлаш схемаси; г-сугурилишга ишлаш схемаси

Болтлар бир томонида бурама мурвати ва иккинчи томонида қалпоқчадан иборат бўлади. Тортқичлар иккала томонлама бурама мурватли ёки бир томони бурама мурватли ва иккинчи томони илгакли бўлиши мумкин.

Тортқич бурама мурватли бўлса у кўндаланг заиф кесими юзаси бўйича ҳисобланади. Тортқич ва болтларнинг кесим юзалари металл конструкцияларини ҳисоблаш қоидасига асосан аниқланади, шайбалар юзаси эса $\alpha f 60-90^0$ бурчак остида эзилиш ҳисобига биноан аниқланади:

$$A_4 \geq N/(R_{cm} \alpha), \quad (17.20)$$

Шайбанинг қалинлиги эгилиш ҳисобидан аниқланади. Катта зўриқишлиарда шайбалар мураккаб кесимли пўлат буюмлардан қабул қилинади.

Кўчувчан боғловчили йигма элементлар. Яхлит кесимнинг чекланганлиги сабабли йигма элементлар ишлатилади, улар катта тўсинлар, фермалар, ромлар ва равоқларда қўлланиллади.

Қўлланилаётган боғловчи турига қараб элементлар кесими бикр ёки кўчувчан бўлиши мумкин. Эгилишга ишловчи йигма элементларнинг уч тури таққосланади: биринчиси-боғловчисиз, иккинчиси-кўчувчан боғловчили, учинчиси-бикр елимланган. Келтирилган кесимларнинг инерция моментлари:

$$I_0 = r \frac{bh^3}{12} = \frac{bh^3}{6}, \quad I_u = \frac{b(2h)^3}{12} = \frac{4bh^3}{6},$$

Кўчувчан кесим инерция моменти қуидаги нисбатда бўлади:

$$I_0 < I_n < I_u \quad (17.21)$$

ва шунга мувофиқ салқиликлар нисбати:

$$A_0 > A_n > A_u \quad (17.22)$$

Бу ердан

$$I_n = (A_u/A_n)I_u = K_{\text{ж}}I_u \quad (17.23)$$

Шундай қилиб, кўчувчан боғловчили кесим учун қаршилик моментини топамиз: $W_n = K_w W_u$

Бу ердаги $K_{\text{ж}}$ ва K_m коэффициентлари конструкцияда ишлатилган боғловчиларнинг кўчувчанлигини ҳисобга олади.

Кисилган йиғма элементларни ҳисоблашда, уларнинг келтирилган бикрлигини билиш керак, у эса эгилувчанликка келтирилган инерция момента боғлиқ

$$\lambda = \frac{l}{\gamma_n} = \frac{l}{\sqrt{\frac{I_n}{F}}} = \frac{l}{\sqrt{K_{\text{ж}} \sqrt{\frac{I_u}{F}}}} = \frac{1}{\sqrt{K_{\text{ж}}}} \lambda_u = \mu \lambda_u \quad (17.24)$$

Шундай қилиб, йиғма элементларнинг ҳисобий коэффициентларини кўндаланг кесимнинг асосий геометрик кўрсатгичлари ва ҳисобий эгилувчанлигига қўпайтириш орқали эътиборга олиш керак. $K_{\text{ж}}$, K_m коэффициентларининг қийматлари турли боғловчилар учун КМК 2.03.08.98 келтирилган.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Металл чангаклардан фойдаланиш қачон самарали ҳисобланади?
2. Ўйиб бириткиришда бирикма юк кўтариши нималарга боғлиқ?

3. Элементларда кўчувчанлик қайси коэффициентлар орқали ҳисобга
4. Бевосита ўйиб биритириш деганда нимани тушунасиз?
5. Чўзилишга ишловчи боғловчилар деб нима айталади?
6. Елимланган пўлат ўзаклар қаерларда ишлатилади?
7. Қайси элементлар пайванд ёрдамида биритирилади?
8. Пўлат ўзак билан ёғочни елимлашда қандай елимлардан фойдаланилади?
9. Елимланган пўлат ўзакнинг юк кўтариш қобилияти қандай аниқланади?
- 10.Битта ясси металл чангакнинг юк кўтариш қобилияти қандай аниқланади?

18-боб. Ёғоч конструкциялар

18.1. Ёғоч тўсиқ конструкциялар

Биноларнинг тўсиқ конструкцияларида (қаватлараро тўшамалар, том ёпмалари, деворлар пар деворларда) ёғочнинг иссиқликни кам ўтказиши, совуқча чидамлилиги, устки солиштирма мустаҳкамлиги, ишлов беришнинг осонлиги, мавсумга боғлиқ эмаслиги каби афзалликларидан кенг фойдаланилади.

Бинонинг вазифасига қараб тўсиқ конструкциялар иссиқлик сақловчи ва сақламайдиган қилиб тайёрланади. Том ёпмалари жойида саноат усулида тайёрланиши мумкин. Жойида тайёрланганда том алоҳида элементлардан (тўсин, вассатўсин, тахта қалқон) йиғилади ва айрим холларда том учун йиғма-қалқон тайёрланади. Бундай услуб, албатта, қурилиш ишларининг замонавий талабига жавоб бермайди. Кейинги пайтларда саноат усулида тайёрланган катта ўлчамли тўшамалардан фойдаланиш кенг таркалмокда.

Тўшамаларни жойига ўрнатиб, маҳкамланса ва чоклар биритирилса, тайёр том тўсиғи ҳосил бўлади.

Иситгич қатламсиз том конструкцияси энг оддий бўлиб, унинг таркибий қисмига тўшама, вассатўсин, панжара ва том тўсини киради.

Томни ёпишда ўрамли юмшоқ ашёлар (мумкоғоз) қўлланилса, унда томнинг нишаблиги кичик (2,5% гача) олинди; ўрамли ашёни ёпиштириш қулай бўлиш учун яхлит тўшама қўлланилиши талаб қилинади. Донали том ёпиш ашёлари (тўлқинсимон асбест ва шишапластик буюмлар, черепица, тунука) қўлланилса, том нишаби катта (25% дан ортиқ) олиниб тахта ёки чорқиррадан оралари очиқ асос тайёрланади.

Том асосини йиғма-қалқонли қилиб тайёрлаш ишни тезлаштиради, бунда меҳнатнинг асосий қисми устахонада ёки заводда бажарилади. Йиғма қалқонлар узра бир қатlam мумкоғоз (агар том юмшоқ ўрамли ашёдан ёпилса) аввалдан ёпиштириб қўйилиши мумкин. Истигичсиз томлар учун, одатда, яхлит тўшамалар икки қатламли: осткиси - юк кўтарувчи, усткиси - химояловчи қилиб ясалади. Бу тадбир ўрамли юмшоқ мактериалларни том чоклари бўйлаб йиртилишдан асрайди.

Иститгич қатламли томлар ўзининг белгиланган вазифаси бўйича уч талабга жавоб бериши: ёғингарчиликдан ҳосил бўлган намлиқдан сақлаш, бино ичидаги хароратни ушлаб туришни, иситгич қатламни буғлардан асраш керак.

Тўшаманинг асоси ёғоч тахталардан бир қатламли қилиб ясалиши мумкин, бу холда иситгич қатлам ўрамли ашё чокларини йиртилишидан саклайди.


Тўшаманинг иситгич қатлами серғовак плиталар ёки сочилувчан ашёлардан бўлиши мумкин. Бунда химоя қатлами (мумкоғоз, пергамин, битум қатлам) иситгич билан тўшама орасига қўйилади.

Тўшама ва панжаралар томга таъсир қилувчи доимий ва вақтинчалик юклардан ҳосил бўлувчи эгувчи момент таъсирига мустаҳкамлик ва салқиликка текширилади. Ҳисоб схема сифатида икки оралиқли узлуксиз тўсин қабул қилинади.

Одатда юкларнинг икки хил йиғмаси кўриб чиқилади: биринчиси - томнинг хусусий оғирлигидан ҳосил бўлган доимий ва қордан ҳосил бўлган вақтинчалик юк;

иккинчиси - фақат тўшаманинг хусусий оғирлиги ва асбоб ускуна кўтарган ишчининг оғирлиги (18.1-расм).

Хусусий юкни томнинг горизонталр текислиги бўйича текис тақсимланган деб қабул қилиш қулагайлик беради. Унда юкнинг ҳақиқий қийматининг том нишаб бурчаги α - нинг $\cos\alpha$ га нисбати олинади. Ишчи оғирлигидан ташкил топган йифик юкнинг меъёрий қиймати $P^h_f 1,0$ кНга, ҳисобий қиймати эса $P_f 1,2$ кН га teng. Қисқа муддатга таъсир этувчи шамол юки, асосий юкка тескари йўналишда бўлганлиги учун тўшамани ҳисоблашда кўпинча эътиборга олинмайди.



тўшаманинг ишчи тахтаси

18.1-расм. Тўшамалар ҳисоб схемаси:

а-текис ёйилган юқдан, б-тўпланма юқдан, в-зўриқишилар схемаси; 1-юкларнинг биринчи йифмаси, 2-юкларнинг иккинчи йифмаси, 3-тўшаманинг қирқилган тахтаси; 4-

Тўшамага таъсир этувчи қия юклар, ҳисоб жараёнида том текислиги ва унга тик бўлган текисликдаги ташкил этувчиларга ажратилади. У холда юкларнинг биринчи йифмаси

$$g_x = (g+p)\cos^2\alpha \quad \text{ва} \quad g_y = (g+\rho)\cos\alpha \sin\alpha \text{ нинг}$$

хисобий қийматларидан ҳосил бўлган эгилиш кучланиши, ашёнинг оширилган (15%) хисобий қаршилиги билан таққосланади.

Тўшама бузилишининг томнинг умумий бузилишига таъсири эҳтимоллиги камлиги учун ҳисоб қаршилиги 1,15 коэффициент орқали 15% га ошириб олинади.

Юкларнинг меъёрий қийматларидан аниқланган салқилик ораликтининг $1/150$ қисмига тенг чегаравий ссалқилик билан таққосланади. Юкланишнинг иккинчи йиғмаси-тўшама хусусий оғирлиги ва ишчининг анжомлари билан оғирлиги, $g_x = g \cos^2 \alpha; g_y = g \cos \alpha \sin \alpha; P_k = P \cos \alpha$ -дан ҳосил бўлган эгилиш кучланиши янада каттарок қаршилик $R_{\varphi} = 13,15, 1,2 \times 18$ МПа билан таққосланади. Одам оғирлигининг қисқа муддатли таъсирини ҳисобга олган холда, қўшимча 1,2 коэффициент киритилади.

Тўшамалар юкларнинг иккинчи йиғмаси таъсиридан салқиликка текширилмайди. Юкларнинг биринчи ва иккинчи йиғмаси таъсиридан ўртадаги таянчда ҳосил бўлувчи максимал эгувчи моментлар қуидаги ифодалардан топилади:

$$M_1 = (g_x l^2) \chi 8; \quad M_2 = 0,07 g_x l^2 + 0,21 P_x l \quad (18.1)$$

Тўшаманинг энг катта нисбий салқилиги қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$f/l = (2,13/384) \left(q_x^{\mu} \cdot l^3 / EI \right) \quad (18.2)$$

Вассатўсинлар. Вассатўсинлар устидан тушаётган юкни қабул қилиб, уни жойлашган ётган конструкциялар: тўсинлар, фермалар, ромлар ва равоқларга узатиш учун хизмат қиласди. Вассатўсинларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб улар мухандислик талабларига кўра танланади. Яхлит чорқирра кесимли ёки тик бириккан қўш тахтадан тайёрланган узлуксиз вассатўсинлар талаб этилган қоидага асосан ҳисобланади. Узлукли вассатўсинлар таячларда уланади. Материални сарфига кўра узлукли вассатўсинларга нисбатан улоғи таянчда жойлашмаган узлукли ва узликсиз жуфтланган вассатўсинлар афзал ҳисобланади, аммо уларни

ясаш мураккаб. Улоги таянчда жойлашмаган вассатўсинлар кўпроқ ёйик юк таъсир этувчи қаватлараро ва том ёпмаларида қўлланилади; уланиш жойлари оралатиб жойлаштирилади (бир оралик ташлаб кейингисида иккита улок).

Уланиш жойи билан таянч орасидаги масофа икки вариантда олинади. Биринчи вариантга асосан $x=0,15l$, бунда таянч ва оралик моментлар ўзаро тенг бўлади:

$$M_{on}=M_{np}=ql^2/16 \quad (18.3)$$

Моментлар тенглигини, сақлаш учун охирги ораликлар (0,8-0,85) гача камайтирилади. Улоқсиз ораликда вассатўсиннинг энг катта салқилиги кузатилади:

$$f=2ql^4/384EI \quad (18.4)$$

Узлукли вассатўсин салқилигини (18.4) бўйича топилувчи қийматини 40%ни ташқил қиласди. Иккинчи мўқобилга асосан $x=0,21l$, бунда барча ораликларда бир хил салқиликка эришилади. Бу турдаги вассатўсинлар асосий мезон салқилик бўлган холларда қабул қилинади. Бир хил салқилик мўқобилидаги вассатўсинлар учун энг катта моментлар:

$$M_{on}=ql^2/12; \quad M_{np}=ql^2/16 \quad (18.5)$$

Вассатўсинларнинг уланиш жойларида қия текислик бўйича ўйиб бириктириш қўлланилади ва битта болт ёрдамида маҳкамлаб қўйилади. Чорқирраларнинг узунликлари чегаралангандиги сабабли улаб узайтирилган вассатўсинлар уларга таянч вазифасини ўтовчи остки конструкцияларнинг қадами $B=4,0$ м гача бўлганда қўлланилади. Бу холда қўлланадиган тахта ёки чорқирра узунлиги $2x + B$ дан кичик бўлиши зарур.

Узлуксиз вассатўсинлар иккита тахтани михлар ёрдамида жипс бириктириб ҳосил қилинади. Бундай вассатўсинлар тахталарининг улоги бир хил салқилик мўқобилига асосан олинади, яъни $x=0,21l$. Бир ораликда фақатгина бир улок жойлашади, ушбу улок учун қоплама бўлиб иккинчи узлуксиз тахта хизмат қиласди. Бундай вассатўсинларда узунроқ элемент бўлмайди, ҳаммасининг узунлиги "B"га тенг. Уланган жойлари моментининг энг кичик қийматли кесимга ўрнатилади, таянчдан улоққача бўлган масофа $X=(0,15+0,21)B$. Уланган жойда битта узлуксиз

тахтанинг мавжудлиги кесимга тушаётган зўриқиши қабул қилишга кифоя қиласди. Энг катта момент ҳосил бўлган кесимларда чок қўйилмайди, узлуксиз вассатўсинлар ўзгармас кесимли тўсин деб қаралади. Биринчи оралик ва иккинчи таянчда моментлар катталиги сабабли учинчи тахта билан кучайтирилади. Уланувчи тахтанинг учлари узлуксиз тахтага михлар ёрдамида бириктирилади.

Хар бир тахта учига қоқиладиган михлар сони $n_{\text{ев}}$, кўндаланг куч таъсиридан аниқланади:

$$n_{\text{ев}} = ql^2 / 32X_{\text{ев}}T_{\text{ев}}, \quad (18.6)$$

бу ерда: $X_{\text{ев}}$ - таянч ўқидан михлар қоқиш майдони марказигача бўлган масофа; $T_{\text{ев}}$ - бир қирқимли битта михнинг юк кўтариш қобилияти.

Уланган жойдаги ҳисобланган михлардан ташқари, тахталар 0,5 м қадам билан конструктив равишида ўзаро қўшимча михланади.

Саноатда тайёрланадиган йирик ўлчамли тўшама ва осма девор панеллари бир қатlamli (иситилмайдиган) ва уч қатlamli (иситилган) бўлиши мумкин. Бир қатlamli тўшамалар ром шаклидаги қобирға ва унинг бир томонига қопланган текис ёки тўлқинсимон листлардан ташкил топади. Тузилиши ва ҳисоби жихатдан улар тўшама ва вассатўсинга мос келади.

Уч қатlamli тўшамалар (ёки осма девор панеллари) мустаҳкам сиртки қопламалардан ташкил топиб, уларнинг ораларида енгил яхлит тўлдиргич ёки қобирғали панжара жойлашади. Улар ташкини юкни қабул қилиш билан бирга хоналарни ташки иссиқ-совуқдан асрайди. Уч қатlamli конструкцияларда ишлатиладиган асосий материаллар: қоплама учун - шишапластиклар, сувга чидамли фанераа, асбест-цемент листлар, алюминий котишмалари, занглашмайдиган пўлат тунука; ўрта қатlam учун - ёғоч, турли катақпластлар, кўпикпластлар, минерал момиклар; бириктириш эса елим ёрдамида ва турли механиқ усувларда бажарилади.

Конструкцияда турли жинсли материал ёки ишлатилганлиги сабабли, харорат ва намлик таъсиридан қатlamлараро бирикмаларда ички кучланишлар ҳосил бўлади. Уларни эътиборига олиш ва ҳисобий юкларидан ҳосил бўлган кучланишларга

кўшиш керак. Тўшамаларнинг ишончли ишлаши кўпроқ бирикмаларнинг қаршилик кўрсата олиш қобилиятига боғлиқ. Қоплама ва ўрта қатlam материалларнинг чизиқли кенгайиш коэффициентлари мос келган холда ёки ўрта қатlam ашё юмшоқ материалдан бўлса, бирикмада уринма кучланиш катта бўлмайди ва унда елимли бирикма қўлланилиши мумкин. Акс холда мустаҳкамликни таъминлаш мақсадида елимли механиқ ёки механик бирикмалар қўлланилади. Учқатlamли тўшамалар ўз белгиларига кўра куйидагича турланади: нур ўтказиш хоссаси бўйича-ёруғлик ўтказувчан ва ёруғлик ўтказмайдиган; тузилиши жихатидан-яхлит ўрта қатlamли ва қобирғали; хароратдан химоялаш жихатидан: иситгич қатlamсиз ва иситгич қатlamли, шаклига қараб - текис ва фазовий.

Бўйлама қобирғалар орасидаги масофа $\varepsilon=0,05l$ бўлса I-тур серқобирға тўшама қаторига, $\varepsilon>0,05l$ бўлса II-тур сийрак қобирғали тўшамалар қаторига киради. Агар қобирғалар факат контур бўйлаб қўйилиб, қопламалар ораси куйма кўпикпласт билан тўлдирилса бундай тўшама III-тур, қобирғаларсиз бўлиб, яхлит ўрта қатlam тайёрланса, IV-тур тўшамалар гурухига мансуб бўлади.

Тўшама ва осма деворларни мустаҳкамлик ва бикрликка ҳисобланаётган пайтда уларнинг келтирилган геометрик кўрсатгичларни эътиборга олиш керак. Иссиқ тўшамалар учун теплотехник ҳисоб бўйича иситгичнинг қалинлигини лойиҳалаш таржибасига асосланиб, аввалдан қопламаларнинг қалинликлари ва уларнинг жойлашиш тартиби белгиланади.

Тўшама ва осма деворлар статик жихатдан бир ораликли, икки чети билан эркин таянган тўсиндир.

Тўшама ҳисобини, фанера қопламали конструкция мисолида кўриб чиқамиз. Тўшаманинг ўлчамларини $6 \times 1,5$ м деб оламиз (18.2-расм). Одатда, тўшама баландлиги ораликнинг $1/30 + 1/40$ қисмини ташқил этади. Фанера сиртқи қатлами толаларининг йўналиши тўшама бўйига мос келиши керак, бунда фанера қопламани узунасига қия текислик усулида елимлаш, унинг мустаҳкамлигидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратади.

Бўйлама қобирғалар сони, асосан, сиртки қопламанинг эгилишига мустаҳкамлигига боғлиқ. Агар қабул қилганимиздек, қоплама фанерадан бўлса, уни йиғик куч таъсиридан толаларга кўндаланг эгилишга оралиғи бўйлама қобирға қадамига тенг тўсин сифатида хисоблаш зарур, йиғик юк (ишчининг анжомлари билан оғирлиги) $1,2 \text{ kN га тенг}$.

Бунда йиғик кучнинг таъсири эни 100 см бўлган оралиққа тарқалади деб хисобланади. У холда энг катта момент:

$$M_{max} = P c / 8 \quad (18.7)$$


Эгилишдаги устки фанера қоплама толаларига кўндаланг кучланиш

$$\sigma_u = \frac{M_{max}}{W\varphi} = \frac{6Pc}{8 \cdot 100 \cdot \delta_\varphi^2} = 9 \cdot \frac{C}{\delta_\varphi^2} \leq m \cdot R_{\varphi} 90 \quad (18.8)$$

Бу ерда $m = 1,2$. Агар $\sigma_n = 1,2 R_{uq0}$ деб олсак, унда $9(C/\delta_\varphi^2) \leq 1,2 R_{\varphi} 90$.

Бу ифодадан қобирғалар ўқлари орасидаги масофани топиш мумкин:

$$C \leq 0,13 R_{u\varphi} \delta_\varphi^2 . \quad (18.9)$$



18.2-расм. Елимфанерали тўшама:

а-тўшама режаси, б-тўшама қирқими, в-тўшаманинг ҳисоб схемаси; 1-бўйлама қобирға; 2-кўндаланг қобирға; 3-вентиляция учун тешик; 4-курилиш фанерааси; 5- намдан химоя қатlam; 6-тўшамани қобирғаси; 7-иссиқлик сақловчи қатlam

Елимланган фанераали конструкциялар уларда қўлланилган ёғоч ва фанераанинг эластиклик модуллари хар хиллигини эътиборга олган холда ҳисобланади. Бунинг учун келтирилган геометрик кўрсатгичлар ҳисоблаб топилади. Қайси қисмда кучланиш текширилаётган бўлса, геометрик кўрсаткичлар шу материалга келтириб ҳисобланади.

Фанерага келтирилган инерция ва статик моментлари:

$$I_{np}\varepsilon I_1 + I_q(E_q \chi E_\phi); \quad (18.10)$$

$$S_{np}\varepsilon S_\phi + S_q(E_q \chi E_\phi); \quad (18.11)$$

кўндаланг кесим юзаси:

$$A_{np}\varepsilon A_\phi + A_q(E_q \chi E_\phi); \quad (18.12)$$

қаршилиқ моменти:

$$W_{np}\varepsilon I_{np} \chi y, \quad (18.13)$$

бу ерда Y - нейтрал ўқдан энг узоқ толагача бўлган масофа,

кўндаланг кесим симметрик бўлса $y \geq h/2$;

$I_\phi, S_\phi, A_\phi, E_\phi$ - мос холда кесимнинг инерция ва статик моменти, кўндаланг кесим юзаси ва фанеранинг эластиклик модули;

I_q, S_q, A_q, E_q - ёғоч учун усткидагиларнинг узи. A_ϕ -ни аниқлашда қўлланиладиган ҳисобий эни $\varphi_p \geq 0,9l_0$ қопламада бўйлама кучланишларнинг нотекис тақсимланишини ҳисобга олади.

Қопламалардаги нормалрр кучланишлар қўйидаги ифодалар орқали аниқланади:

1. Устиворликни ҳисобга олган холда устки сиқилувчи қоплама учун

$$\sigma_c \geq M \chi W_{np} \varphi_\phi \leq R_{\phi.c}, \quad (18.14)$$

бу ерда φ_ϕ - бўйлама эгилиш коэффициенти:

$$\left. \begin{array}{l} C\delta_\phi \geq 50, \text{ бўлса } \varphi_\phi^F 1250x(c\delta_\phi)^2; \\ C\delta_\phi < 50, \text{ бўлса } \varphi_\phi^S l - (c\delta_\phi)^2 \geq 5000 \end{array} \right\} \quad (13.21)$$

2. Остки чўзилувчи қоплама учун (қия текислик усули билан елимланган улокдан кесимнинг заифлашаган ҳисобга олган холда)

$$\sigma_p \leq M_x W_{np} K_p \leq R_{\phi p}, \quad (18.15)$$

бу ерда: K_ϕ - уланган жойда кесимнинг заифлашганини эътиборга оловчи коэффициент.

Уринма кучланишлар фанеранинг қобирғага елимланган жойида ҳисобланади. Фанеранинг қатламлари орасидаги уринма кучланиш

$$\tau \leq Q S_\phi I_{np} \Sigma \delta_p \leq R_{\phi ck}, \quad (18.16)$$

Бу ерда S_ϕ - қопламанинг тўшама ўқига нисбатан статик моменти; δ_p - қобирға эни.

Қобирғанинг ёрилиши бўйича уринма кучланиши:

$$\tau \leq Q S_{np} I_{np} \Sigma \delta_p \leq R_{ck} \quad (18.17)$$

Умумий холда тўшаманинг нисбий эгилиши:

$$A_x l \leq K P^n l^2 \leq 0,7 E I_{np} \leq l \leq 250 \quad (18.18)$$

бу ерда ёйик юк учун

$$K = 5; \quad P^n = q^n l.$$

18.2. Ёғоч тўсинлар


Хозирги даврда қишлоқ хўжалиги ва фуқаро қурилишларида елимланган ва елимфанерали тўсин конструкцияларини қўллаш кенг тарқалган, буларни марказдан узоқда, салбий ва сернам муҳитда қўлланилиши самарали ҳисобланади.

Елимли, ўзакли ва елимфанерали тўсинлар турар жой ва маъмурий биноларнинг қаватлараро ва чордок ёпмаларида, саноат бинолари, омборхона, қишлоқ хўжалик биноларининг томини ёпишда, автомобил кўприкларида, ёник йўлакларда, юк ўтказувчи галерея ва эстакадаларда кенг қўлланилади. Кўп қатламли тахта тўсинлар нишабсиз, қўшнишабли, ёйсимон қилиб тайёрланади.

Кўштавр кесимли тўсинлар токчаларининг қалинлиги ўртача ($1x6$) h бўлганда ёғоч тахта анча тежалади, тўғри тўртбурчак кесимли тўсинлар осон тайёрланади ва елимланувчи чоклари яхши жисплашади. Тўсин узунлигининг ўртасида кесим баландлиги қўшнишабли тўсинлар учун - $l \times 10$ дан кам бўлмаслиги керак, нишабсиз тўсинар учун - $l \times 12$, эгиб елимланган тўсинлар учун - $l \times 15$ (18.1-расм).

Кесим баландлигининг энига нисбати эгилиш текислиги бўйича тўсиннинг устиворлигини ҳисобга олган холда чегараланади: нишабсиз тўсинлар учун бу нисбат 7 дан қўшнишаблилари учун - 8,5 дан кам бўлмаслиги лозим.

Сиқилувчи қисмининг турғунлиги таъминланган нишабсиз тўсиннинг мустаҳкамликка ҳисоби ($l_p < 70 b^2/h$) ва (18.15) ифодалар орқали олиб борилади.



18.3-расм. Елимланган түсингилар.

а-түсин турлари; б-түсингиларнинг кесим шакллари; в-түсингиларда қўлланилган тахта навлари; 1-текис түсин, 2-кўшнишабли түсин, 3-кўшнишабли уланган түсин, 4-эгиб елимланган түсин, 5-тўғри тўртбурчак кесим, 6-кўштавр кесим, 7-рельссимон түсин, 8-тахта навлари.

Элементнинг ҳисобий узунлиги l_p сиқилувчи қисм боғловчилари туташган нуқталар орасидаги масофага teng. Ёйик юк таъсиридан қўшнишабли түсингиларнинг ҳисобий кесими таянчдан қуидаги масофада бўлади:

$$x_m = l h_{on} / 2 h_{cp}. \quad (18.19)$$

тхатачалардан елимланган түсингиларда $l_p > 70b^2/h$ бўлса, эгилиш текислиги бўйича устиворлик ҳисобланади

$$\sigma = M_x / W_x m_\delta \varphi_\delta \leq R_u, \quad (18.20)$$

бу ерда: M_x - кесим юзасидаги ҳисобий эгувчи момент;

W_x - ҳисобий кесим юзасидаги қаршилик моменти;

m_δ - кесим баландлигига боғлиқлик коэффициент;

φ_δ - устиворлик коэффициенти, эластиклик чегарасида қуидаги ифода орқали ҳисобланади.

$$\varphi_\delta = 140(b^2/h l_p) K_\phi; \quad (18.21)$$

бу ерда: K_ϕ - оралиқдаги эгувчи момент эпюрасининг шаклига боғлиқ коэффициент.

Тўғри тўртбурчак кесимли тахталардан елимланган түсингиларнинг солқилиги уринма кучланишлар таъсирини ҳисобга олган қуидаги ифода орқали аниқланади.

$$f = f_0 / K [1 + c(h/l)^2], \quad (18.22)$$

бу ерда: f_0 - уринма кучланишсиз топилган солқилик; h -энг катта кесимнинг баландлиги; l - түсин оралиғи; K -кесим баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент, ўзгармас кесим учун $K=1,0$; c - кўндаланг кучдан ҳосил бўлган силжишни ҳисобга олувчи коэффициент.


Елимланган тахта тўсинларнинг юк кўтариш қобилияти, бикирлиги ва мустаҳкамлигини ошириш мақсадида уларни А-II, А-III, А-IY синф пўлат стерженлар биланарматураланади. Араматуралаш коэффициенти умумий кесим юзасининг 0,01-0,08 қисмини ташкил қиласи. Тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, арматуралаш эвазига елимланган тахта тўсиннинг мустаҳкамлиги ва бикирлигини $1,4 \div 3,2$ марта ошириш мумкин.

Пўлат арматура эпоксид қатрони смола асосидаги елим тўлдирилган ариқчага ботирилиб, устидан тахта қоқиб қўйилади. Ёғочдаги ариқча фреза ёрдамида очилади. Улар ярим доира ёки тўртбурчак кесимли бўлиши мумкин ва арматура йўғонлигидан $1-1,5$ мм катта бўлади. Арматурали тўсиннинг кўндаланг кесимидағи нормал ва уринма кучланиш қуйидаги ифодалар орқали текширилади:

$$\sigma = M/W_{np} \leq R_n; \quad \tau = Q_{max}S_{np}/\sigma_p I_{cp} \leq R_{ck} \quad (18.23)$$

бу ерда: $W_{np}=2I_{np}/h$ - келтирилган қаршилик моменти; келтирилган инерция моменти: $I_{np}=bh^3/12(1+3n\mu)$, арматуралар симметрик жойлашганда; $I_{np}=bh^3/12[(1+4n\mu)/(1+4n\mu)]$ – арматураларбир ёклама жойлашганда; $\mu=A_s/bh$ - арматуралаш коэффициенти; $n=E_s/E_q$ – пўлат ва ёғочнинг эластиклик модуллари нисбати.

Елимланган фанерали тўсинларнинг белбоғлари тик жойлашган тахталардан, девори эса фанерадан ташқил топиб, қўштавр кесим ҳосил қиласи. Белбоғ ва деворлари елим билан ёпишириб бириктирилади (18.4-расм). Елимланаётган тахта эни 100 мм дан ортмаслиги шарт. Қутисимон кесимли фанерали тўсин деворлари ташқи икки сиртида жойлашиб устки ва остки қисмларида горизонтал жойлашган тахта қатламидан белбоғлар елимланади. Агар белбоғ баландлиги 100 мм дан ошса, унда 30-50 мм чукурликдаги из билан шу баландлик бўлиб қўйилади. Бу чала елимланган чок толаларнинг ўзаро тик жойланишидан юзага келувчи кайишишдан ҳосил булувчи кучланишни камайтиришга хизмат қиласи.



18.4-расм. Елимланган фанерали түсін.

а-асосий күриниши, б-кесим юзалари, 1-елимланган тахта белбоғ; 2-фанера девор, 3-тахта девор, 4-белбоғ улоғи, 5-девор улоги

Фанера деворга қалинлиги кесим баландлигининг 1/130 қисмиға teng қилиб, лекин камида 8 мм қабул қилинади. Деворга ишлатиладиган фанера устки қатламининг толалари түсін үқига мос түшиши тавсия этилади.

Фанера деворининг ўз текислиги бүйича устиворлиги $a = (1/8 \div 1/10)R$ масофада қўйилган қобирғалар ёрдамида таъминланади. Одатда, қобирғалар оралари фанералар уланган жойларига мос тушади. Фанера уланган чок қия текислик усулида елимланади. Фанера деворли түсінларни ҳисоблашда чўзилувчи ости, сиқилувчи устки белбоғни ва фанера деворни X масофада жойлашган кесимида келтирилган қаршилик моментини ҳисобга олган холда текширилади:

$$\sigma_p = \frac{M}{W_{npq}} \leq R_p ; \quad \sigma_e = \frac{M}{W_{npq}\varphi} \leq R ; \quad \sigma_{p\phi} = \frac{M_x E_\phi}{W_{npq} E_q} \leq R_{p\phi} m_\phi \quad (18.24)$$

бу ерда: φ - бўйлама эгилиш коэффициенти; m_ϕ - фанера чокнинг чўзилишга қаршилик кўрсатишини ҳисобга олувчи коэффициент

$$W_{npq} = 2I_{npq} x h_x ; \quad h_x = h_{on} + i_x ; \quad (18.25)$$

i - устки белбоғ нишаблиги.

Кесимнинг келтирилган геометрик кўрсаткичлари қўйидаги ифодалар орқали аниқланади:

$$I_{np} = I_q + I_\phi \frac{E_\phi}{E_q}; \quad S_{npq} = S_q + S_\phi \frac{E_\phi}{E_q}; \quad F_{np} = F_q + F_\phi \frac{E_\phi}{E_q}$$

Белбоғлар билан девор орасидаги чокда ҳосил бўладиган уринма кучланиш қўйидаги ифода орқали текширилади.

$$\tau = \frac{Q_{\max} S_q E}{I_{npx} n h_n E_\phi} \leq R_{\phi ek} \quad (18.26)$$

бу ерда: S_q - нейтрал ўқка нисбатан ярим белбоғнинг статик моменти;

h_n - белбоғ баландлиги (уйма из эни ҳисобга олинмайди);

n - чоклар сони.

Елимланган тўсиннинг солқилиги келтирилган бикирликни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:


$$\tau_{np} f_{np} = (E_q I_q + E_\phi I_\phi) K_{\phi c} K_\tau, \quad (18.27)$$

$K_{\phi c}$ - КМК – 2.03.08-98 [II] бўйича иловадан олинади; K_τ - уринма кучланишнинг солқиликка таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент, қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$K_\tau = 1/I + 100(h'_{cp}/l)^2, \quad (18.28)$$

h'_{cp} - тўсин ўрта кесимида белбоғлар ўқлари орасидаги масофа.

Тўлқинсимон деворли елимланган фанерали тўсинлар. Ўзи енгил бўлатуриб анчагина юк кўтариш қобилиятига эга бўлган тўлқинсимон деворли елимланган фанерали тўсинларнинг бир неча турлари ишлаб чиқилган (18.5-расм). Фанера деворининг устиворлиги деворга тўлқинсимон шакл бериш билан таъминланади, шу сабабли мустаҳкамлик қобирғалари қўйилишга эхтиёж қолмайди. Тўсин белбоғларини яхлит ёки елимланган ёғочдан ясаш мумкин, девори учун қалинлиги 6 мм дан ошмаган намбардош фанера қабул қилинади.



18.5-расм. Тўлқинсимон фанера деворли тўсин.

а-асосий қўриниши, б-кесим юзаси; 1-тахта белбоғлар, 2-тўлқинсимон фанерали девор, 3-девор билан белбоғнинг ариқча улоғи, 4-девор билан белбоғнинг тўлиқ улоғи.

Белбоғнинг эни баландлигининг 2-2,85 қисмига teng деб қабул қилинади. Бундай тўсинлар уч хил усулда тайёрланади:

- тўсин белбоғларида арралаб очилган синусоида изга яssi фанера кесмаси босим остида киргизилиб елимланади;
- белбоғларда кенглиги иккилаган тўлқин баландлигига teng ариқча очиб, унга тўлқинсимон шакл берилган фанера девор киритилади, бўш қолган ораликлар елим билан тўлдирилади;
- белбоғдаги тўғри чизиқлар орасига текис фанера ўрнатилиб сўнг ёғоч поналар ёрдамида унга тўлқинсимон шакл бериб, ёриққа қатрон қўйилади;

Иккинчи ва учинчи усулларда қатрон кўп сарфланади, биринчи усул эса кўп меҳнат талаб қиласи. Ёрикнинг чуқурлиги $2,5 h$ дан кам бўлмаслиги керак, эни эса \sqrt{h} га teng олинади. Изга тушган фанеранинг чети понасимон бўлиши, унинг нишаблиги 1:10 бўлиши тавсия қилинади. Тўлқинларининг баландлиги белбоғ энининг $\frac{1}{3}$ қисмидан кам бўлмаслиги керак, тўсин баландлигини узунлигига нисбати $1/12 - 1/18$ оралиғида бўлиши керак.

Фанера девори керакли узунликда қия текислик усули билан елимланиб тасма холига келтирилади, унинг ташқи қатлами тўсин ўқига тик қилиб олинади. Тўсиннинг таянч кесими қобирға билан таъминланади. Тўлқинсимон деворли фанерали тўсинни ҳисоблашда геометрик кўрсаткичлари ва қийматларини аниқлашда тўлқинсимон деворнинг кўчувчанлик хоссасини эътиборга олиш зарур. Бунинг учун қаршилик ва инерция моментларига тузатиш коэффициентлари киритилади:

$$K_w = \frac{1}{1 + \frac{h_n}{h} B}, \quad K_{\omega} = \frac{1}{1 + B}, \quad (18.29)$$

бу ерда: $B = \pi^2 \frac{S_n}{\delta_\phi l^2} \cdot \frac{E_q}{G_\phi}$, S_n - оғирлик марказига нисбатан белбоғнинг статик моменти; δ_ϕ - фанера деворининг қалинлиги; l - тўсин оралиғи; h_n - белбоғ кесимининг баландлиги; h - тўсин кесими баландлиги; G_ϕ - фанеранинг силжиш модули.

$$W_p = \frac{2 \cdot I_p}{h} K_w; \quad I_p = I_\delta K_{\omega}, \quad (18.30)$$

I_δ - кўчувчанликни ҳисобга олмай ҳисобланган кесим инерция моменти

$$I_\delta = 2 \left[\frac{\sigma_n h_n^3}{12} + F \left(\frac{h'}{2} \right)^2 \right] \quad (18.31)$$

Остки чўзилувчи белбоғнинг кучланиши қўйидаги ифода орқали текширилади

$$\sigma = M \dot{x} W_p \leq R_p \quad (18.32)$$

Деворнинг нейтрал ўқи бўйича уринма кучланишларга қаршилиги устиворликни ҳисобга олган холда қўйидаги ифода орқали текширилади:

$$\tau = \frac{Q_{\max} S_n}{I_n \delta_\phi} \leq R_{c\phi} \varphi_{ec}, \quad (18.33)$$

бу ерда: φ_{ec} - тўлқинсимон деворнинг устиворлик коэффициенти:

$$\varphi_{ec} = K_1 K_2 / \lambda_{ec}^2 \quad (18.34)$$

бу ерда: $K_1 = 0,55 \sqrt{E_\phi G_a}$ K_2 - тўлқин баландлигининг узунлигига нисбатига боғлиқ

$$\frac{h_s}{l_s} = \frac{1}{12}; \frac{1}{15}; \frac{1}{18} \quad \text{қийматларда мос равиша } 0,45; 0,41; 0,39 \text{ га тенг.}$$

λ_{sc} - тўлқинсимон деворнинг эгилувчанлиги қўйидаги ифодадан аниқланади:

$$\lambda = \frac{h - 2h_n}{\sqrt{\delta_\phi h_s}} \quad (18.35)$$

Девор билан белбоғ елимли биримнинг қўшимча мустаҳкамлиги қўйидаги ифода орқали текширилади:

$$\tau_{uu} = \frac{Q_{\max} S_n}{I_n 2b_{uu}} \leq R_{ck\phi} \quad (18.36)$$

b_{uu} - деворнинг ўйикқа туширилган чуқурлиги.

Елимланмаган йиғма тўсинларга хода ва чорқирралардан ялпоқ нагел ва поналар билан биректирилган, елимланган пўлат арматуралар билан жиҳозланган ва михланган тахта тўсинлар киради.

Иккита ва ундан ортиқ чорқиррани жипслантириш учун дуб нагели (58x12 мм) қўлланилади, улар электр ўйиш дастгохи ёрдамида пармалаб очилган жойига ўрнатилиди. Тўсинни тайёрлаш жараёнида унга, албатта, $l/200$ нисбатга тенг тескари эгрилик берилади. Битта дуб нагелнинг юк кўтариш қобилияти қўйидаги ифода орқали аниқланади

$$T_{nl} = 0,75 \varepsilon_{nl}, \quad (18.37)$$

бу ерда: ε_{nl} - нагел эни, одатда, чорқирра энига тенг қилиб олинади.

Ораликтин ярмидаги нагеллар сони:

$$n = \frac{T_{l/2}}{T_{nl}} \quad (18.38)$$

T_l - ораликтин ярмидаги силжиш кучи қўйидаги ифода орқали аниқланади.

$$\frac{T_l}{2} = 1,5 \frac{MS_n}{I_n}, \quad (18.39)$$

M - энг катта эгувчи момент; S_n - чорқирра кесимининг статик моменти; I_n - йиғма кесимнинг инерция моменти.

Нагеллар таянчдан $0,4l$ узунликда $9\delta_{n_l}$ қадам оралатиб жойлаштирилади. Тўсин ўртасининг $0,2l$ қисмида нагел кўйилмаса ҳам бўлади (агар юклар симметрик таъсир этаётган бўлса). Бошқа кўчувчан боғловчилар билан бириккан тўсинлар ҳам шунга ўхшаш ҳисобланади.

Елимланмаган йиғма тўсинлар вақтинчалик қурилаётган иншоотларда қўллаш учун тавсия этилади.

18.3. Ёғоч рамалар, равоқлар ва фермалар


Рамалар юк кўтарувчи ёғоч конструкцияларнинг энг кўп тарқалган турига киради, улар саноат ва маъмурий биноларнинг кўндаланг қирқимида жуда мос тушади. Статик нуқтаи назардан рамалар шарнирли таянчида ва қулфида жойлашган уч шарнирли, шарнирли устун билан тўсин бирикмасида жойлашган ёки таянчларида жойлашган икки шарнирли бўлади (18.6 расм). Раманинг барча турлари учун тўсинлар нишаби $0,25-0,3$; қадами $3-6$ м олинади. Асосий геометрик ўлчамлари: бўғот кесимининг баландлиги $h_e = \left(\frac{1}{12} + \frac{1}{30} \right) l$, қулф тугунида $h_k = 0,3h_e$, устунлар таянчида $h_{on} = 0,4h_k$;

Рамаларнинг тузилиши тайёрлаш усулига боғлиқ. Елимланган тахта ва фанерали рамалар, асосан, заводларда тайёрланади. Елимланган тўғри тўртбурчак кесимли элементлардан ташқил топган уч шарнирли рамалар, хозирги пайтда кенг кўлланилаётган рамалар жумласига киради. Устун ва тўсин қисмларининг уланиш жойини эгиш йўли билан тишли елимлаш, металл ёки фанера қоплама ёрдамида, елимланган металл арматуралар воситада амалга ошириш мумкин.

Рамаларнинг статик ҳисоби қурилиш механикаси қоидаларига асосан олиб борилади. Таянч ва тортқич реакция кучлари аниқланади, сўнгра кесимлардаги зўриқиши қуйидаги ифодалардан ҳисобланади:

$$M_n = M_{\delta} - HY_n; N_n = Q_{\delta} \sin \varphi_n + H \cos \varphi_n; Q_n = Q_{\delta} \cos \varphi_n - H \sin \varphi_n \quad (18.40)$$

бу ерда: M_δ , Q_δ – тўсинда аниқланган эгувчи момент ва кўндаланг куч; φ_n – кесимдаги уринманинг ўққа нисбатан оғиш бурчаги.



18.6-расм. Елимланган уч шарнирли рамалар.

а-эгиб елимланган, б-тўғри чизиқли, в-тўрт ховонли, г-икки ховонли, д-ички таянч ховонли, е-ташқи таянч ховонли.

Кесимдаги нормал кучланиш қуйидаги формула бўйича текширилади:

$$\sigma_n = \frac{N}{F_{pn}} + \frac{M_n}{\xi W_{pn}} \leq R_{em\alpha} m_{\varepsilon n} \quad (18.41)$$

Ярим рама элементларининг бирикиш жойи ҳисобий кесимига тўғри келади:

$$W_{pn} = \frac{(0,85h_k)^2 \varepsilon}{\delta} m_\delta, \quad (18.42)$$

0,85 – кесимда кучланишларнинг нотекис тақсимланишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ярим рамалар пайдеворга бирикиш тугунида эркин таянади. Пайдеворда пўлат тагёстик ишлатилиб, унда қисувчи бўйлама таянч кучи тола бўйлаб эзувчи

кучланишлар, кўндаланг таянч кучи эса толада кўндаланг эзувчи кучланиш ҳосил қиласди:

$$\sigma_{cm} = \frac{N}{F_{cm}} \leq R_{cm}; \quad \sigma = \frac{H}{F_{cm}} \leq R_{cm} q_1 \quad (18.43)$$

Ушбу шартларга кўра бошмоқ ўлчамлари аниқланади.

Бўғот тугунини болтлар билан маҳкамланган ёғоч қоплама билан биритириш мумкин. Ўзаро тирадаги юзалардаги эзилиш кучланиши қуидаги ифода орқали текширилади:

$$\sigma_{cm\beta} = H / F_{cm} \leq R_{cm\beta} \quad (18.44)$$

β – рама тўсини нишаби.

Қопламалар рама носимметрик юкландаги кўндаланг куч таъсиридан эгилишга ҳисобланади:

$$M_n = \frac{Ql_1}{2}, \quad (18.45)$$

Болтларга таъсир этувчи зўриқишлиар:

$$R_1 = Q / (1 - l_1 / l_2) \quad R_2 = Q / (l_2 / l_1 - 1) \quad (18.46)$$

Болтларнинг юк кўтариш қобилияти толанинг кўндаланг йўналишини ҳисобга олиб аниқланади ва улар таъсир этувчи зўриқишилардан (R_1 ва R_2) катта бўлиши керак.

Устунлари бикир маҳкамланган икки шарнирли рамалар. Бундай рамаларнинг устунлари яхлит ва панжарасимон, ўзгарувчан кесимли бўлиши мумкин. Рама тўсини сифатида елимланган тўсин ёки фермалар қўлланилади. Устун бикир маҳкамланганлиги сабабли устун ва тўсинларни алоҳида алоҳида тайёрлаш ва йиғиш мумкин.

Раманинг ҳисоби унга таъсир этаётган тик ва горизонтал кучлардан ҳосил бўлган кучланишларни аниқлашдан иборат.

Устун билан тўсин ўзаро шарнирли бирикма ҳосил қилгани сабабли, уларнинг ҳисоби алоҳида-алоҳида олиб борилади. Бу холда устунлар тўсинга таъсир этаётган тик кучни йиғик кучдек қабул қиласи. Кучнинг таъсири тўсиннинг таянчдаги реакция кучига teng бўлиб, устуннинг ўқ йўналиши бўйича таъсир қиласи. Ташқаридан тушадиган юклар таянч реакция бўлиб, томдаги ҳамма конструкцияларнинг хусусий оғирлигидан ташкил топади. Қордан ҳосил бўлган реакция тўсин таянчи орқали узатилади.

Шамол кучи томнинг ташқи кўриниши ва шаклига боғлиқ. Тўсин устун билан бириккан жойида (таянчида) горизонтал W_1 , W_2 ҳамда шамол таъсиридан устунга қўйилган горизонтал ёйиқ юк номаълум реакция ҳосил қиласи.

Бир оралиқли статик ноаниқ рамалардаги реакция кучи қуйидаги ифода орқали аниқланиши мумкин

$$X = \pm[0,188 l(P_1 - P_2) + 0,6(W_1 - W_2)] \quad (18.47)$$

Устун мустаҳкамлигини текшириш, қистириб (бикир) маҳкамланган тўсин каби олиб борилади. Устуннинг энг масъулиятли кесими эгувчи моментни қабул қилувчи қистириб маҳкамланган таянчидир. Эгувчи момент етарлича катта бўлмаса таянч зулфин болтлар ёрдамида бажарилади. Елимланган ёғоч устунларни пойдеворга қистириб маҳкамлаш учун елимланган пўлат стерженлар кўлланилиши ҳам мумкин. Бикир таянч зулфинда чўзувчи зўриқишининг энг катта қийматини ҳосил қилувчи турли юкланишлар таъсирига ҳисобланади. Чўзувчи кучни қуйидаги ифода орқали ҳисоблаш мумин:


$$N_p = \frac{N}{2} + \frac{M}{\xi e}, \quad (18.48)$$

бу ерда: N ва M - таянч кесимдаги бўйлама куч ва эгувчи момент;

ξ - бўйлама кучдан ҳосил бўлган қўшимча моментни ҳисобга оловчи коэффициент; e - жуфт кучнинг елкаси, унинг бири N_p - кучидир, бошқа эса h_1 - кенглиқда сикувчи кучланишларнинг teng таъсир этувчиси N_p ; зўриқишларнинг энг катта қийматига асосан устуннинг бир томонидаги болтлар ёки елимли арматуралар сони аниқланади.

Ёғоч равоқлар юк күттарувчи конструкция сифатида қишлоқ хўжалиги, саноат ва маъмурий биноларида кенг кўлланилади. Равоқлар статик тузилишига кўра уч шарнирли ва икки шарнирли бўлиши мумкин (18.7-расм).

Таянч схемасига кўра равоқлар тортқисиз (тортқич вазифасини таянч бажаради) ва тортқичли (кучни тортқич қабул қиласиди) бўлади. Ўқларининг шаклига кўра равоқлар учбурчакли, (тўғри чизиқли элементлардан ташқил топган), айланма (доиравий) ва учи ўткир (иккита ярим равоқлар, ўқлари икки доира га жойлашган) бўлади. Тузилишига кўра яхлит кесимли елимланган ва панжарасимон элементлардан ташқил топган бўлиши мумкин. Қурилишда энг кўп тарқалгани уч шарнирли равоқлардир. Улар статик аниқ ва зўриқишилари таянч ва тортқичдаги кучишига боғлиқ эмас. Йиғиш жараёнида юқори қисмида шарнирли бириттириш қийинчилик туғдирмайди.



18.7-расм. Елимланган равоқлар.

а-сегментсимон, б-учбурчак, в-ёйсимон, г- синик ёйсимон, 1-тортқисиз, 2-тортқили

Икки шарнирли равоқлар айрим холларда, шакли ёйсимон ва елимли бўлсагина қўлланилади.

Пойдеворга таянувчи тортқичсиз равоқлар оддий ҳисобланади. Улар, асосан, учта тугунда бириккан икки йирик элемент - ярим равоқлардан ташкил топади. Бундай равоқлар, баланд, ўрталарида деворлар булмаган, масалан, омборлар, спорт иншоотлари каби биноларнинг томини ёпишда ишлатилади.

Тортқичли равоқлар тўсин ва фермалардек том ёпишда қўлланилади, улар устун ёки деворларга таянади. Елимланган тахта равоқлар, меҳнат сарфи кам бўлгани учун, кесим юзаси тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланади. Оралиқ катта бўлганда бундай равоқлар кесимини момент қиймати ўзгаршига мос равища ўзгарувчан қабул қилиш мумкин. Эгиш қулай бўлиши учун тахталарнинг қалинлиги эгиш радиусининг $1/300$ қисмидан ошмаслиги ва 33 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак. Равоқларнинг мустаҳкамликка ҳисоби ва томнинг сирти шаклига кўра турли юклар таъсирига қурилишда меъёрий қоидалари талаблари асосида бажарилади.

Бунинг учун, равоқ ўқи бўйича «п» та кесимга бўлинади, нуқталарнинг координатлари ва оғиш бурчаклари аниқланади. Тўғри чизиқли ва доиравий равоқларда ёйик юк таъсиридан чорак оралиқдаги энг катта зўриқишини аниқлаш кифоя.

Агар кесимда эгувчи момент мусбат бўлса, сиқилувчи устки белбоғ устиворлиги бикир маҳкамланган конструкциялар томонидан таъминланади.

Равоқдаги энг катта момент аниқланади. Агар момент мусбат бўлса, унда кесимдаги нормал кучланиш текширилади, момент манфий бўлса, кесим устиворлиги қуидаги ифода орқали текширилади:

$$\frac{N}{F\varphi} + \left(\frac{M_p}{\xi_x W_x \varphi_\delta R_c} \right) \leq 1, \quad (18.49)$$

$$\text{бу ерда: } \varphi = \frac{3000K_y}{\lambda 2}; \quad \varphi_\delta^1 = \varphi_\delta K_y \quad (18.50)$$

φ_δ – бўйлама эгилиш коэффициенти;

K_y, K_φ – коэффициентлар қуидагича аниқланади;

$$K_y = 0,75 + 0,06 \left(\frac{l_p}{h} \right)^2; \quad K_\varphi = 1,75 \frac{h}{l_p} + 0,14 \frac{l_p}{h} \quad (18.51)$$

Элементнинг ҳисобий узунлиги: юклаш носимметрик бўлса $l_p = 0,5 S$; юклаш симметрик бўлса (икки шарнирли равоқ учун) $l_p = 0,7 S$; S - равоқнинг умумий узунлиги.

Бундай равоқ элементларида момент қи йматини камайтириш мақсадида елка воситасида тескари момент ҳосил қилинади. Бунинг учун эзилувчи юза элемент ўқидан e – масофага суреб қўйилади. Бу хол амалий жихатдан элемент учларини $2e$ чукурликда ўйиб қўйиш билан ёки пойдеворга тираш пайтида бажарилади. Шунинг натижасида элемент оралиғида ҳисобий моменти сезиларли даражада камаяди:

$$M_p = M_q - N\ell = \frac{(q+P)l^2}{8,4} - N\ell. \quad (18.52)$$

Нормал кучланишларнинг тенглик шартига кўра, элемент кесимида, оралиknинг ўртасида ва чегараларида (учларида) елканинг меъёрий зарур қиймати танланади; у ҳолда оралиқда ва таянчларда элемент ўзаро тенг мустаҳкамликка эга бўлади. $M_{on} = M_{np}$ бўлганда:

$$l_{on} = \frac{M_q}{N(\xi-1)} \quad (18.53)$$

Доиравий равоқ тугунларида эркин бурилишини таъминлаш учун ва ҳисобда қабул қилинган зўриқишлиар тақсимланишини сақлаш учун, таянч тугуни қути кўринишдаги пўлат бошмоқдан бажарилади, юқори тугуни эса учларини бевосита тираш ёрдамида маҳкамланиб, ёнларидан ёғоч қоплама билан маҳкамланади. Орқалик 30 м дан ошса юқори тугунини маҳкамлаш ўқли ёки тахтасимон шарнир ёрдамида бошмоқ орқали бажарилади.

Равоқ элементидаги хисобий әгувчи момент унинг эгрилик баландлиги хисобига ҳосил бўлган тескари моментни эътиборга олган холда қуидаги ифодадан аниқланади:

$$M_p = \frac{(q + p)l^2}{8,4} - Nf \quad (18.54)$$

Тугунларни хисоблашда таянчдаги тиравиши швеллерини эгилишига икки таянчлари оралиғи бошмоқ бўйича тенг тўсиндек текширилади; бўғот тугунидаги қопламалар ва унинг болтлари мустаҳкамлиги равоқ товони тугундаги тортки кучини қабул қилувчи пўлат тўсиқча юзаси, қалинлик ва пайванд чоклари, бошмоқ билан пойдеворни бириктирувчи зулфинлар мустаҳкамликлари хисоб билан текширилади.


Фермалар, равоқ ва рама учбурчак ҳосил қилувчи элементлардан ташкил топади. Том ёпмалари фермаларининг белбоғлари сиқилиб-эгилишга ишлаши мумкин, панжара элементлари эса, факат ўқ бўйича таъсир этувчи зўриқишига ишлайди. Том фермалари шаклига кўра учбурчак, кўпбурчак, ёйсимон ва шпренгелли бўлади (8.8-расм). Тугунлараро масофа ўлчамларга кўра оддий ($d \leq 3m$) ва йирик ораликли ($d \geq 3m$) фермаларга ажратилади. Материалига кўра фермалар ёғоч чоркирралар, ходалар, елимланган тахталар, металл-ёғоч ва пластмассадан тайёрланган бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда елимланган текис конструкциялар қатори қишлоқ хўжалик қурилишларида, оралиғи 12 м дан ортиқ бино ва иншоотларда устки белбоғлари тахталардан елимланган металл-ёғоч фермалар қўлланилаяпти. Бундай конструкцияларда чўзишлишга ишловчи асосий элементлар металдан, сиқилувчи ва сиқилиб-эгилувчи ва сиқилиб-эгилувчи элементлари ёғочдан бажарилади, натижада ёғоч ва металнинг мустаҳкамлик хусусиятлардан унумли фойдаланилиб, тугунларда бириктириш осонлашади.

Салбий муҳитли бино ва иншоотларда (минерал ўғит омборлари, чорвачилик бинолари) барча элементлари елимланган ёғочдан, тугун бирикмалари

пластмассадан ташкил топган фермаларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек фанера ва пластмасса қувурсимон элементларидан ташкил топган фермаларни қўллаш ҳам мумкин.

Фермаларнинг энг кам харжлиси устки белбоғи тахталардан елимланган ёйсимон фермалардир.



18.8-расм. Елимланган фермалар.

а-учбурчакли ховонлари чорқирра, б-учбурчакли устунлари чорқирра, в-сегментсимон, г-бешбурчакли.

Бундай фермалар оралиги 12-36 м, баландлиги эса ораликнинг 1/6 га teng. Устки белбоғи айлана ёйи кўринишида бўлиб, узунлиги 4-6 м teng қилиб бир хил олинади. Устки белбоғнинг кўриниши ёйик, юқдан ҳосил бўлган моментининг эпюраси тасвирига мослиги сабабли тугунларга маҳкамлашни осонлаштиради.

Устки белбоғ эгри чизиқли бўлганлиги, тугундан ташқаридаги юқдан ҳосил бўладиган моментларнинг сезиларли камайишига олиб келади.

Устки белбоғ кесими тўғри тўртбурчак қилиб, қалинлиги 40 мм дан катта бўлмаган тахталарни елимлаб ясалади. Кесим баландлигининг энига нисбати $h/b \leq 4$ қабул қилинади. Устки белбоғ бутун ораикда ва ярим ораикда узлуксиз бўлиши

мумкин ёки қурилиш жойига ташиб етказиш мушкул бўлса, тугунларда туташувчи майда бўлаклар кўринишида бажарилади. Узлуксиз белбоғларнинг қўлланилиши фермаларни завод шароитида йиғиш ва уни тайёр холда етказишни таказо этади, шу билан тиклаш учун сарфланадиган вақт ва ашё тежалади; белбоғи алоҳида-алоҳида бўлган фермалар завод шароитида ёки қурилиш майдонида йиғилиши мумкин. Тугунларнинг тузилиши ферма белбоғи узлукли ёки узлуксиз бўлишига боғлик. Устки белбоғ узлукли бўлса, туташиш ораликларига металл ёстиқча жойлаштирилади.

Ёстиқча бириманинг жипслигини ва бўлаклар чеккаларининг марказлаштирилишини таъминлайди. Тугундаги болтлар тугун ёстиқча марказига жойлашган. Ховондаги зўриқиши тугундаги болт металл қоплама орқали қабул қиласиди.

Устки белбоғнинг уланган жойлари болтлар ёрдамида ёғоч қоплама билан маҳкамланади. Таянч тугуни пўлат бошмоқка оддий тираш билан амалга оширилади. Ферма тугунларининг тузилиши зўриқиши ёғоч толалари бўйича узатилишини таъминлайди, ёғочнинг кўриб кайишишидан ҳосил бўлган қўшимча зўриқишлиардан асрайди.

Устки белбоғ узлуксиз бўлса, тугундаги болт унинг икки ёнидан туртиб чиқади ва унга ховонлар бириманинг биринчи ишларини беради. Остки белбоғ бир жуфт металл бурчакдан тайёрланади. Ховонлар чорқирра ёки тахталардан елимлаб тайёрланади ва учларига металл қоплама маҳкамланади. Улардаги тешикка устки ва остки белбоғларнинг тугун болти киргизилади.

Металл қисмларнинг ўлчамлари камайтириш мақсадида битта фермада икки хилдан ортиқ булмаган металл қоплама қўллаш тавсия этилади: бири устки белбоғ тугунлари учун, иккинчиси остки белбоғ тугунлари учун.

Текис фермаларнинг зўриқишлиарини аниқлаш қурилиш механиқасининг умумий қоидасига биноан ЭХМда ёки Максвелл-Кремона қўпбурчаги ёрдамида, амалга оширилади. Устки белбоғнинг мустаҳкамликка ва устиворликка ҳисоби

сиқилиб-эгилувчи элементлар ҳисоби каби олиб борилади. Устки белбоғ узлукли бўлганда эгувчи момент қуидагича аниқланади:

$$M = M_0 - NA, \quad (18.55);$$

бу ерда: M_0 - тугундан ташқаридаги юқдан ҳосил бўлган эгувчи момент, кН.м;

N - бўйлама куч, кН;

A - белбоғнинг эгрилик баландлиги $\frac{l_n^2}{8}$ га тенг.

Устки белбоғи узлуксиз фермаларнинг устки белбоғи кўп оралиқли узлукли тўсин деб қаралади. Бунда оралиқ M_{np} ва таянч M_{on} моментлари ёйик юқ ва бўйлама куч таъсиридан аниқланади:

$$\text{Оралиқ нуқтада} \quad M_{np} = \frac{ql^2}{14} - 0,64Nf; \quad (18.56)$$

$$\text{Таянч нуқтада} \quad M_{on} = -\frac{ql^2}{10} + 0,72Nf; \quad (18.57)$$

$$M_{np} = \frac{ql^2}{24} - \frac{1}{3}Nf; \quad (18.58)$$

$$M_{on} = \frac{ql^2}{12} + \frac{2}{3}Nf,$$

бу ерда: l - белбоғ тугунлари орасидаги масофанинг горизонтал проекцияси.

Узлуксиз устки белбоғни ферма текислигидаги устиворлигини текширишда, ёйик юқ таъсиридан эгилувчанлигини аниқлаш учун ҳисобий узунлиги чекка ёй белбоғ ватарининг 0,8 тенг қилиб ва бошқа тугунлар орасидаги ёй белбоғ ватарининг 0,6 қисмига тенг қилиб олинади. Ферма текислигидан чикишда устки белбоғнинг устиворлигини ҳисоблашда l_0 -ни вассатўсинлар оралиғидаги масофа ёки бошқа том элементлари оралиғига тенг деб олинади.

Елимланган ёғоч элементли кўпбурчак кўринишидаги металл-ёғоч фермалар эни 36 м гача бўлган бир ораликли саноат ва қишлоқ-хўжалик биноларини ёпишда қўлланилади. Ферманинг баландлиги ораликнинг $\frac{1}{6} - \frac{1}{7}$ қисмига teng. Устки белбоғ ёйнинг ичига ёки ташкарасига чизилган кўпбурчак шаклида бўлади. Устки белбоғ панеллари бир хил узунлиқдаги тўғри чизиқли элементдан ташқил топиб, чоркирра ёки елимланган тахталардан ясалиши мумкин, зўриқишлиар тугундаги металл ёстиқчалар орқали узатилади.

Остки белбоғ, одатда, иккита металл бурчакдан тайёрланади. Тугунлар эса устки белбоғи елимланган ёйсимон фермалардаги каби қабул қилинади. Устки белбоғ тугунининг бирлашадиган жойига металл ёстиқча жойлаштирилади, ёйсимон фермалардан фарқли ўлароқ, тугундаги ёстиқчалар белбоғ синик чизиқли бўлгани учун пона шакли бўлади.

Тугундаги ёстиқчалар зўриқишлиарнинг номарказий таъсирини таъминлайди ва натижада тескари эгувчи момент ҳосил бўлади. Бу эса устки белбоғ кесимини камайтиришга имкон беради. Панжара ховони ҳамда устуни устки ва остки белбоғларга жуфт қопламалар ёрдамида бирикади, кашакланган учларига бурама михлар билан маҳкамланади ва тугун болтига кийгизилади.

Остки белбоғ тугуни конструкциялари шунга ўхшаш ёйсимон фермаларидан фарқланади, чунки ёйсимон фермаларда панжара элементлари сезилари учун, зўриқиши кам. Тугунларда остки белбоқقا маказдан кочма қилиб маҳкамланиш рухсат этилади. Остки белбоғнинг уланиш жойи ихтиёрий ерда бўлиши мумкин.

Кўпбурчакли фермалар сегментсимон фермалар каби ҳисобланади. Устки белбоғ икки ораликли узлуксиз тўсин кўринишида ва марказдан қочма сиқилувчи элемент каби ҳисобланади. Ёғоч қуриганда ва эгилиш ҳисобига кўчувчанлик содир бўлишини, белбоғ ўртасидаги таянч ўтириши муқаррарлиги натижасида, шунуктадаги моментни нолга teng деб, устки белбоғни тугун оралиғи узунлигига teng бўлган бир ораликли тўсин деб қараш мумкин.

Панжара элементлари эксцентрик маҳкамланганда ости белбоғ номарказий чўзилувчи элемент каби ҳисобланади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Рамаларни лойиҳалашнинг ўзига хослиги нимада?
2. Икки ва уч шарнирли равоқларнинг бир-биридан фарқи нимада?
3. Фермаларни лойиҳалашнинг ўзига хослиги ?
4. Статик нуқтаи назардан рамалар қандай турларга бўлинади?
5. Рамалардаги ички зўриқишилар қандай аниқланади?
6. Рамаларнинг таянчидаги ҳосил бўладиган чўзувчи зўриқиш қандай аниқланади?
7. Равоқлар статик нуқтаи назардан қандай турларга бўлинади?
8. Равоқлардаги моментларни камайтириш учун қандай тадбирлар қўлланилади?
9. Металл-ёғоч фермаларнинг афзалликлари ?
- 10.Ферма элементларидаги зўриқишилар қандай аниқланади?

6 - ҚИСМ. Замин ва пойдеворлар

19.1. Замин ва пойдеворларни ҳисоблаш асослари

Бино ва иншоотлардан тушаётган юкни заминга узатадиган бино ва иншоотларнинг ер ости ёки сув ости қисми пойдевор деб аталади.

Пойдевор – бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлик, турғунлик, технологик тўзилиш, узоқ муддат ишлатиш, ҳамда иқтисодий талабларига жавоб бериши керак.

Бино ва иншоотлар қандай мақсадларга мўлжалланганлигига қараб қуидагиларга бўлинади (19.1-жадвал).

Бино ва иншоотларнинг таснифланиши

19.1-жадвал

Бино ёки иншоот тури	Қандай мақсадга мўлжалланганлиги	Бино ёки иншоотнинг номи
Бинолар	Тураг-жой	Меҳмонхона, ётоқхона, дам олиш уйлари, аҳоли яшайдиган уйлар
	Жамоат	Маъмурий, ўқув, маданий, маърифий, спорт, савдо, коммунал-хўжалик, кино-театрлар ва ошхоналар
	Саноат	Заводлар, фабрикалар, сув иситиш қозонлари, электр станциялар
	Транспорт	Ангарлар, саройлар, вокзаллар, деполар
	Кишлоқ хўжалиги	Чорвачилик комплекслари, иссиқ-хоналар, ғалла сақлаш омборлари, паррандачилик фабрикалари ва бошқалар.
Иншоотлар	Курилмалар	Кўприклар, тўғонлар, суюқлик сақлаш иншоотлари, миноралар, тайёра-гоҳлар (аэродромлар), сув бўйи иншоотлари ва бошқалар

Бино ва иншоотлар заминининг деформацияланиши Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.02.01 – 98 [20] чекланган миқдордан ортиб кетмаслиги керак. (19.1-жадвал)

Ҳозирги вактда қабул қилинган қоидаларга асосан барча бино ва иншоотлар бикирлиги бўйича уч турга бўлинади.

1. Нисбатан бикир иншоотлар (турли мўрилар, темир эритиш ўчоқлари, моёқлар, сув кўтаргич иншоотлари, кўприкларнинг таянчлари, тўғонлари ва ҳоказо.); булар турли чўкишдан кам заарланган ҳолда, улар учун бурилиш, шакл ўзгариши аҳамиятлидир.

2. Бикир иншоотлар (рама ва яхлит ҳолдаги темирбетон буюмлар, саноат ва жамоат бинолари темир бетон синчли йирик ва яхлит қурилмали бинолар ва ҳоказо), бу иншоотлар учун эгилиш ва бикилишга оид шакл ўзгариши хавфли.

3. Эгилувчан иншоотлар (сув сақловчи идишларнинг остки қисмлари, темирдан ишланган қурилмалар, бўлинмалар ва ҳоказо), булар учун буралиш, эгилиш ва бикилишга оид шакл ўзгаришлар маълум қийматдан ошиб кетмаслиги кифоя.

Ҳозирда замин ва пойдеворлар лойиҳаси асосини грунт, пойдевор ва иншоот қурилмаларини биргаликда қараш қабул қилинган.

Шунинг учун замин ва пойдеворларни лойиҳалашда асосий масалани ҳал этиш лозим: биринчиси, иншоотнинг тегишли мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш; иккинчиси, ашёлар сарфи, иш ҳажми ва уларнинг таннархи нуқтаи назардан иқтисодий арzon турини танлашдан иборат.

Заминларни деформацияларини ҳисоблашда пойдеворлар турини арzonлаштирадиган бирдан-бир йўл, заминнинг юк кўтариш қобилиятини тўла ҳисобга олиш лозим.

Бунинг учун бино ва иншоотдан заминга таъсир этувчи юқори босимни ҳисобга олиш лозим. Юқори босим қиймати эса, иншоот учун йўл қўйиш мумкин

бўлган деформацияга боғлиқ бўлмай, балки заминнинг ўлчамлари, грунт қатламларининг турлари ва уларнинг физикавий-механиқ хоссаларига боғлиқдир.

Агарда заминни нотекис деформацияси ривожланиш характерини, бино ва иншоотлар бикирлигини ҳисобга олсак, у ҳолда деформация ва силжиши қўйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

1. Оғиши пойдевор иккита нуқтасини улар орасидаги масофага тегишли абсолют чўкиши фарқи сифатида қаралади

2. Бино ва иншоотни қийшайиши – битта кўндаланг ёки бўйлама ўқса жойлашган улар орасидаги масофага тегишли иккита ёки бир нечта пойдевор чўкишини фарқи

$$i = \frac{s_n - s_l}{L} \quad (19.1)$$

бу ерда: s_l ва s_n - узлуксиз ёки иккита пойдевор четки нуқталарини чўкиши;

3. Бино ёки иншоотни нисбий эгилиши ёки эгилиш йўлини бинони эгилган қисми узунлигига ва эгилган қисми эгрилигига нисбати билан баҳоланади

$$f = \frac{2s_2 - s_1 - s_3}{L} \quad (19.2)$$

бу ерда: $L=?$

4. Буралиш деганда иншоотни узунлиги бўйича бир хил бўлмаган оғиши бўлиб, айниқса ушбу ҳолатни ривожланиши уни иккита кесимида ҳар хил томонга қараб юз бериши тушунилади.

5. Пойдеворларни горизонтал силжиши қурилмадан сезиларли горизонтал куч таъсир қилганда юз беради.

19.1. Заминаларни юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисоблаш

Заминаларни юк кўтарувчанлик хусусияти бўйича ҳисоблашдан мақсад – заминларнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш, шунингдек,

пойдеворнинг товони бўйича силжиш ва ағдарилишига йўл қўймаслик. ҳисоблашда қабул қилинадиган заминнинг бузилиш схемаси (унинг чегаравий ҳолатга етишида) пойдевор ёки иншоотнинг ушбу таъсир ва конструкцияси учун ҳам статик, ҳам кинематик жиҳатдан мос бўлиши лозим.

Заминларнинг юк қўттарувчанлик хусусияти бўйича ҳисоблаш қуидаги шартдан келиб чиқиб бажарилади:

$$F \leq \frac{\gamma_c \cdot F_u}{\gamma_n} \quad (19.3)$$

бунда: F – заминга тушадиган ҳисобий юклама; F_u – заминнинг чегаравий қаршилик кучи; γ_c – иш шароитлари коэффициенти, қуидагича қабул қилинади: қумлар учун чангсимонларидан ташқари - $\gamma_c=1,0$; чангсимон қумлар, шунингдек чангсимон-лойли барқа-рор ҳолатдаги грунтлар - $\gamma_c=0,85$; қоятошли грунтлар учун: нураганлари - $\gamma_c=0,9$; жуда нураганлари - $\gamma_c=0,8$; γ_n – иншоотнинг вазифаси бўйича ишончлилик коэффициенти; I, II, ва III синф конструкциялари учун шунга мос равища 1,2; 1,15 ва 1,10 га teng деб қабул қилинади.

Қоятошли грунтлардан иборат замин чегаравий қаршилик кучларининг вертикал ташқил этувчиси N_u , кН (тк), пойдевор қандай чуқурликда қўйилганидан қатъий назар, қуидаги формуладан ҳисобланади:

$$N_u = R_c \cdot b' \cdot \ell' \quad (19.4)$$

бунда: R_c - қоятошли грунтнинг бир ўқли сиқилишига мустаҳкамлик чегарасининг ҳисобий қиймати, кПа ($\text{тк}/\text{м}^2$); b' ва ℓ' - пойдеворнинг мос равища келтирилган эни ва узунлиги, м, қуидаги формуладан ҳисоблаб топилади:

$$b' = b - 2e_b; \quad \ell' = \ell - 2e_\ell \quad (19.5)$$

бунда: e_b , e_ℓ - пойдеворнинг кўндаланг ва бўйлама ўқлари йўналиши юкламаларнинг тенг таъсир этувчиларини қўйиш эксцентриситетлари, м.

Мувозанат ҳолатдаги ноқоятош грунтлардан иборат замин чегаравий қаршилик кучи; бутун сирпаниш юзалари бўйича меъёр σ ва g уринма кучланишлар орасидаги

(замииннинг чегаравий ҳолатига мос) нисбатан қуйидаги боғлиқка бўйсуниши керак деган шартдан келиб чиқиб аниқланishi лозим:

$$\tau = \sigma \cdot \operatorname{tg} \varphi_I + c_I \quad (19.6)$$

бунда: φ_I ва c_I – мос равишда грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги ва солишири ма боғланиш қучининг ҳисобий қиймати.

Мувозанат ҳолатдаги қоятош бўлмаган грунтлардан иборат замииннинг чегаравий қаршилик кучи вертикал ташқил этувчиси N_u ни (19.7) формуладан аниқланади:

$$N_u = b' \cdot \ell' \cdot (N_\gamma \cdot \xi_\gamma \cdot b' \cdot \gamma_I + N_q \cdot \xi_q \cdot \gamma'_I \cdot d + N_c \cdot \xi_c \cdot c_I) \quad (19.7)$$

бунда: b' ва ℓ' – белгилар (19.4) формуладан олинган бўлиб, бунда b белгиси билан пойдевор асосининг мустаҳкамлиги йўқолади деб тахмин қилинаётган йўналишдаги томони белгиланади; N_γ , N_q , N_c - юк кўтарувчанлик хусусиятининг ўлчамсиз коэффициентлари; грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги ва пойдевор товони сатҳида заминга тушадиган тенг таъсир этувчи ташқи юкламанинг вертикалга эгилиш бурчаги ҳисобий қийматларига қараб кайси жадвалдан аниқланади. γ' ва γ'_I - грунтлар солишири ма оғирлигининг ҳисобий қийматлари, Кн/м³ (тс/м³) пойдевор товонидан пастда ва юқорида кўпчиш призмаси пайдо бўлиши эҳтимоли бор чегараларда олинади (ер ости сувлари мавжуд бўлганда, сувнинг муаллақ тутиб туриш таъсири ҳам ҳисобга олинади); c_I - грунтнинг солишири ма боғланиш ҳисобий қиймати; d - пойдеворни жойлаштириш чуқурлиги, м (пойдеворнинг ҳар хил томондан вертикал кўшимча кучлар бир хил таъсир қилмаган ҳолда энг кичик кўшимча кучга тўғри келади, масалан, ертўла томондан таъсир қиладиган қиймат d қабул қилинади); ξ_γ , ξ_q , ξ_c - пойдевор шаклларини ҳисобга олиш коэффи-циентлари; қуйидаги формулалардан аниқланади:

$$\xi_\gamma = 1 - 0,25/\eta; \quad \xi_q = 1 + 1,5/\eta; \quad \xi_c = 1 + 0,3/\eta, \quad (19.8)$$

бунда: $\eta = \ell x b$, ℓ ва b – пойдевор товонининг узунлиги ва эни; (19.5) формулалар бўйича аниқланадиган келтирилган қийматлар b' ва ℓ' га тенг таъсир этувчи юкни марказдан ташқарига қўйиш ҳолларида қабул қилинади.

Агар $\eta = \ell x b < 1$ бўлса, (19.8) формулаларда $\eta = 1$ деб қабул қилиш керак. Заминга тушадиган ташқи юк тенг таъсир этувчисининг вертикал қиялик δ бурчаги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\operatorname{tg} \delta = F_h / F_v \quad (19.9)$$

бунда: F_h ва F_v – мос равища пойдевор товони сатҳидан заминга тушадиган ташқи юкнинг горизонтал ва вертикал ташкил этувчиси;

Куйидаги шарт бажариладиган тақдирдагина (19.7) формула бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади:

$$\operatorname{tg} \delta \prec \sin \varphi_I \quad (19.10)$$

Демак, пойдеворнинг ҳар томонидан бир хил бўлмаган қўшимча юклар таъсир этадиган ҳолларда горизонтал юклар таъсирида грунтнинг фаол босимини ҳисобга олиш лозим.

Пойдеворларни чуқурлигини белгилаш

Пойдеворнинг чуқурлиги қуйидагиларни ҳисобга олиб қабул қилиниши керак: лойиҳаланадиган иншоотнинг вазифаси ва конструктив хусусиятларини, унинг пойдеворига тушадиган юклар ва таъсиrlарни; ёндош иншоотлар пойдеворларини жойлаштириш чуқурлигини, шунингдек, муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш чуқурлигини; иморат қуриладиган худуднинг мавжуд ва лойиҳаланаётган рельефини; қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик шароитларини (грунтнинг физик-механиқ хоссаларини, қатламланиш характерини, сир-панишга мойил қатламларининг мавжудлигини, ўпирилган чуқурчалар, карст бўшлиқлар ва бошқалар бор-йўқлигини); майдоннинг гидрогеоло-гик шароитлари ҳамда иншоотнинг қурилиши ва фойдаланиши жара-ёнида уларнинг ўзгариши эҳтимоли; дарё ўзанларида қуриладиган иншоотлар (кўприклар, кувурлар ўтган жойлар ва ҳ.к)

таянчлари атрофидаги грунтнинг ювилиб кетиши эҳтимолини; грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигини,

Грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигининг ҳисобий қиймати $d_f = d_1$, ҚМҚ га асосан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади, м:

$$d_f = k_h \cdot d_{fn} , \quad (19.11)$$

бунда: k_h – иншоотнинг иссиқлик режими таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент; у иситиладиган иншоотнинг ташқи пойдеворлари учун; иситилмайдиган иншоотларнинг ташқи ва ички пойдеворлари учун - $k_h = 1,1$ (ўртача йиллик ҳарорат манфий бўлган жойлар бундан мустасно); d_{fn} – грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигининг меъёрий қиймати.

Кўп йиллик кузатувлар маълумотлари бўлмаган тақдирда d_{fn} ни иссиқлик техник ҳисоблар асосида аниқлаш лозим. Музлаш чуқурлиги 2,5 м дан ошмайдиган жойларда унинг меъёрий қийматини ушбу формуладан аниқлашга рухсат берилади:

$$d_m = d_0 \sqrt{M_t} , \quad (19.12)$$

бунда: M_t – ўлчамсиз коэффициент, сон жиҳатидан қурилиш иқлимшунослиги ва геофизика бўйича ҚМҚ га мувофик аниқ қурилиш пункти ёки жойи учун маълумотлар бўлмаса, қурилиш жойидаги шароитга ўхшаш шароитда жойлашган гидрометрология станцияси натижаларига мувофик қабул қилинадиган ушбу жойдаги қишки ўртача ойлик ҳароратлар мутлақ қийматлари йиғиндисига тенг; d_0 – қумоқ тупроқли ер ва лойлар учун – 0,23; қумлоқ тупроқли ер, майда ва чангсимон қум учун – 0,28; шағалли қумлар, йирик ва ўртача ўлчамли қумлар – 0,30; йирик бўлакли грунтлар – 0,34, м.

Бир жинслимас грунтлар учун d_0 қиймати музлаш чуқурлиги чегарасида ўртача муаллақ сифатида аниқланади.


Қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шароитлари-нинг пойдеворнинг қўйилиш чуқурлигига чуқурлигига таъсири d_2 ҚМҚ 2-жадвалдан аниқланади.

19.2. Пойдеворлар турлари

Бинокорликда ишлатиладиган пойдеворлар қуидаги турларга бўлинади: табиий заминда саёз жойлашган пойдеворлар; қозикли пойдеворлар; чукур жойлаштириладиган пойдеворлар (ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар, йиғма темир-бетон қобиқлар ва кессонлар); машина ва ускуналар пойдеворлари.

Пойдеворларнинг асосий турларига қуидагилар киради:

а) **Яхлит ҳолдаги оғир пойдеворлар.** Бундай пойдеворлар жуда оғир бўлган иншоотлар остида қўлланилади. (кўпrik устунлари, бетондан ишланган сув омборлари, тутун мўрилари ва х.). Улар асосан бетон ва темирбетондан тайёрланади.




19.1 - расм. Устун остига қўйиладиган йиғма пойдевор.

а - фасад; б - ён томондаги кўриниши; 1 - блокли пойдевор; 2 - йиғма пойдевор.

б) **Алоҳида турувчи пойдеворлар.** Бундай пойдеворларнинг олдингидан фарқи ҳажми 50 m^3 гача боради. Улар асосан бетондан, темирбетондан ва йирик тошли бетондан ҳосил қилинади. Алоҳида пойдеворларни қўп юк кўтариш қобилиятига эга бўлган заминларда ёки пойдеворга унча оғир бўлмаган юк таъсир этганда қўллаш мақсадга мувоффикдир. Бундай пойдеворлар кўпинча поғона шаклида лойиҳалаштирилади.

в) Яхлит ҳолатдаги юпқа пойдеворлар. Бундай пойдеворларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, жуда катта майдон юзасини эгаллаб, ниҳоятда кичик баландликка эга бўлишидир. Бундай пойдеворлар асосан темирбетондан тайёрланади ва бўш грунтларда, юқори микдорда юк узатувчи иншоотлар курилишларида ишлатилади.

г) Тасмасимон пойдеворлар. Бундай пойдеворларнинг асосий хусусиятлари кўндаланг кесими кичик бўлиб ва бир томонга узлуксиз давом этишидир. Тасмасимон шаклдаги пойдеворлар йирик тошлардан, йирик тошли бетондан, бетондан ва темирбетондан ясалиши мумкин. Кўндаланг кесими поғона (зина) ва трапеция шаклида лойиҳаланади.




19.2 - расм. Тасмасимон йиғма пойдевор.

а - яssi; б - ораси очик; 1 - девор; 2 - гидроизоляция; 3 - ертўла девори блоклари; 4 - пойдеворнинг остки қисми.

д) Ўзаро кесишган (чорраҳа) пойдеворлар. Бундай пойдеворлар асосан тасмасимон пойдеворларнинг ўзаро кесишувидан ҳосил бўлади. Асосан темирбетондан ишланади ва юк кўтариш қобилияти кам бўлган грунтларда ҳамда кичик ўлчовли биноларда қўлланилади. Нотекис деформацияга сезгир бўлган ҳамда мураккаб муҳандислик-геологик шароитларда бўлган грунтларда ҳам кенг қўлланилади.

с) **Рама шаклидаги пойдеворлар.** Бундай пойдеворлар асосан сув иншооти қурилишида ишлатилади. Тик устун ҳамда ётиқ ҳолдаги түсинлардан фойдаланилади. Түсин темирбетондан, устун бетондан ишланади. Юқорида қайд этилган пойдеворлардан ташқари қурилиш тажрибасида нихоятда күп турли - туман шаклдаги ва күринишдаги пойдеворлар мавжуд бўлиб, улар турли саноат корхоналари биноларидағи машиналар ва ускуналар, ҳамда бошқа талаблар асосида ишлатилади.



19.3 - расм. Тасма шаклидаги ўзаро кесишган пойдеворлар.

Яхлит қўйма ва йиғма алоҳида турувчи пойдеворлар махсус темирбетон заводларида тайёрланган қисмлардан йигилади.

Пойдеворлар бикир ва эгилувчан бўлади. Пойдевор учун ҳарсангтош, ҳарсангтошбетон, бетон, темирбетон, фишт, иложи бўлмаган ҳолларда, ёғоч ва метал ишлатилади.

Козикли пойдеворлар.

Козик деб грунтга ўрнатилган ёки грунтга қоқилган, грунтда тайёр ясалган ва иншоотдан тушаётган юкни заминга узатадиган пойдеворнинг устунсимон қисмига айтилади.

Қозиқли пойдеворлар ишлатиладиган материаллар бўйича ёғоч қозиқлар, бетондан ишланган қозиқлар, аралаш қозиқлар, темирбетон қозиқлар, металл қозиқларга бўлинади.

Бетон қозиқлар. Асосан қуйма қозиқлар тоифасига киради, яъни қурилиш майдонида тайёрланади.

Тайёрлаш жараёни бўйича бетон қозиқлар қуийдагиларга бўлинади..

а) Грунт ичидаги қолувчи юпқа қобиқлар ёрдамида тайёрланувчи қозиқлар. Бунда қалинлиги 3-4 мм ли қобиқлар махсус ускуналар ёрдамида лойиҳада кўрсатилган чуқурликка туширилади, сўнгра уларнинг ичи бетон билан тўлдирилиб қозик ҳосил қилинади.

б) Қалин деворли қобиқлар ёрдамида ҳосил бўлувчи қозиқлар. Бунда юпқа қобиқ ўрнида қалинлиги 10-20 мм ли қобиқлар ишлатилиб, бетонлаш жараёнида астасекин сугуриб олинади.


Металл қозиқлар. Қувур шаклидаги пўлатдан ишланган қозиқлар жуда кўп ишлатилади. Айрим ҳолларда қўштавр ва мураккаб шаклдаги қозиқлар қўлланилади. Тошкент метроси қурилишида қозиқлар кўп қўлланилган.

Ёғоч қозиқлар. Ёғоч қозиқларнинг афзалликлари – уларнинг катта бўлмаган оғирлиги, юқори мустаҳкамлиги ва тайёрланишининг соддалиги ҳисобланади. Ёғоч қозиқларни грунтга қоқиш ёки тебратиб ботказиши услубида жойлаш мумкин. Ёғоч қозиқлар йирик заррали ва шағалли қумларга қийин қоқилади, шағал ва майда шағалларга эса деярли қоқилмайди.

Ёғоч қозиқларнинг камчилиги намлиги ўзгарувчан худудда сув сатҳидан юқори жойлашган қозиқлар чириб кетиши мумкинлигидадир. Буни олдини олиш учун иншоотлардаги қозиқлар боши ҳар доим энг пастки сувлар сатҳидан камида 0,5 м пастроқ жойлашиши шарт. Ёғоч қозиқларнинг яна бир камчилиги тўсинлардан тайёрланганда уларнинг ўлчамлари чегараланганигидадир ва шундан келиб чиқсан юқ кўтариш қобилиятининг пастлигидадир.

Қозиқлар тайёрлаш учун диаметри 18...40см гача, узунлиги 4,5...16м гача бўлган иғнабаргли дараҳт турларидан фойдаланилади (қарағай, арча, қора қарағай). Грунтга жойлаштиришни енгиллаштириш мақсадида қозиқнинг пастки қисмига найза шаклида ишлов берилади. Грунт таркибида шағал, майда тош ва бошқа қаттиқ жисмлар бўлган бўлса, қозиқ учига металл қоплама (башмак) кийдирилади. Қозиқ устки қисмига, қоқиши вақтида шикастланиш олдини олиш учун, металл қалпоқдан фойдаланилади .

Ёғоч қозиқ ўлчамларини катталаштириш учун пакетли ва елимланган қозиқлар ишлатилди (19.4, г-е расм).




19.4 - расм. Ёғоч қозиқлар конструкциялари.

Пакетли қозиқлар тўсинларининг туташиш жойлари метал накладкалар билан маҳкамланади. Тўсинлар бир бирига металл болтлар орқали маҳкамланади. Пакетли қозиқларнинг камчилиги улаш учун кўп металл сарфланиши ва тайёрлаш жараёнининг қийинлигидадир.

1. Грунтда ишлаш шароитига мос равишда қозиқлар – осма ва устун қозиқларга бўлинади.

Осма қозиқлар ўткир учлари одатда мустаҳкам грунтга етиб бормайди. Бундай пойдеворларга хос хусусиятлардан энг муҳими – улар орасидаги грунтларнинг пойдевор иш жараёнида қатнашишидир. Бундай пойдеворларда иншоотдан узатилган юк уларнинг бутун танаси бўйлаб грунтга тарқалади.



19.5 – расм. Пойдеворларда қозиқларнинг жойланиш схемалари.
 а- қаторли;
 б- шахмат шаклида;
 в- қозиқли майдонда қаторли;
 г- қозиқли майдонда шахматсимон;
 д- қаторли қозиқли полоса;
 е – шахматсимон қозиқли полоса.

Устун пойдеворларда эса уларнинг ўткир учлари (19.4.б-расм) мустаҳкам грунтга маълум миқдорда кириб бориши шарт. Бундай пойдеворларнинг ишлаш жараёни одатдаги устундан фарқланмайди.

Бир неча қозиқларнинг юқори қисмини бирлаштирувчи ва уларнинг бир хил чўкишини таъминловчи қурилма *ростверк* дейилади.

20-боб. Табий заминда саёз жойлашган пойдеворлар

20.1. Саёз жойлашган пойдеворларни лойхалаш қоидалари

Бундай пойдеворлар олдиндан тузилган ҳандакларга ўрнатилади. Табий заминда саёз жойлашган пойдевор чукурлиги одатда 1-5 метргача бўлади.

Пойдевордан узатилувчи босимни қабул қилувчи грунт қатлами **замин** деб аталади. Заминлар икки турга бўлинади: табий ва сунъий. Табий заминда грунт қандай холатда бўлса, ҳеч қандай ўзгартирилмай фойдаланилади, сунъий заминда эса иншоот барпо этилгунга қадар грунт усуллар ёрдамида зичланади ёки сунъий қотирилади. Бинолар учун замин, баъзи иншоотлар учун эса ашё сифатида фойдаланиладиган тоғ жинси **грунт** деб аталади.

Конструктив кўрсатмалар. Қандай грунтга қўйилишидан қатъий назар (қоя тошлардан ташқари) пойдевор остига:

- агар яхлит бетон пойдевор бўлса қалинлиги 100 мм В 3,5 синфли бетондан тўшама;
- агар йиғма пойдевор бўлса, ўртacha йириклидаги қумдан 100 мм тўшама қилинади.

Агар қоя тошларга пойдевор бунёд этиладиган бўлса, замин устига В 3,5 синфли бетондан текисловчи қатлам қилинади. Пойдевор устки погонаси сатҳи тўшама (пол) сатҳидан 150 мм паст қабул қилинади. Марказий юкланган пойдеворлар режада квадрат шаклда номарказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворлар эса тўғри тўртбурчак шаклида қабул қилинади (тўғри тўртбурчак томонлари 0,6...0,85).

Ишчи арматуранинг энг кичик ҳимоя қатлами: йиғма пойдеворлар ва яхлит (подколонник) устун қўйгич – 30 мм, яхлит пойдеворлар учун – 35 мм. Яхлит пойдеворлар погона шаклида лойиҳалаш тавсия этилади (20.1-жадвал). Пойдевор баланлиги ва режадаги ўлчамлар 300 мм га каррали бўлинадиган қабул қилинади. Яхлит пойдеворлар учун синфи В 12,5 дан, йиғма пойдеворлар учун эса синфи В 15 дан катта бўлган бетон ишлатилади.

Пойдевор поғонаси баландлиги

20.1-жадвал

Пойдевор плита қисмининг баландлиги, H , мм	Поғона баландлиги, мм		
	h_1	h_2	H_3
300	300	-	-
450	450	-	-
600	300	300	-
750	300	450	-
900	300	300	300
1050	300	300	450
1200	300	450	450
1500	450	450	600

20.2.Марказий юк таъсиридаги бикир пойдеворларни таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш

Пойдевор ҳисоби асосини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш ташкил этади. Заминаларни деформация бўйича ҳисоблаш чизиқли деформацияланувчи муҳит назариясига асосан амалга оширилади. Пойдевор остида босимнинг тарқалиши шартли равишда текис тарқалган деб фараз қилинади.

Бундай босимни замин грунтининг ҳисобий қаршилиги R дейилади. Замин грунтининг ҳисобий қаршилиги пойдевор кенглиги ва куйилиши чуқурлигига боғлиқ бўлганлиги учун ҳар бир пойдевор учун алоҳида аниқланади.

$$P \leq R \quad (20.1)$$

бунда: P - пойдевор остидаги ўртача босим, кПа;

$$P = (N_0'' + N_\phi'' + N_{rp}'') / (b \cdot \ell) \quad (20.2)$$

бунда: N_0'' – пойдевор устки поғонасига таъсир этадиган ташқи юк (19.3-расм), кН; N_ϕ'' – пойдевор хусусий оғирлигига ҳосил бўлган юк, кН; N_{rp}'' –пойдевор поғоналари

устидаги грунтдан ҳосил бўлган юк, кН; b – пойдевор товони кенглиги, м; ℓ – $N_{\Phi''}$ юк таъсир этаётган пойдевор товони узунлиги, м;

Бино пойдеворини ҳисоблашда қуидагиларни ёзиш мумкин:

$$N_{\Phi''} + N_{\text{тр}''} = b \cdot \ell \cdot d \cdot \gamma_{\text{пг урт.}} \quad (20.3)$$

бунда: $\gamma_{\text{пг урт.}}$ – ABCD ҳажмидаги грунтнинг ва пойдевор ашёси-нинг ўртача солиштирма оғирлиги, кН/м³;

Унда (20.2) қуидагича бўлади:

$$P = \frac{N_{0_{II}}}{b \cdot \ell} + \gamma_{n_{z,ypm}} \cdot d_f \quad (20.4)$$

R – замин грунтнинг ҳисобий қаршилиги, ҚМК 2.02.01 – 98[20] (20.5) ифодадан аниқланади.

20.2. Марказий юк таъсиридаги бикир пойдеворларнинг таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш.

$$R = \frac{\gamma_{c1} \cdot \gamma_{c2}}{k} \left[M_{\gamma} \cdot k_z \cdot b \cdot \gamma_{II} + M_q \cdot d_I \cdot \gamma_{II}^I + (M_q - 1) \cdot d_b \cdot \gamma_{II}^I + M_c \cdot C_{II} \right] \quad (20.5)$$

бунда: γ_{c1} ва γ_{c2} – 3-жадвалдан қабул қилинадиган иш шароитлари коэффициентлари; k - агар грунтнинг мустаҳкамлик кўсаткичлари (ϕ ва C) бевосита синашларда аниқланган бўлса, $k=1$ агар улар тавсия қилинадиган биринчи илованинг 1-3 жадваллари бўйича қабул қилинган бўлса, $k=1$ деб қабул қилинадиган коэффициент; M_{γ} , M_q , M_c – 3-жадвал бўйича қабул қилинадиган коэффициент; k_z – ушбуларга teng деб қабул қилинадиган коэффициент $b < 10$ м да $K_z=1$, $b \geq 10$ м да

$$K_z = Z_0 | b+0,2 | \quad (\text{бу ерда } Z_0=8 \text{ м});$$

γ_{II} - пойдевор товонидан пастда жойлашган грунтларнинг солиштирма оғирлигининг ўртача ҳисобий қиймати (ер ости сувлари мавжуд бўлганда сувнинг муаллақ тутиб турувчи таъсирини ҳисобга олиб аниқланади), кН/м³ (тк/м³); γ_{II}^I - шунинг ўзи, лекин пойдевор товонидан юқорида ётган грунтлар учун; C_{II} - бевосита пойдевор товони тагида ётган грунтнинг солиштирма боғланиш кучининг ҳисобий қиймати, кПа, (тк/м³); d_I - ертўласиз иншоотлар пойдеворининг текисланган майдон

сатҳидан ўлчанадиган жойлаштириш чуқурлиги ёки ички ва ташқи пойдеворларнинг ертўла тагидан ўлчанадиган келтирилган жойлаштириш чуқурлиги; у қуидаги формуладан аниқланади:

$$d_I = h_a + h_{cf} \cdot \gamma_{cf} \cdot \gamma_H \quad (20.6)$$

h_a - ертўланинг пойдеворига юқоридан таъсир қиласидиган грунт қатламининг қалинлиги, м; h_{cf} - ертўла поли конструкциясининг қалинлиги, м; γ_{cf} - ертўла поли конструкциясининг солиштирма оғирлиги ҳисобий қиймати, кН/м³(тк/м³); d_b - ертўла чуқурлиги – текисланган майдон сатҳидан ертўла полигача бўлган масофа, м; (эни $B \leq 20$ м ва чуқурлиги 2 м дан ортиқ бўлган ертўлали иншоотлар учун $d_b = 2$ м ертўланинг эни $B > 20$ м бўлганда $d_b=0$)

Марказий юкланган пойдеворлар ҳисоби

Марказий юкланган пойдевор деб ташқи юкларнинг teng таъсир этувчиси унинг таг сатҳи оғирлик марказидан ўтадиган пойдеворларга айтилади.

Марказий юкланган пойдеворларни лойиҳалашда қуидаги комплекс текширишларни бажарилиши талаб қилинади:

$$P \leq R; \quad S \leq S_u; \quad S_{abc} \leq S_{u, abc}; \quad \Delta S \leq \Delta S_{pr}$$

бу ерда: P – пойдеворнинг хусусий оғирлигидан ҳамда пойдевор токчасидаги грунт ва ташқи юклардан ҳосил бўлган ўртача босим; R – замин грунтининг ҳисобий қаршилиги КМК 2.02.01-98 [20] (7) формуладан аниқланади; S – заминнинг чўкиши; S_u – зами деформациясининг чегаравий қиймати; S_{abc} – пойдеворнинг абсолют чўкиши; $S_{u, abc}$ – пойдеворнинг абсолют чўкишининг чегаравий қиймати; ΔS – пойдеворнинг нотекис чўкиши; ΔS_u – КМК да белгиланган нотекис чўкишининг чегаравий қиймати.

Пойдеворнинг чўкишини ҳисоблаш учун унинг таг юзаси ўлчам-ларини билиш талаб этилади.

$$N_H + G = Q \quad (20.7)$$

бунда:

$$G = A \cdot d \cdot \gamma_{y_{pm}} \quad (20.8)$$

$$Q = R_0 \cdot A \quad (20.9)$$

20.7 ифодага 20.8 ва 20.9 ифодаларни қўйиб ҳисоблаймиз

$$N_H + A \cdot d \cdot \gamma_{y_{pm}} = R_0 \cdot A \quad (20.10)$$

бунда: R_0 – пойдевор асосининг майдонига акс таъсир кўрсатувчи грунт босимининг қиймати; G – пойдевор ва унга устки юк томонларидан тушаётган грунтнинг оғирлиги; Q – грунтнинг юк кўтариш қобилияти.

$$A = \frac{N_H}{R_0 - d_f \cdot \gamma_{y_{pm}}} \quad (20.11)$$

Агар пойдевор асосининг юзаси квадрат шаклида бўлса, $a = b = \sqrt{A}$; м, агар тўртбурчак шаклида бўлса $b = \frac{A}{\ell}$; қабул қилинган пойдевор узунлиги бўлади.

Пойдевор таг сатҳи ўлчамлари, грунтнинг ҳисобий қаршилигини ҚМК 2.02.01-98[20] (7) ифода орқали қайта ҳисоблаганидан сўнг қайта аниқланади ва ушбу шарт $P \leq R$ текширилади. Бу усул кетма-кет яқинлашиш усули дейилади. Пойдеворнинг қабул қилинган охирги (яқуний) ўлчамлари пойдеворни иккинчи чегаравий ҳолат (деформация) бўйича ҳисоблагандан кейин аниқланади.

20.3. Номарказий юкланган пойдеворларни ҳисоблаш

Номарказий юкланган пойдеворларда, юқоридан тушаётган юкнинг тенг таъсир этувчиси қўйилган нуқта пойдевор асосининг оғирликлари маркази билан тўғри келмайди. У ҳолда пойдевор асоси ўлчамлари номарказий юкланган деб аниқланади.

Бундай пойдеворлар ҳисоби кетма-кет яқинлашиш усулида амалга оширилади. Грунтнинг шартли (такрибий) ҳисобий қаршилиги ва пойдевор юзининг дастлабки ўлчамлари худди марказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворлар каби аниқланади. Эксплуатацион юкнинг (куч-нинг) миқдорига қараб, олинган асос юзасининг

ўлчамлари 10-20% ортирилади. Кетма-кет яқинлашиш усулига асосан қыйидаги шартлар-нинг бажарилиши текширилади:

Пойдевор остидаги ўртача босим

$$P \leq R \quad (20.12)$$

Пойдевор мувозанат бўлиши учун пойдевор носиметрик қилиб жойлаштирилади. Одатда пойдеворни қыйидаги масофага силжитилади.

$$C_\ell = 0,5 (\ell_{\max''} + \ell_{\min''}) \quad (20.13)$$

бунда: $\ell_{\max''}$ ва $\ell_{\min''}$ - эксцентриситетнинг максимал ва минимал қийматлари.

Катта эксцентриситет таъсир этган ҳолларда пойдевор асосини узайтирилган шаклда қилиш мақсадга мувофиқдир, одатда ℓ/b нисбати 3:1 дан катта бўлмаслиги керак. Қайта ҳисоблаш ишларини камайтириш мақсадида R_1 ва $P_{\max''}$ биринча марта топилганидан кейин пойдевор таг юзаси қыйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$A_{\phi_2} = \frac{N_H}{A_\phi} \cdot \frac{P_{\max''}}{1,2R_1} \quad (20.14)$$

A_{ϕ_2} бўйича пойдевор ўлчамлари b ва ℓ ни аниқлаб R ҚМҚ 2.02.01-98[20] (7) формуладан аниқланади;

Пойдевор (20.12), (20.13), (20.14) шартлар қаноатлантирганидан сўнг пойдевор деформация, буралиш ва юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисобланади.

Максимал чегаравий босимларга қыйидаги ифодалар ёрдамида текширилади:

$$P_{\max''} \leq 1,2 R \quad (20.15)$$

Пойдевор қирраси (бурчаги) остидаги максимал босимга

$$P_{\max''} \leq 1,5 R \quad (20.16)$$

Пойдевор товонининг грунтдан ажралишига рухсат этилмайди ва қыйидаги шартга амал қилган ҳолда эришилади:

$$P_{\min''} \geq 0 \quad (20.17)$$

У ҳолда пойдевор асоси бўйича кучланишнинг тарқалиши қуви-даги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P_{\max^H, \min^H} = \frac{N_H}{A_\phi} \pm \frac{M_{x^H}}{I_x} \pm \frac{M_{y^H}}{I_y} \quad (20.18)$$

бунда: P_{\max^H, \min^H} – пойдевор асосининг қарама-қарши ён томонидаги кучланишлар; N^H – пойдевор таг сатхига қўйилган вертикал ҳисобий юқ, кН; A_ϕ – пойдеворнинг асоси юзаси, m^2 ; M_{x^H} ва M_{y^H} – ҳисобий юқдан пойдевор бош инерция ўқларга нисбатан моментлар, кНм; I_x ва I_y – пойдевор асосининг x ва y ўқларига нисбатан инерция моментлари;

N^H қуидаги аниқланади:

$$N^H = N_o + N_\phi + N_{gp} \quad (20.19)$$

бунда: N_o – II чегаравий ҳолат бўйича пойдевор устига қўйилган юқ, кН; N_{gp} – пойдевор токчаларидаги грунтнинг ҳисобий оғирлиги, кН;

$$P_{\max^H, \min^H} = \frac{N_H}{A_\phi} \cdot \left(1 \pm \frac{6e_x}{\ell} \pm \frac{6e_y}{b} \right) \quad (20.20)$$

Эксцентриситетлар қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$e_x = \frac{M_{x^H}}{N_H} \quad ; \quad e_y = \frac{M_{y^H}}{N_H}$$

Агар момент битта бош инерция ўқига таъсир этса, (2.18) формула қуидагида ёзилади:

$$P_{\max^H / \min^H} = \frac{N_H}{A_\phi} \cdot \left(1 \pm \frac{6e}{b} \right) \quad (20.21)$$

бунда: $e = \frac{M_H}{N_H}$; b - момент таъсири йўналиши бўйича пойдевор узунлиги.

20.4. Эгилишга ишлайдиган пойдеворларни ҳисоблаш асослари

Бикир пойдеворлардан ташқари, эгилувчан пойдеворлар ҳам қурилишда кенг кўлланилади. Пойдевор баландлиги унинг узунлигига нисбати 1/3 дан катта бўлса мутлоқ бикир, кичик бўлса эгилувчан деб ҳисобланади. Бундай пойдеворларга тасмасимон темирбетон яхлит тўшама ва бошқалар киради.

Хозирги замонда эгилувчан пойдеворларни асосан иккита усулда хисобланмоқда:

- 1) бино ва иншоотларнинг фақат пойдевори остидаги деформациясини хисобга оладиган, маҳаллий эластик деформация усули;
- 2) фақат юкландган майдон эмас балки, унинг ташқарисидаги чўкишларини ҳам хисобга оладиган умумий эластик деформация усули.

Биринчи усул ўта чўкувчан сиқилувчан қатлам қалинлиги унча катта бўлмаган грунтлардан пойдеворлар барпо этишда, иккинчиси эса, майдоннинг ўлчамлари унча катта бўлмаган ва мустаҳкам грунтлардан пойдеворлар барпо этишда қўлланилади.

Агар пойдевор ўлчамлари жуда катта ва чўкмайдиган жинслар ер сатхига яқин жойлашган бўлса, чегаравий эластик қатлам назарияси яхши натижалар беради ($H=4\ell$, бунда H - қатлам қалинлиги, ℓ -тасмасимон пойдевор узунлигини ярми.)

Винклер (1867 й.) таклиф этган «Маҳаллий эластик деформация» назарияси босим билан маҳаллий деформациянинг (Z) тўғри пропорционаллигига асосланган:

$$P_y = C_z Z \quad (20.22)$$

бунда: P_y - реактив босим; C_z - заминнинг эластик сиқилиш коэффициенти; Z – пойдевор чўкиши.

Умумий деформация усули

Бу усул замин грунти ва пойдеворнинг биргаликда ишлашини аниқлашда эластиклик назарияси ечимларига асосланган. Грунт эластик жисм деб қаралади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, пойдевор товони остидаги реактив босим аниқланади. Грунт чизиқли деформацияланувчи деб қаралгани учун эластиклик назариясининг мос келган тенгламасини қўллаш мумкин.

Замин грунтининг чўкувчанлигини чўкувчанлик модули характерлайди. Замин реакциясини ҳар хил усуллар билан аниқлаш мумкин.

«И.А.Симвулиди» усули. Пойдевор товони остидаги реактив (пассив) босим момент ва кесувчи кучлар оддий тенгламалар орқали баён этилган юклар балканинг

бир қасмидан бошқа қисмига ўтишида тенгламанинг мос қисмлари қўшилади ёки ажралади.

Ҳисоблаш тартиби: грунтнинг хусусиятлари аниқланади; пойдевор ўлчамлари белгиланади; тенгламанинг параметрлари ва қўшимча аъзоларини ҳамда пойдевор товони остидаги реактив босим, момент ва кесувчи куч; пойдевор конструктив ҳисоби амалга оширилади.

И.А.Симвулиди томонидан кўпчилик юкланданлик ҳолатлари учун жадваллар тузилган.

«Б.Н.Жемочкин ва А.П.Синицин» усуллари. Пойдевор узунлиги бўйича қисмларга бўлинади, қисмлар қанча қўп бўлса, натижа шунча аниқ бўлади. Реактив босимнинг эгри чизиқли эпюраси ҳар бир қисм учун тўғри чизик билан алмаштирилади. Кейин ҳар бир қисмдаги кучланиш эпюраси ҳажмига тенг бўлган реактив босим тенг таъсир этувчи билан алмаштирилади. Тенг таъсир этувчи тўсин стержини таянчи кучланиши деб қабул қилинади. Бунда стерженлар кесилиб, $x_1, x_2 \dots$ кучлари билан алмаштирилади. Каноник тенглама тузилади. Тенгламани ечиб, стерженлардаги зўриқишлиар, пойдевор товони остидаги реактив босим ва пойдевор кесимларидаги кучланишлар аниқланади.

Саёз пойдеворлар тайёрланадиган ашёнинг ишлашига боғлиқ равишда бикир ва эгилувчан турларга бўлинадилар. Бикир пойдевор деганда уларнинг ашёлари фақат сиқилишга ишлайдилари тушунилади.

Эгилувчан пойдеворларда эса уларнинг ашёларини нафакат сиқилишга балки эгилишга ҳам ишлайди.

Эгилувчан пойдеворлар таг сатҳи ўлчамлари бикир пойдеворлар учун берилган ифодалар ёрдамида аниқланади. Бундан ташқари бу пойдеворларда баландлиги h , остики поғонасининг баландлиги h_n ҳамда арматура юзаси аниқланади:

$$h = \frac{N}{4 \cdot d \cdot R} \quad (20.23)$$

бунда: d - устуннинг диаметри; R - ҳисобий қаршилик.

Пойдеворнинг бикирлиги қуидаги шартдан аниқланади: $b \leq B_2$

$$B_2 = b + 2h \cdot \operatorname{tg} \alpha \quad (20.24)$$

бунда: B_2 – пойдеворнинг чегаравий эни; b – пойдевор эни; h – пойдеворнинг баландлиги; α – пойдеворнинг босим тарқалиш чизиги.

α нинг қиймати йирик тошли пойдеворлар – 0.67, бетон пойдеворлари – 0.75, темирбетон пойдеворлар – 1 га тенг.

Агар пойдевор таг юзаси тасмасимон бўлмай тўртбурчак шаклида бўлса, у холда унинг кичик эни b қуидагича аниқланади:

$$b = \sqrt{\frac{N}{(R_0 - \gamma_{ne,yz} \cdot d_{fn}) \cdot x}} \quad (20.25)$$

бунда: $x = \frac{a}{b}$ тенг тўртбурчак шаклидаги $b_{pr} > b$ пойдеворга хос.

Остки погона баландлигини аниқлаш. Трапеция шаклида сиқилишга ишлайди. Пойдевор остки поғонаси баландлиги мазкур қурилма учун энг хавфли бўлган кесма бўйича аниқланади. Чунки бу кесма энг юқори зўриқиши чегарасидан ўтади.

$$h_n = \frac{P_{ep} [B - b - 2(h - a)]}{1,8 R_{ck}} \quad \text{бунда} \quad P_{ep} = P_{ypr} - P_x \quad (20.26)$$

Арматуранинг юзаси:

$$A_s = \frac{M_{II-II}}{0,9 \cdot h_0 \cdot R_s} \quad (2.27)$$

бунда: h_0 - пойдевор баландлиги (ишчи); R_s – арматуранинг ҳисобий қаршилиги.

21-боб. Зилзилабардош заминларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш.

21.1. Зилзилабардош заминларнинг ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари

Зилзила - табиий оғат бўлиб, ундан ер шарининг жуда кўп районлари зарар кўради. Кучли зилзилалар қуруқликда тоғларнинг емирилиши ва ўпирилишига олиб келиб, бутунлай йўқолиб кетишига ва уларнинг ўрнига янгидан-янги кўллар,

ботқоқликлар ҳосил бўлишига, дарё ўзанларини тубдан ўзгаришига ва ҳоказо олиб келса, денгиз ва океанларда эса кучли тўлқинлар ҳосил қилиб атроф қуруқликларни ювиб кетадилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай оғат натижасида кўплаб қўл меҳ-нати билан бунёд этилган бойликлар йўқолиб, энг хавфлиси минглаб инсонлар ҳалокатга юз берадилар.

Зилзиланинг энг хавфли томони, унинг тўсатдан юз бериб кўпин-ча ҳалокатли тугашидир. Бу ҳалокатнинг энг асосида бино ва иншоот-ларнинг бузилиши ётади.

Зилзила хавфини йўқотишга ҳозирча эришилмаган экан, унинг таъсирини камайтириш йўлларидан бири зилзилага чидамли бино ва иншоотлар қуришдан иборатdir.

Зилзила юз берадиган районларда қуриладиган бино ва иншоот-лар келажакда таъсир этиши мумкин бўлган сейсмик кучларга ҳисоблан-ган бўлиши керак.

Ҳисоблашларда зилзила кучи қуйидагича ифодаланади

$$k_c = \frac{\alpha_{\max}}{g} \quad (21.1)$$

бунда: α_{\max} - сейсмик тебраниш, $\text{мм}/\text{с}^2$; g - жисмнинг эркин тушиш тезланиши $\text{мм}/\text{с}^2$.

Зилзила кучини ифодаловчи 12 баллик сейсмик шкала қўрсат-кичи мавжуд бўлиб, 6 баллдан кичик таъсир иншоот қурилишида ҳисобга олинмайди, 9 баллдан юқори зилзила бўладиган жойларда қурилиш ишларини олиб борилиши ман этилади.

Зилзила кучлари инерция ҳолатида бўлиб, у юз берган вақтида ер устки қисмининг тебраниши натижасида вужудга келади. Зилзила ўчоғи ниҳоятда мураккаб шароитда ер қатламишининг чуқур жойларида юз бера-диган сурилишлар ва силжишлар маркази (гипоцентр) одатда, 20-50 км ва ундан ортиқ чуқурликда жойлашади.

Маълум чуқурликда юз берадиган силжишлар, ер қатлами бўйича сиқилиб-чўзилувчан бўйлама ва кўндаланг эгилувчан тўлқинлар ҳосил қиласидилар. Бу

тўлқинларнинг таралиши тезлиги грунт турига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўртача қийматлари, ўта намли қумлар учун – 150-200 м/сек; йирик сочилувчан тош, шағаллар учун - 600-800 м/сек; лойли грунтлар учун 1400-1800 м/сек; яхлит тоғжинслари учун –250-4000 м/сек ва ҳоказодан иборат.

Тиргович деворларни ва пойдеворларни лойиҳалашда сейсмик кучни ҳисобга олиш.

Ҳисоблашларда сейсмик таъсирининг ер усти қурилмаларга таъсири ва инерция кучини ер ости қурилмаларига таъсири ҳисобга олинади.

Тиргович деворга таъсири этадиган q_{ac} ва q_{pc} актив ва пассив босимлар сейсмик таъсирини ҳисобга олиб амалга оширилади.

$$q_{ac} = [1 + K_c \cdot \operatorname{tg} \cdot (45^0 + \varphi_{\gamma_2})] \cdot \sigma_a \quad (21.2)$$

$$q_{pc} = [1 - K_c \cdot \operatorname{tg} \cdot (45^0 - \varphi_{\gamma_2})] \cdot \sigma_p \quad (21.3)$$

бунда: K_c - сейсмиклик коэффициенти ер қимирилаш кучига боғлиқ бўлади. 7 балл-0,025; 8 балл-0,05; 9 балл - 0,10; га тенг бўлади.

φ_1 - грунтни турғунликка ҳисоблашдаги ички ишқаланиш бурчаги; σ_a , σ_p - статик ҳолдаги актив ва пассив босимлар.

Тўлқин ўтиши натижасида грунтда қўшимча горизонтал номал σ_p уринма τ_h кучланиш ҳосил бўлади, буларни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_h &= \pm \frac{1}{2\pi} \cdot K_c \cdot \gamma_s \cdot C_p \cdot T_0 \\ \tau_h &= \pm \frac{1}{2\pi} \cdot K_c \cdot \gamma_c \cdot C_s \cdot T_0 \end{aligned} \right\} \quad (21.4)$$

бунда: γ_s - грунтнинг солиштирма оғирлиги; C_p , C_s - бўйлама ва кўндаланг тарқалиш тезлиги; T_0 - ер тебранишларининг энг кўп бўлгандаги тебраниш даври.

Бундан ташқари сейсмик кучни ҳам ҳисобга олинади:

$$S_{ik} = Q_k \cdot m_i \cdot k_c \cdot \beta_t^0 \cdot \eta_{ik} \quad (21.5)$$

бунда: Q_k – к нүктага қўйилган юкнинг қиймати; m_i – 1 дан 1,5 гача ўзгарадиган ва иморатнинг жавобгарлик синфларига боғлиқ коэффициент; $\beta_i^0 \cdot \eta_{ik}$ – келтирилган динамик коэффициент. Тиргович девор учун $\beta_i^0 \cdot \eta_{ik} = 1,5$ Тебраниш шаклини ҳисобга олади.

21.2. Қурилиш майдонининг зилзилабардошлиги

Иншоот заминнинг зилзилага мустаҳкамлигини аниқлашда, тўлқинлар таъсири натижасида ҳосил бўлувчи сейсмик тебранишнинг юқори қиймати (a_{max}) асосий роль ўйнайди. Шунинг учун ҳисоб ишларида сейсмик тезланишнинг юқори қийматини тўғри ва аниқ белгилаш жуда катта аҳамият касб этади.

Бу мақсадда аҳоли яшайдиган йирик пунктларда, ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган саноат ва гидротехника қурилиш обьектларида маҳсус геологик ва гидрогеологик қидирув ишлари олиб борилади. Бу қидирув ишлари натижасида кузатилган район учун йирик масштабли харита тузилиб, унда турли грунтлар ўзига хос баллар билан ифодаланади. Сейсмик хариталар умумий асосга таяниб тузилади. Бунда юқоридагиларни ҳисобга олиб грунтларнинг сейсмик хусусиятлари асос қилиб олинади. «Сейсмомикрорайон» харитаси деб аталувчи бундай хариталардан майдоннинг зилзилага нисбатан мустаҳкамлигини ва қурилиш ишлари олиб бориш учун қулай бўлган майдон ахтаришда фойдаланилади.

Грунтларнинг зилзила балини аниқлашда С.В.Медведев таклиф этган қўйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$k = 1,67 [\lg(U_m \cdot \rho_m) - \lg(U_k \cdot \rho_k)] \quad (21.6)$$

бунда: k - ҳисоблаш балининг мезон грунтига нисбатан ортиқ ёки камлиги; U_k , U_m - кузатув олиб борилаётган ва мезон грунтларда зилзила тўлқинларининг тарқалиш тезлиги; ρ_k , ρ_m - кузатув олиб борилаётган ва мезон грунтлар заррача-ларининг зичлиги.

«Зилзилабардош заминлар» усули

Кейинги вақтда кучли зилзилалар юз берадиган жойларида қўплаб турли иншоотлар бунёд этилиши сабабли уларнинг сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифадир.

Ҳар қандай заминнинг зилзилага мустаҳкамлик ҳолатини аниқлашда грунтларнинг физик-механиқ ва мустаҳкамлик кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Курилиш майдонининг зилзилага мустаҳкамлиги “Зилзилабардош заминлар” усулидан топилади. Бу усулга асосан ҳар қандай қурилиш майдонининг зилзилабардошлиги шу майдон ташқил топган грунтларнинг физик-механиқ ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва иншоотнинг заминга таъсир этувчи босим қиймати ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Бунда қурилиш майдонининг ҳисобий зилзила бали шу майдон жойлашган жойнинг белгиланган баллдан ортиқ ёки камлиги сейсмик мустаҳкамлик коэффициенти орқали ифодаланади:

$$k_m = \frac{\alpha_m}{\alpha_c} \quad (21.7)$$

бунда: α_c - қурилиш майдони жойлашган жой учун белгиланган энг кучли зилзила тезланиши; α_m – мувозанат тезланиши.

Мувозанат тезланиши деб шундай зилзила тебранишига айтила-дики, унинг таъсирида тебранаётган грунт ўз мустаҳкамлигини сақлади. Шунинг учун заминга таъсир этаётган зилзила тезланиши қиймати муво-занат тезланишидан юқори бўлса, у ҳолда грунт ўз мустаҳкамлигини йўқотиб, заррачалар ўртасида ўзаро зичлашув юз беради.

Мувозанат тезланиши қуидагича аниқланади:

$$\alpha_m = \frac{2\pi \cdot g \cdot (\delta \cdot \operatorname{tg} \varphi_w + c_v)}{\gamma_w \cdot T \cdot U_m} \quad (21.8)$$

бунда: g - жисмнинг эркин тушиш тезланиши; δ - грунт оғирлигидан ва иншоотдан кузатув олиб борила-ётган сатҳга таъсир этувчи тик босим қиймати; φ_w - грунтнинг

ички ишқаланиш бурчаги; c_v – боғланиш кучи; Т - тебраниш даври; U_m - зилзила кўндаланг тўлқинларининг тезлиги.

Зилзилага чидамли майдон ахтаришда асосан қулай ёки ноқулай грунт шароитларига аҳамият берилади.

Одатда, зилзилага чидамли бўлган қулай грунтларга, бузилмаган яхлит тоғ жинслари, зич жойлашган, кам намли йирик майда заррачали грунтлар киради. Шу билан бирга тик қияликлар, зах чуқурликлар ва текисликлар, шунингдек, тўла намланган майда заррачали қумлар, пластик ҳолатдаги лойлар, соғ тупроқли грунтлар зилзила жиҳатидан ноқулай деб ҳисобланадилар.

Зилзила юз берган вақтда грунт қатламлари бўйлаб турлича бўй-лама, кўндаланг ва ер юзаси бўйича тарқалувчи тўлқинлар ҳосил бўлиб, уларнинг грунт заррачаларига ва улар орасидаги сув ва газларга таъсири натижасида сиқилиш-чўзиши ва силжиш кучланишлари вужудга келади. Бу вақтда грунт эгилувчан деформация таъсирида бўлиши билан бирга, баъзи ҳолларда унинг структураси бузилиб, заррачалар ўзаро зичланишлари ҳам мумкин.

Х.3. Расулов ишлаб чиққан «намланган грунтлар структурасининг зилзила таъсирида бузилиши» ҳақидаги назарияга асосан ўта намланган заррачалари ўзаро боғланган грунтларга зилзила таъсир этганда, бу таъсир биринчи навбатда грунт заррачаларини бир-бирига боғлаб турувчи куч орқали қабул қилинади. Қачонки бу куч силжитувчи сейсмик кучланишлари таъсирида енгилмас экан грунт квази қаттиқ жисм ҳолида тебранишда давом этади ва грунт заррачалари орасидаги боғланишлар фақат эгилувчан хусусиятга эга бўладилар.

Бундан эса заррачалари ўзаро боғланган грунтлар структурасининг сейсмик кучланиш таъсирида бузилиш табиати тебраниш даврида грунтнинг силжишга қарши мустаҳкамлик кўрсаткичлари ўзгаришига боғлик бўлади деган хулоса келиб чиқади.

Грунтларнинг силжишга қарши кўрсаткичлари, уларнинг силжитувчи ташқи кучларга нисбатан бўлган асосий мустаҳкамлиги бўлиб, улар ҳар қандай босимга ва грунт заррачаларининг ўзаро боғланиш ҳолатларига қараб ўзгарувchan бўладилар.

Грунтларнинг силжишга қарши мустаҳкамлиги масаласи заррача-лари ўзаро боғланган грунтларда заррачалари боғланмаган грунтларга нисбатан анча мураккабдир. Бу мураккаблик бундай грунтлар заррачалари умумий ҳолда юмшоқ пластик (коллоид C_w) ва қаттиқ кристалл ҳолатдаги C_c боғланиш кучлари билан боғланган бўлиб, уларнинг табиати етарлича ўрганилмагандадир.

Шу билан бирга маълум шароитларда бундай грунтларда юмшоқ пластик, баъзан эса қаттиқ кристалл боғланишлар силжишга мустаҳкамликни аниқлашда асосий роль ўйнаши маълумдир.

Турли грунтлар устида олиб борилган кўплаб текширувлар нати-жасидан шу нарса келиб чиқадики, намланган ва ўта намланган грунтлар силжишга қарши мустаҳкамлик кучини кўпинча юмшоқ пластик ҳолатидаги боғланишлар ҳал қиласди. Шунинг учун силжитувчи сейсмик кучланишлар таъсирида грунтнинг қаршилигини ўрганишда кўпинча юмшоқ пластик боғланишга кўпроқ аҳамият беришга тўғри келади. Юмшоқ пластик боғланишларнинг асосий кучи грунт заррачалари сиртини ўраб турувчи сув қатламларининг ўзаро тортиш кучига боғликдир.

21.3. Заминаларнинг зилзилабардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар

Заминаларни зилзилага нисбатан мустаҳкамлигини оширишга қара-тилган тадбирлар турличадир. Уларнинг баъзилари замин грунтларининг зилзилага қарши мустаҳкамлигини оширишга йўналган бўлса (грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, яъни ϕ ва C қийматларини сунъий йўллар билан кўпайтириш орқали), бошқалари эса иншоотнинг зилзилага бардошлигини оширишга (иншоотдан узатилаётган тик йўналган кучланишларни ва пойdevor чуқурлигини ошириш йўли билан) қаратилган.

Грунтларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ошириш тадбирлари

Грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари φ , Сw ни ошириш бевосита мувозанат тезланиши a_m нинг ва замин мустаҳкамлик коэффициенти k_m ни оширади. Коэффициент k_m (21.7.) формула орқали аниқланади.

Бу мақсадда қуидаги тадбирлар олиб борилади:

- бўш грунт қатламини зичлаш;
- грунт заррачалари орасидаги боғланиш кучи қийматини кимёвий йўллар билан ошириш;
- грунт заррачалари орасидаги боғланиш қучини иссиқлик таъси-рида ошириш;
- ер ости сувларини замин атрофидан четлаштириш ва бошқалар.

Иншоот лойихаси билан боғлиқ бўлган тадбирлар. Заминларнинг зилзилабардошлигини иншоот атрофини қўшимча юклаш ва бўш ғовак грунтлар қатламини қисқартириш йўли билан ҳам ошириш мумкин. Иншоот атрофини қўшимча юклаш усули заминларнинг юк таъсири остидаги қисмининг атроф қисмларига нисбатан мустаҳкамлик хоссасига асосланган. Маълумки пойdevор учун қазилган чуқур қўпинча шу жойдан олинган грунт билан тўлдирилади.

Пойdevор атрофига тўкилган грунтларнинг устидан зилзилага кўпроқ чидамли ашёлар билан юклаш мақсадга мувофик. Бундай тадбир тўкилган грунтларнинг мувозанат тезланишини ошириб, уларнинг зилзилага мустаҳкамлигини ҳам оширади.

Иншоот атрофини қўшимча юклаш мақсадида, қўпинча шу иншоотнинг атрофига жойлаштириладиган айрим бинолар ёки бу мақсадда йирик тошлар ва зичлаштирилган грунтлар ҳам фойда бериши мумкин.

Бўш ва ғовак грунтлар қатламини камайтирувчи тадбирларга бинокорлик тажрибасида кенг қўлланиладиган пойdevор чукурлигини ошириш ёки қозиқли пойdevор қўллаш ва ҳоказолар киради.

Чуқур жойлашган пойdevорлар ҳар қандай иншоот учун, саноат ва жамоат, кўприк устуни, сув иншоотлари ва бошқалар учун ҳам жуда қўл келади. Бунда чуқур

жойлашган пойдеворлар ёрдамида қўшимча ертўлалар ҳосил бўлиб, улар келтирадиган фойдани назарда тутганда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чукур пойдеворлар қўлланилганда иншоотдан тушаётган босим заминнинг чукур ва пишиқ, кўп юк қўтарувчи қатламларига узатилиб, бу билан иншоотнинг умумий мустаҳкамлиги таъминланиши шубҳасиз.

Шундай қилиб, чукур жойлашган пойдеворлар ва устун қозиклар ишлатишдан асосий мақсад бўш ва ғовак грунтлар қатламини қисқартириш йўли билан заминларнинг зилзилабардошлигини оширишдан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, заминларининг зилзилабардошлигини оширишнинг юқорида айтиб ўтилган тадбирлари бинокорлик тажрибасида фойдаланиладиган тадбирларнинг айримлари бўлиб, уларнинг сони ҳар бир алоҳида шароитга мос равища ошиб бориши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Грунтнинг меъёрий ва ҳисобий музлаш чуқурлиги деб нимага айтилади?
2. Пойдевор чуқурлигига таъсир этадиган омиллар.
3. Пойдеворларнинг турларини айтиб беринг.
4. Табиий заминда саёз жойлашган пойдевор қандай турларга бўлинади?
5. Қайси ҳолларда тасмасимон ва алоҳида турувчи пойдеворлар қўлланилади?
6. Қандай грунтларда ясси тўқима пойдеворлар қўлланилади?
7. Қандай ҳолларда тасмасимон пойдеворларда чўкиш чоклари қўлланилади?
8. Темирбетон ва бетон пойдеворларнинг қандай афзаллиги бор?
9. Пойдеворларда қийшайиш бурчаги нима учун аниқланади?
10. Марказий ва номарказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворларнинг эзилишига ҳисоблаш тартиби.

Тенг томонли бурчак пўлат. ГОСТ 8509 - 86дан олинган шартли белгилар

1 – илова




Diagram illustrating the geometry of the T-shaped angle plate:

- Dimensions: b , t , h .
- Coordinate system: X and Y axes.
- Inertia radii: i_{x0} and i_{y0} .

Technical parameters:

- I – инерция моменти
- b -томонинг эни
- t_w – деворни қалинлиги
- i – инерция радиуси




Diagram illustrating the T-shaped angle plate profile:


Ўлчамлар, мм		Кесим юзаси A см ²	1м оғирлиги кг/м	Марказ оғирлиги гигача бўлган ўлчам Z_0 см	Ўқ x – x		Ўқ x ₁ – x ₂		Ўқ x ₀ – x ₀		Ўқ y ₀ – y ₀		Иккита бурчакли учун инерция радиуси 1мм да.	
b	t				I_x см ⁴	i_x см	I_{x1} см ⁴	I_{x0} см ⁴	i_{x0} см	I_y см ⁴	i_{y0} см	10		12
50	5	4,8	3,77	1,42	11,2	1,53	20,9	17,8	1,92	4,63	0,98	2,45	2,63	2,61
56	5	5,41	4,25	1,57	16	1,72	29,2	25,4	2,16	6,59	1,1	2,69	2,77	2,85
63	5	6,13	4,81	1,74	23,1	1,94	41,5	36,6	2,44	9,52	1,25	2,96	3,04	3,12
	6	7,28	5,72	1,78	27,1	1,93	50	42,9	2,43	11,2	1,24	2,99	3,06	3,14
70	5	6,86	5,38	1,9	31,9	2,16	56,7	50,7	2,72	13,2	1,39	3,23	3,3	3,38
	6	8,15	6,39	1,94	37,6	2,15	68,4	59,6	2,71	15,5	1,38	3,25	3,33	3,4
75	5	7,39	5,8	2,02	39,5	2,31	69,6	62,6	2,91	16,4	1,49	3,42	3,49	3,57
	6	8,78	6,89	2,06	46,6	2,3	83,9	73,9	2,9	19,3	1,48	3,44	3,52	3,6
80	6	9,38	7,36	2,19	57	2,47	102	90,4	3,11	23,5	1,58	3,65	3,72	3,8
	7	10,8	8,51	2,23	65,3	2,45	119	104	3,09	27	1,58	3,67	3,75	3,82
90	7	12,3	9,64	2,47	94,3	2,77	169	150	3,49	38,9	1,78	4,06	4,13	4,21
100	7	13,8	10,8	2,71	131	3,08	231	207	3,88	54,2	1,98	4,45	4,52	4,6
	8	15,6	12,2	2,75	147	3,07	265	233	3,87	60,9	1,98	4,47	4,54	4,62
100	10	19,2	15,1	2,83	179	3,05	333	284	3,84	74,1	1,96	4,52	4,59	4,67
110	8	17,2	13,5	3	198	3,39	353	315	4,28	81,8	2,18	4,87	4,95	5,02

1 – иловани давоми.

Үлчамлар, мм		Кесим юзаси A см ²	1м оғирлигиги кг/м	Марказ оғирлигигача бўлган ўлчам z ₀ см	Ўқ x – x		Ўқ x ₁ – x ₂		Ўқ x ₀ – x ₀		Ўқ y ₀ – y ₀		Иккита бурчакли учун инерция радиуси 1мм да.		
b	t				I _x см ⁴	i _x см	I _{x1} см ⁴	I _{x0} см ⁴	i _{x0} см	I _y см ⁴	i _{y0} см	10	12	14	
125	9	22	17,3	3,4	327	3,86	582	520	4,86	135	2,48	5,48	5,56	5,63	
	10	24,3	19,1	3,45	360	3,85	649	571	4,84	149	2,47	5,52	5,58	5,66	
140	10	27,3	21,5	3,82	512	4,33	911	814	5,46	211	2,78	6,12	6,19	6,26	
160	10	31,4	24,7	4,3	774	4,96	1356	1229	6,25	319	3,19	6,91	6,97	7,05	
	12	37,4	29,4	4,39	913	4,94	1633	1450	6,23	376	3,17	6,95	7,02	7,09	
180	11	38,8	30,5	4,85	1216	5,6	2128	1933	7,06	500	3,59	7,74	7,81	7,83	
	12	42,2	33,1	4,89	1317	5,59	2324	2093	7,04	540	3,58	7,76	7,83	7,9	
200	12	47,1	37	5,37	1823	6,22	3182	2896	7,84	749	3,99	8,55	8,62	8,69	
	13	50,9	39,9	5,42	1961	6,21	3452	3116	7,83	805	3,98	8,58	8,64	8,71	
	14	54,6	42,8	5,46	2097	6,2	3722	3333	7,81	861	3,97	8,6	8,66	8,73	
	16	62	48,7	5,54	2363	6,17	4264	3755	7,78	970	3,96	8,64	8,7	8,77	
	20	76,5	60,1	5,7	2871	6,12	5355	4560	7,72	1182	3,93	8,72	8,79	8,86	
	25	94,3	74	5,89	3466	6,06	6733	5494	7,63	1438	3,91	8,81	8,88	8,95	
	30	111,5	87,6	6,07	4020	6,0	8130	6351	7,55	1688	3,89	8,9	8,97	9,05	


Тенгиз томонли бурчак пўлат ГОСТ 8510 – 86 дан олинган шартли белгилар.

2- илова



B – катта томоннинг эни
b – кичик томоннинг эни
t – томоннинг қалинлиги


I – инерция моменти
i – инерция радиуси



Үлчамлар, мм			Кесим юзаси A, см	1м оғирлиги кг/м	Марказ оғирлигигача бўлган үлчам		Ўқ x – x		Ўқ y – y		Ўқ и – и	Иккита бурчакли учун i _y инерция радиуси t мм да			Иккита бурчакли учун i _y инерция радиуси t мм да		
B	b	t			Y ₀ , см	x ₀ , см	I _x см ⁴	i _x см	I _y см ⁴	i _y см	i _и см	10	12	14	10	12	14
75	50	5	6,11	4,79	2,39	1,17	34,8	2,39	12,5	1,43	1,09	2,2	2,28	2,36	3,75	3,83	3,9
90	56	6	8,54	6,7	2,95	1,28	70,6	2,88	21,2	1,58	1,22	2,38	2,45	2,53	4,49	4,57	4,65
100	63	6	9,59	7,53	3,23	1,42	98,3	3,2	30,6	1,79	1,38	2,62	2,7	2,77	4,92	4,99	5,07
		7	11,1	8,7	3,28	1,46	113	3,19	35	1,78	1,37	2,64	2,72	2,78	4,95	5,02	5,1
110	70	8	13,9	10,9	3,61	1,64	172	3,51	54,6	1,98	1,52	2,92	2,99	3,07	5,41	5,49	5,56
125	80	8	16	12,5	4,05	1,84	256	4	83	2,28	1,75	3,27	3,34	3,41	6,06	6,13	6,21
		10	19,7	15,5	4,14	1,92	312	3,98	100	2,26	1,74	3,31	3,37	3,46	6,11	6,19	6,27
140	90	8	18	14,1	4,49	2,03	364	4,49	120	2,58	1,98	3,61	3,69	3,76	6,72	6,79	6,86
		10	22,2	17,5	4,58	2,12	444	4,47	146	2,56	1,96	3,67	3,74	3,82	6,77	6,84	6,92
160	100	9	22,9	18	5,19	2,23	606	5,15	186	2,85	2,2	3,95	4,02	4,09	7,67	7,75	7,82
		10	25,3	19,8	5,23	2,28	667	5,13	204	2,84	2,19	3,97	4,04	4,12	7,69	7,77	7,84
		12	30	23,6	5,32	2,36	784	5,11	239	2,82	2,18	4,02	4,09	4,16	7,74	7,82	7,9
180	110	10	28,3	22,2	5,88	2,44	952	5,8	276	3,12	2,42	4,29	4,36	4,43	8,62	8,7	8,77
		12	33,7	26,4	5,97	2,52	1123	5,77	324	3,1	2,4	4,33	4,4	4,47	8,67	8,75	8,22
200	125	11	34,9	27,4	6,5	2,79	1449	6,45	446	3,58	2,75	4,86	4,93	5	9,51	9,59	9,66
		12	37,9	29,7	6,54	2,83	1568	6,43	482	3,57	2,74	4,88	4,95	5,02	9,54	9,62	9,68
		14	43,9	34,4	6,62	2,91	1801	6,41	551	3,54	2,73	4,92	4,99	5,06	9,58	9,65	9,73
		16	49,8	39,1	6,71	2,99	2026	6,38	617	3,52	2,72	4,95	5,03	5,1	9,63	9,7	9,78

Күштавлар ГОСТ 8239 - 72дан олинган шартли белгилар

3 – илова.




h-түсін баландлығы
b-токасини эни
 t_w – деворни қалинлиғи
t – токасини ўртача қалинлиғи
R – ички айланиш радиуси

I – инерция моменти
W – момент қаршилиғи
S – статик моменти
i – инерция радиуси
 I_k – буралишдаги инерция моменти

Профиль- нинг номери	1м оғир- лиги кг/м	Үлчамлар, мм					Кесим юзаси A, см ²	Үқ x – x				Үқ y – y			I_k см ⁴
		h	b	t_w	t	R		I_x см ⁴	W_x см ³	i_x см	S_x см ³	I_y см ⁴	W_y см ³	i_y см	
10	9,46	100	55	4,5	7,2	7	12	198	39,7	4,06	23	17,9	6,49	1,22	2,28
12	11,5	120	64	4,8	7,3	7,5	14,7	350	58,4	4,88	33,7	27,9	8,72	1,38	2,88
14	13,7	140	73	4,9	7,5	8	17,4	572	81,7	5,73	46,8	41,9	11,5	1,55	3,59
16	15,9	160	81	5	7,8	8,5	20,2	873	109	6,57	62,3	58,6	14,5	1,7	4,46
18	18,4	180	90	5,1	8,1	9	23,4	1290	143	7,42	81,4	82,6	18,4	1,88	5,6
20	21	200	100	5,2	8,4	9,5	26,8	1840	184	8,28	104	115	23,1	2,07	6,92
22	24	220	110	5,4	8,7	10	30,6	2550	232	9,13	131	157	28,6	2,27	8,6
24	27,3	240	115	5,6	9,5	10,5	34,8	3460	289	9,97	163	198	34,5	2,37	11,1
27	31,5	270	125	6	9,8	11	40,2	5010	371	11,2	210	260	41,5	2,54	13,6
30	36,5	300	135	6,5	10,2	12	46,5	7080	472	12,3	268	337	49,9	2,69	17,4
33	42,2	330	140	7	11,2	13	53,8	9840	597	13,5	339	419	59,9	2,79	23,8
36	48,6	360	145	7,5	12,3	14	61,9	13380	743	14,7	423	516	71,1	2,89	31,4
40	57	400	155	8,3	13	15	72,6	19062	953	16,2	545	667	86,1	3,03	40,6
45	66,5	450	160	9	14,2	16	84,7	27696	1231	18,1	708	808	101	3,09	54,7
50	78,5	500	170	10	15,2	17	100	39727	1598	19,1	919	1043	123	3,23	75,4

Швеллерлар ГОСТ 82.40 - 72дан олинган шартли белгилар

4— илова




h-түсін баландлығи
b-токчасини эни
 t_w – деворни қалинлиғи
t – токчасини ўртача қалинлиғи
R – ички айланиш радиусы

I – инерция моменти
W – момент қаршилиғи
S – статик моменти
i – инерция радиуси
 I_k – буралишдаги инерция моменти

Z_0 – ташқи юзадан y – y ўқигача бўлган ўлчам

Профил- нинг номери	1м оғир- лиги кг/м	Ўлчамлар, мм					Кесим юзаси A, см ²	Ўқ x – x				Ўқ y – y				I_k см ⁴
		h	b	t_w	t	R		I_x см ⁴	W_x см ³	i_x см	S_x см ³	I_y см ⁴	W_y см ³	i_y см	S_y см ³	
5	4,84	50	32	4,4	7	6	6,16	22,8	9,10	1,92	5,59	5,61	2,75	0,954	1,16	1
6,5	5,9	65	36	4,4	7,2	6	7,51	48,6	15	2,54	9	8,7	3,68	1,08	1,24	1,2
8	7,05	80	40	4,5	7,4	6,5	8,98	89,4	22,4	3,16	13,3	12,8	4,75	1,19	1,31	1,52
10	8,59	100	46	4,5	7,6	7	10,9	174	34,8	3,99	20,4	20,4	6,46	1,37	1,44	1,96
12	10,4	120	52	4,8	7,8	7,5	13,3	304	50,6	4,78	29,6	31,2	8,52	1,53	1,54	2,56
14	12,3	140	58	4,9	8,1	8	15,6	491	70,2	5,6	40,8	45,4	11	1,7	1,67	3,19
16	14,2	160	64	5	8,4	8,5	18,1	747	93,4	6,42	54,1	63,3	13,8	1,87	1,8	3,97
18	16,3	180	70	5,1	8,7	9	20,7	1090	121	7,24	69,8	86	17	2,04	1,94	4,87
20	18,4	200	76	5,2	9	9,5	23,4	1520	152	8,07	87,8	113	20,5	2,2	2,07	5,9
22	21	220	82	5,4	9,5	10	26,7,	2110	192	8,89	110	151	25,1	2,37	2,21	7,48
24	24	240	90	5,6	10	10,5	30,6	2900	242	9,73	139	208	31,6	2,6	2,42	9,6
27	27,7	270	95	6	10,5	11	35,2	4160	308	10,9	178	262	37,3	2,73	2,47	11,98
30	31,8	300	100	6,5	11	12	40,5	5810	387	12	224	327	43,6	2,84	2,52	14,98
33	36,5	330	105	7	11,7	13	46,5	7980	484	13,1	281	410	51,8	2,97	2,59	19,21
36	41,9	360	110	7,5	12,6	14	53,4	10820	601	14,2	350	513	61,7	3,1	2,68	25,1
40	48,3	400	115	8	13,5	15	61,5	15220	761	15,7	444	642	73,4	3,23	2,75	32,41



7 жадвал. Қўштаврлар ва таврлар параллел токчали ГОСТ 535 – 88 дан олинган.

Таврдаги ўлчамлар қўштаврдагини ярмига тенг.

Б – нормал профилли тўсин: Ш – кенг токчали: К – устунбоп.

5 – илова

Профил- нинг номери	h, мм	A, см ²	q, кг/м	Қўштаврлар					Қўштаврлар ва таврлар			Таврлар				
				Ўқ x – x			Ўқ y – y			b, мм	t _w мм	t _f мм	z ₀ , см	Ўқ x ₁ – x ₁		Профил- нинг номери
				I _x см ⁴	W _x см ³	i _x см	I _y см ⁴	W _y см ³	i _y , i _{ут} см					I _{xt} , см ⁴	i _{xt} , см	
20 Б1	198	25,7	20,2	1730	174	8,19	127	25,2	2,22	100	5,2	7,6	2,23	63,6	2,87	10 БТ1
23 Б1	227,3	30,1	23,6	2660	234	9,41	176	32	2,42	110	5,4	7,9	2,59	87,9	3,34	11,5БТ1
26 Б1	257,6	35,3	27,7	4020	312	10,7	246	40,9	2,64	120	5,6	8,5	2,91	123	3,78	13 БТ1
30 Б1	297,6	41,5	32,6	6320	424	12,3	390	55,5	3,06	140	5,8	8,5	3,37	195	4,42	15 БТ1
35 Б1	346,6	48,7	38,2	10000	577	14,3	547	70,6	3,35	155	6	8,8	3,98	274	5,21	17,5БТ1
40 Б1	395,8	60,1	47,2	15810	799	16,8	736	89,2	3,5	165	6,8	9,8	4,73	368	6,02	20 БТ1
45 Б1	445,4	74,6	58,5	24690	1110	18,2	1070	119	3,79	180	7,6	11	5,39	536	6,8	22,5БТ1
50 Б1	495,1	91,8	72,1	37670	1520	20,3	1630	163	4,22	200	8,44	12,2	5,99	816	7,57	25 БТ1
55 Б1	545,2	110	86,3	54480	2000	22,3	2280	212	4,55	215	9,2	13,7	6,62	1140	8,34	27,5БТ1
60 Б1	594,2	131	103	77430	2610	24,3	3130	272	4,88	230	10	15,4	7,18	1570	9,06	30 БТ1
70 Б1	693,6	162	140	146000	3630	27,9	4550	350	5,31	260	11,5	15,5	8,98	2280	10,8	35 БТ1
80 Б1	791,6	197	155	194370	4910	31,4	5670	420	5,36	270	13	17,2	10,8	2830	12,5	40 БТ1
90 Б1	893,2	245	193	309020	6920	35,5	9270	598	6,15	310	14,3	18,6	12,1	4640	14,1	45 БТ1
100Б1	990	289	227	442460	8940	39,1	11510	720	6,31	320	15,5	21	13,7	5760	15,7	50 БТ1

5— иловани давоми

Күштаврлар										Күштаврлар ва таврлар			Таврлар			
Профил-нинг номери	h, мм	A, см ²	Q, кг/м	Ўқ x – x			Ўқ y – y			b, мм	t _w мм	t _f мм	z ₀ , см	Ўқ x ₁ – x ₁		Профил-нинг номери
				I _x см ⁴	W _x см ³	i _x см	I _y см ⁴	W _y см ³	i _y , i _{ут} см					I _{xt} см ⁴	i _{xt} см	
20 Ш1	191,8	37,1	29,2	2510	261	8,22	479	63,9	3,59	150	5,8	8,5	1,76	239	2,51	10 ШТ1
26 Ш1	250,8	54,6	42,8	6280	501	10,7	993	110	4,27	180	6,8	10,2	2,34	497	3,34	13 ШТ1
30 Ш1	291	67,7	53,2	10460	719	12,4	1500	150	4,7	200	7,5	11,2	2,76	748	3,93	15 ШТ1
35 Ш1	338,6	94	73,8	19960	1180	14,6	3340	267	5,96	250	8,5	12,8	3,07	1670	4,5	17,5ШТ1
40 Ш1	388,6	124	97	34850	1790	16,8	6400	426	7,19	300	9,5	14,2	3,44	3200	5,13	20 ШТ1
50 Ш1	484,2	143	112	60510	2500	20,6	6760	451	6,88	300	10,4	15	4,8	3380	1	25 ШТ1
60 Ш1	579,4	179	140	106520	3680	24,4	9300	581	7,21	320	11,6	17	6,03	4650	8,34	30 ШТ1
70 Ш1	683	213	167	171660	5030	28,4	10510	657	7,02	320	12,8	19,2	7,63	5260	10,1	35 ШТ1
80 Ш1	779,2	258	203	265170	6810	32	13790	811	7,3	340	14,5	21	9,17	6900	11,8	40 ШТ1
90 Ш1	882	310	244	402160	9120	36	17940	997	7,6	360	16	23	10,7	8970	13,5	45 ШТ1
100Ш1	978	369	290	590550	12080	40	26740	1340	8,51	400	17	25	11,8	13370	14,9	50 ШТ1
20 K1	194,4	51,7	40,6	3730	383	8,49	1310	131	5,03	200	6,3	9,8	1,55	654	2,31	10 KT1
23 K1	222,8	65,1	51,1	6260	562	9,8	2400	200	6,07	240	6,7	10,4	1,7	1200	2,63	11,5KT1
26 K1	252,4	75,5	59,3	9330	739	11,1	3220	248	6,53	260	7	11	1,92	1610	3,01	13 KT1
30 K1	295,6	107	83,7	17970	1220	13	6080	405	7,55	300	8,5	13,5	2,29	3040	3,53	15 KT1
35 K1	343	138	108	31430	1830	15,1	10720	613	8,83	350	9,3	15	2,59	5360	4,08	17,5KT1
40 K1	392,6	173	136	51410	2620	17,3	17290	864	10	400	10,8	16,2	3,05	8640	4,79	20 KT1
40 K3	400,6	212	166	64960	3240	17,5	21850	1090	10,2	401,8	12,6	20,2	3,18	10930	4,78	20 KT3
40 K6	415,2	289	227	91990	4430	17,8	30740	1510	10,3	406,2	17	27,5	3,77	17280	4,91	20 KT6
40 K9	434,2	392	308	130890	6030	18,3	43240	2100	10,5	412,2	23	37	4,45	24850	5,12	20 KT9

Чегаравий ҳолатларнинг биринчи R_s , R_{sw} , R_{sc} ва иккинчи $R_{s,ser}=R_{sn}$ МПа гурухлари учун стерженли арматуранинг ҳисобий қаршиликлари

Қаршилик кўрсаткичлари	Арматура синфи								
	A -I	A -II	A –III диа- метри, мм		A –III _b назоратли		A-IV	A -V	A -VI
			6...8	10...40	Фақат уз- йиш	Уза- йиш ва кучла- ниш			
Бўйлама арматуранинг чўзилишга қаршилиги, R_s	225	280	335	365	490	450	510	680	815
Кўндаланг арматуранинг чўзилишга қаршилиги, $R_{sw}=R_{s,inc}$	175	225	285	295	390	360	405	545	650
Сиқилиш қаршилиги, R_{sc}	225	280	355	365	200	200	400	400	400
Чўзилиш қаршилиги, $R_{s,ser}=R_{sn}$	235	293	390	390	540	540	590	785	980

Эслатма: Пайвандланган каркасларда диаметри бўйлама стерженлар диаметрининг 1/3 қисмидан кам бўлган , А-III синфли арматура хомутлари учун $R_{sw}=255$ МПа олинади.

**Чегаравий ҳолатларнинг биринчи R_s , R_{sw} , R_{sc} ва иккинчи $R_{s,ser}=R_{sn}$ МПа
түрүхлари учун сим арматуранинг ҳисобий қаршиликлари**

Арматура синфи	Арматура диаметри, мм	Чўзилиш қаршилиги		Сиқилиш қаршилиги, R_{sc}	Чўзилиш қаршилиги, $R_{s,ser}=R_{sn}$
		Бўйлама арматура, R_s	Кўндаланг арматура, $R_{s,w}=R_{sn}$		
B _p -I	3	375	270/300	375	410
	4	365	265/295	365	405
	5	360	260/290	360	395
B-II	3	1240	990	400	1490
	4	1180	940	400	1410
	5	1110	890	400	1335
	6	1050	835	400	1255
	7	980	785	400	1175
	8	915	730	400	1100
B _p -II	3	1215	970	400	1460
	4	1145	915	400	1370
	5	1045	835	400	1255
	6	980	785	400	1175
	7	915	730	400	1100
	8	850	680	400	1020
K-7	6	1210	965	400	1450
	9	1145	915	400	1370
	12	1110	890	400	1335
	15	1080	865	400	1295
K-19	14	1175	940	400	1410

Эслатма: Касир чизиги остиди тўқима каркасларда кўндаланг арматура R_s нинг қийматлари берилган

Арматура арқонларининг (канат) турлари

Арқон синфи	Диаметри, мм		Күндаланг кесимнинг хисобий юзаси, см ²	Арқоннинг назарий массаси, кг
	Арқон	Алоҳида сим		
K-7	6	2	0.227	0.173
	9	3	0.510	0.402
	12	4	0.906	0.714
	15	5	1.416	1.116
K-19	14	2.8	1.287	1.020
K 2x7	18	3	1.019	0.801
	13	2	0.678	0.583
K 3x7	20	3	1.527	1.209
	16.5	1.5	1.031	0.795
K 3x19	22	2	1.809	1.419

Арматура турлари (сортамент)

Диаметр, мм	Кўндаланг кесимнинг ҳисобий юзаси, см ² , стерженлар сони										Масса 1 м,кг	Арматура									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		Стерженли арматура синфлари						Симли арматура синфлари			
												A-I	A-II	A-III	A-IV	A-V	A-VI	B _p -I	B-II	B _p II	
3	0.071	0.14	0.21	0.28	0.35	0.42	0.49	0.57	0.64	0.71	0.055	-	-	-	-	-	-	X	-	-	
4	0.126	0.25	0.36	0.50	0.63	0.76	0.88	1.01	1.13	1.26	0.098	-	-	-	-	-	-	X	X	-	
5	0.196	0.39	0.59	0.79	0.98	1.18	1.37	1.57	1.77	1.96	0.154	-	-	-	-	-	-	X	X	X	
6	0.283	0.57	0.86	1.13	1.42	1.7	1.98	2.26	2.55	2.83	0.222	X	-	X	-	-	-	-	X	X	
7	0.385	0.77	1.15	1.54	1.92	2.31	2.69	3.08	3.46	3.85	0.302	-	-	-	-	-	-	-	X	X	
8	0.503	1.01	1.51	2.01	2.51	3.02	3.52	4.02	4.53	5.03	0.395	X	-	X	-	-	-	-	-	X	X
10	0.789	1.57	2.36	3.14	3.93	4.71	5.50	6.28	7.07	7.85	0.617	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
12	1.131	2.26	3.39	4.52	5.65	6.79	7.92	9.05	10.18	11.31	0.888	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
14	1.539	3.08	4.62	6.16	7.69	9.23	10.77	12.31	13.85	15.39	1.208	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
16	2.011	4.02	6.03	8.04	10.05	12.06	14.07	16.08	18.1	20.11	1.578	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
18	2.545	5.09	7.63	10.18	12.72	15.27	17.81	20.36	22.9	25.45	1.998	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
20	3.142	6.28	9.41	12.56	15.71	18.85	21.99	25.14	28.28	31.42	2.466	-	X	X	X	X	X	X	-	-	-
22	3.801	7.60	11.04	15.2	19.0	22.81	26.61	30.41	34.21	38.01	2.984	X	X	X	X	X	X	X	-	-	-
25	4.909	9.82	14.73	19.63	24.54	29.45	34.36	39.27	44.13	49.09	3.853	-	X	X	X	X	X	X	-	-	-
28	6.158	12.32	18.47	24.63	30.79	36.95	43.1	49.26	55.42	61.58	4.834	-	X	X	X	X	X	X	-	-	-
32	8.042	16.08	24.13	32.17	40.21	48.25	56.3	64.34	72.38	80.42	6.313	-	X	X	X	X	X	X	-	-	-
36	10.18	20.36	30.54	40.72	50.59	61.08	71.26	81.44	91.62	101.8	7.990	-	-	X	-	-	-	-	-	-	
40	12.56	25.12	37.68	50.24	62.8	75.36	87.92	100.4	113.04	125.6	9.805	-	-	X	-	-	-	-	-	-	
										8											

Эслатма «X» рамзи билан ишлаб чиқарадиган диаметрлар белгиланган

Темирбетон конструкцияларининг ёриқбардошлигига қўйиладиган талаблар тоифаси ҳамда арматурани рухсат этилган ёриқлар кенгайишининг чегаравий қийматлари a_{crc1} ва a_{crc2} , мм

Конструкциянинг ишлаш шароити	Арматура синфлари		
	A-I, A-II,A-III,A-III _B ва A-IV синфли стерженли; B-I ва B _P -I синфли сим арматура	A-V ва A-VI синфли стерженли B-II, B _P -II,K-7,K-19 синфли сим арматура, диаметри 3,5 мм ва ундан ортиқ	B-II, B _P -II ва K-7синфли сим арматура, диаметри 3мм ва ундан кам
1.Ёпиқ бинода	3-тоифа $a_{crc1}=0.4$ $a_{crc2}=0.3$	3-тоифа $a_{crc1}=0.3$ $a_{crc2}=0.2$	3-тоифа $a_{crc1}=0.2$ $a_{crc2}=0.1$
2.Очиқ ҳавода, шунингдек грунтда ер ости сувлари сатхидан юқори ёки пастда	3-тоифа $a_{crc1}=0.4$ $a_{crc2}=0.3$	3-тоифа $a_{crc1}=0.2$ $a_{crc2}=0.1$	3-тоифа $a_{crc1}=0.2$
3. Эр ости сувлари сатхи ўзгарадиган гурунларда	3-тоифа $a_{crc1}=0.3$ $a_{crc2}=0.2$	2-тоифа $a_{crc1}=0.2$	2-тоифа $a_{crc1}=0.1$

Чегаравий ҳолатларнинг биринчи R_b ва R_{bt} , шунингдек иккинчи $R_{s,ser} = R_{bn}$ ва $R_{bt,ser} = R_{btn}$, МПагурухлари учун оғир, А гурӯхли майда донали ва енгил бетонларнинг ҳисобий қаршиликлари

Қаршилик тури	Сиқилиш мустаҳкамлиги бўйича бетон синфлари														
	B 3,5	B 5	B 7,5	B 10	B 12,5	B 15	B 20	B 25	B 30	B 35	B 40	B 45	B 50	B 55	B 60
Ўқ бўйлаб сиқилиш	$R_b = 2.1$ $R_{b,ser} = 2.7$	2.8 3.5	4.5 5.5	6 7.5	7.5 9.5	8.5 11	11.5 15	14.5 18.5	17 22	19.5 25.5	22 29	25 32	27.5 36	30 39.5	33 43
Ўқ бўйлаб чўзилиш	$R_{bt} = 0.26$ $R_{bt,ser} = 0.39$	0.37 0.55	0.48 0.7	0.57 0.85	0.66 1	0.75 1.15	0.9 1.4	1.05 1.6	1.2 1.8	1.3 1.95	1.4 2.1	1.45 2.2	1.55 2.3	1.6 2.4	1.65 2.5

Эслатма.Бетон синфи B45 ва ундан юқори бўлса, оғирбетонларга тегишили бўлади.

Сиқилиш ва чўзилишдаги бошланғич эластиклиқмодуллари $E_b * 10^3$, МПа

Бетон	Бетоннинг сиқилиш мустаҳкамлиги бўйича синфи														
	B 3,5	B 5	B 7,5	B 10	B 12,5	B 15	B 20	B 25	B 30	B 35	B 40	B 45	B 50	B 55	B 60
Оғир бетонлар: Табиий шароитда қотадиган	9.5	13.0	16.0	18.0	21.0	23.0	27.0	30.0	32.5	34.5	36.0	37.5	39.0	39.5	40.0
Атмасфера босими остида иссиқ ишлов берилган	8.5	11.5	14.5	16.0	19.0	20.5	24.0	27.0	29.0	31.0	32.5	34.0	35.0	35.5	36.0
Автоклавда ишлов берилган	7.0	9.8	12.0	13.5	16.0	17.0	20.0	22.5	24.5	26.0	27.0	28.0	29.0	29.5	30.0
Майда донали гурухлар: А-табиий шароитда қотадиган	7.0	10.0	13.5	15.5	17.5	19.5	22.0	24.0	26.0	27.5	28.5	-	-	-	
Иссиқ ишлов берилган	6.5	9.0	12.5	14.0	15.5	17.0	20.0	21.5	23.0	24.0	24.5	-	-	-	-
Б-табиий шароитда қотадиган	6.5	9.0	12.5	14.0	15.6	17.0	20.0	21.5	23.0	-	-	-	-	-	
Иссиқ ишлов берилган	5.5	8.0	11.5	13.0	14.5	15.5	17.5	19.0	20.5	-	-	-	-	-	-

12- иловани давоми

В-автоклавда қотадиган	-	-	-	-	-	16.5	18.0	19.5	21.0	22.0	23.0	23.5	24.0	24.5	25
Зичлигига қараб, енгил ва ковакли бетонлар:															
800	4.5	5.0	5.5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1000	5.5	6.3	7.2	8.0	8.4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1200	6.7	7.6	8.7	9.5	10.0	10.5	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1400	7.8	8.8	10.0	11.0	12.5	13.5	14.5	15.5	-	-	-	-	-	-	-
1600	9.0	10.0	11.5	12.5	13.2	14.0	15.5	16.5	17.5	18.5	-	-	-	-	-
1800	-	11.2	13.0	14.0	14.7	15.5	17.0	18.5	19.5	20.5	21.0	-	-	-	-
2000	-	-	14.5	16.0	17.0	18.0	19.5	21.0	22.0	23.0	23.5	-	-	-	-

Эслатма. зўриқтириладиган бетонлар учун E_b ни олишда, оғир бетон учун берилган қийматни $a=0.66+0.06$ В га
кўпайтирилади.

аr-коэффициентнинг чегаравий қийматлари

Арматура синфи	γ_{b2}	Бетон синфи							
		B15	B20	B25	B30	B35	B40	B45	B50
A-I	0.09	0.461	0.457	0.451	0.446	0.441	0.435	0.43	0.424
	1.0	0.453	0.447	0.439	0.433	0.426	0.419	0.412	0.405
	1.1	0.451	0.444	0.438	0.43	0.421	0.414	0.405	0.398
A-II	0.9	0.455	0.451	0.445	0.438	0.434	0.427	0.422	0.415
	1.0	0.445	0.439	0.43	0.423	0.416	0.409	0.401	0.393
	1.1	0.443	0.435	0.429	0.42	0.411	0.403	0.393	0.386
A-III	0.9	0.448	0.443	0.437	0.43	0.425	0.418	0.412	0.405
	1.0	0.436	0.429	0.420	0.412	0.405	0.397	0.389	0.381
	1.1	0.434	0.425	0.418	0.408	0.339	0.391	0.381	0.372
A-IV	0.9	-	0.44	0.43	0.42	0.42	0.41	0.40	0.40
	1.0	-	0.42	0.41	0.40	0.39	0.38	0.37	0.36
	1.1	-	0.42	0.41	0.40	0.39	0.38	0.37	0.36
A-V	0.9	-	0.41	0.4	0.39	0.385	0.38	0.37	0.36
	1;1,1	-	0.38	0.37	0.36	0.35	0.34	0.33	0.32
A-VI	1;1,1	-	0.36	0.345	0.33	0.32	0.31	0.30	0.29
K-7 (d=12;15мм)			0.34	0.345	0.31	0.3	0.29	0.28	0.27
B-II(d=5;6мм)									
B _p -II (d=4;5мм)									

АДАБИЁТЛАР

1. Аскаров Б.А. Қурилиш конструкциялари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Аскаров Б.А., Низомов Ш.Р. Темирбетон ва тош – ғишт конструкциялари. Т., Иқтисод – молия, 2008.
3. Ашрабов А.А., Зайцев Ю.В. Қурилиш конструкциялари. Т., Ўқитувчи, 1988.
4. Байков В.Н., Сигалов Э.Е. Железобетоннке конструкции. М., 1991.
5. Хобилов Б.А. Иншоотлар динамикаси ва зилзила-бордошлиги. Т., Ўқитувчи. 1988.
6. Конструкции из дерева и пластмасс. Под ред. Г.Г.Карсена и Ю.В.Спицкоухова, М.Стройиздат, 1986.
7. К.И.Рузиев «Деревяннке и пластмассовке конструкции зданий» «Ўқитувчи» 1987.
8. Г.Н.Зубарев «Деревяннке и пластмассовке конструкции» М. 1991.
9. В.М.Хрулев «Справочник строителя - Деревяннке конструкции и детали» М., Стройиздат.1995.
10. К.И.Рузиев, М.А.Алимов. «Бинонинг ёғоч ва пластмасса тузилмалари» 1993.
11. ҚМҚ 2.03.08-98 «Ёғоч конструкциялари» 1998.
12. Берлинов М.В., Ягупов Б.А. Примеры расчета оснований и фундаментов - М.: 1986.
13. Веселов В.А. Проектирование оснований и фундаментов (Основы теории и примеры расчета). Учебное пособие для Вузов - 3-е изд., перераб. и доп. - М., Стройиздат, 1990.
14. Далматов Б.И. Механика грунтов, основания и фундаментқ. Л., Стройиздат, 1988.

15. Далматов Б.И., Морарескум Н.Н., Науменко В.Г. Проектирование фундаментов зданий и промышленных сооружений. М., Высш.шк., 1986.
16. М.Мирзаахмедов - Замин ва пойдеворлар хисоби. Ўқув қўлланма, ТошПИ. Тошкент, 1991.
17. Расулов X.З. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар - Олий ўқув юрти қурилиш ихтисослиги талабалари учун дарслик – «Ўқитувчи», 1993.
18. Рўзиев К.И. Давлятов М.А.Турсунов С. Мирзаахмедов А.Т., Махкамов Й.М., Ашурев М. Қурилиш конструкциялари. Фарғона 2010.
19. Швецов Г.И. Инженерная геология, механика грунтов, основания и фундаменты. М.: Высш. шк. 1997.
20. ҚМҚ 2.02.01-98 - Бино ва иншоотлар заминлари. Ўзб.Рес.Дав. архитектқурилиш қўмитаси, 1999.
21. ҚМҚ 2.02.03-98 - Қозиқли пойдеворлар. Ўзб.Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1999.
22. ҚМҚ 3.02.01-97 - Тупроқ иншоотлар, замин ва пойдеворлари. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1998.
23. ҚМҚ 2.01.01-94 Лойиҳалаш учун иқлимий-геологик маълумотлар. Ўзб.Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1998.
24. ҚМҚ 2.01.07-96 Юклар ва таъсирлар. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1996.
25. ҚМҚ 2.03.01-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1996.
26. ҚМҚ 2.03.07-98 Тош ва ўзактош қурилмалар. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, 1998.